Н.Санаев, А.Тўлаев, Ҳ.Тилавов, Ғ.Санаев

Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари

кичик ва хусусий бизнес корхоналари

дарслик



Ўзбекистон Республикаси Олий ва
ўрта махсус таълим вазирлиги
Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва
сув хўжалиги вазирлиги

Самарқанд қишлоқ хўжалик институти

Н.Санаев, А.Тўлаев, Ҳ. Тилавов, Ғ.Санаев

Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари

(кичик ва хусусий бизнес корхоналари)

дарслик

Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти
Тошкент - 2006

65.9(2)152
С 18

Санаев Н. ва бошқалар.

Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари. дарслик. Т. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси нашриёти, 2006. 208-бет .

Тақризчилар: Б.Хасанов – Тошкент молия институтининг профессори, и.ф.д.

И.Р.Рўзиев – Қарши муҳандислик иқтисодиёт институтининг профессори, и.ф.д.

М.К.Пардаев – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг профессори, и.ф.д.

О.Б.Бобожанов – Тошкент иқтисодиёт университетининг доценти, и.ф.н.

К.У.Уразов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтинингдоценти, и.ф.н.

Т.Қудратов, А.И.Аликулов – Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг доцентлари ва и.ф.н. лари

Ушбу дарслик фермер хўжаликлари, кичик ва хусусий бизнес корхоналарида энг истиқболли бухгалтерия ҳисобини юритишга қаратилган. Дарслик республикамизда бозор иқтисодиётига ўтишдаги туб иқтисодий ислоҳотлар, иқтисодиётни эркинлаштириш ва халқ хўжалигини модернизациялаш, янги таҳрирдаги «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонун талабларига мос равишда ҳамда «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида тайёрланган. Шуни алоҳида қайд қилиш лозимки, ушбу йўналишдаги дарслик республикамизнинг мустақиллик йилларида биринчи марта тўлиқ нашрдан чиқарилмоқда, бу эса унинг аҳамиятини янада оширади деб ўйлаймиз.

Дарслик агросаноат мажмуида турли хил мулк шаклларига асосланган хўжалик юритувчи субъектлар фаолият кўрсатаётган ҳамда стратегик йўналиш – мулкдорлар синфи вужудга келаётган, шунингдек, кичик ва хусусий бизнес учун катта имкониятлар яратилаётган бир даврда ҳамда жаҳон бухгалтерия ҳисобининг интеграциялашуви жараёнида «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонун, ЎзРБҲМС лари, фермерлар учун ўқув режаси ва намунавий дастур талаблари асосида оммабоп қилиб ёзилган. Энг муҳими, ушбу дарслик республикамизда қабул қилинган меъёрий ҳужжатларни амалиётга тадбиқ қилиш, қўллаш механизмини яратилиши борасидаги баёнлар билан ҳам қимматлидир.

Дарслик бухгалтер ва иқтисодчиларга, шунингдек бухгалтерия ҳисоби фанига қизиқувчи оммага мўлжалланган.

КИРИШ

Жамиятда заруриятдир бухгалтерия ҳисоби,
Замон ва маконда счётларда кўринур бойликлар ўзгариши,
Мулк ва меҳнат, маблағ ва манбалар, барча муносабатлар ўзгариши.
Икки ёқлама ёзув, услуб, баланс ва ҳисобот кўзланганда – кўзгу,
Ўткир назар, хизмат ва товар ифодалар бугун бозор раъйини.
Янги рўзғор каби хўжалик юритиш фермерга хос оқубат орзу,
Тадбиркорда тугилган ғоя, мақсад, туйғу, ҳиссиёт, бизнес – қарз.
Мулкдор, сенга берган иймондир, суннат ва фарз,
Бозорда хизмат ва товар муносабатларидан келадиган «наф», тариф тушунчасини таъриф қилди Мурод устоз.

Н.Санаев

Мамлакатимизда бозорли иқтисодиётга ўз йўли билан, аҳолининг ночор қатламларини қаттиқ ижтимоий ҳимоялашга алоҳида эътибор берган ҳолда иқтисодиётни эркинлаштириш, хусусийлаштиришни босқичма-босқич амалга ошириш асосида ўтилмоқда. Халқ хўжалиги тизимида бир қатор тармоқлар, хусусан ёнилғи-энергетика, машинасозлик тармоқлари янгидан вужудга келтирилмоқда. Демак, республикамизда туб иқтисодий ислоҳотлар, иқтисоднинг сиёсатдан устуворлиги шароитида анча барқарор молиявий аҳвол вужудга келмоқда.

Мазкур иқтисодий ислоҳотлар агросаноат мажмуи корхоналарини ҳам қамраб олмоқда. Натижада қишлоқда бозорга ўтишнинг стратегик йўналиши, агросаноат интеграцион жараёни кенг кўламда амалга оширилмоқда. Шу сабабли, бу туб иқтисодий ислоҳотлар бухгалтерия ҳисобида ҳам тегишли ўзгаришлар ва янгиликларни киритишни тақозо қилмоқда.

Маълумки, счётлар режаси халқ хўжалигида ва унинг асосий звеноси ҳисобланган корхоналарда хўжалик механизми, уларнинг фаолиятига иқтисодий тавсифнома, умумий ахборотлар тарқиби ҳақидаги маълумотларни бошқарувчиларга, мутахассисларга етказувчи асосий восита ролини ўйнаб келган ва келмоқда.

AXBOROT-RESURS MARKAZI
119247

Счётлар режаси, дастлабки ва бухгалтерия учётлари ҳар бир давлатда иқтисодий муносабатларни акс эттирувчи норматив ҳужжатдир. Шунинг учун ҳам мамлакатнинг тарихий иқтисодий ривожланиши жараёнида вужудга келаётган вазият, ўтказиладиган ислоҳотларга қараб счётлар режаси доимо улар билан ҳамнафас ўзгариб туриши давр талабига мос заруратдир.

Сиёсий мустақилликни қўлга киритган мамлакатимизда узоқ йиллар давом этиб келган марказлашган маъмурий бошқарув иродасини акс эттирувчи счётлар режаси бугунги кунда турлича мулк шаклларига асосланган хўжалик субъектларининг (корхоналарнинг) ташкил топиши, бозор муносабатларига ўтишга асосланган туб иқтисодий ислоҳот даври талабига мутлақо жавоб бермай қолди. Бу эса ўз навбатида янги давр талабини ифода этиб, бутун дунё бухгалтерия стандартларига мос счётлар режасини турмушга тадбиқ қилишни ҳаётий зарурият қилиб қўйди. Айниқса, корхоналарга давлатнинг иқтисодий муносабатлари ўзгариши давлат ва корхона талабларига мос бўлган принцип жиҳатидан мутлақо янги мазмунга эга счётларни, счётлар режасини ишлаб чиқишни талаб қилди ва у ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий қилинди.

Амалга оширилаётган туб иқтисодий ислоҳот, бутун халқ хўжалигида, тармоқ, корхона ҳамда корхоналар ичидаги ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги иқтисодий муносабатларда ривожланган давлатлардаги сингари бозор муносабатларининг жорий қилиниши бухгалтерия ҳисоби олдига катта-катта, аҳамият жиҳатидан ислоҳот билан тенг масъулиятни юкламоқда, унинг ролини ошириб, уни фундаментал фанга айланишига кенг йўл очиб берди.

Бу фикрни қисқача асослашга бир уриниб кўрайлик, шунчаки бу фаннинг фундаменталлигини асослашни бизнинг хоҳишимиз эмас, балки ҳаёт, давр талаби тақозо қилмоқда. Жумладан, жамият аъзолари, корхона билан давлат, корхона ичидаги барча ишлаб чиқариш бўлинмаларининг ўзаро иқтисодий муносабатларини (бунда биз иқтисодий назария фанидаги ишлаб чиқариш муносабатларининг турмушда тадбиқ қилиниши акс эттирилишини кўзда тутмоқдамиз) юридик жиҳатидан фақатгина бухгалтерия учётида акс эттирилишини иқтисодчи ёки ҳар бир мамлакатимиз фуқароси инкор қилмайди. Шунингдек, чет эллик ёки маҳаллий экспертлар, олимлар, давлат арбоблари халқимизнинг моддий, маънавий турмуши, хўжалик жараёнлари, яъни тайёрлов, ишлаб чиқариш, истеъмол, алмашув, реализация ва бошқа соҳалардаги иқтисодий даражадаги маълумотларни фақатгина бухгалтерия учёти ва ҳисоботлари орқали биладилар ва шуларга асосланиб хулоса қиладилар.

Мамлакатимизда қабул қилинаётган ҳар бир қонун ва қарорлар аввало инсонларни бирлаштирган корхоналар ва муассасалар бухгалтериясида амалга оширилади. Хўжаликни бошқаришда фойдаланиладиган иқтисодий, ишлаб чиқариш, ахборот маълумотларига база сифатида асосланиб, маълум вазият юзасидан хўжалик муаммоси ечими учун қарор қабул қилинар экан, бу маълумотлар ҳам фақат бухгалтерия ҳужжатларида акс этади ва улардан олинади. Ҳатто жамиятимизда айрим кишилар томонидан иқтисодий зиён етказаётган кишилар тақдирини, қонунлар олдидаги масъулиятини белгилашда ҳам бухгалтерия учёти маълумотларига асосланилади. Бундай фикрларни узлуксиз давом эттириш мумкин. Демак, хулоса шуки, шу бугунгача бухгалтерия учёти фанини фундаментал фан сифатида тан олмаётган айрим мутахассисларга, азиз китобхонлар, бухгалтерия фанининг фундаментал фан эканлигини маълум даражада уқтирдик деб ўйлаймиз.

Туб иқтисодий ислоҳотлар ҳар бир соҳада қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатларнинг тўлиқ бажарилишига боғлиқ бўлса, иккинчи томондан иқтисодий самара ишлаб чиқариш амалиётида уларнинг аниқ ҳаракат механизмларини ишлаб чиқиш ва жорий қилишга боғликдир. Булар каби муаммолар корхоналарнинг барча фаолиятларини акс эттирувчи бошқарув ва молиявий ҳисобда ўз аксини топади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган ва ривожланишнинг бозор иқтисодиёти модели танланган дастлабки йиллардаёқ туб иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш учун бухгалгерия ҳисоби, назорат ишларини ҳам ислоҳ қилишни зарурлигини келтириб чиқарди.

Шу мақсадда, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) ишчи эксперт гуруҳининг актив ёрдами билан бухгалтерия соҳасининг дунёга маълум олимлари ва мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган, бозор иқтисодиётига мос янги счётлар режаси республика Молия вазирлигининг 1993 йил 13 августдаги № 08-03-2137-сонли ва ундан кейинги йўриқномаси билан барча корхоналарда юритиш учун тавсия қилинди.

Янги мулкчилик шакллари, тадбиркорлик йўналишлари вужадга келиши билан иқтисодий муносабатлар хусусан, шартномавий муносабатларга ўтилиши кабилар, мамлакатимизда бухгалтерия ҳисоби, аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонунлар мажмуини вужудга келтирди. Жумладан, 1996 йил 30 августда қабул қилинган «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонун муҳим ҳужжат ҳисобланади.

Мазкур қонун 24 моддадан иборат бўлиб, у халқаро бухгалтерия мезонларига мослаштирилиб, бухгалтериянинг мақсади, вазифалари, фойдаланувчилар, учётнинг объектлари, субъектлари уларни тартибга солиб турувчи органлар, бухгалтерия учётининг асосий принциплари, уни ташкил қилиш, имзо қилувчиларнинг ҳуқуқлари, ҳисоботлар каби

муҳим вазифалар тўғрисидаги масалаларни (шароитларини) аниқлаб берди.

Бундан ташқари, «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонун талабларидан келиб чиқиб бошқа бир қатор меъёрий ҳужжатлар ҳам қабул қилиниб, бизнес фаолиятнинг қонуний базаси бугунги кун шарт-шароитларга мувофиқ яратилди ва такомиллаштириб борилмоқда. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот (иш ва хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шаклланиши тартиби тўғрисида низом»ни қабул қилиниши тўлиқ фикримизнинг далили бўлади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари (андозалари), жумладан ЎзРБМҲС-1–21 қабул қилиниб, белгиланган тартибда Адлия вазирлиги рўйхатидан ўтказилди ва хўжалик юритувчи субъектларга тавсия қилинди. Ҳозирги кунда ушбу ҳужжат тадбиркорлик фаолияти амалиётида қўлланилиб келинмоқда.

Бугунги кун бухгалтерия ҳисоби хўжалик маблағлари, уларнинг манбалари ҳақидаги маълумотларини корхонанинг сирини сақлаган ҳолда тезкорлик билан етказиб беришини тақозо қилмоқда. Кейинги ўринга эса мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш кўрсаткичларининг маълумотларини узлуксиз, доимий равишда етказиб беришини энг зарур ва муҳим восита қилиб қўймоқда.

Мураккаб иқтисодий жараёнда мустақил фермер хўжаликлари, чет эл компаниялари билан қўшма корхоналар ҳамда кичик ва хусусий бизнес корхоналарининг ташкил топиши, четдан инвестиция маблағларининг кириб келиши, бу корхоналарда бизнес-режаларнинг тузилиши, унинг бажарилишини кундалик назорат қилиш бухгалтерия ҳисобини билишни, режалаштириш ва назоратни уйғунлаштиришни зарурат қилиб қўяди. Корхонада учёт жараёнларини чуқур билиш оператив бизнес-режалаштириш билан оператив назоратни амалга ошириш имкониятини беради. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси, бозорли иқтисодиёти шароитида ишлаётган корхона, бирлашма, концернлар фаолиятларида молиявий ва бошқарув (адабиётларда кўп ҳолларда ишлаб чиқариш) учётини фарқлашни мақсад ва вазифаларини билишни талаб қилмоқда.

Молиявий учёт билан бошқарув учёти ўртасидаги фарқларни билиш бухгалтер учун қарз ва фарз ҳисобланади. Улар аввало мақсадлари билан бир-бирларидан фарқланишини билиш лозим.

Кўп ҳолларда молиявий учёт асосан ҳисобот маълумотларидан аввало мулкдор ва ташқи фойдаланувчилар, давлат бошқарув органлари учун мўлжаллангандир.

Бошқарув учёти корхонада бухгалтерия учётини корхона раҳбари кўзи билан қарайдиган менежерлар ишларининг натижаларини кўрсатувчи маълумотларни олиш имкониятини беради. Бундан ташқари мазкур учёт корхонанинг ички, дастлабки бухгалтерия учёти ва ҳисоботларини тузишга қаратилган. Ишнинг ҳажми ва тушунчасининг кенглиги жиҳатидан бошқарув учёти кенгроқ бўлиб, молиявий учётга олинадиган барча ҳисоботларга тааллуқли маълумотларга эгадир. Бошқарув учёти, аввало даврий режалаштириш, назорат ва баҳолашни, сўнгра корхонанинг ишида айрим хўжалик муаммолари бўйича мезонли қарорлар қабул қилишни, шунингдек акциядорлик жамияти аъзолари учун зарур маълумотларни олиш имкониятини беради.

Молиявий учёт ташқи фойдаланувчи: мулкдорлар, солиқ органлари, чет эл инвесторлари ва корхона фаолиятидаги бошқа масалаларда, шунингдек даврий матбуотда ҳам кенг фойдаланилади. Умуман олганда молиявий учёт ва ҳисобот маълумотлари миллий ҳисоб тизими билан корхонадаги бухгалтерия учёти системасини боғловчи асосий звено ҳисобланади.

Молиявий учётнинг бошқарув учётидан муҳим фарқи – молиявий учётини юритишда қатъий равишда халқаро бухгалтерия мезонларига риоя қилинса, бошқарув учётини юргизиш амалдаги қонунлар билан тартибга солинмайди. Бошқарув учётининг мақсади товарларни калькуляция қилиш, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, иқтисодий тежамкорлик, кўпроқ самара олишни мақсад қилиб олади.

Шуни алоҳида қайд қилиш лозимки, бу учётлар бир корхонада юритилиб, бир-биридан ажралмаган ҳолда балки бир-бирини доимий равишда тўлдириб туради.

Ривожланишнинг иқтисодиётни модернизациялаш шароитида солиқ ҳисоби ҳам вужудга келмоқда. Бу эса давлат бюджети органлари билан хўжалик юртувчи субъектлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солади.

Дунё тажрибасига мувофиқ бу иккала учётдан ташқари, солиқ учёти ҳам бухгалтерия ҳисоби таркибига киради. Бугунги кунда, бизда ушбу масала юзасидан кенг илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Дарсликда биз принцип жиҳатидан янги счётлар режасини амалиётда қўлланилиши, уларда хўжалик операцияларининг акс эттирилишини баҳоли қудрат ёритиб бердик.

Албатта янги счётлар режаси бўйича ёзилган дарслик, ҳар бир синтетик счётларга дастлабки учёт элементларини бериш мақсадга муво-

фиқ бўлур эди. Аммо китобнинг ҳажми бунга имконият бермайди. Шунингдек, давлатнинг масъул органлари томонидан мезон (стандарт), ҳужжат, регистр, ишлаб чиқариш, моддий бойликларнинг ҳаракатини кўрсатувчи ҳисоботларнинг бланкалари (шакллар) тасдиқланиб, тавсия қилинмаганлиги сабабли, бу ишни амалга ошириш имконияти бўлмади.

Мазкур китобни тайёрлашда «Бухгалтерский учёт», «Экономика сельскохозяйственных и перерабатоваюших предприятий», «Иқтисод ва ҳисобот» журналларидан соҳа олимлари Ю.Иткин, С.Қодирхонов, Д.Раджабов, С.Воҳидов, Х.Мусаев, А.Сотиболдиев, Д.Ғозибеков, А.Собиров, А.Муминов, О.Кулинов, А.Жўраев, А.Ибрагимов, Н.Жўраев, О.Жуманов, Э.Акрамов, О.Бобожонов, Б.Хасанов, Я.Абдуллаев, О.Каримов, С.Пардаев, М.Пардаев, А.Аликулов, И.Очилов, А.Аблокулов, Д.Азларов, Н.Санаев, Т.Кудратов, Д.Холбоев, К.Уразов ва бошқалар томонидан тайёрланган, янги счётлар режаси ҳақида чиқарилган рисолалардан кенг фойдаланилди. Чет эл олимларидан Ч.Т.Хорнерен, Дж.Фостер, В.Пезенгольц, Ф.Панин ва бошқаларнинг китобларидан кенг фойдаланилганлигини алоҳида қайд қиламиз.

Шу билан бирга, биз ушбу дарслик бухгалтерия ҳисобининг ҳақиқий тўла ечими бўлди, деган даъводан йироқдамиз. Дарслик бўйича таклиф ва мулоҳазаларини ёзиб юборган, маълум қилган азиз китобхонларимизга миннатдорчилик билдирамиз.

Республикамизда янгидан ташкил қилинаётган, шунингдек паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган фермер хўжаликлари базасида қайта ташкил қилинаётган фермер хўжаликларини истиқболда ривожлантириш тамойиллари Президентимиз И.Каримовнинг «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги фармони билан белгилаб берилди ва ушбу тамойилларни ҳаётга тадбиқ қилиш натижасида ижобий иқтисодий натижаларга эришилмоқда.

Мазкур ҳужжатнинг агросаноат мажмуи, хусусан фермерчиликни ривожлантиришдаги муҳим аҳамиятидан келиб чиқиб, уни қуйида келтириб ўтишни лозим топдик.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонунига мувофиқ ҳамда истиқболда асосий субъект – қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчи бўлиб қоладиган фермер хўжаликларини устувор ривожлантириш асосида қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш мақсадида:

1. Яқин йилларда фермер хўжаликлари барқарор ривожланишини таъминлашнинг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

-фермер хўжаликларининг тўлиқ иқтисодий ва молиявий мустақиллигини таъминлайдиган ва фермер хўжаликларига узоқ муддатли ижарага берилган қишлоқ хўжалиги ер ресурсларидан мақсадли, оқилона ва самарали фойдаланишни рағбатлантирадиган ҳуқуқий шарт-шароитлар ва кафолатларни яратиш;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқаришни молиялашнинг бозор тамойилларига жавоб берадиган ҳамда молиялашнинг услуб ва шаклларини танлашда, молиявий маблағлардан фойдаланишда фермер хўжаликларининг мустақиллигини, барча харажатларни қишлоқ хўжалиги маҳсулотини сотишдан тушадиган ўз даромадлари ҳисобига қоплашни таъминлайдиган ишончли тизимини шакллантириш;

- бозор шароитида бизнесни бошқариш кўникмаларига эга бўлган фермер хўжаликлари раҳбарлари ва мутахассисларини тайёрлаш тизимини яратиш;

- қишлоқда фермер хўжаликларининг эҳтиёжларига қараб барча зарур хизматларни курсата оладиган замонавий ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмасини жадал ривожлантириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси томонидан ишлаб чиқилган 2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда 2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш бўйича чора тадбирлар ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

3. Белгилаб қўйилсинки, танлов асосида фермер хўжаликларини ташкил этиш ва уларга ерни узоқ муддатли ижарага беришда қишлоқ хўжалиги экинлари, биринчи навбатда, пахта ва ғаллани этиштиришга кетадиган барча харажатлар фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотини сотишдан тушадиган ўз даромадлари ҳисобига қопланиши тамойилига қатъий риоя қилиниши зарур. Бунда электр энергияси, ёқилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғитлар етказиб берадиган ва фермер хўжаликларига бошқа хизматлар кўрсатадиган ташкилотлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиниши шарт.

Камида уч йил давомида мунтазам равишда бу тамойилга амал қилмаган фермер хўжаликлари билан ерни ижарага бериш шартномаси бекор қилиниб, ўзи тарқатиб юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Рреспубликасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонуни ва бошқа қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига тегишли таклифлар киритсин.

4. Фермер хўжалигига ижарага берилган қишлоқ хўжалик майдонларидан бошқа мақсадда фойдаланиш, шу жумладан шартномада кўрсатилган экинлар ўрнига бошқа экин экиш ижара шартномасини қўпол бузиш деб ҳисобланадиган ҳамда амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган чоралар қўлланиладиган тартиб жорий этилсин.

5. Белгилаб қўйилсинки, фермер хўжалиги фаолиятини юритиш учун ижарага ер майдонлари бериш ҳақидаги туман ҳокимининг қарори вилоят ҳокими бошчилигидаги ер майдонларини ажратиш (сотиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича вилоят комиссияси томонидан тасдиқлангандан сўнг кучга киради.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Марказий банки билан биргаликда давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот ишлаб чиқараётган фермер хўжаликларини тижорат банклари орқали тўғридан-тўғри кредитлаш йўли билан мавжуд кредиторлик қарзлари тўлангандан сўнг маблағларни эркин тасарруф қилиш ҳуқуқини берган ҳолда уларни молиялашга 2004-2005 йиллар мо-

байнида босқичма-босқич ўтилиши кўзда тутувчи механизмни ишлаб чиқсин.

7. Белгилаб қўйилсинки:

- фермер хўжаликларига айлантириладиган қишлоқ хўжалик ширкатлари рўйхати Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари тақдимномасига кўра ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланади;

- фермер хўжаликлари давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот сотиш бўйича шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки ер тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ҳоллари аниқланган ҳолларда, шунингдек ягона ер солиғи белгиланган тартибда ўз вақтида тўланмаган тақдирда фермер хўжаликлари фаолиятини фақат уларга ижарага берилган ерлардан ижара шартномасига мувофиқ мақсадли ва унумли фойдаланиш масалалари бўйича текширишга йўл қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фермер хўжаликларининг қонуний манфаатлари самарали ҳуқуқий ҳимоя қилинишини таъминласин, уларнинг хўжалик фаолиятига бошқарув органлари ва мансабдор шахсларнинг ҳар қандай ноқонуний аралашишга уриниш ҳолларига қатъий чек қўйсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари билан бирга республика ҳудудларида фермерлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича бизнес-мактаблар тармоғини яратсин, бир ой муддатда уларнинг жойлашиш манзилларини белгиласин;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан бирга икки ой муддатда фермерларни бозор шароитида бизнесни бошқариш ва юритиш, бухгалтерия ҳисоб-китоби, суғурта, банклар ва хизмат курсатувчи корхоналар билан муносабатлар асослари бўйича ўқитишни кўзда тутувчи фермерлар тайёрлаш ўқув дастурларини тайёрласин ва тасдиқласин.

9. Ўзбекистон Реепубликаси Иқтисодиёт вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан бирга фермер хўжаликлари ўзи учун зарур ёқилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғитлар, ем-хашак, уруғлик ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш учун зарур бошқа ресурсларни харид қилиш юзасидан шартномалар тузишнинг бозор механизмларини ишлаб чиқсин ва 2004 йилдан бошлаб жорий этсин.

10. Қуйидагилар ташкил этилган вақтдан бошлаб, истисно тариқасида:

- қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалик ширкатлари худудида фермер хўжаликларини минерал ўғитлар ва ёқилғи-мойлаш материаллари билан таъминлаш буйича ташкил этилаётган корхоналар ер ва мулк солиғини тўлашдан;

- сувдан фойдаланучилар уюшмасининг хизматлари қўшимча қиймат солиғи, даромад ва мулк солиғини қўшиш ва тўлашдан уч йил муддатга озод қилинсин.

11. Белгилаб қўйилсинки, тенг ҳуқуқли рақобат шароитини яратиш учун муқобил машина-трактор парклари солиққа тортиш шартлари ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчиларига кўрсатилаётган хизматлар (шудгорлаш, экиш, ишлов бериш, йиғиб олиш ва бошқалар) учун ҳисоб-китоблар бўйича "Ўзагромашсервис" уюшмасининг вилоят бирлашмалари машина-трактор паркларига тенглаштирилади.

12. Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли ва истиқболсиз ширкатларни 2004-2006 йилларда фермер хўжаликларига айлантириш дастурини тасдиқласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги бир ой муддатда қонунчиликка ушбу фармондан келиб чиқадиган ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

14. Мазкур фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Р.Азимов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **И. Каримов**

Тошкент шаҳри,
2003 йил 27 октябрь

Фермер хўжаликларда бухгалтерия ҳисобини ташкил этишнинг асосий йўналишлари

Режа:

1. Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишнинг меъёрий ҳужжатларининг мазмуни, моҳияти ва аҳамияти.
2. Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш режаси ва ҳисоб сиёсати.
3. Бухгалтерия ҳисобининг счётлар режаси ва счётларга тайинланган регистрлар ҳақида тушунча, уларни юритиш бўйича айрим ечимлар.

Таянч иборалар:

Корхонанинг ҳисоб сиёсати, сармоя, счётлар режаси, бухгалтерия счётлари: актив счётлар, пассив счётлар, аралаш счётлар, асосий воситаларнинг бошланғич (дастлабки), қолдиқ киймати, счётнинг дебетланиши, кредитланиши, қолдиғи, регистирлар, молиявий ҳисобот ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти ривожланишининг устивор йўналишлари Ўзбекистон Республикасининг Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг 2005 йил 26 январдаги мажлисидаги республикамиз Президенти И.А.Каримовнинг маърузасида кўрсатилганидек, қишлоқ хўжалигида энг муҳим устувор вазифа «кичик, хусусий бизнес ва фермер хўжаликларини ривожлантириш борасидаги ишларни чуқурлаштириш ва кўламини кенгайтиришдан иборат»[1]. Мамлакатда 2007 йилга келиб кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини камида 45 фоизга етказиш вазифасини ўз олдимизга қўймоқдамиз, бу сохада қўйдагиларни амалга ошириш зарур бўлади:

1. Иқтисодиётни эркинлаштириш;
2. Солиққа тортиш тизимида қўшимча имтиёзлар бериш ва солиқ тизимини барқорорлигини таъминлаш;
3. Фермер хўжаликларнинг моддий-техника базаси бўйича хизмат кўрсатишни яхшилаш ва улар етиштираётган маҳсулотларни сотишда ёрдам кўрсатилиши;

Бу йил мамлакатда 428 та ширкат хўжаликлари фермер хўжаликларига айлантирилади. Бу йилги ташкил қилинаётган ширкат хўжаликлари базасидаги фермер хўжаликлар янгича шароитда, кўпроқ раҳбарларнинг мутахассислик малакасига, қишлоқ хўжалигида стажла-

[1] «Халқ сўзи» газетаси, 2005 йил 29 январ, 3 бет

рига танловда юқори баллар белгиланиб ташкил қилинмоқда. Фермер хўжаликларида шартнома муносабатларини тартибга солиш ва уларга тўла риоя қилиш тартиблари белгиланиши зарур. Шу жиҳатдан олганда, фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш муҳим аҳамиятга эга, яъни:

1.Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонун ва 2004 йил 26 августда қабул қилинган «Фермер хўжалиги тўғрисида»(янги таҳрирда)ги қонунга мувофиқ ташкил қилиш белгилаб қўйилди;

2. Фермер хўжаликларида маҳсулот(иш, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги қарорига ва унга киритилган қўшимча ва ўзгаришларга мувофиқ ташкил қилиш лозим;

4. Фермер хўжаликларда барча ҳужжатларни юритиш бухгалтерия ҳисобининг таркибий қисмидир, жумладан:

а) Молиявий, бошқарув ва солиқ ҳисобини тўғри ташкил қилиш энг муҳим вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади. Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби Республикада бухгалтерия ҳисоби концепцияси асосида ташкил қилиниши лозим. Бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш фермер хўжаликдаги бош бухгалтернинг қуйидаги билимларини билиш асосида ташкил қилинади.

1. Бухгалтер ички ва ташқи шартнома муносабатларини мукаммал билиши талаб қилинади;

2. Фермер хўжаликларининг бухгалтерлари имзо қўйиш ҳуқуқига мувофиқ бўлиб, уларни мукаммал малакали ташкил қилишга мутасадди ҳисобланади.

3. Фермер хўжаликларининг бухгалтерлари аввало иқтисодни эркинлаштириш, кичик ва хусусий бизнеснинг моҳиятини тушуниш ва иқтисодий кўрсаткичларини ҳисоблаш, таҳлил қилиш малакасига эга бўлиши лозим;

4. Фермер хўжаликларининг бухгалтерлари молиячи бўлишлари, солиқ ҳисоблаш ва тўлаш муаммоларини, Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси қарорларига мувофиқ Республика бюджет параметрлари асосида амалга оширишлари лозим;

5. Фермер хўжаликларида меҳнатни ташкил қилиш ва меҳнат ҳақи юзасидан ҳисоб-китобларни, ижтимоий суғурта (ноябр 2004 йил) қонунлар ва конституциянинг таркибий қисми бўлган меҳнат кодекси моддаларини чуқур таҳлил қила билиши лозим;

6. Фермер хўжаликларнинг бухгалтерлари банк ишларини ва банк билан фермер хўжаликлари ўртасидаги муносабатларни акс эттирувчи Марказий банкнинг кредитлаш ва банк операциялари бўйича банк билан ўзаро муносабатларини аниқ билиши лозим;

7. Мамлакатда фермер хўжаликларнинг авансланган капиталга бўлган эҳтиёжларини етарли эмаслигини ҳисобга олиб лизинг шартномалари, лизинг тўғрисидаги қонун ва лизинг бўйича йўриқномаларни аниқ тасаввур қилиши лозим;

8. Фермер хўжаликларнинг бухгалтерларига сервис хизматини кўрсатувчи органлар: сув таъминоти, уруғ, ёнилғи, кимёвий ҳимоялаш таъминоти ва энергия таъминоти ҳақидаги (ноябр 2004 йил) Вазирлар Маҳкамасининг энергия таъминоти ҳақидаги қарорларининг моҳиятини тушуниши зарур бўлади.

Шундай қилиб, фермер хўжаликларида бухгалтерия ишини ташкил қилиш фермер хўжалиги раҳбари ва бош бухгалтернинг ҳукумат қонун ва қарорларини чуқур билиш, иқтисодиётни чуқурлаштириш тўғрисидаги давлат сиёсатини олиб боришда қуйидаги, яъни бухгалтер, молиячи, қонунчи, иқтисодчи, солиқчи каби мутахассислар малакасини ўзида мужассамлаштирган шахс бўлиши лозим. Бунда фермер хўжаликларида корхона ҳисоб сиёсати, счётлар режаси очиладиган регистрлар ва фермер хўжаликлари доирасидаги ҳужжатлар айланиш режаларини ҳар йили тузиб чиқиш зарур бўлади. Фермер хўжаликлари фаолиятини бажаришда 2004 йил 26 августдаги янги таҳрирдаги «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонун талабларига мос равишда ташкил қилиниши зарур бўлади.

Бухгалтерия ҳисоби ҳақидаги қонунга мувофиқ ҳар бир юридик хўжалик юритувчи субъект ўзининг ҳисоб сиёсатини тузиб чиқиши ва унга риоя қилиши лозим бўлади. Корхонанинг ҳисоб сиёсати Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг 1-сон миллий стандартига мувофиқ ташкил қилинади. Бу ҳақда фермер хўжаликларда иш ва бухгалтерия ҳисобини юритиш ҳақидаги низомда аниқ кўрсатиб қўйилган.

Мазкур ҳисоб сиёсатининг биринчи бўлимида корхона назарий жиҳатдан олиб борадиган ҳисоб сиёсатини ушбу корхонада хўжалик тизимига мос сифат билан бухгалтерия ҳисобини юритиш бўйича жаҳон андозаларига ва Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига мос равишда ташкил қилиниши лозим. Унда корхоналарда хўжалик фаолияти маълумотларни пул бирлигида умумлаштириш, улар билан боғлиқ бўлган бухгалтерия услублари, ҳужжатлар, инвестиция, баҳолаш, харажатлар ҳисоби, калькуляция,

хўжалик операцияларини жорий гуруҳлаш, счётлар, икки ёқлама ёзув ҳамда якуний умумлаштириш, зарур бўлса корхона қийматини белгилаш, баланс ва ҳисобот, ҳисоб сиёсатида қуйидаги муаммолар акс эттирилиши лозим:

1. Дастлабки кузатиш:

а) дастлабки ҳужжатлаштириш, инвестиция даврлари ва масштаби;

2. Қиймат бирликларда акс эттириш:

а) мулк ва мажбуриятларни конкрет баҳолаш усули;

б) маҳсулот ва ишларни таннархининг калькуляцияси;

3. Жорий гуруҳлаш:

а) счётлар режаси;

б) счётлар режаси асосида хўжалик операцияларини акс эттириш;

4. Якуний умумлаштириш:

а) баланс моддалари мулк ва мажбуриятларни баҳолаш;

б) ҳисоботнинг моддалар таркиби ва реквизитларининг шакллари.

Иккинчи бўлимда корхона ҳисоб сиёсатини ташкил топиши пунктларидан иборат муаммолар ва уларнинг ечимлари акс эттирилади. Ҳисоб сиёсатининг баёни 5 пунктдан иборат бўлиб, бухгалтерия хўжаликларнинг шакли, юритиш усуллари, йўл қўйилган камчиликларни тузатиш, бухгалтерия ҳисоботига баённомалар ёзиш.

Тўртинчи бўлимда хулоса ва қоидалар, бунда ҳисобот даври нормативҳўжжатларига мос равишда тузилиши, уларни таркибидаги кўрсаткичларни эълон қилиниши кенг тартибда ёзиб қўйилади. Ҳисоб сиёсати энг муҳим меъёрий ҳужжатлардан бири бўлиб, фермер хўжаликларда Республикада амал қилаётган «Меҳнатга ҳақ тўлаш низомини» минимал иш ҳақи даражаси ва мавсумий иш даврларида ходимларга маданий, маиший, ижтимоий ҳимоялаш шарт-шароитларини яратиш, (бепул овқат бериш, транспорт билан таъминлаш) натура меҳнат ҳақи бериш кабилар.

Бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш қуйидаги икки шаклдан бири асосида амалга оширилади: а) бухгалтерия ҳисобининг журнал-ордер шакли; б) «Бухгалтерия-1:С (корхона)» шаклида, яъни персонал компьютерларда ҳисоб юритиш шакли тартибида олиб борилиши кўзда тутилади.

Сўнгра бухгалтерия ҳисобини юритишнинг энг илғор усуллари, шакллари эътиборга олиниб, счётлар режаси, уларга тайинланган регистрларни ўз вақтида юритиш, оборот-қайднома маълумотлари асосида молиявий ҳисоботлар тузилиши, уларга тушунтириш хатини илова қилиниши билан тугалланади.

Фермер хўжаликларида фермерларнинг мулк эгаси эканлиги ҳисобга олиниб, уларнинг фаолият турларига сарфланган сармояларнинг айланиш тезлигини ошириш, катта самара олиниши кўзда тутилади. Иқтисодиёт фанидан категория авансланган капитал билан қайтиш ўсиш билан қайтиш муҳим кўрсаткич ҳисобланади.

$$\underset{\text{(пул)}}{П} \rightarrow \underset{\text{(товар, хом ашё)}}{Т} \ldots\ldots\ldots \underset{\text{(ишлаб чиқариш)}}{И} \ldots\ldots\ldots \underset{\text{(тайёр маҳсулот, товар)}}{Т^{I}} - \underset{\text{(ўсган пул)}}{П^{I}}$$

Агарда буни мисол сифатида қарайдиган бўлсак, уларни корхона доирасида чизма шаклида қуйидагича кўрсатиш мумкин бўлади:



Шундай бўлса, сармояларнинг айланиш 200 кун бўлади (10+20+30+10+120+5+5). Фараз қилайлик, фермер сармоя айланишни шу муддатларни 40% (80 кунга) қисқартирса, бунинг учун такрор экинларни экиш, илғор технология қўллаш, дебитор ва кредитор қарзлар муддатини қисқартирса, оқибат натижада фермер биринчи айланиш вариантида 5 млн. фойда олган бўлса, иккинчи 40 % қисқартириш ҳисобига унинг фойда суммаси 7 млн. сум (5 млн. + 5 млн. х 40%) бўлади.

SAMARQAND IQTISODIYOT VA SERVIS INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
17
49247

Бундай ҳолатни бухгалтерия *тили бўлган счётларда* ҳам акс эттириш мумкин, яъни тахминан, чунки барча счётларни кўрсатишга китобда имконият йўқ.



Бухгалтерия ҳисобини юритишдаги меъёрий ҳужжатларга кўра, ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўзининг барча шарт-шароитларидан келиб чиқиб, республика Молия вазирлиги тавсия қилган ЎзРБҲМС-21 га мувофиқ ўзига мос келадиган (аммо шу счётлар таркибидан) *ишчи* бухгалтерия счётлар режасини ишлаб чиқади ва қўллайдилар. *Шунга мувофиқ биз счётлар режасини келтирамиз.*

Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия- хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисобининг счётлар режаси.

(21-бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти)

Янги счёт ва суб-счётнинг рақам-лари	Счётлар ва субсчётларнинг номлари	Счёт-лар тури	Янги счётлар режасига ўтишнинг бухгалтерия проводкалари	
			дебет	кредит
1	2	3	4	5
	I кисм. Узоқ муддатли активлар			
	I-бўлим. Асосий воситалар, номоддий ва бошқа узоқ муддатли активлар			
0100	Асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар	А	0110	01,1
0110	Ер		0110	01,1
0111	Ерни ободонлаштириш		0111	01,1
0112	Молияланадиган узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш		0112	01,1
0120	Бинолар, иншоот ва узатувчи мосламалар		0120	01,1
0130	Машина ва ускуналар		0130	01,1

1	2	3	4	5
0140	Мебель ва офис жиҳозлари		0140	01,3
0150	Компьютер ускуналари ва ҳисоблаш техникаси		0150	01,1-01,3
0160	Транспорт воситалари		0160	01,1-01,3
0170	Ишчи ҳайвонлар ва маҳсулдор ҳайвонлар		0170	01,4
0180	Кўп йиллик ўсимликлар		0180	01,1-01,3
0190	Бошқа асосий воситалар		0190	01,2-01,3
0199	Консервация қилинган асосий воситалар		0199	01,3
0200	Асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи счётлар	КА		
0211	Ободонлаштирилган ерларнинг эскириши		02,1	0211
0212	Молияланадиган лизинг шартномаси бўйича олиниб ободонлаштирилган асосий воситаларнинг эскириши		02,1	0212
0220	Бино, иншоот ва узатувчи мосламаларнинг эскириши		02,1	0220
0230	Машина ва ускуналарнинг эскириши		02,1	0230
0240	Мебел ва офис жиҳозларининг эскириши		02,1	0240
0250	Компьютер ускуналари ва ҳисоблаш техникасининг эскириши		02,1	0250
0260	Транспорт воситаларининг эскириши		02,1	0260
0270	Ишчи ҳайвонларга ҳисобланадиган эскириш		02,1	0270
0280	Кўп йиллик ўсимликларнинг эскириши		02,1	0280
0290	Бошқа асосий воситаларнингэскириши		02,1	0290
0299	Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириши		02,2	0299
0300	Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар	А		
0310	Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар		0310	03
0400	Номоддий активлар ҳисоби счётлари	А		
0410	Патентлар, лицензиялар ва ноу-хау		0410	04
0420	Савдо маркалари, тоаар белгилари ва саноат намуналари		0420	04
0430	Дастурий таъминот		0430	04
0440	Ер ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқи		0440	04
0450	Ташкилий харажатлар		0450	04

1	2	3	4	5
0460	Франчайз		0460	04
0470	Муаллифлик ҳуқуқлари		0470	04
0480	Гудвил		0480	04
0490	Бошқа номоддий активлар		0490	04
0500	Номоддий активлар амортизацияси ҳисоби счётлари	КА		
0510	Патентлар, лицензиялар ва ноу-хаулар амортизацияси		0510	05
0520	Савдо маркалари, товар белгилари ва саноат намуналарининг амортизацияси		0520	05
0530	Дастурий таъминот амортизацияси		05	0530
0540	Ер ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқларининг амортизацияси		05	0540
0550	Ташкилий харажатларнинг амортизацияси		05	0550
0560	Франчайзнинг амортизацияси		05	0560
0570	Муаллифлик ҳуқуқларининг амортизацияси		05	0570
0590	Бошқа номоддий активларнинг амортизацияси		05	0590
0600	Узоқ муддатли инвестициялар ҳисоби счётлари	А		
0610	Қимматли қоғозлар		0610	06
0620	Шўъба хўжалик жамиятларига инвестициялар		0620	06
0630	Қарам хўжалик жамиятларига инвестициялар		0630	06
0640	Хорижий капиталига эга бўлган корхоналарга инвестициялар		0640	06
0690	Бошқа узоқ муддатли инвестициялар		0690	06
0700	Ўрнатилган ускуналар ҳисоби счётлари	А		
0710	Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган ўрнатилган, ускуналар		0710	07,1
0720	Хориждан келтирилган, ўрнатилган ускуналар		0720	07
0800	Капитал қўйилмалар ҳисоби счётлари	А		
0810	Тугалланмаган қурилиш		0810	08
0820	Асосий воситаларни сотиб олиш		0820	08
0830	Номоддий активларни сотиб олиш		0830	08
0840	Асосий подани шакллантириш		0840	08
0850	Ерни ободонлаштиришга қилинган капитал қўйилмалар		0850	08

1	2	3	4	5
0860	Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларга қилинган капитал қўйилмалар		0860	08
0890	Бошқа капитал қўйилмалар		0890	08,7
0900	Узоқ муддатли дебиторлик қарзлари ва муддати узайтирилган харажатлар ҳисоби счётлари	А		
0910	Олинган векселлар		0910	62/4
0920	Узоқ муддатли ижара бўйича олинадиган тўловлар		0920	48
0930	Ходимнинг узоқ муддатли қарзи		0930	
0940	Бошқа узоқ муддатли дебитор қарзлар		0940	
0950	Вақтлар бўйича фарқи билан муддати узайтирилган даромад (фойда) солиғи		0950	68
0960	Дисконт (чегирма) лар бўйича муддати узайтирилган узоқ муддатли харажатлар		0960	
0990	Бошқа муддати узайтирилган узоқ муддатли харажатлар		0990	76/8
II қисм. Жорий активлар				
2-бўлим. «Товар-моддий заҳиралар»				
1000	Материаллар ҳисоби счётлари	А		
1010	Хом-ашё ва материаллар		1010	10
1020	Сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи буюмлар		1020	10/2
1030	Ёқилғилар		1030	10/3
1040	Эҳтиёт қисмлар		1040	10/5
1050	Қурилиш материаллари		1050	10/8
1060	Идиш ва идишбоп материаллар		1060	10/4
1070	Четга қайта ишлаш учун берилган материаллар		1070	10/7
1080	Инвентар ва хўжалик жиҳозлари		1080	10, 12/1
1090	Бошқа материаллар		1090	10/6
1100	Ўстиришдаги ва боқувдаги ҳайвонлар ҳисоби счётлари	А		
1110	Ўстиришдаги ҳайвонлар		1110	11*
1120	Бўрдоқига боқилаётган ҳайвонлар		1120	11
1200				
1300				
1400				
1500	Материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш ҳисоби счёти	А		

1	2	3	4	5
1510	Материалларни тайёрлаш ва *сотиб олиш*		1510	15
1600	Материаллар қийматидаги фарқлар ҳисоби счёти	А		
1610	Материаллар қийматидаги фарқлар		1610	16
1700				
1800				
1900				
2000	Асосий ишлаб чиқариш ҳисоби счёти	А		
2010	Асосий ишлаб чиқариш		2010	20
2100	Ўзи ишлаб чиқарган ярим тайёр маҳсулотлар ҳисоби счёти	А		
2110	Ўзи ишлаб чиқарган ярим таёр маҳсулотлар		2110	21
2200				
2300	Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар ҳисоби счёти	А		
2310	Ёрдамчи ишлаб чиқариш		2310	23
2400				
2500	Умум ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби счёти	А		
2510	Умум ишлаб чиқариш харажатлари		2510	25
2600	Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотлар ҳисоби счёти	А		
2610	Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотлар		2610	28
2700	Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар ҳисоби счёти	А		
2710	Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар		2710	
2800	Тайёр маҳсулот ҳисоби счёти	А		
2810	Омбордаги тайёр маҳсулот		2810	40
2820	Кўргазмадаги тайёр маҳсулот		2820	40
2830	Комиссияга берилган тайёр маҳсулот		2830	40
2900	Товарлар ҳисоби счёти	А		
2910	Омбордаги товарлар		2910	41/1
2920	Чакана савдодаги товарлар		2920	41/2
2930	Кўргазмадаги товарлар		2930	41/3
2940	Ижарадаги буюмлар		2940	41/3
2950	Товарлар билан банд ва буш идиш		2950	41/3
2960	Комиссияга берилган товарлар		2960	
2970	Йўлдаги товарлар		2970	
2980	Савдо устамаси		2980	
2990	Бошқа товарлар		2990	41

1	2	3	4	5
3-бўлим. «Келгуси давр харажатлари ва муддати узайтирилган харажатлар-жорий қисми»				
3000				
3100	Келгуси давр харажатлари ҳисоби счёти	А		
3110	Олдиндан тўланган ижара ҳақи		3110	31
3120	Олдиндан тўланган хизмат ҳақлари		3120	31
3190	Бошқа келгуси давр харажатлари		3190	31
3200	Муддати узайтирилган харажатлар ҳисоби	А		
3210	Вақтинчалик фарқлар бўйича муддати узайтирилган даромад(фойда) солиғи		3210	31
3220	Дисконт(чегирма)лар бўйича муддати узайтирилган харажатлар		3220	31
3290	Бошқа муддати узайтирилган харажатлар		3290	31
3300				
3400				
3500				
3600				
3700				
3800				
3900				
4-бўлим. «Олинадиган счётлар-жорий қисми»				
4000	Олинадиган счётлар ҳисоби счётлари	А		
4010	Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар		4010	62/1
4020	Олинган векселлар — жорий қисми		4020	62/4
4100	Алоҳида бўлинмалар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларидан олинадиган ҳисоб-китоблар	А		
4110	Алоҳида бўлинмалардан олинадиган счётлар		4110	79/2
4120	Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларидан олинадиган счётлар		4120	79/2
4200	Ходимга берилган бўнаклар ҳисоби счёти	А		
4210	Меҳнат ҳақи бўйича берилган бўнаклар		4210	67/1
4220	Хизмат сафарлари учун берилган бўнаклар			
4230	Умумхўжалик харажатлари учун берилган бўнаклар			
4290	Ходимларга берилган бошқа бўнаклар			
4300	Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнаклар ҳисоби счётлари	А		

1	2	3	4	5
4310	ТМКлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнаклар		4310	61
4320	Узоқ муддатли активлар учун мол етказиб берувчи ва пудратчиларга берилган бўнаклар		4320	61
4330	Бошқа берилган бўнаклар		4330	61
4400	Бюджетга бўнак тўловлар ҳисоби счёти	А		
4410	Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлар(турлари бўйича)		4410	64
4500	Давлат мақсадли фондларига ва сўғурта бўйича бўнак тўловлар ҳисоби счётлари	А		
4510	Сўғурта бўйича бўнак тўловлари		4510	68
4520	Давлат мақсадли фондларига бўнак тўловлари		4520	69
4600	Устав капитали (фонди)га бадаллар бўйича таъсисчиларнинг қарзи ҳисоби счёти	А		
4610	Устав капитали (фонди)га бадаллар бўйича таъсисчиларнинг қарзи		4610	73/1
4700	Ходимнинг турли операциялар бўйича қарзи ҳисоби счётлари	А		
4710	Кредитга сотилган товарлар бўйича ходимнинг қарзи		4710	75/1
4720	Берилган қарзлар бўйича ходимнинг қарзи			
4730	Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимнинг қарзи			
4790	Ходимнинг бошқа қарзи			
4800	Турли дебиторларнинг қарзлари ҳисоби счётлари	А		
4810	Узоқ муддатли ижара бўйича олинадиган жорий тўловлар		4810	09
4820	Қисқа муддатли ижара бўйича олинадиган тўловлар		4820	09
4830	Олинадиган фоизлар		4830	75/2
4840	Олинадиган дивидендлар		4840	75/2
4850	Олинадиган роялти		4850	73/6
4860	Даъволар бўйича олинадиган счётлар			
4890	Бошқа дебиторларнинг қарзлари		4890	73/6
4900	Даргумон қарзлар бўйича заҳира ҳисоби счёти	КА		
4910	Даргумон қарзлар бўйича заҳира		4910	86

1	2	3	4	5
5-бўлим. «Йўл маблағлари, қисқа муддатли инвестициялар ва бошқа жорий активлар»				
5000	Кассадаги пул маблағлари ҳисоби счётлари	А		
5010	Миллий валютадаги пул маблағлари		5010	50
5020	Хорижий валютадаги пул маблағлари		5020	50
5100	Ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағлари ҳисоби счёти	А		
5110	Ҳисоб-китоб счёти		5110	51
5200	Чет эл валюталаридаги пул маблағлари ҳисобининг счётлари	А		
5210	Мамлакат ичидаги валюта счётлари		5210	52/1
5220	Хориждаги валюта счётлари		5220	52/2
5300				
5400				
5500	Банкдаги махсус счётлардаги пул маблағлари ҳисоби счётлари	А		
5510	Аккредитивлар		5510	55/1
5520	Чек дафтарчалари		5520	55
5530	Бошқа махсус счётлар		5530	55
5600	Пул эквивалентлари ҳисоби счёти	А		
5630	Пул эквивалентлари (турлари бўйича)		5630	56
5700	Йўлдаги (жўнатмалар) пул маблағлари ҳисоби счёти	А		
5710	Йўлдаги (жўнатмалар) пул маблағлари		5710	57
5800	Қисқа муддатли инвестициялар ҳисоби счётлари	А		
5810	Қимматбаҳо қоғозлар		5810	58/1
5820	Берилган қисқа муддатли қарзлар		5820	58/2
5890	Бошқа жорий инвестициялар		5830	58/3
5900	Камомадлар ва моддий бойликлар ва бошқа жорий активларнинг бузилишидан келадиган нобудгарчиликлар	А		
5910	Камомадлар ва моддий бойликларнинг бузилишидан келадиган нобудгарчиликлар		5910	59
5920	Бошқа жорий активлар		5920	59
III қисм. 6-бўлим. «Жорий мажбуриятлар»				
6000	Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар	П		
6010	Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар		6010	6010

1	2	3	4	5
6020	Берилган векселлар		7000	6020
6100	Алоҳида бўлинмалар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган счётлар	П		
6110	Алоҳида бўлинмаларга тўланадиган счётлар		79	6110
6120	Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган счётлар			
6200	Муддати узайтирилган мажбуриятлар ҳисоби счётлари	П		
6210	Дисконт (чегирма) кўринишидаги муддати узайтирилган даромадлар		67,6;	6210
6220	Мукофот (устама) кўринишидаги муддати узайтирилган даромадлар			6240
6230	Бошқа муддати узайтирилган даромадлар	кп	67,6; 8869	6290
6240	Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича муддати узайтирилган мажбуриятлар	КА		
6250	Вақтлар бўйича фарқи билан муддати узайтирилган даромад(фойда) солиғи бўйича мажбуриятлар			
6290	Бошқа муддати узайтирилган мажбуриятлар		67,6; 8869	6290
6300	Олинган бўнаклар ҳисоби счётлари	П		
6310	Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар		64	6310
6320	Акция обуначилари (жисмоний шахс)лардан олинган бўнаклар		75	6320
6390	Бошқа олинган бўнаклар		64	6320
6400	Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик ҳисоби счётлари	п		
6410	Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик (тўлов турлари бўйича)		68	6410
6500	Сўғурта ва давлат мақсадли фондларига тўловлар бўйича қарздорлик ҳисоби счётлари	п		
6510	Сўғурта бўйича тўловлар		65	6510
6520	Давлат мақсадли фондларига тўловлар		69	6520
6600	Таъсисчиларга бўлган қарзлар ҳисоби счётлари	п		
6610	Тўланадиган дивидендлар		75/2 75/1	6610

1	2	3	4	5
6620	Чиқиб кетаётган таъсисчиларга уларнинг улуши бўйича қарзлар		75/1	6620
6700	Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар ҳисоби счётлари	п		
6710	Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар		70	6710
6720	Депонентга ўтказилган меҳнат ҳақи		76	6720
6800	Қисқа муддатли кредитлар ва қарзлар ҳисоби счётлари	п		
6810	Қисқа муддатли банк кредитлари		90	6910
6820	Қисқа муддатли карз(заём)лар		58/3	6820
6830	Тўланадиган облигациялар		58/1	6830
6840	Тўланадиган векселлар		62/4	6840
6900	Турли кредиторлардан қарзлар ҳисоби счётлари	п		
6910	Тўланадиган қисқа муддатли ижара хақи			6810
6920	Ҳисобланган фойизлар		97	6920
6930	Роялти бўйича қарз			6930
6940	Кафолатлар бўйича қарз			6940
6950	Узоқ муддатли мажбуриятлар			
6960	Даъволар бўйича тўланадиган счётлар		63	6960
6970	Ҳисобдор шахслардан қарз		71	6970
6990	Бошқа мажбуриятлар			6990
7-бўлим. «Узоқ муддатли мажбуриятлар»				
7000	Мол юборувчи ва пудратчиларга тўланадиган узоқ муддатли счётлар	п		
7010	Мол юборувчи ва пудратчиларга тўланадиган счётлар		60	7010
7020	Берилган векселлар		83/4	
7100	Алоҳида бўлинмалар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган узоқ муддатли қарз	п		
7110	Алоҳида бўлинмаларга тўланадиган узоқ муддатли қарз		79	7110
7120	Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган узоқ муддатли қарз			
7200	Муддати узайтирилган узоқ муддатли мажбуриятлар ҳисоби счётлари	п		
7210	Дисконт(чегирма) кўринишидаги муддати узайтирилган узоқ муддатли даромадлар		7210	

1	2	3	4	5
7220	Мукофот(устама) кўринишидаги муддати узайтирилган узоқ муддатли даромадлар		7220	
7230	Бошқа муддати узайтирилган узоқ муддатли даромадлар			
7240	Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича муддати узайтирилган узоқ муддатли мажбуриятлар		68/5	7240
7250	Вақтлар бўйича фарқлар билан муддати узайтирилган даромад (фойда) солиғи бўйича узоқ муддатли мажбуриятлар		68	7250
7290	Бошқа муддати узайтирилган узоқ муддатли мажбуриятлар		7290	
7300	Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган бўнаклар ҳисоби счёти	п	64	7310
7310	Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган бўнаклар			
7400				
7500				
7600				
7700				
7800	Узоқ муддатли кредитлар ва қарзлар ҳисоби счётлари	п		
7810	Узоқ муддатли банк кредитлари		92	7810
7820	Узоқ муддатли қарз (заём)лар			
7830	Тўланадиган облигациялар		95	7810
7840	Тўланадиган векселлар		76	7820
7900	Турли кредиторларга тўланадиган узоқ муддатли қарз ҳисоби счётлари	п		
7910	Тўланадиган узоқ муддатли ижара ҳақи			
7920	Турли кредиторларга тўланадиган бошқа узоқ муддатли қарзлар			
IV қисм. Хусусий капитал				
8-бўлим. «Капитал, тақсимланмаган фойда ва резервлар»				
8000				
8100				
8200				
8300	Устав капитали (фонди) ҳисоби счётлари	П		
8310	Оддий акциялар		83/1	8510
8320	Имтиёзли акциялар		83	8511
8330	Пай ва қўйилмалар		83	8513

1	2	3	4	5
8400	Қўшилган капитал ҳисоби счётлари	П		
8410	Эмиссия даромади		84/2	8521
8420	Устав капиталини шакллантиришда курсдаги фарқи		80	8522
8500	Резерв капитали ҳисоби счётлари	П		
8510	Активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар		85	85
8520	Резерв капитали		8530	
8530	Бепул олинган мулк			
8600	Сотиб олинган хусусий акциялар ҳисоби счётлари	К.П		
8610	Сотиб олинган хусусий акциялар-оддий		8610	
8620	Сотиб олинган хусусий акциялар-имтиёзли		8620	
8700	Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) ҳисоби счётлари	П		
8710	Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)		8710	8710
8720	Жамғарилган фойда (қопланмаган зарар)		87/2	8720
8800	Мақсадли тушумлар ҳисоби счётлари	П		
8810	Грантлар		96	8810
8820	Субсидиялар		96	8810
8830	Аъзолик бадаллари			
8840	Мақсадли фойдаланиш юзасидан берилган солиқ имтиёзлари			
8890	Бошқа мақсадли тушумлар			
8900	Келгуси харажатлар ва тўловлар резервлари ҳисоби счётлари			
8910	Келгуси харажатлар ва тўловлар резервлари		89	8910
V кисм. Молиявий натижаларнинг шаклланиши ва ишлатилиши				
9-бўлим. «Даромадлар ва харажатлар»				
9000	Асосий (операцион) фаолиятдан олинган даромадлар ҳисоби счётлари	Т		
9010	Маҳсулот сотишдан олинган даромадлар		46/1	9010
9020	Товарлар сотишдан олинган даромадлар		48	9020
9030	Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлардан олинган даромадлар		46	9030
9040	Сотилган товарларнинг қайтарилиши	К.П	90/35	48
9050	Харидорлар буюртмачиларга берилган чегирмалар	К.П		

1	2	3	4	5
9100	Сотилган маҳсулот(иш, хизмат)лар таннархи ҳисоби счётлари	т	90/10	20
9110	Сотилган маҳсулотлар таннархи		9120	48
9120	Сотилган товарлар таннархи		9130	23
9130	Бажарилган иш ва хизматлар таннархи		9130	20-23
9140	Даврий ҳисоб юритган ҳолда ТМЗларни сотиб олиш (харид килиш)			
9150	Даврий ҳисоб юритган ҳолда ТМЗлар бўйича тузатиш			
9200	Асосий воситалар ва бошқа активларнинг сотилиши ва турли чиқими ҳисоби счётлари	т		
9210	Асосий воситаларнинг сотилиши ва турли чиқимидан олинган фойда счётлари		47	9210
9220	Бошқа активларнинг сотилиши ва турли чиқимларидан олинган фойда		48	9220
9300	Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар ҳисоби счётлари	т		
9310	Асосий воситаларнинг сотилиши ва турли чиқимидан олинган фойда		47	9310
9320	Бошқа активларнинг сотилиши ва турли чиқимидан олинган фойда		48	9320
9330	Ундирилган боқиманда(пения), жарима ва бурдсизликлар		80	9330
9340	Ўтган йиллар фойдалари		80	9340
9350	Қисқа муддатли ижарадан олинган даромадлар			
9360	Кредитор ва депонент қарзларни ҳисобдан чиқаришдан тушган даромадлар		80	9360
9370	Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар даромадлари		80	9070
9380	Қайтарилмайдиган молиявий ёрдам		80	9380
9390	Бошқа операцион даромадлар		80	9390
9400	Давр харажатлари ҳисоби счётлари	т		
9410	Сотиш бўйича харажатлар		9410	26/8
9420	Маъмурий харажатлар			
9430	Бошқа операцион харажатлар		9430	26
9440	Келгусида солиққа тортиладиган базадан чегириладиган ҳисоб даври харажатлари		9440	26-4
9500	Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар ҳисоби счётлари	т		

1	2	3	4	5
9510	Роялти кўринишидаги даромадлар		9510	
9520	Дивиденд кўринишидаги даромадлар		80	9520
9530	Фоиз кўринишидаги даромадлар		80-4	9530
9540	Валюталар курслари фарқларидан олинган даромадлар		80-3	9540
9550	Узоқ муддатли ижарадан даромадлар		80	9550
9560	Қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан даромадлар		9560	60-3
9590	Молиявий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар		80-4	9590
9600	Молиявий фаолият бўйича харажатлар ҳисоби счётлари	Т		
9610	Фоизлар кўринишидаги харажатлар		9610	80-4
9620	Валюталар курслари фарқларидан зарарлар		9620	80-4
9630	Қимматли қоғозларни чиқариш ва тарқатиш бўйича харажатлар		9630	80-4
9690	Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар		9690	80-4
9700	Фавқулодда фойда(зарар)лар ҳисоби счётлари	Т		
9710	Фавқулодда фойдалар		80-4	9710
9720	Фавқулоддаги зарарлар		9720	80-4
9800	Солиқлар ва йиғимларнн тўлаш учун фойданинг ишлатилиши ҳисоби счётлари	Т		
9810	Даромад (фойда) солиғи бўйича харажатлар		9810	81-4
9820	Фойдадан бошқа солиқлар ва йиғимлар бўйича харажатлар		9820	81
9900	Якуний молиявий натижа ҳисоби счёти			т
9910	Якуний молиявий натижа			

Балансдан ташқари счётлар				
001	Қисқа муддатли ижара бўйича олинган асосий воситалар			Б.Т
002	Масъул сақлашга қабул қилинган товар - моддий қийматликлар			Б.Т
003	Қайта ишлашга қабул қилинган материаллар			Б.Т

004	Комиссияга (сотиб беришга) қабул қилинган товарлар			Б.Т
005	Ўрнатиш учун қабул қилинган асбоб-ускуналар			Б.Т
006	Қатъий ҳисобот бланкалари			Б.Т
007	Тўлашга қобилиятсиз дебиторларнинг зарарга ўтказилган қарзи			Б.Т
008	Мажбуриятлар ва тўловлар таъминоти - олинган			Б.Т
009	Мажбуриятлар ва тўловлар таъминоти - берилган			Б.Т
010	Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича берилган асосий воситалар			Б.Т
011	Ссуда шартномаси бўйича олинган мулк			Б.Т
012	Келгуси даврлар солиққа тортиладиган базадан чегириладиган харажатлар			Б.Т
013	Вақтинчалик солиқ имтиёзлари(турлари бўйича)			Б.Т
014	Фойдаланишдаги инвентар ва хўжалик жиҳозлари			Б.Т

Маълумки, ЎзР БҲМС- 21 олдинроқ қабул қилинганлиги сабабли баъзи корхоналар унга олдин ўтган. Шунга кўра «Счётлар режаси» нинг биринчи ва иккинчи нашрларида берилган янги счётлар режасида бўлган ўзгаришларнинг солиштирма жадвали

т/р	1-нашр	2-нашр
1.	0110	0110
2.	0111	0111
3.	0112	0112
4.	0120	0120
5.	0130	0130
6.	0140	0140
7.	0150	0150
8.	0160	0160
9.	0170	0170, 0171
10.	0180	0180
11.	0190	0190
12.	0199	0199

т/р	1-нашр	2-нашр
13.	0211	0211
14.	0212	0212
15.	0220	0220
16.	0230	0230
17.	0240	0240
18.	0250	0250
19.	0260	0260
20.	0270	0270
21.	0280	0280
22.	0290	0290
23.	0299	0299
24.	0310	0310
25.	0410	0410

т/р	1-нашр	2-нашр
26.	0420	0420
27.	0430	0430
28.	0440	0480
29.	0450	0450
30.	0460	0460
31.	0470	0470
32.	0480	0440
33.	0490	0490
34.	0510	0510
35.	0520	0520
36.	0530	0530
37.	0540	0580
38.	0550	0550

т/р	1-нашр	2-нашр
39.	0560	0560
40.	0570	0570
41.	0590	0590
42.	0610	0610
43.	0620	0620
44.	0630	0650
45.	0640	0630
46.	0690	0690
47.	0710	0710
48.	0720	0720
49.	0810	0810
50.	0820	0820
51.	0830	0830
52.	0840	0840
53.	0850	-
54.	0860	-
55.	0890	0890
56.	0910	0910
57.	0920	0920
58.	0930	-
59.	0940	0990
60.	0950	0930
61.	0960	-
62.	0990	0940
63.	1010	1010
64.	1020	1020
65.	1030	1030
66.	1040	1040
67.	1050	1050
68.	1060	1070
69.	1070	1080
70.	1080	1200-1300
71.	1090	1090
72.	1110	1110
73.	1120	1110
74.	1510	1510
75.	1610	1610
76.	2010	2010
77.	2110	2110
78.	2310	2310
79.	2510	2510
80.	2610	2610

т/р	1-нашр	2-нашр
81.	2710	9450
82.	2810	2810
83.	2820	2820
84.	2830	-
85.	2910	2910
86.	2920	2920
87.	2930	2930
88.	2940	2940
89.	2950	2950
90.	2960	-
91.	2970	-
92.	2980	-
93.	2990	2990
94.	3110	3110
95.	3120	3120
96.	3190	3190
97.	3210	3210
98.	3220	-
100.	4010	4010
101.	4020	4020
102.	4110	4110
103.	4120	-
104.	4210	4410
105.	4220	4420
106.	4230	4430
107.	4290	4490
108.	4310	4310
109.	4320	4320
110.	4330	4330
111.	4410	4510
112.	4510	4550
113.	4520	4550
114.	4610	4710
115.	4710	4610
116.	4720	4620
117.	4730	4630
118.	4790	4690
119.	4810	4810
120.	4820	4810
121.	4830	4820
122.	4840	4830
123.	4850	4840
124.	4860	4210

т/р	1-нашр	2-нашр
125.	4890	4890
126.	4910	4910
127.	5010	5010
128.	5020	5020
129.	5110	5110
130.	5210	5210
131.	5220	5220
132.	5510	5510
133.	5520	5520
134.	5530	5530
135.	5610	5610
136.	5710	5620, 5710
137.	5810	5810
138.	5830	5830
143.	6020	6020
144.	6110	6110
145.	6120	-
146.	6210	6230
147.	6220	6240
148.	6230	6210
149.	6240	6220
150.	6250	-
151.	6290	6290
152.	6310	6310
153.	6320	6320
154.	6390	6390
155.	6410	6410
156.	6510	6510
157.	6520	6520, 6530
158.	6610	6610
159.	6620	6620
160.	6710	6710
161.	6720	6720
162.	6810	6910
163.	6820	6940
164.	6830	6920
165.	6840	6930
166.	6910	6810
167.	6920	6820
168.	6930	6830
169.	6940	6840

т/р	1-нашр	2-нашр
170.	6950	6850
171.	6960	6860
172.	6970	6870
173.	6990	6890
178.	7210	7230
179.	7220	7240
180.	7230	-
181.	7240	7220
182.	7250	7210
183.	7290	7290
184.	7310	7310
185.	7810	7510
186.	7820	7690
187.	7830	7310
188.	7840	7620
189.	7910	7630
190.	7920	7410
191.	8310	8511
192.	8320	8512
193.	8330	8513
194.	8410	8521
195.	8420	8522
196.	8510	8531
197.	8520	8532
198.	8530	8523
199.	8610	8610
200.	8620	8620
201.	8710	8710
202.	8720	8720
203.	8810	8810

т/р	1-нашр	2-нашр
204.	8820	8810
205.	8830	-
206.	8840	-
207.	8890	-
208.	8910	8910
209.	9010	9010
210.	9020	9020
211.	9030	9030
212.	9040	9035
213.	9050	9035
214.	9110	9110
215.	9120	9120
216.	9130	9130
217.	9140	9140
218.	9150	9150
219.	9210	9210
220.	9220	9220
221.	9310	9310
222.	9320	9320
223.	9330	9330
224.	9340	9340
225.	9350	9350
226.	9360	9360
227.	9370	-
228.	9380	9380
229.	9390	9390
230.	9410	9410
231.	9420	9420
232.	9430	9430
233.	9440	9440

т/р	1-нашр	2-нашр
234.	9510	9510
235.	9520	9520
236.	9530	9530
237.	9540	9540
238.	9550	9550
239.	9560	9560
240.	9560	9590
241.	9610	9610
242.	9628	9620
243.	9630	9630
244.	9690	9690
245.	9710	9710
246.	9720	9720
247.	9810	9810
248.	9920	9820
249.	9910	9910
250.	001	001
251.	002	002
252.	003	003
253.	004	004
254.	005	005
255.	006	006
256.	007	007
257.	008	008
258.	009	009
259.	010	010
260.	011	-
261.	012	-
262.	013	-
263.	014	-

Фермер хўжаликлари ва кичик, хусусий бизнес корхоналарида таркибий жиҳатдан фикримизча, бош бухгалтер вазифасини юридик ва жисмоний шахс билан ҳисоб-китоб операцияларни олиб борувчи, функционал вазифалари белгиланган ҳолда ташкил қилишни тавсия қиламиз.

Албатта бухгалтерия ҳисобини юритишда бухгалтерия ҳисобининг мақбул шаклини танлаш ҳам муҳим, шу жиҳатдан олсак, ҳозирги кунда фермер хўжаликларида:

1) Мемориал ордер;
2) Журнал ордер;
3) Автоматлаштирилган персонал компьютерлардан фойдаланиш шакллари қўлланиб келинади.

Фикримизча энг истиқболли шакл «Бухгалтерия-С:1, корхона» ҳисобланади. Ушбу дарсликда айрим жиҳатларни ҳар бир мавзу бўйича 3 вариантда келтириб ўтамиз.

Бу шаклларнинг барчасида бош дафтар асосий ролни ўйнайди.

Фермер хўжалигининг 200__ йил учун бош дафтари

№	Вақти	Провод-ка №	Хўжалик операциялари ёки ёзувлар мазмуни	Оборот		Шу жумладан счётлар бўйича							
						счёт № 0100		ва ҳоказо				счёт № 9900	
				Дт	Кт	Дт	Кт	Дт	Кт	Дт	Кт	Дт	Кт

Бу бош дафтар бўйича ойлик, кварталлик ва йиллик оборотлар чиқарилиб, «бошланғич сальдо»ни ҳисобга олиб «хотима қолдиқ» чиқарилади. Бу бош дафтарни персонал компьютерга фикр-мулоҳаза тартибида ҳам, яъни компьютерга киритилган ҳар бир счёт маълумотларини ҳаммаси қилиб оборот киритишнинг ёзи кифоядир. Бундан ташқари, «сальдовая оборот» ведомость» дан фойдаланса ҳам бўлади.

Демак, худудидаги счётлардаги маблағларнинг ҳаракатини онгли, тадбиркорлик нуқтаи-назаридан бошқарса, бозор иқтисодиёти шароитида молиявий барқарор бўлади.

Фермер хўжаликларяда пул маблағлари ва қимматли қоғозлар ҳисоби

Режа:

1. Пул маблағларини сақлаш ва самарали фойдаланиш даврида бухгалтерия ҳисобининг вазифалари.
2. Касса операциаларининг ҳисоби.
3. Банк муассасасидаги ҳисоб рақам, валюта ва бошқа счётлардаги пул маблағларининг ҳисобга олиниши.

Ҳар бир хўжалик субъекти бозор иқтисодиёти шароитида рақобатда курашишда фаолият кўрсатишлари учун маълум даражада пул маблағларига эга бўлиши лозим ва шу пул маблағлари тўла сақланиши узлуксиз доимий ҳисоб-китобларда олиб борилиши зарур.

Пул маблағларини учётга олишда бозорлар муносабатлари шароитида бухгалтерия ҳисоби олдига қўйилган вазифалар қуйидагилардан иборат.

1. Пул маблағларида акс эттирувчи хўжалик операциялари бухгалтерия ҳисобининг принциплари 17 та ва бухгалтерия фанининг предметини ўрганиш усулларини ҳужжатлаштириш, икки ёқлама ёзув бухгалтерия счётларида акс эттириш ўз вақтида амалга ошириш лозим;
2. Пул маблағларининг сақланиши ва сақланиш устидан узлуксиз доимий назорат олиб бориш керак;
3. Пул маблағларининг ҳаракатини бизнес режада кўрсатилганидек улардан самарали фойдаланиш кўрсаткичларни аниқлаш керак;
4. Қимматли қоғозларни ҳисоби ҳам «пул-эквивалент» сифатида бухгалтерия ҳисобида уларнинг номинал қиймати ва реал қийматлари асосида вақт давомида аниқ ҳисобга олиб бориш лозим;
5. Қимматли қоғозларнинг бозорига эътибор кучайтирилиб, бирламчи ва иккиламчи қимматбаҳо қоғозлар бозорида юз бераётган рақобат курашини аниқ тасаввур қилган ҳолда уларнинг номинал қийматларини доимий сақлаш ва асраш чораларини кўриб бориш лозим бўлади;

Ҳар бир хўжаликда амалга ошириладиган пул товар муносабатлари 2 турда амалга оширилади:

а) Юридик шахслар билан буларга шартнома муносабатлари бўйича олди-сотди операциялари накд пулсиз амалга оширилади;

б) Хўжалик субъектида меҳнатга ҳақ тўлаш пенсия, нафақа, ходимларга ҳимоя ёрдами ва хизмат сафарига борувчи шахслар билан жисмоний шахслар бўладиган хўжалик операциялари миллий валютамизда сўмда нақд пул воситасида амалга оширилади. Шу сабабли ҳар бир фер-

мер хўжаликда касса очилиши зарур. Бу кассада иш юритиш, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Молия вазирлигининг хўжалик субъектларида касса операцияларини юритиш қоидалари тўғрисидаги йўриқномага мувофиқ 1998 йил 24 январда тасдиқланган ва Республика Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 17 декабрда № 565 рақами билан рўйхатга олинган «Юридик шахслар томонидан касса операцияларини амалга ошириш қоидалари»га амал қилиш лозим. Бухгалтерия ҳисобидаги касса операциаларини юритишда фермер хўжаликлардаги хусусиятлар қуйидагилардан иборат:

1.Фермер хўжаликларда касса операцияларини амалга оширишда фермернинг мулки, хусусий бўлганлаги сабабли унинг яқин қариндошлари ҳам кассирлик вазифасини бажариши мумкин.

2. Фермер хўжаликларда касса операциялари бўйича бўладиган пул маблағларининг кирими ва чиқими албатта зарур ҳужжатлар билан расмийлаштирилиши (лозим) кирим қилинган (маҳсулотларни сотишдан олинган пул) кунлик банк муассасасига топширилиши шарт;

3. Фермер хўжаликларидаги пул маблағларининг қолдиқлари (ҳар куни) унинг тижорат банки билан келишилган лимитдан ортиқ сақланишига йўл қўймаслиги лозим, фақатгина иш ҳақи тарқатиш пайтида 3 кун муддатда кассада лимитдан ошиқ аниқ пул сақланиши мумкин.

Фермер хўжаликларда нақд пул маблағларини ҳисобга олиб боришини Молия вазирлиги томонидан тавсия қилинган счёт № 5000 - «Хазина» учун белгиланган регистр № 1 журнал ордер шаклида пул чиқими, журнал ордер № 1, кирими эса қайднома № 1 ёки мемориал ордер шаклида эса «Пул маблағлари ва қимматли қоғозларни ҳисобга олиш дафтари»да олиб борилиши мумкин. Бундан ташқари пул маблағларининг амалга оширилган нақд пул операциалари алоқага киришган жисмоний шахслар билан шартнома счёт ва бошқа ҳужжатлар билан расмийлаштирилиши мумкин, лекин у албатта бозор дирекцияси ёки фуқаролик, маҳалла кенгашларининг вакиллари гувоҳлигида амалга оширилиши лозим.

Фермер хўжаликларида банк муассасалардаги пул маблағларини ҳисобга олиб боришнинг дастлабки учёти ва бухгалтерия учёти бошқа хўжалик субъектлари сингари олиб борилади. Фермер хўжаликларида банк муассасаларни танлаш энг муҳим аҳамиятга эга, шу нуқтаи-назардан олганда фермер хўжаликлари юридик шахс сифатида тижорат банкларида ўзларининг счётларини очишлари мумкин. Албатта бунда тижорат банки билан фермер хўжалиги ўртасида шартнома тузилиши шарт.

Фермер хўжаликлари аввало валюта турларига ва пул маблағлари юзасидан бўладиган операцияларнинг амалга ошириш жойларига қараб 3 хил тартибда банк муассасаларида счётлар очиши мумкин.

Мамлакат ичидаги банкларга ҳисоб рақами счёти валюта счётини ва мамлакат ташқарисида эса доимий тўғридан-тўғри алоқалар мавжуд бўлганда чет эл банкларида ҳам ҳисоб-рақами счётини очишга эга амалдаги меъёрий ҳужжатларга мувофиқ фермер хўжаликлари зарур ҳолларда бир нечта банкларда ҳам ҳисоб-рақам счётларини очишлари мумкин, аммо ўзининг НН N: коди асосида ўзининг асосий ҳисоб-рақами очилган банкни ва ўзи жойлашган манзилдаги солиқ идораларига маълум қилиши шарт.

Фермер хўжаликларида очилган валюта счётлари 2 хил бирликда ифодаланади: валюта ва сўмларда акс эттирилиб борилиши лозим, жумладан валюта тури бўйича улар бухгалтерия учётида миллий валютамиз сўм бирликларида ифода қилиниши лозим. Сўм бирликлари валютанинг ҳар ҳафтада белгиланадиган Марказий банк (МБ) курсида ҳисобга олиб борилиши лозим.

Бозор иқтисодиёти шароитида бошқа товарлар сингари пулнинг эквивалент товарлар сифатида қимматли қоғозлар савдоси ва қолдиқларнинг турлари ва эгаларига қараб рақобатлар курашида бирламчи қимматли қоғозлар бозори, иккиламчи қимматли қоғозлар бозори вужудга келади. Мана шу олди-сотди жараёнда фермер хўжаликлари ҳам иштирок этишлари мумкин. Бирламчи бозор қимматли қоғозларнинг дастлабки номинал қиймати билан биржаларда уларнинг вакилликлари иштирокида ким ошди савдосида амалга оширилади; 2 босқич бозори эса бир марта биржада сотилган қолдиқларнинг иккинчи марта мулкдорларнинг брокерлари асосида сотилиши мумкин, бундай ҳолларда ким ошди принципи амал қилади. Биржада сотилаётган қимматли қоғозларнинг 2 хил баҳоси мавжуд:

а) номинал қиймат;

б) реал қийматда олиб борилади.

Иккиламчи ва бирламчи бозорларда қимматли қоғозларнинг баҳолари муҳим роль ўйнайди. Улар бир-бирлари кам ёки кўп бўлиши мумкин. Бунда корхонанинг иқтисодиётдаги, тармоқдаги молиявий ҳолати муҳим роль ўйнайди. Уларнинг муҳимлиги қимматли қоғозларга тўланадиган дивидендлар ёки корхонанинг бозордаги мавқеига қараб фермерларга иккинчи хилдаги даромад манбаи вужудга келади.

1. Ким ошди савдосида қимматли қоғозларнинг номинал қийматидан реал қиймати юқори бўлган ҳолатда;

2. Қимматли қоғозлар иштирок этаётган корхоналарда фойда тақсимотидан олинадиган дивиденд суммалари бўлиши мумкин. Қимматли қоғозлар қуйидагилар ҳисобланади.

1.Акция 2 хил бўлади: а) Имтиёзли акция, б) Оддий акциялар.

2. Депозитлар, булар кўпроқ банк муассасалари, кредит уюшмалари томонидан чиқарилади.

3. Облигациялар - бу облигациялар давлат марказий банки томонидан давлатнинг кафолатлиги асосида чиқарилади. Умуман олганда қимматли қоғозлар юридик шахслар, жисмоний шахсларнинг бўш маблағлари сармояларни ишлаб чиқаришга жалб қилиш имкониятининг мавжудлиги сабабли молиявий қимматли қоғозлар бозори вужудга келади. Қимматли қоғозларни бухгалтерия ҳисобида учётга олиб бориш пул маблағларини, айниқса валюта маблағларини ҳисобга олиб бориш сингари амалга оширилади, яъни номинал қийматида ва вақти-вақти билан ўзгариб турадиган реал қийматлари асосида қайд қилиб борилади-ган, (турадиган реал қийматлари) уларнинг аналитик счётлари қимматли қоғозларнинг турларига қараб очилади.

Пул маблағларини ҳисобга олиб борувчи счётлар балансга нисбатан актив ҳисобланиб, уларнинг дебет томонида бошланғич сальдоси, ҳисобот давридаги кирим, ҳисобот охирига хўжалик балансида кўрсатиладиган хотима қолдиғи ёзилади. Счётларнинг кредит томонида эса, пул маблағларининг ҳисобот даврида чиқими кўрсатилиб борилади.

Бухгалтерия ҳисобининг журнал ордер шаклида бу счётлар чиқими: счёт № 5000, - «Хазина» журнал ордер № 1, счёт № 5100, - «Ҳисоб-рақам счёти» журнал ордер № 2, бошқа счётлар эса журнал ордер № 4 да олиб борилади. Бу счётларнинг кирим қисмлари мутаносиб равишда «қайднома» № 1, № 2, №3, № 4 да олиб борилади. Аналитик счётлар пул маблағлари жавобгар шахслар, счётларнинг ҳамда қимматбаҳо қоғозлар, валюталарнинг турларига очилади.

Счёт № 0400, - «Номоддий активлар счётининг корреспонденцияси»

№	Ёзувларни мазмуни	Счётлар алоқаси		Ҳужжатлар
		Дт	Кт	
1	2	3	4	5
1	Бошланғич баҳосида номоддий активлар балансга олинса	0410-0490	0830	Шартнома ва қабул қилиш далолатномаси
2	Корхонанинг ўзида яратилган номоддий активлар балансга олинса	0410-0490	0830	Дастур, смета-лойиҳаси қабул қилиш далолатномаси

1	2	3	4	5
3	Номоддий активларни устав капитали ҳисобига қабул қилинса	0410-0490	4710	Таъсис шартномаси, қабул қилиш далолатномаси
4	Номоддий активлар бепул қабул қилинса	0410-0490	8420	Шартнома ва қабул қилиш далолатномаси
5	Номоддий активларнинг чиқими: қийматига эскириш суммасига	9220 0510-0590	0410-0490 9220	Хўжаликдан чиқиш далолатномаси

Аналитик счётлар ҳар бир номоддий активларнинг турлари ва тақдим қилинган юрилик ва жисмоний шахслар кўрсатилиб очилади, журнал ордер № 6 ёки журнал ордер № 8 да юритилади.

Счёт № 0500, - «Номоддий активларнинг эскиришини ҳисоби счётининг корреспонденцияси»

№	Ёзувларни мазмуни	Счётлар алоқаси		Ҳужжатлар
		Дт	Кт	
1	Номоддий активларнинг эскириши харажатларга олиб борилса	2020, 2310, 2320, 2510, 0210	0510-0590	Номоддий активларга эскириш ҳисоблаш қайдномаси
2	Номоддий активлар сотиш жараёнида фойдаланилган бўлса	9419, 9426, 9440	0510-0590	Номоддий активларга эскириш ҳисоблаш қайдномаси
3	Номоддий активларнинг эскириши харажатга чиқарилса	0510-0590	9390	Далолатнома

Мазкур счётнинг аналитик счётлари журнал ордер № 10 да номоддий активларнинг турлари бўйича очилади.

Пул маблағлари ва қимматбаҳо қоғозларни ҳисобга олиб бориш амалдаги счётлар режасининг 5-бўлими «Пул маблағлари, қисқа муддатли инвестициялар ва бошқа жорий активлар» бўлими таркибидаги счёт № 5000, - «Кассадаги пул маблағлари ҳисоби счётлари», жумладан унга кирувчи счёт № 5010, 5020 – 5920 гача.

- «Миллий валютадаги пул маблағлари», счёт № 5010,
- «Хорижий валютадаги пул маблағлари», счёт № 5020,
- «Ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағлари ҳисоби счёти» унга кирувчи счёт № 5110, - «Ҳисоб-китоб счёти» счёт № 5200 - «Чет эл валюталаридаги пул маблағлари ҳисобининг счётлари», унга тегишли счёт №

5210, - «Мамлакат ичидаги валюта счётлари», счёт № 5220, - «Хориждаги валюта счётлари» шунингдек бошқа шу бўлимдаги счётлар режасида кўрсатилган бош ва субсчётларда акс эттирилиб борилади, фикримизча, уларни такрор қилиб ёзиш шарт эмас деб уйлаймиз. Шу муносабат билан счёт № 5000 ва счёт № 5100 счётлар корреспонденциясини келтирамиз, бошқалари ҳам шу сингари бўлади, счёт № 5000, - «Кассадаги пул маблағлари ҳисоби» счётларнинг корреспонденцияси.

Албатта, счётлар корреспонденцияси тушунтирилаётган счётнинг дебетланиш ёки кредитланишида хўжалик операциялари мазмунига қараб битта ёки бир неча счётлар кўрсатилади, счётлар режасини билган киши учун хўжалик операция мазмунига у ёки бу счётни қўллаш, бухгалтерия проводкасини тузиш қийинчилик туғдирмайди.

№	Ёзувларнинг мазмуни	Счётлар алоқаси	
		дебет	кредит
1	Товарларни сотиш, айрим ҳолларда фоизлар кирим қилинса	5010, 5020	4830, 9010, 9030
2	Асосий восита ва бошқа активлар сотилса	5010, 5020	9210, 9220
3	Банкдаги счётлардан пул олинса	5010, 5020	5110, 5130
4	Акцияларни сотишдан пул келса	5010, 5020	8410
5	Таъсисчилардан пул олинса	5010, 5020	4610
6	Ссудалар олинса	5010, 5020	6810, 7810
7	Банкдаги ҳисоб рақам счётларга пул топширилса	5110, 5120	5010, 5020
8	Иш ҳақи ва нафақа, мукофот пули тарқатилса	6710	5010, 5020
9	Кассадаги пул кам келса	4730	5010, 5020
ва ҳоказолар			

Худди шудай тартибда сёчт № 5100 - «Ҳисоб-рақам» счётининг корреспонденцияси

№	Ёзувларнинг мазмуни	Счётлар алоқаси	
		дебет	кредит
1	2	3	4
1	Маҳсулот сотиш, аренда ҳақи пул келиб тушса	5110	4010, 4810, 4820, 4710
2	Пул кўчириш йўли билан чет эл инвестицияларидан акция олинса	5530	5110
3	Қисқа муддатли инвестициялар қайтарилса, пул келса	5110	4310, 4310
4	Таъсисчилар пул топширса	5110, 5210	4610

1	2	3	4
5	Тарқатиш учун пул олинса	5010, 5020	5110, 5120
6	Дивиденд суммалар пул келтириш йўли билан ҳисобланса ва берилса	6610	5110, 5210
7	Мол етказиб берувчи, пудрат ташкилотларга буюртмачилярга пул ўтказилса	6010, 4010	5110, 5210
8	Улардан маблағ келиб тушса	5110, 5220	4010, 6010
9	Қисқа муддатли кредитлар қайтартилса	6810, 6840	5110, 5210
10	Бюджетга тўлов, суғурта органларига	6410, 6510	5110, 5210
11	Ҳисобланган фоизлар тўланса	6920	5110
12	Аккредитивга, махсус счётга пул кўчирилса	5510, 5520	5110
13	Валюта сотиб олинса	5510, 5520	5110
ва ҳоказолар			

Худди шандай тартибда бошқа счётлар бўйича хўжалик операция кирим ва чиқим бўйича барча счётларда келаётган манбалари кредитланиб бухгалтерия проводкалари тузилади.

Ўз-ўзини текшириш саволлари:

1. Пул маблағлари, қимматбаҳо қоғозларнинг номинал ва реал қийматлари ҳақида тушунча, учётга олишдаги вазифалар.
2. Касса операцияларнинг дастлабки, бошқарув ҳисоби ҳақида.
3. Банк муассалари ва маблағларнинг бухгалтерия учёти.
4. Пул маблағлари ва кимматбаҳо қоғозларнинг счётларда ҳамда регистларда акс эттирилиши.
5. Пул маблағлари ва қимматбаҳо қоғозларнинг жорий бухгалтерия учёти ва молиявий ҳисоботларда акс эттириш.

Ҳисоб-китоб ва кредит операцияларнинг учёти

Режа

1. Ҳисоб-китоб операцияларини моҳияти, турлари ва шакллари.
2. Мол етказиб берувчи ва пудрат корхоналар билан ҳисоб-китоб операциялар учёти.
3. Тайёрлов ташкилотлари билан ҳисоб-китоб операциялар учёти.
4. Бюджет ташкилотлари билан ҳисоб-китоб операциялар учёти.
5. *Давлатнинг мақсадли фондлари, суғурта бўйича ҳисоб-китоб операциялар учёти.*
6. Таъсисчилар билан ҳисоб-китоб операциялар учёти.
7. Турли дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб-китоб операциялар учёти.
8. Ҳисобдор шахслар билан бўладиган ҳисоб-китоб операциялар учёти.
9. Кредит операцияларни учёти.

Таянч иборалар.

Дебиторлик қарзлари, кредиторлик қарзлари, акцип, аккредитив ва махсус счётлар, чеклар, пластик визалар ва бошқалар.

Маълумки, халқ хўжалигининг тармоқларидаги фаолият кўрсатаётган хўжалик субъектлари доимо бир-бирлари билан иқтисодий мулкий муносабатда бўлади, бу муносабатлар бухгалтерия учётида доимо ҳисобга олиб борилиши лозим ва таҳлил қилиб ҳар бир хўжалик операциясининг иқтисодий самарали бўлганлигини ёки аксинча бўлмаганлиги таҳлил қилиб корхона иқтисодиётини мустаҳкамлашга қаратилган бўлиши лозим. Шу жиҳатдан олганда ҳисоб-китоб операцияларининг мулкдорлар ўртасидаги мулкий муносабатларни ёки ишлаб чиқариш соҳасига умуман олганда сармоя сарфлаб маълум даражада иқтисодий самара фойда олишни кўзда тутган имконияти бўлиб, улар бугунги кунда барча ҳисоб-китоб операциялари бир неча турларга бўлинади:

1.Нақд пуллик операциялар;

2.Нақд пулсиз операциялар (нақд пулсиз, пластик виза ва карточкалар асосида амалга оширилади).

Фаолият юритувчи хўжалик субъектлари фаолият юритишдаги турлича ва бошқа тармоқдаги ёки бошқа жойдаги хўжалик субъектлари билан амалга ошириладиган хўжалик операциялари қуйидагича туркумланиши мумкин.

1.Таъминот ва хизмат кўрсатиш хўжалик субъеклари билан хўжалик операциялари;

2.Тайёрлов ташкилотлари билан бўладиган хўжалик операциялари;

3.Хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришни маблағ билан таъминловчи банк муассасалари билан бўладиган операциялар;

4.Маълумки фаолият кўрсатувчи ҳар бир корхона, давлат бюджет органлари билан солиқлар, йиғимлар, ажратмалар юзасидан бўладиган операциялар;

5.Бозор иқтисодиёти тамойилларидан бири ҳисобланган аҳолининг ночор қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш юзасидан бўладиган ижтимоий суғурта, табиий суғурта органлари билан бўладиган хўжалик операциялари;

Бунга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил ноябрдаги ижтимоий суғурта хўжалик операцияларнини учёти бўйича қарори ишчи ва хизматчи ёки уларга иш берувчи корхона ҳеч қандай иқтисодий таъсир кўрсатмайди, чунки ҳар бир ходимга ҳисобланган иш ҳақининг 1% миқдорида ходимдан ушланадиган даромад солиғи давлат бюджетига ўтказилмасдан ходим пенсия ёшига еткунга қадар даврда унга счёт очилиб халқ банкида жамғарма сифатида тўпланиб борилади ва кафолатини давлат органи сифатида белгиланди.

Нақд пулсиз операциялар амалга ошириш тартиб қондаларига мувофиқ қуйидаги шаклларга бўлинади:

1.Акцип; 2.Аккредитив; 3.Махсус счётлар.

Акцип операциялар – бу буюртмачилар, таъминотчилар билан бўладиган товар-пул муносабатларида, иш хизмат пул муносабатларида ихтиёрийлик асосида шартнома шартларига мувофиқ равишда амалга оширилади. Бунда тўлов талабномаси ва тўлов топшириғидан фойдаланади. Тўлов топшириғига банк реестр бланкаси (04016070 ёки 0401002 шаклларда) фойдаланади. Бу хужжатларни тўлов топшириғи сотиб олувчи томонидан ҳисоб рақами очилган банк муассасасига буйруқ сифатида топширилади ва банк 10 кун давомида корхонанинг маблағи бўлса, уни бажариши шарт. Тулов талабномаси товарлар сотиб олган корхонага пулни тўлашни талаб қилувчи ҳужжатлар сифатида сотилган корхона томонидан унинг ҳисоб раками очилган банк муассасасига 4 нусха ёки электрон ахборот топшириғи сифатида амалга оширилади. Ҳужжатларни олган банк эса харидорнинг счёти жойлашган банкка топшириқ беради ва ижросини таъминлайди. Бордию, эътирозлар бўлса, сотиб олинган корхона 72 соат мобайнида ўзини ҳисоб рақами очилган банкга ҳужжат тақдим қилади бўлар одатда инкасса дейилади. Фаолият кўрсатувчи барча хўжалик субъектлари якка тартибда ҳеч қачон ишни

давом эттира олмайди, чунки барча хўжалик субъектлари халқ хўжалигини бир тармоғида улар билан боғланган ҳолда олди-сотди муаммоларини амалга оширган ҳолдагина фаолият кўрсата олади. Фаолият кўрсатиш учун қуйидаги хўжалик субъектлари иқтисодий мулкий муносабатларни амалга оширишлари зарур.

1. Таълимот ташкилотлари, жумладан агрохимия корхоналари нефть махсулотлари корхоналари, транспорт корхоналари ва бошқалар;

2. Хизмат кўрсатувчи корхоналар, жумладан илмий тадқиқот муассасалари, МТП, ўсимлик ва ҳайвонларни ҳимоя қилиш корхоналари, сув етказибетказиб берувчи муассасалар, газ энергия бўйича хизмат кўрсатувчи хўжалик субъектлари;

3. Жамият ва давлат манфаатлари юзасидан фермер хўжаликлари ўз бурчларини бажаришлари учун давлат буюртмачи ташкилотлари билан 2та маҳсулот бўйича пахта ва ғалла шартномада кўрсатилган, шунингдек ишлаб чиқарган маҳсулотлар юзасидан харидор билан ҳисоб-китоблар;

4. Олинган даромад бўйича давлат бюджети молия органлари, йўл хизмати бўйича ҳисоб-китоблар;

5. Ижтимоий суғурта аҳолини ночор қатламларини ҳимоялаш бўйича ижтимоий суғурта органлари турли ходисалардан мулкни сақлаш бўйича суғурта компаниялари билан алоқада бўлади;

6. Агарда фермер хўжаликлари чет элга маҳсулотларини экспорт қиладиган бўлса божхона ва стандартлаш органлари билан муомилада бўлади;

7. Мамлакатимиздаги пул-кредит тизимини мустаҳкамлаш миллий валютамизни қадрсизланишига қарши кураш бўйича тижорат банки билан алоқада бўладилар.

Шундай қилиб мамлакатдаги фаолият кўрсатаётган 200 мингга яқин фермер хўжаликлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1994 йилдаги 384-сонли қарори ва ундан кейин 2004 йил Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ишлаб чиқилган шартнома муносабатлари асосида барча ҳисоб-китобларни амалга ошириш лозим. Шу сабабдан фермер хўжаликлари олдидаги энг биринчи вазифа давлат буюртмаси бўйича дон маҳсулотлари ва пахта маҳсулотлари, улар жойлашган бонитет балл гектар шароитларидан келиб чиққан ҳолда мажбурий равишда пахтанинг 60 % шартнома баҳосида, қолган қисми келишилган баҳоларда, дон маҳсулотларининг 50 % миқдордаги қисмини қатъий баҳоларда сотадилар. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил Вазирлар Махкамасининг қарорига мувофиқ ушбу маҳсулотларни етказиб бериш учун банк судаларидан фойдаланиши лозим суданинг йиллик фоизи 3-5% га тенг қилиб белгилаб қўйилган. Бун-

дан ташқари тайёрлов ташкилотлари билан тузилган шартномаларга мувофиқ етиштирилган маҳсулотлар 40% технология жараёнлари амалга оширишга қараб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Молия Вазирлиги ёнидаги ташкил қилинган жамғарма фонд ҳисобидан вақтинчалик маблағларга эга бўлишлари шартномада кўрсатилиб, хўжаликлар шу асосда иш олиб бориши лозим. Шундай қилиб буюртма бўйича шартномаларни бажариш ҳақида асосида маълумотларга эга бўлиш учун харидор билан бўладиган хўжаликларда шартномаларнинг ҳар бири алоҳида аналитик счёт очилиб уларнинг шартномаларнинг ҳар бир шарти бўйича ҳисоб-китоблар доимий узлуксиз олиб бориши, бу маълумотларни ўз вақтида етказиб бериш энг муҳим вазифа ҳисобланади.

Давлат бюджети органлари билан ҳисоб-китоблар:

1.Солиқ бўйича тўловлар эса ягона ер солиғи;

2.Ходимларнинг меҳнат ҳақидан олинадиган даромад солиқлари, пенсия фондига мажбурий ажратмалар, йўл фондига даромаддан 1,5% мажбурий тўлов. Бу хўжаликлар счёт режасидаги счёт № 6800 бюджетига тўлов ва тўланган авансларнинг № 4510, № 4520 счётларда акс эттирилади.

1.Авансларнинг, 2.Охирги ҳисоб ҳужжатлари

Дебет томонидан тўланган маблағлар, кредит томонида эса ҳисобланган суммалар акс эттирилади. Фермер хўжаликларда ўзларининг харажатларини мамлакатда фаолият кўрсатаётган 36 хил турдаги тижорат банкларда ҳисобларни очиб нақд пулсиз операцияларни амалга оширади. Фермер хўжалигининг бўш маблағлардан фойдаланган учун банклар билан % тўлаш юзасидан улар билан шартномалар тузилади. Фермер хўжаликлари бугунги кундаги амал қилаётган меъёрий ҳужжатларга мувофиқ мамлакат ичкарисидаги заруриятга қараб бир нечта банкларда олиб борувчи ҳисоб рақамларни очадилар. Бундан ташқари фермер хўжаликлари чет эл банкларда ўзларининг ҳисоб рақамини очиши мумкин.

Маълумки, қишлоқ хўжалик корхоналарда ишлаб чиқариш даври, иш даври тенг эмас, шу сабабли улар мавсумий айланма маблағга ҳамда банк кредитларига мухтожлик сезадилар. Кредитнинг моҳияти деганда фермер хўжаликларнинг ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун сарфлаш асосида пулни қайтариб олиш моҳиятини ташкил қилади. Уни ишлатган фермер хўжаликлари ҳам фойда олади. Бунинг қисқа муддатли кредитлар счёт № 6800 «Узоқ муддатли банк кредитлари» счётларда акс эттирилади. Бу счётлар балансга нисбатан пассив кредит томонда саль-

доси олинган кредит суммаси хотима сальдоси акс эттирилади. Банк кредитлари қуйидаги 4та принципга мувофиқ берилади:

1. Кредит олиш учун моддий база бўлиши шарт;
2. Кредит фақат аниқ мақсадлар учун берилади;
3. Кредит белгиланган муддатларда албатта қайтарилиши лозим;
4. Фойдаланган кредит суммаси % тўланади;

Банк кредитларни 3 хил муддатга беради: 1.Қисқа муддатли кредит 1 йилгача; 2.Узок муддатли кредит 20 йилгача; 3.Ўрта муддатли кредит 3 ойдан 3 йилгача;

Қисқа ва узоқ муддатли кредитлар фермер хўжаликларининг молиявий объектив сабабларга мувофиқ қайтариш имконияти бўлса «протерево» яъни муддати узатилади.

Республикамизда ташқи ва ички мулкий ҳамда бошқа муносабатлар бўйича ҳисоб-китоб операциялари, хўжалик субъектлари ўртасидаги ишлар Вазирлар Маҳкамасининг шартнома муносабатларини тартибга солиш бўйича амалларни тартибга солиниб, хўжалик субъектлари ўз фаолиятларини юритмоқдалар. Амал қилаётган Молия вазирлиги томонидан тавсия қилинган ЎзРБҲМС-21 да белгиланган счётлар режасига мос равишда бундай ҳисоб-китоблар бўлим-IV «Маблағларни олиш бўйича жорий қисм» деб аталиб, унда ўзаро муносабатлардаги аванс (бўнак) ҳисоб-китоблари, яъни счёт № 4010-4020 – «Олиниши лозим пул ва векселлар», счёт № 4100 - «Хўжаликда шароитлашган ички бўлинмалар, қарам, ажралиб чиққан хўжаликлар» (4110-4120), счёт № 4200 - «Ходимларга берилган бўнаклар» (4210-4230, 4290), счёт № 4300 - «Мол етказиб берувчи ва пудратчи хўжаликларга аванс (бўнак)», счёт № 4400 - «Бюджетга тўловлар бўйича ўтказилган бўнаклар» (4410), счёт № 4500 - «Давлатнинг мақсадли фондларига суғурта бўйича бўнаклар» (4510-4520) ҳисоб-китоб операциялар ҳисоби юритилади.

Бўлардан ташқари счёт № 4600 - «Устав капитали фондига бадаллар бўйича таъсисчилар қарзи ҳисоби» (4610), ниҳоят счёт № 4700 - «Ходимнинг турли операциялар бўйича қарзи ҳисоби» (4710-4790), счёт № 4800 - «Турли дебиторларнинг қарзлари ҳисоби» (4810-4890), счёт № 4900 - «Даргумон қарзлар бўйича захира ҳисоби» счётлари киритилган.

Счётлар режасининг «Мажбуриятлар» - III қисмда эса 6-бўлим «Жорий мажбуриятлар»га бир нечта:

Счёт № 6000 – «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» (6010-6020), счёт № 6100 - «Алохида бўлинмалар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган счётлар» (6110-6120), счёт № 6200, - «Муддати узайтирилган муносабатлар ҳисоби счётлари»(6210-6250), счёт № 6300- «Олинган бўнаклар ҳисоби счёт-

лари» (№ 6310-6320,6390), счёт № 6400, - «Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик ҳисоби счётлари»(6410), счёт № 6500, - «Суғурта ва давлат мақсадли фондларига тўловлар бўйича қарздорлик ҳисоби счётлари» (6510-6520), счёт № 6600, - «Таъсисчиларга бўлган қарзлар ҳисоби счётлари»(6610-6620), счёт № 6700, - «Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар ҳисоби счётлари»(6710-6720), счёт № 6800,»Қисқа муддатли кредитлар ва қарзлар ҳисоби счётлари» (6810-6840), счёт № 6900, - «Турли кредиторлардан қарзлар ҳисоби счётлари» (6910-6970,6990) кабилар киритилгандир.

Счётлар режасининг 7 бўлими «Узоқ муддатли мажбуриятлар»да эса счёт № 7000, - «Мол етказиб берувчи ва пудратчиларга тўланадиган узоқ муддатли счётлар» (7010-7020), счёт № 7100, - «Алоҳида бўлинмалар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган узоқ муддатли қарз» (7110-7120), счёт № 7200, - «Муддати узайтирилган узоқ муддатли мажбуриятлар ҳисоби счётлари» (7210-7250, 7290), счёт № 7300, - «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган бўнаклар ҳисоби счёти» (7310), счёт № 7800, - «Узоқ муддатли кредитлар ва қарзлар ҳисоби счётлари» (7810-7840), счёт № 7900 «Турли кредиторларга тўланадиган узоқ муддатли қарзни ҳисоби счётлари» (7910-7920) кўрсатиб ўтилганлигини алоҳида қайд қилиш лозим. Шундай қилиб баланс таркибидаги ҳисоб-китоб операциялари счётлар режасида фаолият кўрсатувчи ҳисоб-китобни юритишдан барча мавжуд бўлган 74 та бош счётнинг 26 таси ўзаро ҳисоб-китобларни олиб бориш учун тавсия қилинган, бу эса 35,3% ни ташкил қилади, ёки фойдаланиши мўлжалланган 249 суб счётларнинг 91 таси ёки 36,4% турлича юридик ва жисмоний шахслар билан ҳисоб-китобларни олиб боришга мўлжалланган.

Бугунги кунда Президентимиз ва хукуматимиз томонидан фермер хўжаликлар, кичик ва хусусий тадбиркор корхоналарга ҳисоб-китобларни учётини соддалаштириш юзасидан қўйилаётган талабларга фикримизча унчалик мос келмайди деб ҳисоблаймиз.

Шу сабабли, ЎзРБҲМС лардаги тавсиясида ҳар бир хўжалик юритувчи субъектлардир учун ишчи бухгалтерия счётлари режасини тузиб олишини эътиборга олиб ишлаб чиқиши кўрсатиб ўтилган. Бундан ташқари фермер хўжаликлар, кичик ва хусусий бизнес билан шуғулланувчи хўжалик субъектлари, жумладан фермер хўжаликларида соддалаштириш мақсадга мувофиқ бўлади, Яна бир сабаби улар мулкдорлар синфини вужудга келтирмоқда, бундай ҳолат ҳисоб-китобларни мулкчилик ҳисси нуқтаи назаридан мулкий тегишлилик, узоқ ва қисқа муддатли ҳисобга олиб боришни тақозо қилади деб ўйлаймиз.

Агарда шулар эътиборга олиниб, ҳисоб-китоблар юритилишига тадбиқ қилинса, бўнак счётлари (6 та бош счётлар 15 та субсчётлардаги) маълумотларни узил-кесил бош ва субсчётларни регисторларининг катакларига жойлаштиришни мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблаймиз.

Шунингдек узоқ ва қисқа муддатли мажбуриятларнинг ҳисоб-китобларини ҳам счётлар учун тайинланган регисторлар колонка (устун хоналарида) бемалол жойлаштириш имкониятини ҳисобга олсак бўлади, чунки молиявий ҳисобот маълумот «Бухгалтерия-1:С (корхона)» шаклида персонал компьютерларда жойлаштирилиши ҳеч қандай қийинчилик туғдирмайди деб ўйлаймиз. Биз бухгалтерия счётларига тайинланган регисторлар шаклини, мазкур счётлар корреспонденциясига изоҳ бергандан сўнг тавсия сифатида келтирамиз, бу эса ўз навбатида фермер хўжаликлар, кичик ва хусусий бизнес корхоналар тартибида хўжалик юритувчи субъектларда ишларни соддалаштириш асосида зарур бошқарув, молия, солиқ ҳисоботларига аниқ, исталган вақтда маълумотлар олиш имкониятини беради.

Бунда юқорида кўрсатилган субсчётларни эса муддатларини эътиборга олган ҳолда ж.о. 10 да шу жумладан ҳисоб-китоб турларини колонкаларда акс эттиришни тавсия қиламиз. Чунки бундай ҳисоб-китоб операцияларини юритиш бошқарувчилар ва молиявий ҳисоботлар учун зарур маълумотларни олиш «Бухгалтерия-1:С (корхона)» шаклида персонал компьютерларда ҳеч қандай қийинчилик тўғдирмайди, ўз навбатида фермер хўжаликлар, кичик ва хусусий бизнес корхоналар учун бухгалтерия ҳисобини соддалаштиришга олиб келади, деб ўйлаймиз. Чунки ҳар бир юридик шахслар учун алоҳида-алоҳида аналитик счётлар очилик ҳисоб-китоб юритиладиган бўлса, кўплаб субсчётлар юритишни соддалаштиради.

Фикримизча, юқоридаги меъёрий ҳужжатларнинг талабларидан келиб чиқиб, ҳисоб-китоб ва кредит операцияларни бухгалтерия ҳисобида, яъни: бошқарув, молиявий, солиқ учётларида фермер хўжаликлари, кичик ва хусусий бизнес тадбиркорлик корхоналарида қуйидаги турларга ажратиб, соддалаштириб ҳисобга олиб боришда имкониятларни вужудга келтиради:

Тайёрлов жараёни хўжалик операциялар бўйича бўнак ва охирги ҳисоб-китоблар бош ва субсчётларда акс эттирувчи счётлар: материал, хом-ашё, асосий воситаларни сотиб олишни счёт № 4300, - «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнаклар ҳисоби счётлари» счёт № 4310, - «Т.М.Қ учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнаклар», счёт №4320, - «Узоқ муддатли активлар учун мол етказиб берувчи ва пудратчиларга берилган

бўнаклар», счёт № 4330, - «Бошқа берилган бўнаклар» ҳамда счёт № 4800, - «Турли дебиторларнинг қарзлари ҳисоби счётлари» таркибидаги счёт № 4810, - «Узоқ муддатли ижара бўйича олинадиган жорий тўловлар», счёт№ 4820, - «Қисқа муддатли ижара бўйича олинадиган тўловлар буйича олинадиган счётлар» (унинг таркибида фоизлар, дивидендлар, даъволар бўйича счётлар, бошқа дебиторлар счётлар: № 4830,4840,4860,4890 счётлари қўшилиб олиб борилади). Счёт № 6000, - «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» (6010, 6020), счёт № 6200, - «Муддати узайтирилган мажбуриятлар ҳисоби счётлари», жумладан № 6210, - «Дисконт (чегирма) кўринишидаги муддати узайтирилган даромадлар», № 6220, - «Мукофот (устама) кўринишдаги муддати узайтирилган даромадлар», № 6230, - «Бошқа муддати узайтирилган даромадлар» счётлари буйича фермер хўжаликлар, кичик ва хусусий бизнес корхоналарида, бу хўжалик операцияларини ҳисобга олиш бўйича иккита счёт, яъни № 6010, - «Мол етказиб берувчи ва пудратчилар билан қисқа муддатли (жорий) ҳисоб-китоблар» счётини ва № 6020, - «Мол етказиб берувчи ва пудратчилар билан узоқ муддатли» ҳисоб-китоблар счётини юритиш тавсия қилинади.

Мол етказиб берувчи ва пудратчилар билан қисқа муддатли ҳисоб-китоб операциялари бўйича счётлар корреспонденцияси

Т/р	Ёзувларнинг мазмуни	дебет	кредит
1	2	3	4
1.	Моддий товар қийматликларни (МТҚ) олиш учун қисқа муддатли аванс (бўнак) ўтказилса (шартномага мувофиқ)	6010	5100, 5200, 5500
2.	Моддий товар қийматликларни олиш учун узоқ муддатли бўнаклар ўтказилса	6020	5100, 5200, 5500
3.	Моддий товар бойликлар олинса пудрат бўйича: а) капитал сарфларга ишлар бажарилганлари учун ҳисобланаса; б) жорий йил ишлари учун ҳисобланса	0700,1000, 1100, 0800 2000, 2300, 2500,2700	6010, 6020 6010, 6020
4.	Моддий товар бойликларга эътироз билдирилса	6010, 6020	0700, 0800, 1000, 1100, 2700

1	2	3	4
5.	Пудрат усулида бажарилган ишлар учун эътироэлар билдирилса: а) жорий йил учун б) узоқ муддатли бўлса	 6010 6020	 2000, 2300, 2500, 2700 2000, 2300, 2500, 2700
6.	Олдинги ўтказилган аванс ҳисобга олиниб, ушланса	6020, 6010	6010, 6020
7.	Мол етказиб берувчи ва пудрат ташкилотларига эътироз билдирилган, аммо ечими бўлмасдан харажатга чиқарилса	9430	6010, 6020
8.	Агарда уларга берилган аванс (бўнак) қисқа муддатли бўлиб, узоқ муддатли авансга ўтказилса	6020	6010
9.	Мол етказиб берувчиларга ва пудратчиларга кредит ҳисобидан пул ўтказилса: а) қисқа муддатли банк кредити б) узоқ муддатли банк кредити	6010, 6020 6010, 6020	6800 7800

Мазкур счётлар бўйича аналитик счётлари ҳар бир юридик ва жисмоний шахслар «Бухгалтерия-1:С (корхона)» шаклдаги регисторларда шартнома шартларига мос равишда унинг колонка ва устунларда ҳисобга персонал компьютерларда ҳисобга олиб борилади, бошқарув учёти, молиявий учёт ва солиқ учёти талабларига жавоб берадиган маълумотларни истаган даврда, хатто соатда олиш имкониятини беради.

Счётнинг «Бухгалтерия -1:С (корхона)» – корхона регистри

№	Проводка Ҳужжат номи №, вақти	Ёзувларнинг мазмуни	Дебет суммалар		Кредит суммалар	
			жами	шу жумладан шартлар бўйича	жами	шу жумладан шартлар бўйича
		Шартнома бўйича режа: Сальдо ҳисобот даврида операциялар				

Регистр № 3 (1-вариант)

Молия инвестиция (сармоя)ни ҳисобга олиш қайдномаси

Қимматбаҳо қоғозлар	Ҳисобот даври бошига қолдиқ		Қимматбаҳо қоғозларнинг ҳаракати									Ҳисобот даври охирига қолдиқ	
			Счёт №			Счёт №			«Реализация» счёт кредитидан				
	сони	суммаси	вақти	сони	Сотиб олиш қиймати	вақти	сони	Сотиб олиш қиймати	вақти	сони	Сотиб олиш қиймати	сони	суммаси
Акция													
Облигация													
Пай гувоҳ-номаси													
Бошқалар													

Регист № 5 (2-вариант)

Мол етказиб берувчилар билан ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш қайдномаси
Счёт №
200___ йил _____ ойи учун

Мол етказиб берувчи	Ҳисобот бошига тўланмаган қолдиқ	Кирим қилинмаган ҳужжат номи ва ТМБ номлари	Счётнинг кредитидан ____ дебетига			Кредит счётлардан дебетланган оборот суммалари					Ҳисобот охирига тўланмай қолган қолдиқ
			№	№	жами	№		№		жами	
						вақти	сумма	вақти	сумма		

Регист № 11 (3-вариант)

Харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш қайдномаси

Фактура акт	Харидор ёки буюртмачи	Ҳисобот бошига реализация сўтида қолдиқ	Сотилган маҳсулот ҳажми		Реализация счётининг кредитидан		Келиб тушган пул				Реализация қилинган қиймат
			ҳақиқий таннарх	сотиш қиймати ҚҚ солиғисиз	қиймати ҚҚСсиз	ҚҚС	тўлов топшириғи			алоқа счёти	
							№	вақти	сумма		

Харидорлар ва буюртмачилар билан бўладиган ҳисоб-китоб операциялари ҳам худди юқоридаги сингари қуйидаги счётларда фермер хўжалиги, кичик ва хусусий бизнес корхоналарда ҳисоб-китобларни акс эттиришни, корхона ҳисоб счётида кўрсатилиб бажарилиши мумкин.

Счёт № 4000 – «Олинадиган счётлар ҳисоби» таркибидаги, № 4010, - «Харидорлар ва буюртмачилар билан олинадиган счётлар», №4020, - «Олинган векселлар жорий қисми», счёт № 6200, - «Олинган бўнаклар ҳисоби счёти»таркибидаги №6310, - «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар», счёт № 6900, - «Турли кредиторлардан қарзлар ҳисоби счётлари» таркибидаги, № 6940, - «Кафолат буйича қарз», №6960, - «Даъволар буйича тўланадиган счётлар», счёт № 7300, - «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган бўнаклар счёти» таркибидги №7310, - «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган бўнаклар», счёт №7900, - «Турли кредиторларга тўланадиган узоқ муддатли қарзлар ҳисоби счётлари» таркибидаги №7920, - «Турли кредиторларга тўланадиган бошқа узоқ муддатли қарзлар».

ЎзРБҲМС-1 га ва фермер хўжалиги ҳисоб снёсатига мувофиқ, мазкур счётларни бирлаштириб муддатларига қараб икки турга бўлиб: 1) 4000, - «Харидорлар ва буюртмачилар билан қисқа муддатли ҳисоб-китоблар счётида, 2) счёт № 7300, - «Турли дебитор ва кредиторлар билан бўладиган узоқ муддатли ҳисоб-китоблар счётида» акс эттиришни тавсия қиламиз.

Шундай қилиб иккита счётда: № 4010, - «Харидорлар ва буюртмачилар бўладиган қисқа муддатли ҳисоб-китоблар» ва счёт № 4020, - «Харидорлар ва буюртмачилар билан (шартномага мувофиқ) узоқ муддатли ҳисоб-ки-

тоблар счётида» акс эттириш мақсадга мувофиқ бўлади, деб тавсия қиламиз.

Аналитик счётлари ҳар бир харидор ва буюртмачига алоҳида-алоҳида очилади. Бундай ҳисоб-китоблар учёти ҳам юқорида мол етказиб берувчи ва пудратчилар билан ҳисоб-китоб счётларини юритиладиган ж.о. № 10 да сингари бўлиши мақсадга мувофиқ амалга оширилишини тавсия қиламиз.

Счётларнинг корреспонденцияси қуйидагича бўлади

Т/р	Ёзувларнинг мазмуни ва айрим хужжатлар	Счётлар алоқаси	
		Дебет	Кредит
1.	Маҳсулот, иш ва хизматлар кўрсатиш	4010, 4020	9010, 9030
2.	Асосий воситалар бўйича хизмат кўрсатилса	4010, 4020	9210, 9220
3.	Пул келиб тушса	5110, 5530	4010, 4020
4.	Хўжалик операциялари бўйича даъво ва эътироз билдирилса	4810	4010, 4020
5.	Қимматбаҳо қоғозлар аванс (бўнак) ҳисобига олинса	6310	4010, 4020
6.	Бу операциялар буйича қарзлар харажатга чиқарилса	9430	4010, 4020
7.	Бу операциялар буйича қопланмайдиган қарзлар резервлар счётидан қопланса	4910	4010, 4020
8.	Қисқа муддатли операциялар буйича қарздорлик узоқ муддатли турига кўчирилса ёки, Тескари қисқа муддатлиси узоқ муддатлига кўчирилса	4010 4020	4020 4010
9.	Харидор ва буюртмачилардан аванс бўнак олинса	5110, 5530	4010, 4020

Ушбу счётлар корреспонденцияси буйича бўнаклар (аванс) счётини дебет ва кредит буйича ҳисоб-китоблар ўз-ўзидан тартибга тушиб кетади, бунинг оқибатида бир нечта проводкаларга ҳамда очиладиган суб-счётлар, аналитик счётларнинг учётда қисқаришига олиб келади, ошиқча ташвишларга ҳожат қолмайди, деб ҳисоблаймиз.

Фермер хўжаликлари, кичик ва хусусий бизнес корхоналарида давлат бюджетига тўлов ва мажбуриятларни ҳисоблаш, бўнакларни ўз вақтида ўтказиб туриш, ҳисобот даврининг охирига тўла ҳисоб-китобларни тўлаш каби масалалар бухгалтерия ҳисобининг марказий масалаларидан ҳисобланади.

Бундай ҳисоб-китоб операциялари икки хил бўлиб:

1) Солиқ ва йиғимлар буйича хўжалик операциялари;

2) Давлатнинг мақсадли фондларига ажратма ва мажбурий тўловлардан иборат бўлади.

Давлат бюджетига тўловлар (иккитаси ҳам) тавсия қилинган бухгалтерия счётлар режасида бир неча счётларда акс эттирилиши баён қилинганлигини ҳисобга олиб, энди фермер хўжаликларда, кичик ва хусусий бизнес корхоналарида акс эттирилиши ҳақида фикр юритамиз. Бундай корхоналар кичик ҳажмда эканлигини ҳисобга счётларни соддалашган бир счётда ва унга тайинланган регистрларда олиб боришни, яъни бўнак ва ҳисобот даврининг охирига бита счётда, жумладан счёт № 4400, - «Бюджетга бунклар тўловлари ҳисоби» счёт таркибидаги счёт. №4410, - «Бюджетга солиқлар ва йиғимлар ҳисоби буйича бўнак тўловлари турлари буйича» ҳамда счёт № 6200, - «Муддати узайтирилган мажбуриятлар ҳисоби» счёти таркибидаги счёт № 6240, - «Солиқлар ва мажбурий тўловлар буйича муддати узайтирилган мажбуриятлар», счёт № 6250, - «Вақтлар буйича фарқи билан муддати узайтирилган даромад (фойда) солиғи буйича мажбуриятлар» ҳамда счёт № 6400 - «Бюджетга тўловлар буйича қарздорлик (тўлов турлари буйича) счётлар» таркибидаги счёт № 6410, - «Бюджетга тўловлар буйича қарздорлик (тўлов турлари буйича)» счётни ЎзРБҲМС-1 га мувофиқ равишда счёт № 6410, - «Давлат бюджетига ҳисоб-китоблар» деган счётда, аналитик счётларни очиш қоидасидан фойдаланиб, муддати узайтирилганлик тушунчаларини эса «Бухгалтерия-1:С (корхона)» шакли буйича регисторларнинг устун ва қаторларида ҳам ҳисобга олиб борилишини тавсия қилган бўлур эдик. Бу эса ўз навбатида маълумотларни бир жойда тўпланишига, тезкорлик асосида олиб борилишини таъминлаган бўлур эди.

Счёт № 6410- «Давлат бюджетига ҳисоб-китоб операцияларини ҳисоби» счётининг корреспонденциясининг қуйидагича бухгалтерия проводкаларида умумий қоидаларини бузмаган ҳолда акс эттирилишини таъминлайди.

Т/р	Ёзувларнинг мазмуни ва айрим хужжатлар	Счётлар алоқаси	
		дебет	кредит
1.	Мол етказиб берувчилардан олинган ТМҚ учун ҚҚС солиғини ҳисоблаш	6410	6010,6120,6990
2.	Харидор ва буюртмачилар ҚҚС солиғи ҳисобланса	6410	6410
3.	Бир вақтда мажбуриятлар сифатида (бўнак счёти бўлмаганлиги сабабли)	6410	6410
4.	Пули ўтказилса	6410	5110
5.	Бюджетга солиқлар ҳисобланса	9430, 4010, 6610	6410
6.	Фойдадан солиқ ҳисобланса	9810, 9890	6410
7.	Ходимлар, жисмоний шахслардан солиқ ушланса	6710	6410
8.	Ҳисобланган дивидендда солиқ ҳисобланса	6610	6410
9.	Пуллари ўтказиб берилса	6410	5110
10.	Солиқлардан бир қисми қайтарилса	5100	6710

Аналитик счётлари солиқлар ва тўлов ҳисобланиш турларига қараб очилиши, ўзаро ҳисоб-китоб операцияларни ҳисобга олувчи регистор ж.о. 10 да очишни тавсия қиламиз.

Суғурта ва давлат мақсадли фондларига тўловлар буйича қарздорлик ҳисоб-китоб операциялари буйича ҳисоб-китобларнинг ҳисобини юритиш ҳам энг муҳим долзарб масалалардан бири ҳисобланади, чунки бу маблағлар бюджет параметрларида қонунда зикр қилинганлиги сабабли, булар бюджет маблағларига тенглаштирилган маблағлардир.

Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги томонидан тавсия қилинган ЎзРБҲМС-21 да ҳисоб-китобларни акс эттириш учун барча фаолият юритувчи хўжалик субъектларига каби умумий тартибда счёт № 4500, - «Давлат мақсадли фондларига ва суғурта буйича бўнак ҳисоби счётлари» таркибидаги счёт № 4510, - «Суғурта буйича бўнак тўловлари» ва счёт № 4520, - «Давлат мақсадли фондларига бўнак тўловлари», счёт № 6500, - «Суғурта ва давлат мақсадли фондларига тўловлар буйича қарздорлик ҳисоби счётлари» таркибидаги счёт № 6510, - «Суғурта буйича тўловлар», счёт № 6520, - «Давлат мақсадли фондларга тўловлар» 4та счётларда акс эттириш тавсия қилинган, аммо ички ва ташқи меъёрий хужжатларга мувофиқ корхона ўз ҳисоб сиёсатида зарур счётларни белгилаб олиб юритиши кўрсатилган. Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, фермер хўжаликларда, кичик ва хусусий бизнес корхоналарида «Бухгалтерия-1:С (корхона)» шаклида молиявий солиқ

учётида соддалаштирилган учёт юритишда айрим ўзгаришларни киритиб ҳисоб-китоб юритилишини ҳисобга олиб қуйидаги счётларда акс эттиришни тавсия қилган бўлур эдик, жумладан бўнак ва қарздорлик ҳисоб-китоб операцияларини счёт № 6510, - «Суғурта буйича ҳисоб-китоб операциялар» счётида акс эттириш мумкин бўлади, худи шундай тартибда давлат мақсадли фондларга (йўл солиғи, пенсия-таъминот фонди, ижтимоий суғурта жамғармаси мактабларни ривожлантириш фонди, ободонлаштириш фонди, ёшлар спорт жамғармаси) фондларни ҳам бита счётда, яъни «Давлат мақсадли фондлар буйича ҳисоб-китоб операциялари» счётида акс эттириш мумкин бўлади.

Бунда счётнинг кредит томонида меъёрий хужжатларга мувофиқ ҳисобланган суммалар, дебет томонида эса тўланган аванс, ҳисобот даври учун ўтказилган пул маблағлари ва рухсат қилинган, ҳисобга ўтадиган чиқимлар акс эттирилади. Бунда аналитик счётлар ҳар бир турига алоҳида-алоҳида очилади.

Счётнинг корреспонденцияси қуйидагича

Т/р	Ёзувларнинг мазмуни ва айрим хужжатлар	Счётлар алоқаси	
		Дебет	Кредит
1.	Давлат мақсадли фонд ва жамғармаларга амалдаги ички ва ташқи меъёрий хужжатларга мувофиқ ҳисобланса	Харажат счётлари	6510, 6520
2.	Корхонада ишлаётган ходимлар ҳисобидан ҳисобланган суммага «меҳнат ҳақи тўлаш қайдномаси»	6710	6510, 6520
3.	Ҳисобланган сумма ва бўнаклар тўланса	6510, 6520	5110, 5530, 5210

Мақсадли фонд ва жамғармалар турларига аналитик счётлар очилиши мўлжалланади.

Ҳисоб-китоб операциялар учётида мамлакатимизда, жумладан агросаноат мажмуйи корхоналарида турлича мулк шаклларига асосланган: хусусий, аралаш, давлат, таъсисчилар улуш мулкаларига асосланган хўжалик субъектлари фаолият кўрсатмоқдалар. Бу эса ўз навбатида таъсисчилар билан ҳисоб-китоб операциялари руйхатидан ўтиб ишламоқдалар.

Амалдаги счёт режаси, ЎзРБҲМС-21 да счёт № 4600, - «Устав капитали (фонди)га бадаллар буйича тасисчилар қарзи ҳисоби счётида» ва счёт № 4800, - «Турли дебиторларнинг қарзлари ҳисоби счётнинг таркибидаги олинадиган, бериладиган дивидендлар буйича счёти»да счёт № 6600, - «Таъсисчиларга қарзлар ҳисоби счётлари» таркибидаги счёт №

6610, - «Тўланадиган дивидендлар» счёт № 6620, - «Чиқиб кетаётган таъсисчиларга уларнинг улуши буйича қарзлар» счётларида олиб бориш тавсия қилинган. Аммо фермер хўжаликлар, кичик ва хусусий бизнес корхоналарида уларни бита счётга бирлаштириб, битта бухгалтерия счётларига тайинланган регистрда олиб бориш мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлаб, «Бухгалтерия-1:С (корхона)» шаклидаги бита регистрда акс эттириш имконияти мавжуддир. Шу сабабларни эътиборга олиб, бундай корхоналар бита счётни юритиш қоидасини, ўзининг «Ҳисоб сиёсати» ЎзРБҲМС-1 мувофиқ кўрсатиб, счёт № 6600, - «Таъсисчилар билан ҳисоб-китоб операциялар ҳисоб-китоб операция счёти» деб унинг таркибида учта субъектларни юритишни тавсия қилган бўлур эдик:

а) Ёзилган таъсис шартномасига мувофиқ ҳисоб-китобларни счёт № 6610, - «Таъсисчилар билан улушлар буйича ҳисоб-китоб операциялар счётида»;

б) Таъсисчиларга ҳисобланган ва тўланган дивидендларни ҳисобга олиб бориш учун счёт № 6620, - «Таъсисчилар билан дивиденд буйич ҳисоб-китоб счёти»ни юритишни тавсия қилган булур эдик. Бунда аналитик счётлари ҳар бир таъсисчига очилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай ҳисоб-китоблар ҳам ж.о. № 10 «Бухгалтерия-1:С (корхона)» регистрида акс эттирилиши жуда қулайлик туғдиради.

Турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоб операциялар учётини юритиш ҳам ката аҳамиятга эгадир. Тавсия қилинган счётлар режасида бундай ҳисоб-китобларни олиб бориш счёт № 4800, - «Турли дебиторнинг қарзлар ҳисоби счётнинг таркибидаги счёт № 4810-4890 счётларида ва счёт № 6900, - «Турли кредиторлардан қарзлар ҳисоби счётлари» таркибидаги (6910-6990) счётларида, шунингдек «узоқ муддатли қарзни ҳисоби счётлари» таркибидаги (7910-7920) счётларда акс эттириш тавсия қилинган. Бизнинг фикримизча бу счётлардаги акс эттирилиши мўлжалланган хўжалик операцияларини счёт № 4800, - «Турли дебитор ва кредиторлар билан бўладиган ҳисоб-китоблар ҳисоби» счёти таркибида иккита субсчётлрда, яъни счёт № 4810, - «Турли дебиторлар ва кредиторлар билан қисқа муддатли хўжалик операциялар счёти»да; Счёт № 4820, - «Турли дебитор ва кредиторлар билан узоқ муддатли хўжалик операцияларини ҳисоби» счётида акс эттиришни тавсия қилган булур эдик, бу эса ўз навбатида бухгалтерия ҳисобини юритишни, зарур маълумотларни қийналмай, ўз вақтида олиш имкониятини берган бўлур эди.

Счётнинг корреспонденцияси қуйидагича бўлишини таклиф қиламиз, счёт № 6600- «Таъсисчиларга бўлган қарзлар ҳисоби счётлари»

№	Ёзувларнинг мазмуни ва айрим хужжатлар	Счётлар алоқаси	
		Дебет	Кредит
1.	Таъсис шртномасига мувофиқ улуши ёзилган акция, облигациясига ҳисобланса	6610, 6620	8310, 8300
2.	Таъсисчилар томонидан улар берилса	5000, 5100, 5200, 0100, 0600, 5800, 0700, 0800, 1000, 2000, 2300, 2100 ва бошкалар	6610, 6620
3.	Таъсисчиларга дивиденд ҳисобланса	8710	6610, 6620
4.	Дивиденд тўланса	6620	5020, 5530
5.	Таъсисчи бўлишдан воз кечиб чиқса, улуши қатарилса бир вақтда улуш чиқарилса.	6620, 8300, 8310	5010, 5530, 6610
6.	Дивидендга солиқ ҳисобланса	6620	6400

Мазкур счётлар корреспонденцияси қуйидагича бўлиши маъқул:

№	Ёзувларнинг мазмуни ва айрим хужжатлар	Счётлар алоқаси	
		Дебет	Кредит
1.	Узоқ муддатли ижара ҳақи ҳисобланса	4820,4810	0920
2.	Қисқа муддатли ижара ҳақи ҳисобланса	4820,4810	9350
3.	Олинган вексел фоизлари ҳисобланса	4820,4810	9530
4.	Мужазлардан даромадлар ҳисобланса	4820,4810	9520
5.	Дивидендлар ҳисобланиб олинадиган бўлса	4820, 4810	9520
6.	Роялти суммасига	4820, 4810	9510
7.	Турли дебиторларга эътироз билдирилса	4820, 4820	0700, 0800
8.	Қисқа муддатли қарзлар ҳисобланса	Харажат счётлар	1000, 2990, 1510, 4810
9.	Заём, қарзларга фоиз хисобланса	9610	4810, 4820
10.	Уларга ҳисобланган суммалар кирим қилинса	5110, 5530	4810, 4820
11.	Т.М.Қ.олинса	Моддий бойлик счётлари	4810, 4820
12.	Хизмат ва иш бажарилса	2000, 2300, 2500, 2710, 2690, 9720	4810, 4820

Фермер хўжаликлар, кичик ва хусусий бизнес корхоналарда экспедиторлик қилувчи, сафар хизматини ўташ, майда харажатлар талаб қиладиган ходимлар корхона раҳбарининг буйруғи билан ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоб операцияларни амалга оширадилар.

Бундай хўжалик операцияларнинг ҳисобини олиб бориш учун амалдаги счётлар режасида счёт № 4200, - «Ходимга берилган бўнаклар ҳисоби счёти»нинг № 4220, - «Хизмат сафарлари учун берилган бўнаклар», № 4290, - «Ходимларга берилган бошқа бўнаклар». Счёт № 6900, - «Турли кредиторлардан қарзлар счётлари» таркибидаги счёт № 6970, - «Ҳисобдор шахслардан қарз» кабиларда акс эттириш белгиланган. Фикримизча «Корхонанинг ҳисоб сиёсати» меъёрий хужжатга мувофиқ, бу ҳисоб-китоб операцияларни «ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоблар счёти» деб аталиб унга счёт № 6970, - «ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоблар»да акс эттиришни тавсия қилган булардик.

Унинг дебет томонидн берилган бўнак, берилган пуллар кўрсатилиб, кредит томонида эса ҳисобдор шахслар ҳисоботларига мувофиқ бажарган ишларга ҳисобланган суммалар кўрсатилади. Унинг аналитик счётлари ҳар бир ҳисобдор шахслар буйича очиш тавсия қилинади.

Счёт № 6970, - «Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоблар счёти»нинг корреспонденцияси

Т/р	Ёзувларнинг мазмуни ва айрим зарур хужжатлар	Счётлар алоқаси	
		Дебет	Кредит
1.	Ҳисобдор шахсларга бўнак берилса	6970	5010, 5110, 5530
2.	Ҳисобдор шахс бажарган ишлар, олинган моддий товар бойликлар олинса	0100, 0300, 0400, 0600, 0700, 0800, 1000, 2000, 2100, 2300, 2700, 2900, 9400	6970
3.	Охирги ҳисоботи қабул қилингач: берилган ошиқча пул ҳисобдордан олинса	5010, 5020	6970

Фермер хўжаликлар, кичик ва хусусий бизнес корхоналарда, авансланган капитал (доимий ва ўзгарувчан капитал) ёки бошқача айтсак, асосий ва айланма маблағларга мухтожлик пайдо бўлган пайтларда қисқа ва узоқ муддатли тижорат банклардан кредит олишлари буйича қонуний база ҳисобланган меъёрий хужжатлар базаси тўла яратилган.

Айниқса фермер хўжаликларга, кичик ва хусусий бизнес корхоналарига имтиёзли кредитлар берилмоқда. Бундай операция тижорат банклари билан шартнома муносабатлари асосида, қуйидаги уч хил операциялар: қисқа муддатли кредит; ўрта муддатли (1 йилдан 3 йилгача); узоқ муддатли кредитлар буйича ҳисоб-китоблар амалга оширилиб келинади. Счёт № 6810, - «Қисқа муддтли кредитлар» счётида акс эттирилади; счёт № 7810, - «Узоқ муддатли банк кредитлари счётлари»да олиб борилади.

Мазкур счётлар балансга нисбатан пассив бўлиб, уларнинг кредит томонида олинган кредитлар, дебет томонида эса кредитларнинг кайтарилиши акс эттирилади.

Аналитик счётлари кредит турларига ж.о.№4 да олиб борилади.

Счёт № 6810, - «Банкнинг қисқа муддатли кредитлар ҳисоби счёти»нинг корреспонденцияси

Т/р	Ёзувларнинг мазмуни ва айрим зарур хужжатлар	Счётлар алоқаси	
		Дебет	Кредит
1.	Қисқа муддатли кредит олинса	5110, 5530	6810
2.	Т.М.Қ. ларни кредит ҳисобига олинса	1010, 2990	6810
3.	Кредит ҳисобидан мол етказиб берувчи ва пудрат корхоналарга пул кўчирилса	6000	6810
4.	Кредит суммалар қайтарилмаса	6810	5110, 5530

Счёт № 7810, - «Узоқ муддатли банк кредитлари» счётининг корреспонденцияси

Т/р	Ёзувларнинг мазмуни	Счётлар алоқаси	
		Дебет	Кредит
1.	Узоқ муддатли кредит олинди	5110,5530	7810
2.	Узоқ муддатли кредит ҳисобидан т.м.қ олинса	1010, 2990	
3.	Мол етказиб берувчи ва пудрат ташкилотларига пул кўчирилса	6000	7810
4.	Узоқ муддатли кредит қайтарилса	7810	5110, 5530

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари А.М.Жўраев раҳбарлигида чоп қилинган «Фермерлик фаолиятининг ҳуқуқий ва молиявий асослари» (Т. «Университет», 2005) ки-

тобида суғурта ҳақида оддий ва оммабоп, тушунарли, барча муаммолар аниқ кўрсатилганлиги сабабли, мазкур китобдан қуйида кўчирма қилинди. Янгидан ташкил этилган фермер хўжаликларида дастлабки (бошланғич) сармояни шакллантиришни молиявий қўллаб-қувватлаш белгиланган бўлиб, уларга тавсиф берилган.

Ўз ишини бошловчи фермер хўжаликларига дастлабки (бошланғич) сармояни шакллантириш мақсадида кредит олиш учун давлат рўйхатидан утказилгандан кейин 6 ой ичида тегишли буюртманомалар билан ўзларига хизмат қилувчи банкларга мурожаат қилишлари лозим.

Бюджетдан ташқари жамғармалар кредит линияларидан олинган дастлабки (бошланғич) сармоя фермер хўжаликларининг фаолиятини бошлаш учун айланма маблағларни шакллантиришга, инвестиция лойиҳаларининг техник-иқтисодий асослашини ишлаб чиқишга, асбоб ускуналар сотиб олишга йўналтирилиши мумкин.

Дастлабки (бошланғич) сармояни шакллантириш учун бериладиган кредитларнинг йиллик устама фоизи имтиёзли бўлиб, у Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 1/6 қисми миқдорида белгиланган. Дастлабки (бошланғич) сармоя учун кредит фермер хўжаликларига 3 йилгача бўлган муддатга, энг кам ойлик иш ҳақининг 300 баравари миқдоригача, фоизлар тўлашни 12 ойгача кечиктириш ва асосий қарзни кредит олингандан сўнг 18-24 ой ўтгач қайтаришни бошлаш шартларида берилади.

Дастлабки (бошланғич) сармояни шакллантириш учун кредитлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тасдиқланган ва Адлия вазирлигида рўйхатга олинган тартиблар асосида ажратилади.

Кредитлар ва уларнинг фоизларини қайтариш кредит шартномасининг ажралмас қисми бўлиб, ҳисобланган кредитни қайтариш жадвали асосида амалга оширилади.

Банк бўлимлари томонидан кредит ажратилган кундан бошлаб фоиз тўловлар ҳисоблаб борилади. Қайтариш жадвалига асосан ҳисобланган фоизлар имтиёзли давр тугагандан сўнг мижоз томонидан тўлиқ тўлаб берилиши талаб этилади. Тижорат банклари кредит линияси ҳисобидан дастлабки (бошланғич) сармояни шакллантиришга берилган кредитлар суммасига ҳисобланган фоизларини кредит линияси очилган кундан бошлаб 12 ой муддат ўтгандан кейин тўлашни бошлайди.

Фермер хўжаликлари фаолиятини кредитлаш тартиби

Тижорат банклари фермер хўжаликларига Ўзбекистон Республикаси Маркази банки томонидан тасдиқланган ва Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 7 мартда рўйхатга олинган 907-сон тартибга асосан кредит беришни амалга оширадилар.

Мазкур тартиб асосида фермер хўжаликларига, шунингдек юридик шахс мақомига эга деҳқон хўжаликларига қишлоқ хўжалигини ишлаб чиқаришни ташкил этиш, айланма маблағларни тўлдириш учун 2 йилдан кам бўлмаган, қайтариш муддати узайтирилишини ҳисобга олганда 30 ойдан ошмаган муддатга;

фермер ва деҳқон хўжаликлари қишлоқ хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган, уз айланма маблағларини тўлдириш учун, уни қайтариш муддатини узайтирилишини ҳисобга олган ҳолда, 12 ойгача;

шунингдек, инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш учун қайтариш муддатини узайтириш ҳуқуқисиз 5 йилгача муддатга кредит берилиши мумкин.

Зарар кўриб ишловчи, ноликвид балансга эга фермер хўжаликларига кредит берилмайди.

Кредит олиш учун фермер банкка қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

1. Кредит буюртманомаси (ариза);

2. Пул оқими таҳлили мажбурий тарзда кўрсатилган бизнес-режа;

3. Охирги ҳисобот санасига давлат солиқ хизматининг маҳаллий (туман) идораси томонидан тасдиқланган бухгалтерия баланси (1-шакл), дебиторлик ва кредиторлик қарзи ҳақидаги маълумотнома (2а-шакл), шунингдек, 90 кундан ортиқ муддатдаги қарздорликнинг солиштириш далолатномалари, молиявий натижалари ҳақида ҳисобот (2-шакл).

4. Таъминот турларидан бири:

- мулк ёки қимматли қоғозлар гарови;
- банк ёки суғурта ташкилоти кафолати;
- учинчи шахс кафиллиги;
- суғурта компанияеининг қарз олувчининг кредитни қайтара олмаслик хатарини суғурта қилингани тўғрисидаги суғурта полиси.

Кредит олиш учун гаровга қўйилаётган мол-мулк банк ходимлари томонидан баҳоланиб, мижоз билан банк ўртасида гаров шартномаси тузилади. Тузилган гаров шартномаси асосида гаровга олинган мулк қийматининг 80 фоиз миқдорида кредит ажратилиши мумкин.

Кредит таъминотига учинчи шахс кафиллиги тақдим этилганда кафилнинг қониқарли молиявий ҳолатини тасдиқловчи аудиторлик ташкилоти хулосаси тақдим этилиши керак.

Шунингдек кафил ташкилот томонидан кафиллик шартномасининг расмийлаштирилиши талаб этилади.

Тижорат банкларининг имтиёзли кредитлаш фондидан бериладиган кредитларнинг йиллик фоиз ставкалари Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасининг 50 фоизи миқдорида белгиланади (масалан, 2004 йилда 9 фоиз).

Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларининг ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга олган ҳолда кредитлаш тартиби

Фермер хўжаликларида олинадиган кредит учун гаровнинг етишмаслиги улар фаолиятида учрайдиган асосий муаммолардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ушбу масалани ижобий ҳал қилиш мақсадида 2004 йилдан бошлаб фермер хўжаликларининг ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини гаровга қўйган ҳолда тижорат банкларидан кредит олиш тартиби амалиётга жорий этилди.

Амалиётга жорий этилган тартибга асосан ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини гаровга қўйган ҳолда фермер хўжаликлари:

- бевосита қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқишига зарур бўлган айланма маблағларни тўлдириш учун 2 йилдан кам бўлмаган муддатга;
- инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш учун 5 йилгача бўлган муддатга;
- қишлоқ хўжалигига боғлиқ бўлмаган ишлаб чиқариш фаолиятида айланма маблағларни кредит олишлари учун 12 ойдан ортиқ бўлмаган муддатга кредит олишлари мумкин.

Фермер томонидан ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини гаровга қўйиб кредит олиш учун зарурий ҳужжатлар талаб даражасида расмийлаштирилиб тижорат банкига топширилгандан кейин 10 иш куни мобайнида кўриб чиқилади ва ижобий ёки салбий хулоса берилади.

Агар фермерларнинг ижара ҳуқуқи баҳоси сўралаётган кредит суммасига етмаса, етмаган қисмини қоплаш учун бошқа гаров турларидан, масалан суғурта, кафиллик ва шу кабилардан фойдаланиш мумкин.

Бериладиган кредит учун йиллик фоизлар банк билан фермер ўртасида тузиладиган кредит шартномасида кўрсатилади.

Ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга қўйишни расмийлаштириш тартиби қуйидагича бўлади.

Дастлаб фермер туман ҳокимига ўзи ижарага олган ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини гаровга қўйишга розилик билдиришни сўраб мурожаат қилади.

Туман ҳокими фермернинг ёзма аризасини уч кун ичида кўриб чиқиб ижобий ёки асосланган салбий жавоб беради.

Туман ҳокимининг ёзма розилиги олингандан сўнг туман ер ресурслари хизмати 10 кун давомида фермернинг маблағи ҳисобига ер участкасини суратга олади ва гаровга қўйилаётган қисмини ажратади.

Ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш ҳуқуқини гаровга қўйиш тўғрисидаги шартномада фермернинг ижара ҳуқуқи баҳоси кўрсатилади.

Ижара ҳуқуқининг баҳоси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2004 йил 13 мартидаги 6/17-сонли қарори билан тасдиқланган «Ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи қийматини баҳолаш тартиби тўғрисида низом»га мувофиқ аниқланади.

Ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга қўйиш шартномасига туман ер ресурслари хизмати раҳбари тасдиқлаган гаровга қўйилаётган ер участкаси чизмаси ва ижара ҳуқуқини гаровга қўйиш учун ҳокимиятнинг розилиги илова қилинади.

Кредит берган тижоратбанклари кредитдан фойдаланишнинг бутун даври мобайнида берилган кредитдан фойдаланиш буйича доимий мониторинг (кузатув) ўтказади ва бунда олинган кредитни мақсадли сарфланаётганлигига эътибор қаратилади.

Берилган кредит бошқа мақсадларда ишлатилаётганлиги аниқланса, банк кредитнинг фойдаланилмай турган қисмини муддатдан олдин қайтариб олиш ҳуқуқига эга.

Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларига бўлғуси ҳосилни гаровга олган ҳолда кредит бериш тартиби

Фермер хўжаликларини кредитлашни бозор тамойиллари асосида йўлга қуйиш, уларнинг ишлаб чиқариш учун айланма маблағларга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларига бўлғуси ҳосилни гаровга олган ҳолда кредит бериш тартиби ишлаб чиқилган. Мазкур ҳужжатнинг амалиётга жорий қилиниши билан фермер хўжаликларида танлаш имконияти вужудга келади. Эндиликда фермер давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот етиштиришда хоҳласа Молия вазирлиги қошидаги давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси кредит линиялари ҳисобидан имтиёзли кредит олиш, хоҳласа *давлат эҳтиёжлари учун етиштирилаёган ҳосилни гаровга қўйиб тижорат* банкидан кредит олиш ёки ҳар иккала манбадан бир вақтнинг ўзида кредит олиш имконига эга бўлди.

Эсда тутиш зарурки, мазкур низомга асосан кредитлар фақат давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот етиштирувчи фермер хўжаликларига 1,5 йилгача бўлган муддатга, қайтариш муддатини узайтириш ҳуқуқисиз, қишлоқ хўжалиги техникаси, эҳтиёт қисмлар ва асбоб-ускуналар, ЁММ, минерал ўғитлар, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини сотиб олиш, хизмат кўрсатувчи ташкилотлар (МТП, муқобил МТП, СФУ ва бошқалар) хизматлари учун тўловларни амалга ошириш, пахта ва ғалла етиштириш билан боғлиқ бўлган бошқа харажатлар учун берилади.

Фермер ўз ҳосилини гаровга қўйиб кредит олиш учун банкка қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши лозим:

- кредит олиш учун ариза;
- тузилган контрактация шартномаларининг нусхалари;
- бизнес-режа;
- туман давлат солиқ хизмати томонидан тасдиқланган бухгалтерия баланси (1-шакл), дебитор ва кредиторлик қарзлари тўғрисида маълумотнома (2-а шакл); муддати 90 кундан ўтиб кетган қарздорларнинг солиштирма далолатномалари, молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот (2-шакл); кредитни қайтариш таъминоти (гаров).

Албатта, бу ерда олинадиган ҳосил таъминот сифатида қабул қилинади. Бунда банк ва фермер хўжалиги ўртасида бўлажак ҳосилни гаровга қўйиш шартномаси имзоланади ва мазкур шартномага мувофиқ гаровга қўйилган ҳосилни сотишдан тушган барча пул маблағларни биринчи навбатда берилган кредит ва унга ҳисобланган фоизларни қоплашга йўналтирилади. Шу билан биргаликда гаровга қўйиладиган ҳосил кредит берувчи банк фойдасига суғурталанган бўлиши шарт. Чунки, табиий офат ёки бошқа сабаблар билан режалаштирилган ҳосил олинмаган тақдирда кредитларнинг қайтарилмаган қисми суғурта компанияси томонидан қоплаб берилади. Бериладиган кредит учун йиллик фоизлар банк билан фермер ўртасида тузиладиган кредит шартномасида кўрсатилади.

Фермер кредит олиш учун барча зарурий ҳужжатларни талаб даражасида расмийлаштириб, банкка топширилгандан сўнг 10 кун муддат ичида банк фермерга кредит бериш ёки бермаслик тўғрисида ўз хулосасини беради.

Банк билан фермер хўжалиги кредит шартномаси имзолангандан сўнг банк фермер хўжалиги учун алоҳида ҳисоб варағи очади ва ундан фермер хўжалигининг тўлов топшириқномалари асосида фақат нақд пулсиз шаклда тўловларни амалга ошириш орқали кредит берилади.

Банк томонидан берилган кредитдан фойдаланишнинг бутун даври мобайнида фермер хўжалигининг олинган кредитдан фойдаланилиши бўйича мониторинг (кузатув) олиб борилади. Мониторинг давомида кредитдан самарасиз фойдаланиш ҳолати, хусусан экинлар тўлиқ экилмаслик, агротехник тадбирлар ўз вақтида ва сифатли бажармаслик ҳолатлари ва бунинг натижасида кредитни вақтида қайтармаслик хавфи борлиги аниқланса, кредитлаш дарҳол тўхтатилади ҳамда берилган кредитни фоизлари билан ундириб олиш чора-тадбирлари кўрилади.

Қарз олган фермер хўжалигида етиштирилган ҳосилни сотишдан ҳамда суғурта тўловларидан тушган маблағлар олинган кредит ва унинг фоизларини тўлашга етмаслиги кредит ва унга ҳисобланган фоиз қолдиғи

белгиланган тартибда фермер хўжалигининг ликвидли мол-мулкига қаратиш йўли билан ундириб олинади. Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларига бўлғуси ҳосилни гаровга олган ҳолда кредит бериш тартибини жорий қилиниши фермер хўжаликларини кредитлаш шароитини яхшилаш учун қўйилган дастлабки қадамлардан биридир.

Албатта, бу тартиб келгусида такомиллаштириб борилади, деб умид қиламиз.

Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисида

2003 йил ҳосилидан бошлаб тажриба тариқасида давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш билан шуғулланадиган фермер хўжаликларини ушбу маҳсулотларни етиштириш билан боғлиқ харажатларини молиялаштиришнинг янгича тизимига ўтила бошланди.

Яъни, фермер хўжаликларига транш усулида маблағ ажратиш тизимидан воз кечила бошланди. Дастлаб бу тажриба 4 та, кейинчалик 8 та вилоятда синаб кўрилган бўлса, 2005 йил ҳосилидан бошлаб барча вилоятлардаги фермер хўжаликларига пахта ва ғалла етиштириш учун транш маблағлари ўрнига имтиёзли кредитлар берила бошланди. Бу фермер хўжаликларини маблағ билан таъминлашнинг бозор тамойилларига мос келадиган усулларига ўтишда муҳим қадам бўлди. Пахта ва ғалла етиштириш учун имтиёзли кредитлар ушбу маҳсулотлар учун тузилган контрактация шартномасидаги маҳсулот қийматининг 50 фоизи миқдорида берилади. Кредит миқдорини аниқлаш учун амалдаги харид нархлар асос қилиб олинади. Янги харид нархлар тасдиқлангач эса кредит олувчи фермернинг талабига кўра кредит миқдори қайта ҳисоблаб чиқилади.

Кредитлар фақат куйидаги мақсадлар учун берилиши мумкин:

- иш ҳақи ва унга тегишли ажратмаларни тўлаш учун;
- минерал ўғит ва усимликларни кимёвий ва биологик ҳимоя қилиш воситаларини сотиб олиш учун;
- ёнилғи-мойлаш материаллари сотиб олиш учун;
- МТПлар, муқобил МТПлар ва СФУлар хизматлари учун тўловлар учун;
- олинган уруғлик материаллари тўловлари учун;
- фермер хўжалиги ихтиёридаги техника воситалари учун эҳтиёт қисмлар еотиб олиш учун;
- лизингга олинган техника воситаларининг лизинг ва сугурта тўловлари учун;

- фойдаланилган электр энергияси тўловлари учун;

- плёнка остига пахта экилганда полиэтилен плёнкаси сотиб олиш учун;

- ягона ер солиғи тўловларига.

Шунингдек, фермер хўжалигига ажратиладиган кредитларнинг 5 фоизи доирасида пахта ва ғалла етиштириш билан боғлиқ бўлган хўжаликнинг бошқа зарурий эҳтиёжлари учун тўловларни амалга ошириш мумкин.

Фермер хўжалигининг бирор бир харажат тури бўйича тўловларга эҳтиёжи бўлмаган ҳолларда ўша харажат тури учун кредитдан фойдаланишдан воз кечиш ҳуқуқига эга. Бунда тегишли ойда тежаб қолинган кредит фермер хўжалиги томонидан қишлоқ хўжалиги техникаси сотиб олишга, ички хўжалик ирригация ва коллектор-дренаж тармоқларини тозалашга йўналтирилиши мумкин.

Кредитлар ғалла етиштириш учун кўпи билан 12 ой, пахта етиштириш учун эса 18 ой муддатга берилади. Кредитларнинг йиллик фоиз ставкаси 3 фоизни ташкил этади. Аввалларн бу миқдор 5 фоиз эди.

Фермер хўжалиги пахта ва ғалла етиштириш бўйича контрактация шартномаси тузгандан кейин ўз банкига кредит олиш учун мурожаат қилади.

Банкка фермер хўжалиги томонидан қуйидаги ҳужжатлар тақдим қилиниши лозим:

- ариза;

- тайёрлов ташкилотлари билан тузилган контрактация шартномаларининг нусхалари;

- бизнес-режа;

- сўнгги ҳисобот даври учун давлат солиқ хизматининг маҳаллий органи томонидан тасдиқланган бухгалтерия баланси; (1-шакл), дебитор кредитор қарздорлик ҳақида маълумотнома (2а-шакл), молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот (2-шакл).

Фермерга берилаётган имтиёзли кредитнинг қайтарилмаслик хавфини банкнинг ўзи суғурталайди.

Тўловлар фермер хўжалигининг эхтиёжлари учун нақд пулсиз кўринишда (иш ҳақидан ташқари) фақат фермер хўжалигининг тўлов топшириқномалари асосида амалга оширилади.

Барча зарурий ҳужжатлар талаб даражасида тайёрланиб, топширилгандан кейин 5 кун муддат ичида банк фермер хўжалиги билан кредит шартномаси тузиши лозим. Агар банк кредит беришни рад этса, у ҳолда асосланган ёзма раддия ёзиб бериши лозим.

Банк томонидан берилган имтиёзли кредит фақат мақсадли ишлатилиши, пахта ва ғалла экинлари ҳолати ва бўлажак ҳосил олинган кредит-

ларни қайтариш учун етарлилиги мониторинг қилиб борилади (кузатиб борилади). Агар экинларнинг тўла ёки қисман мавжуд бўлмаслиги, агротехник тадбирларнинг кечикиши, экин майдонларини бегона ўтлар босиб кетиши ҳолатлари аниқланса, кредит ажратиш тўхтатилади ва берилган кредит ва унга ҳисобланган фоизларни муддатидан олдин ундириш чоралари кўрилади.

Эслатма: ушбу бўлимда сиз қуйидагилар билан танишдингиз:

- банк билан ўзаро муносабатда фермер хўжалигининг ҳуқуқлари;
- кредит олишнинг умумий тартиби, тижорат банклари ва жамғармалар томонидан кредит бериш тартиблари;
- бошланғич сармоя учун кредит;
- ерга бўлган ижара ҳуқуқини гаровга қўйиб кредит олиш тартиби;
- бўлғуси ҳосилни гаровга қўйиб кредит олиш тартиби;
- давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатлари учун имтиёзли кредит олиш тартиби.

Фермер хўжалигида суғурта

Суғурта фермер хўжаликлари фаолиятида муҳим ўрин тутади. Фермерлар хўжаликлари банкдан кредит олишда гаровга қўйиладиган мол-мулкини, табиий офатлар туфайли бўлғуси пахта ва ғалладан, боғ ва узумзорлардан кам ҳосил олиш натижасида кўрадиган молиявий зарарни ихтиёрий суғурталаш имкониятига эгалар.

Бундан ташқари улар лизингга олинган техникаларни, чорва ҳайвонларини, яйловлар ҳосилини, мол-мулкини ва бошқаларни суғурта қилдиришлари мумкин.

Аввал суғуртага оид асосий тушунчаларга тўхталиб ўтайлик.

Суғурта мукофоти - суғурталанувчи қишлоқ хўжалиги корхоналари, фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирувчи хўжаликларнинг суғурта муассасаларига тўлайдиган суғурта бадали.

Суғурта жавобгарлиги - суғурта объектининг қиймати асосида суғурталовчининг жавобгарлик чегарасини белгилайди.

Суғурта товони - суғурта ҳодисаси натижасида суғурталанувчига етказилган зарар учун суғурталанувчи томонидан тўла ёки қисман тўланадиган пул маблағи.

Мамлакатимизда «Ўзагросуғурта» давлат-акциядорлик суғурта компанияси қишлоқ хўжалиги корхоналарига, шу жумладан фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи ягона компаниядир. Вилоят ва туманларда ушбу компаниянинг идоралари мавжуд ва улар бевосита фермерлар билан ҳамкорлик қилади. Кейинги йилларда фермерлар ҳар хил табиий

офатлар туфайли кўрган зарарлари учун суғурта шартномалари асосида сезиларли молиявий ёрдам олмоқдалар ва улар суғуртанинг моҳиятини чуқурроқ ҳис этмоқдалар. Шу билан бирга аксарият фермерларда тузилган ихтиёрий суғурта шартномалари бўйича ҳисобланган бадалларни суғурта ташкилоти ҳисобига ўтказиб беришда пул маблағларининг етишмаслиги туфайли кўпчилик тузилган шартномалар кучга кирмай қолмоқда.

Суғуртанинг асосий мақсади қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини қўллаб-қувватлаб, уларга табиат инжиқликларига қарши молиявий ҳимояни таклиф этишдан иборат. Бугунги кунда «Ўзагросуғурта» компанияси ўз мижозларига 40 га яқин суғурта турларини таклиф этади.

Қишлоқ хўжалиги суғуртаси бўйича эса компанияда асосан ўнта ихтиёрий суғурта ва уч хил мажбурий турлари мавжуд.

Жумладан:

1. Ихтиёрий суғурта турлари	Суғурта мукофоти %
1. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг экинлари ҳосилини ихтиёрии суғурта қилиш	2,5-8,5
2. Қишлоқ хўжалик экинларини қайта экиш натижа олдиндан кузда тутилмаган харажатларни ихтиёрии суғурта қилиш	8-10
3. Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини табиий офатлар, юқумли касалликлар натижасида нобуд бўлишини суғурта қилиш	4-8
4. Боғлар ва узумзорлар ҳосилини табиий офатлардан суғурта қилиш	8-12
5. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг табиий пичанзорлари, яйловлари ҳосилини ва тут дарахтлари баргларини суғурта қилиш	2-3
6. Пилла ҳосилини суғурта қилиш	1-2
7. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг лизингга олинаётган техникаларини суғурта қилиш	0,5
8. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг мол-мулкини суғурта қилиш	0,5-4,0
9. Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларига давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта хом ашёси ва ғалла етиштиришнинг маблағ билан таъминлашга бериладиган имтиёзли кредитлар қайтарилиши бўйича суғурта қилиш	0,75
10. Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан жўнатиладиган юкларни суғурта қилиш	0,4-4,0

2. Мажбурий суғурта турлари	Суғурта мукофоти %
1. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш бўйича ишларни ўтказиш учун аванс тариқасида бериладиган ва фьючерс контрактлари бўйича маблағлар қайтарилишини суғурта қилиш.	1,0
2. Транспорт эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш.	0,5-2,0
3. Гаровга қўйилган мол-мулкни суғурта қилиш.	0,25

Мажбурий суғурта турларидан фермерларга бевосита алоқадори кредит олиш учун гаровга қўйилган мол-мулкни суғурталашдир. Фермер кредит олиш учун гаровга қўйган мол-мулкини албатта суғурталаши лозим. Акс холда гаров банк ёки бошка крелит берувчи ташкилот томонидан қабул қилинмайди. Банклар томонидан фермер хўжаликларига давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштиришнинг маблағ билан таъминлашга бериладиган имтиёзли кредитлар қайтарилишини суғурталаш авваллари мажбурий ҳисобланиб, фермер томонидан эмас, балки банк томонидан амалга оширилар эди. Ҳозирги кунда ушбу суғурта тури ихтиёрий ҳисобланади.

Юқорида келтириб ўтилган суғурта турларидан асосан ихтиёрий суғурта турлари фермерлар фаолиятида кўпроқ зарур бўлади. Шунинг учун ҳам уларга батафсилроқ тўхталиб ўтамиз.

Экинлар ҳосили суғуртаси

Қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилини суғурталаш қишлоқ хўжалигидаги ихтиёрий суғуртанинг асосий турларидан бири ҳисобланади.

Суғурта объекти қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосили ҳисобланади. Қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини суғурталаш уларнинг музлаш, гармсел, дўл, суғориш манбаларидаги сувсизлик ёки камсувлик сабабли, сув босиш, зараркунандалар, ёнғин натижасида нобуд бўлиш ёки зарарланиши ва кучли шамол ҳамда узоқ давом этган ёғингарчиликлар натижасида ётиб қолиш каби ҳодисалар бўйича амалга оширилади.

Суғурта шартномаси маҳсулот етиштирувчиларнинг (яъни, фермерларнинг) ёзма аризасига асосан, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва «Ўзагросуғурта» ДАСК тасдиқлаган экиш тақвими муддатларидан кечиктирилмаган ҳолда тузилади.

Суғурта мукофотларини ҳисоблаш учун қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилининг қиймати хўжаликнинг ҳисоб-китоби ва бошланғич ҳисобот ҳужжатлари бўйича мазкур йилда режалаштирилган 1 га экин майдонидан олинадиган ҳосилдорлик (охирги уч йил ичида олинган ўртача ҳосилдорликдан юқори эмас) маҳсулотни сотиш нархи ва экин майдонига асосан ҳисобланади.

Суғурталанаётганда ҳар бир қишлоқ хўжалиги экини ҳосилининг қиймати алоҳида ҳисобланади. Сабзавот, полиз экинлари, экилган ўтлар, резавор мевали дов-дарахтлар, гуллар, манзарали дарахтлар ва баъзи бошқа экинлар ҳосилининг қиймати эса гуруҳлар бўйича аниқланади.

Суғурта мукофотлари бўйича тариф (ставка)лари ҳар йили кўрилган зарарга, асосланиб, қайта кўриб чиқилади. Шунинг учун ҳам юқоридаги жадвалда келтирилган тарифлар ўзгариб туриши мумкин.

Суғурта мукофотлари суғурта қилдирувчи томонидан шартномада белгиланган муддатда суғурталовчи ҳисоб рақамига тўлиқ тушмаса, у ҳолда суғурта жавобгарлиги тушумга нисбатан олиб борилади. Яъни, фермер шартномада кўрсатилган суғурта мукофотининг 50 фоизини суғурта компаниясига тўласа, бунда суғурта ҳодисаси рўй берганда компания шартномада кўрсатилган суғурта товонининг 50 фозини тўлаб беради.

Суғурта мукофотлари белгиланган муддаттача келиб тушмаса, суғурта шартномаси кучга кирмаган деб ҳисобланади ва фермер қайтадан суғурта шартномасини тузиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

Шартномада кўрсатилган муддатлардан сўнг тушган суғурта мукофотларига суғурта компанияси суғурта жавобгарлигини олиб бормайди ва маблағ фермерга қайтарилади.

Ҳисобланган суғурта мукофотлари суғурта бўлими ҳисобига келиб тушгач, суғурта қилдирувчига, яъни фермерга суғурта полиси ёзиб берилади.

Суғурта полиси суғурта ҳодисаси юз берганда, суғурта товонини олиш учун асосий ҳужжатлардан бири ҳисобланади.

Юқорида қайд қилинган ҳодисалар натижасида қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилини зарарланиши ёки нобуд бўлиши суғурта ҳодисаси ҳисобланади. Суғурта ҳодисаси юз берганда суғурта қилдирувчи бу ҳақда суғурта бўлимига уч кун ичида хабар бериши шарт. Қишлоқ хўжалиги экинлари учун суғурта мукофотлари ҳисоблашда қабул қилинган бир гектар ҳосилнинг қиймати билан ҳисобот йилида бир гектар майдонда етиштирилган ўртача ҳосилдорлик қиймати орасидаги фарқ хўжалик кўрган зарар сифатида ҳисобланади.

Аниқланган суғурта товони хўжаликдан 29-шаклдаги қишлоқ хўжалиги статистик ҳисоботи олингач 70 фоизи, қолган 30 фоизи хўжаликнинг йиллик ҳисоботи тасдиқлангач, тўлаб берилади.

Боғ ва узумзорлар ҳосилини ихтиёрий суғурта қилиш

Фермер хўжаликлари ҳосилга кирган уруғли, данакли боғ, узумзорлар ҳосилини музлаш, дўл, гармсел, жала, сел натижасида зарарланиши ёки нобуд бўлишидан ихтиёрий суғурта қилиши мумкин.

Уруғли, данакли мева берувчи ёшдаги боғ ва узумзорлар кейинги уч йил давомида ҳосил бермаган бўлса, 50 ва ундан ортиқ фоизда эскириш вужудга келган бўлса ҳамда Сурхондарё вилоятидан бошқа вилоятларда ишда кўмилмай қолган узумзорлар суғуртага қабул қилинмайди.

Боғ ва узумзорлар ҳосили тўлиқ қийматининг маълум қисми, аммо 70 фоиздан ошмаган миқдорда суғурта қилинади.

Суғурта мукофотларини ҳисоблаш учун боғ ва узумзорлар ҳосилининг қиймати хўжаликнинг ҳисоб-китоб ва бошланғич ҳисобот ҳужжатлари бўйича мазкур йилда режалаштирилган 1 гектар майдондан олинадиган ҳосилдорлик (охирги уч йил ичида олинган ҳақиқий ҳосилдорликдан юқори эмас), келишилган нархлардан келиб чиққан ҳолда ва ҳосил олишга режалаштирилган майдонга асосан ҳисобланади. Суғурта шартномаси тузишда уруғли меваларнинг даврий ҳосил бериши албатта назарда тутилиши шарт.

Агар мазкур йилда режалаштирилган ҳосилдорлик охирги уч йил ичида ҳақиқий ўртача ҳосилдорликдан ортиқ бўлса, суғурта мукофотлари ўртача уч йиллик ҳосилдорлик буйича ҳисобланади.

Суғурта шартномаси тузилганидан кейин ҳисобланган суғурта мукофотлари ўн банк куни муддатида суғурталанувчи томонидан суғурталовчи ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Суғурта ҳодисалари юз берганда суғурталанувчи томонидан 24 соат давомида суғурта ташкилотига хабарнома берилиши шарт.

Суғурталовчи хабарнома олгандан сўнг, 24 иш соат давомида суғурта объектини ўрганиб ва суғурта ҳодисаси тўғрисида далолатнома тузади.

Суғурта шартномаси бўйича суғурталанган бир гектар ҳосил қиймати билан ҳисобот йилида бир гектардан олинган кам ҳосил қиймати орасидаги фарқ суғурта қилдирувчининг боғ ва узумзорлар ҳосилидан кўрган зарари ҳисобланади.

Суғурта товони, боғ ва узумзорлардан ҳосил тўлиқ йиғиштириб олингандан сўнг, суғурта қилдирувчи 29-шаклдаги қишлоқ хўжалик ҳисоботи буйича 70 фоизи, хўжаликнинг йиллик ҳисоботи тасдиқлангач 30 фоизи тўлаб берилади.

Экинларни қайта экиш ихтиёрий суғуртаси

Ушбу суғурта тури бўйича қайта экилиши керак бўлган ҳамма турдаги қишлоқ хўжалик экинлари суғурта қилинади.

Қишлоқ хўжалик экинларини қайта экиш суғуртаси совуқ уриши, дўл, жала, сел, суғориш манбаларидаги сувсизлик ёки кам сувлик сабабларидан уларнинг нобуд бўлиши ва зарарланиши оқибатида амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалик экинларини қайта экиш суғурта шартномаси суғурта қилдирувчининг жорий йилдаги кўзда тутилган режаси асосида экиладиган қишлоқ хўжалик экинларининг барча майдони учун тузилади. Суғурта шартномалари плёнка остига экиладиган чигитлар учун 1 мартдан 25 мартгача, очиқ майдонга экиладиган чигитлар учун 20 мартдан 10 апрелгача тузилиши мумкин.

Қишлоқ хўжалик экинларининг 1 гектарга қайта экиш харажатлари «Ўзагросуғурта» компанияси ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан келишилган ҳолда белгиланади.

Суғурта мукофотларини тўлаш 3 банк куни мобайнида туман суғурта бўлимининг ҳисоб рақамига маблағ ўтказиш йўли билан амалга оширилиши лозим.

Қишлоқ хўжалик экинлари табиий офатлардан зарарланганда бир кеча кундуз давомида суғурта қилдирувчи ёзма равишда суғурта компаниясига хабар бериши лозим.

Қайта экиладиган қишлоқ хўжалик экинлари нархи 1 гектар қайта экиш сарф харажатидан келиб чиққан ҳолда барча қайта экилган майдонни суғурта қилган экинлар буйича суғурта шартномасида келишилган қийматидан ошмаган ҳолда аниқланади.

Зарар миқдори ҳар бир экин тури буйича алоҳида аниқланади.

Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини ихтиёрий суғурталаш

Фермер хўжаликларида боқилаётган қишлоқ хўжалик ҳайвонлари 1 йил муддатга юқумли касалликлардан, табиий офатлар (зилзила, сел, чақмоқ оқибатида ёнғин чиқиши, ток уриши) натижасида нобуд бўлиши ёки мажбурий сўйилиши ҳодисаларидан ихтиёрий суғурталанади.

Суғурта объектлари, яъни қорамоллар, кўй-эчкилар, уй паррандалари 6 ойликдан, отлар, туялар, эшаклар ва хачирлар 1 ёшдан, чўчқалар, қуёнлар ва мўйнали ҳайвонлар 4 ойликдан суғуртага қабул қилинади.

Суғурта шартномаси суғурта қилдирувчининг ариза берган кунда мавжуд бўлган ҳайвонлар сонидан келиб чиққан ҳолда тузилади.

Суғурта пули миқдори суғурта қилдирувчининг тақдим этган қиймати бўйича белгиланади, лекин у давлат харид нархларининг 80 фоизидан юқори бўлмаслиги керак. Суғурта мукофоти шартнома тузилгандан сўнг 10 кунда тўланиши лозим.

Ҳайвонларнинг суғуртаси бўйича тариф миқдорлари суғурта компанияси томонидан ишлаб чиқилган.

Суғурта ҳодисаси юз берганида суғурта қилдирувчи 16 иш соати давомида суғурта компаниясига хабарнома бериши шарт.

Суғурталовчи хабарномани олгандан сўнг 8 иш соати давомида суғурта ҳодисаси рўй берган суғурта объектини ўрганиб, суғурта ҳодисаси тўғрисида маълумотнома тузади.

Хабарномада баён қилинган суғурта ҳодисасини тасдиқлаш учун мутасадди ташкилотлардан (масалан, ветеринария пункти) тасдиқловчи ҳужжатлар талаб қилинади.

Суғурта далолатномаси ҳайвонлар халок бўлган ёки мажбурий сўйилган жойда тузилади.

Суғурта қилинган ҳайвонлар нобуд бўлганда суғурта товони шартномада белгиланган суғурта пулидан ошмаган миқдорда тўланади.

Агар мажбуран сўйилган ҳайвоннинг гўшти одамлар истеъмоли учун тўла яроқсиз бўлса, суғурта товони тўла тўланади.

Қуйидаги ҳолларда суғурта компанияси суғурта товонини тўлашнирад этиши мумкин:

- ҳайвонлар хўжалик мақсадлари учун сўйилган бўлса;
- суғурта қилдирувчи имконияти бўлган ҳолда суғурта ҳодисаси бўлганлиги тўғрисида ўз вақтида хабар қилмаса;
- *ҳисобланган суғурта мукофоти табиий офат бўлиб ўтгандан кейин* ёки юқумли касалликлар тарқалгандан кейин келиб тушган бўлса;
- суғурта ҳодисаси бўлиб ўтгандан кейин қолган қишлоқ хўжалик ҳайвонларини сақлаб қолиш учун суғурта қилдирувчи ўз вақтида керакли чора-тадбирларни кўрмаса.

Қўшимча зарарланган мол-мулклар учун ҳам суғурта товони тўланмайди.

Лизинг суғуртаси

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 2 ноябрдаги «Қишлоқни лизинг шартларида қишлоқ хўжалик техникаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 424-сонли қарори билан машина трактор паркларига, фермер хўжаликларига 7 йил муддатга лизингга бериладиган қишлоқ хўжалик техникаларини (тракторлар ва ўрим-

йиғим техникаси) суғурталаш вазифаси «Ўзагросуғурта» ДАСК зиммасига юклатилган.

Лизинг олувчилар техниканинг 85 фоиз қийматига «Ўзагросуғурта» компанияси билан суғурта шартномасини тузадилар.

Суғурта мукофотлари ҳисоблаш учун суғурта тариф (ставка) миқдори техниканинг 85 фоиз қийматидан бир йилга 0,5 фоиз.

Шартнома буйича ҳисобланган суғурта мукофотлари суғурта компанияси ҳисобига келиб тушгач суғурта полиси расмийлаштирилиб берилади ва суғурта полисида кўрсатилган муддат давомида жавобгарлик олиб борилади.

Лизингга берилган трактор ва ўрим-йиғим техникалари йўл транспорт ҳодисалари, портлаш, табиий офатлар (ёнғин, сув тошқини, сел, чақмоқ уриши, зилзила, довул, бурон, ер кўчиши), учинчи шахс томонидан атайлаб қилинган ҳаракатлар натижасида шикастланиши ёки яроқсиз ҳолга келиши суғурта ҳодисалари ҳисобланади.

Суғурта ҳодисалари натижасида лизингга берилган техника шикастланганда суғурта товони лизинг олувчига, техникани қайта тиклаш иложи бўлмаганда эса лизинг берувчига тўлаб берилади.

Эслатма: ушбу бўлимда сиз қуйидагилар билан танишдингиз:

- суғуртага оид асосий тушунчалар;
- мажбурий ва ихтиёрий суғурта турлари;
- *экинлар ҳосилини, боғ ва токзорларни, чорва молларини* суғурталаш тартиблари

Ўз-ўзини текшириш саволлари

1. Ҳисоб-китоб операцияларининг моҳияти, турлари.
2. Ҳисоб-китоб операцияларнинг счётларда акс эттирилиши, регистрлар.
3. Кредит операциялар ва уларнинг дастлабки бухгалтерия учёти.

Фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш заҳиралари ва тайёр *маҳсулотлар ҳисоби*

Режа:

1. Ишлаб чиқариш заҳиралари ҳақида тушунча, уларнинг туркумланиши ҳисобга олишда вазифалар.
2. Ишлаб чиқариш заҳиралари, тайёр маҳсулотларнинг иқтисодий моҳияти, турлари, туркумланиши ва баҳолаш.
3. Фермер хўжаликларда омбор хўжалигини ташкил этиш.
4. Моддий қийматликларнинг бухгалтерия ҳисоби.
5. Тайёр маҳсулотлар ва ишлаб чиқариш заҳираларни бошланғич учёт ива бухгалтерия учёти ҳамда уларни акс эттирадиган регистрларни юритиш тартиб қоидалари.

Бозор муносабатлари шароитида корхона маълум даражадаги авансланган капиталга эга бўлиши зарур. Бу капитал 2 хил бўлади. Иқтисодий адабиётлар доимий ва ўзгарувчан капитал номини олади. Ишлаб чиқариш жараёнида корхона маблағлари қатнашиши даражасига қараб 2 хил бўлади:

1. Бир неча ишлаб чиқариш циклида қатнашадиган узоқ муддатли капитал қўйилмалар, яъни асосий воситалар бўлиб ҳисобланади.
2. Бир гуруҳ корхона маблағлари ишлаб чиқариш бир циклида қатнашиб ўзини натурал ҳолатини тўла йўқотиб, пул бирлигидаги қийматини ишлаб чиқаришдан олинган маҳсулотлар, кўрсатилган хизматларнинг таннархига ўтказадиган маблағдир. Бундан маблағларни бухгалтерия тилида ишлаб чиқариш заҳиралари деб айтилади ва алоҳида натурал ҳамда қиймат бирликларда бошқарув ҳисоби ва молиявий ҳисоботда бозордаги баҳоларга қиёслаб олиб борилади.

Ишлаб чиқариш заҳиралари деганда фермер хўжаликда ишлаб чиқариш фаолиятини юритиш учун фойдаланадиган маблағлар жумладан: - Уруғлик, ем-хашак, минерал ўғит, ёнилғи ва мойлаш материаллари хом-ашёлар, ёрдамчи материалларда тайёр маҳсулотлар, ёш ва боқувдаги *моллар, паррандалар, ёввойи ҳайвонлар, соликлар ва меҳнат предметлари* (хўжалик инвесторлари, идиш товоқ, болта, арра кабилар) тушунилади.

Ҳар бир жамиятдаги табиатдаги нарсалар икки йўналиш бўйича юз беради: 1) табиий ҳолда олинган моддий заҳиралар, 2) ишлаб чиқарилган ва мазкур корхона томонидан сотиб олинган моддий заҳиралардир. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқариш заҳираларини бухгалтерия ҳисобида ҳисобга олиб боришдаги энг асосий вазифа ишлаб чиқариш заҳираларининг қаерда сақланиши жойлари бўйича ва уларни аниқ ҳисобга олиб бориш вазифаси туради.

Ишлаб чиқариш заҳиралари ва тайёр маҳсулотлар турлари бўйича ассортиментлари бўйича ўз вақтида, сўм қийматида ҳисобга олиб борилиши ва бошланғич учётни элементларга мос равишда ҳисобга олиб борилади: а) ўз вақтида (хўжалик) ҳужжатлаштириш; б) моддий жавобгар шахснинг, унинг қўлидаги омбор мудирнинг кирим-чиқим дафтарида; в) сунгра ўз вақтида ҳисобга олиб борилишининг якуни моддий жавобгар шахснинг ҳисоботидир.

Улар ҳисоб сиёсатига мувофиқ корхонадаги ҳужжатлар айланиши режасига мос равишда бухгалтерияга ҳисоботларни топширилишидир.

Ишлаб чиқариш заҳиралари аввало харажат қилинаётганда, уларни аниқ баҳоланиши «Маҳсулот (иш хизматларни) ишлаб чиқариш харажатларни таркиби ва молиявий натижаларни шаклланиши таркиби» ҳақидаги Низомга мувофиқ олиб борилиши лозим. Ушбу низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган бўлиб, жаҳондаги барча мамлакатлар сингари фермер хўжаликларида ҳам тадбиқ қилиниши белгилаб қўйилган. Ишлаб чиқариш заҳираларини ҳисобга олиб боришда Республикада амал қилаётган бухгалтерия ҳисобни миллий стандартларга мос равишда ташкил қилиш вазифаси туради. Ишлаб чиқариш заҳиралари қуйидагича туркумланади:

1. Тармоқлар бўйича ишлаб чиқариш заҳиралари хусусияти.

2. Ишлаб чиқариш заҳиралари келиб ва чиқиб кетиш каналлари бўйича белгиланган мақсадларга мувофиқ ҳисобга олиб борилади.

3. Фермер хўжалик ёки 1 йил давомиа ҳақиқий активларни баҳоланиши тўғри йўлга қўйилиши лозим.

4. Ишлаб чиқариш заҳиралари ва тайёр маҳсулотлар бухгалтерия ҳисобини миллий стандартлари №19 га мувофиқ вақти-вақти билан инвентаризация бухгалтерия ҳисобидаги маълумотлар тенглаштирилиб акс эттириш лозим.

5. Бухгалтерия ҳисобида ишлаб чиқариш заҳиралари ва тайёр маҳсулотлар бўладиган ўз вақтида жорий бухгалтерия ҳисобида тўлиқ акс эттрилиши ва кейинчалик балансда кўсатилиши лозим.

6. Бухгалтерия ҳисоби ишлаб чиқариш заҳиралари.

Ишлаб чиқариш заҳиралари ва тайёр маҳсулотлар иктисодий моҳиятга кўра капитални айланиш доирасида айланма маблағлар жумласига киради. Улар бир ишлаб чиқариш циклида қатнашиши ўзларини натурал жисмоний хусусиятларни тўла йўқотиб қиймат ифодасида ишлаб чиқараётган тайёр маҳсулотларни таннархига тўла киритилади. Фермер хўжалик ишлаб чиқариш заҳираларини барча турдаги ҳисоб-китобларини юритишда ЎзРБҲМС-4 да ҳамда ЎзРБҲМС-19 да белгиланган қоидаларга амал қилиш лозим бўлади. Шунинг учун бу стандартларнинг

талаблари ЎзРБҲМС-1 да албатта ҳисобга олинган бўлиши шарт *ҳисобланади.*

Ишлаб чиқариш заҳиралари қуйидагича баҳоланади:

1. Фермер хўжаликда ишлаб чиқарган заҳиралар ёки тайёр маҳсулотлар йил давомида режа таннархида баҳоланади;

2. Йил охирида ҳақиқий таннарх баҳосида баҳоланади;

3. Тайёр маҳсулотлар жорий бухгалтерия ҳисобида ҳисоботларда сотиш баҳосида баҳоланади ва акс эттирилади. Сотиб олинган ишлаб чиқариш заҳиралари ва товарлар жорий бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларда қуйидагича баҳоланади.

Сотиб олиш қиймати «+» олиб келиш харажатлар қўшилади. Бунда баҳолашни қуйидаги усуллардан фойдаланади:

Lifo; fifo; aveco

Фермер хўжаликларда қуйидаги омбор хўжаликлари ташкил қилиниши мумкин:

1. Саноат маҳсулотлар ва товарларни омбор хўжалиги;

2. Озиқ-овқат маҳсулотларни омбор хўжалиги.

3. Ем-хашак омбор хўжалиги.

4. Ўғит ва химиявий равишда ўсимликларнинг ва ҳайвонлардан ҳимоя қилиш омбор хўжалиги.

5. Ёқилғи ва мойлаш материаллар.

6. Эҳтиёт қисмлар инвентарларни сақлаш.

7. Тайёр маҳсулотларни ҳисобга олиш, сақлаш омбор хўжалиги.

Бухгалтерия учётида ишлаб чиқариш заҳираларини ва тайёр маҳсулотларни ҳисобга олиш учун ҳисоб-китоблар, ходимларнинг кўп миқдордаги меҳнат вақтини сарфлашига эътиборга олиб, бу соҳада вақтни тежаш ва учёт ишларини енгиллаштириш борасидаги бухгалтерия учётининг энг прогрессив услубларини жорий қилиш ҳаётий зарурият ҳисобланади. Бундай методларга бухгалтерия ҳисобининг «Бухгалтерия-1:С (корхона)» журнал ордер ҳамда моддий бойликларни қолдиқли бухгалтерия усулида олиб бориш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу услублар «Бухгалтерия-1:С (корхона)» шаклида бу персонал компьютерлар ёрдамида бажарилади. Журнал ордер шаклини эса кўп хонали жадвал шаклидаги бўш бланкаларда олиб борилади.

Ишлаб чиқариш заҳиралари ва тайёр маҳсулотларни ҳисобга олиш боришни энг қулай усули бухгалтерия ҳисобининг «оператив-қолдиқли» усулидир, бунда:

1. Бухгалтерияда ҳар бир ишлаб чиқариш заҳираларининг турлари ассортиментлари, навлари бўйича аналитик счётлар юритилмайди, балки уларнинг ўрнига сўм бирликлардаги субучётлар юритилади, омборларда

эса турлари, ассортиментлари навлари билан миқдор ва қиймат бирликларда олиб борилади;

2. Моддий жавобгар шахс ўзларининг омбор дафтарида юқоридаги ишлаб чиқариш заҳираларининг турига ассортиментига, навига ва бошқа сифатларига қараб аналитик счётларни юргизадилар ва бу счётлар ҳисобланади.

Бухгалтерия ҳисобида ишлаб чиқариш заҳиралари ва тайёр маҳсулотларни ҳисобга олиб бориб беришни энг афзал усули бухгалтерия ҳисобининг «оператив қолдиқли» усули ҳисобланади. Буни жорий қилиш жуда катта аҳамиятга эгадир. Чунки, учёт ходимларининг бюджет вақтини сарфлаш 50%га қисқаради. Бу усуллар ҳаётга тадбиқ қилиш учун корхоналарни бухгалтерлари олдига қуйидаги вазифаларни амалга оширишни ҳаётий зарурият ҳисобланади. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Моддий бойликларни сақланиш жойлари бўйича ва улардан фойдаланишга мутасадди жавобгар шахсларнинг малакасини ошириш учун уларни ҳисоб юритиш йўриқномалари билан ва ҳисоботларини тузиш тартиби билан таништириш назоратга олиши лозим;

2. Корхонада мавжуд бўлган барча ишлаб чиқариш заҳиралари ва тайёр маҳсулотларнинг кейинги 3 йил давомидаги ҳақиқий баҳолари ҳисобдан чиқарилиб доимий баҳо ҳисобида ишлаб чикариш заҳираларидан ҳар бирининг турига номига, ассортимеенти навига код рақами белгиланиб ҳар бита моддий жавобгар шахсга тарқатилади.

3. Ишлаб чиқариш заҳиралари бўйича юқорида айтилган баҳоларда чекланишлар (ошиши ва камайиши) бўйича субсчётлар таркибида ёки бўлмаса счёт №1500, №1600 бош счётларда баҳодан четланишлар деган аналитик счётлар очилиши шарт.

4. Бухгалтерлар моддий жавобгар шахсларнинг ҳисоботи «Моддий бойликларнинг ҳаракати бўйича ҳисобот» форма №121 қуйидаги позицияси бўйича текширилиши амалга ошириб, ҳисоботни қабул қиладилар.

а) Ҳисобот техник жиҳатдан, мазмун жиҳатдан текширилади.

б) Ҳисоботлар арифметик текширилади.

в) Ҳисоботлар реал бўлиши нуқтаи назаридан текширилади ва кейин уларга бухгалтерия проводкалари тузилиб тегишли субсчётларга қайд қилинади. «Қолдиқли оператив» бухгалтерия ҳисобини олиб бориш алоҳида қайдномада кўрсатилади.

Ишлаб чиқариш заҳиралари деганда асосан счёт № 1000, - «Материалларни ҳисобга олиш счётида маблағлар» ва счёт № 1100, - «Ёш ва боқувдаги чорва молларини ҳисобга олиш» счётидагилар биринчи навбатда кўзга ташланади ва ҳисобга олиб борилади. Энди бу заҳираларни сотиб олиш, тайёрлаш ва сақлаш билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олувчи счётлар: счёт № 1500, - «Материалларни тайёрлаш, сотиб

олиш харажатлари» ва счёт № 1600, - «Материалларнинг баҳосидаги четланишлар» счётлари ҳисобланади. Бу счётлар балансга нисбатан актив бўлиб, уларнинг дебет томонида ҳисобот даври бошига қолдиқ, кирими ва чиқими, ниҳоят хотима қолиғи кўрсатилади, кредит томонида эса уларнинг ҳисобот даврида сарфланиши кўрсатилади.

Счёт № 1000, - «Материаллар» счётининг корреспонденцияси қуйидагича

№	Ёзувларнинг мазмуни, ҳужжатлар	счётлар алоқаси	
		Дебет	Кредит
1	Мол етказиб берувчилардан материал олинди (шартнома, фактура)	1010-1090	6010
2	Асосий воситаларини тугатишдан материал олинди (далолатнома)	1090	9210
3	Тасисчилардан материаллар олинди	1010-1090	4610
4	Бепул материаллар олинса	1010-1090	8530
5	Сотиб олинган материалларда дефект бўлса	4860	1010-1090
6	Материалларга сотиб олиш харажатлари тақсимланса	1010-1090	1510
7	Брак қилинган материаллар кирим қилинса (далолатнома)	1090	2610
8	Ўз ишлаб чиқаришдан материал олинса	1010-1090	2310
9	Материаллар ишлаб чиқаришга ва бошқа мақсадларга берилса	2010, 2310 2510, 2710	1010-1090
10	Маъмурий харажатларга сарфланса	9420	1010-1090
11	Инвентаризацияда кам келса	5910	1010-1090

Счёт № 1100 «Ёш ва боқувдаги моллар» счётининг корреспонденцияси

№	Ёзувларнинг мазмуни ва айрим ҳужжатлар	Счётлар алоқаси	
		Дебет	Кредит
1	2	3	4
1	Сотиб олинган ёш ва боқувдаги моллар киримга олинса (счёт фактура, юк хати, далолатнома)	1110, 1120	6010, 6990
2	Ишлаб чиқаришдан ёш моллар олинса, (бузоқ ва бошқаларни кирим қилиш далолатномаси) олинган қўшилган вазн (тортиш қайдномаси)	1110-1120	2010, 2310, 2710
3	Таъсисчилардан ёш моллар олинса (далолатнома)	1110-1120	4610

1	2	3	4
4	Ёш ва бокувдаги моллар бепул олинса	1110-1120	8530
5	Ёш моллар асосий подага кўчирилса (далолатнома)	0810	1110
6	Ёш ва бокувдаги моллар инвентаризация кам бўлса	9220	1110
7	Ёш ва бокувдаги моллар четга сотилса	9110, 9220	1110
8	Касаллик натижасида харом ўлган моллар	9720	1110

Ушбу молларнинг учёти «Ҳайвон ва паррандаларни ҳисобга олиш» дафтарида, моддий жавобгар шахслар, турлари тирик оғирлиги, қийматлари кўрсатилган аналитик счётларни «Бухгалтерия-1:С (корхона)», журнал-ордерда олиб бориш қийинчилик туғдирмайди, унинг шакли куйидагича тавсия қилинади:

	Ёзувларнинг мазмуни ва қўлланиладиган айрим	Компьютер манбалари ва сақланиш	Кирим			Чиқим			Қолдиқ		
			Бош сони	Тирик вазни	Сумма	Бош сони	Тирик вазни	Сумма	Бош сони	Тирик вазни	Сумма
	хужжатлар	*коддари*									

ҳисобланади

Моддий товар заҳираларни ҳисобга олиш қайдномаси

Счёт № _____

200___ йил _____ ойи учун

Номи	Ўлчов бирлиги	Ҳақиқий баҳоси	Ҳисобот-нинг бошига қолдиқ		Ҳисобот даврида счётлардан қабул қилинди				Сарфланди, счётлар дебетига				Ҳисобот даврининг охирига қолдиқ	
					счёт №		счёт №		счёт №		счёт №			
			миқдор	сумма	миқдор	сумма	миқдор	сумма	миқдор	сумма	миқдор	сумма	миқдор	сумма

Фермер хўжаликларда, ўрта ва кичик бизнес билан шуғулланадиган корхоналарда счёт № 1500, - «Материалларни сотиб олиш ва тайёрлов харажатлари счёти» бу счётда ушбу сарфлар ҳисобга олиб борилиб, улар ишлаб чиқариш заҳираларининг қийматига қўшилади. Ойма-ой киритиб уларнинг қиймати аниқланиб борилади.

Мазкур счётнинг корреспонденцияси қуйидагича:

№	Ёзувларнинг мазмуни ва айрим ҳужжатлар	Счётлар алоқаси	
		Дебет	Кредит
1	Сотиб олиш ва тайёрлашга ёрдамчи ишлаб чиқаришларнинг хизмати	1510	2310
2	Мол етказиб берувчилар хизмати	1510	6010
3	Кам келган материалларнинг суммасига мутаносиб равишда хизмат суммасига эътироз	4860	1510
4	Моддий жавобгар шахслар моддий-товар бойликлар олинса	1510	6970
5	Баҳоси ва қийматидаги четланишларга а) учёт баҳосидан сотиб олиш баҳоси кам бўлса б) агарда учёт баҳосидан ошиқ бўлса	 1510 1610	 1610 1510

Ишлаб чиқариш заҳираларининг қийматидаги, баҳосидаги турли хил четланишларни ҳисобга олиш учун счёт № 1600, - «Материаллар қийматидан четланишлар» счётидан фойдаланилади. Унинг аналитик счётлари «Материаллар гуруҳларига» очилади ва корреспонденцияси қуйидагича:

№	Ёзувларнинг мазмуни	Счёт алоқаси	
		Дебет	Кредит
1	Агарда ҳақиқий таннархи киримга олинган материалларнинг учёт баҳосидан кам бўлса Бордию бу сумма учёт баҳосидан ошиқ бўлди деб аниқланса	1510 1610	1610 1510
2	Бу фарқ суммалар харажатларга олиб борилса	Харажат счётлари	1610

Бухгалтерия учёти бўйича махсус адабиётларда счёт № 2800, - «Тайёр маҳсулотлар» ва счёт № 2900, - «Товарларни ҳисобга олиш счётлари» ишлаб чиқариш заҳираларини ҳисобга олиш мавзусида олиб

борилганлиги сабабли, ушбу дарсликларда ҳам мазкур счётлага тавсифнома ва корреспонденциясини ёзишни лозим топдик.

Бу счётлар ҳам актив счётлар жумласига кириб, журнал-ордер 10 «клавиш»лар ёрдамида регистрларда акс эттирилиши кўрсатиб ўтилмоқда.

Счёт № 2800 «Тайёр маҳсулотларни ҳисобга олиш» счётининг *корреспонденцияси*

№	Ёзувларнинг мазмуни ва айрим ҳужжатлар	Счётлар алоқаси	
		Дебет	Кредит
1	Ишлаб чиқаришдан олинган тайёр маҳсулотлар, ёндош маҳсулотлар, қўшимча маҳсулотлар фермер хўжаликларда кундаликларга, комбайн регистрларига мувофиқ	2810, 2820, 2830	2010, 2310, 2710, 2110, 2820
2	Тайёр маҳсулотларни қайта баҳолаш: а) қўшимча равишда баҳоланса б) баҳоси камайтирилса	 2810 3190	 6230 2810
3	Инвентаризация натижасида ошиқ чиқса	2810	9390
4	Ички хўжалик эҳтиёжлари учун ишлатилса	2010, 2310, 2510, 2710, 9410, 9440	2810
5	Тайёр маҳсулот браклиги аниқланиб, у тузатилса	2610	2810
6	Инвентаризацияда тайёр маҳсулотлардан камомат аниқланиб жавобгар шахс зиммасига ёзилса	4730	2810
7	Маҳсулотлар сотилса	9110	2810-2830
8	Тайёр маҳсулот молиявий қўйилмалар ҳисобига берилса	0600, 5800, 9110	2810, 9010
9	Тайёр маҳсулотлар бепул берилса	9430	2810

Кичик ва ўрта бизнес корхоналари, фермер хўжаликлари товарлар счётини юритиб, уларнинг ҳаракатини бухгалтерия учётида акс эттирадиган бўлса, счёт № 2900, - «Товарларни ҳисобга олиш» счётининг корреспонденцияси қуйидагича:

№	Ёзувларнинг мазмуни ва айрим ҳужжатлар	Счётларнинг алоқаси	
		Дебет	Кредит
1	Товарлар ўз корхонамизда ишлаб чиқарилиб, киримга олинса, ОТК (тайёр маҳсулотлар назорат бўлимида тайёрланган юк хати, далолатнома)	2910-2990	2010, 2310
2	*Товарлар ҳисобдорлар томонидан олинса*	2910-2990	6970
3	Мол етказиб берувчилардан товарлар олинса	2910-2990	6010, 7010
4	Товарлар таъсисчилардан олинса	2910-2990	4610
5	Товарлар қайта баҳоланса а) қўшимча баҳоланса б) баҳоси пасайтирилса	 2910-2990 3190	 6230 2910-2990
6	Товарлар бепул олинса	2910-2990	8530
7	Инвентаризация натижасида товарлар ошиқ чиқса	2910-2990	9390
8	Ички хўжалик эҳтиёжи учун товарлар материаллар сифатида кирим қилинса	1010	2910-2990
9	Товар яроқсиз ҳолга келган бўлиб улар харажатга чиқарилса	9430	2940
10	Инвентаризация товарларда камомад бўлса	5910	2910-2990
11	Товарлар молиявий қўйилма ёки меҳнат ҳақига берилса	9120	2910-2990
12	Инвентаризация камомад моддий жавобгар шахсга ёзилса	4730	2910-2990
13	*Товарлар сотилса*	9120	2910-2990
14	Савдо устамаси акс эттириш	2920	2980
15	Савдо устамаси харажатга чиқарилса	2980	9120

Ўз-ўзини текшириш саволлари:

1. Ишлаб чиқариш заҳираларининг иқтисодий моҳияти ва туркумланиши.
2. Ишлаб чиқариш заҳираларининг дастлабки ва бошқарув ҳисоби.
3. Ишлаб чиқариш заҳираларининг бухгалтерия ҳисоби.
4. Ишлаб чиқариш заҳираларини ҳисобга олиб боришга персонал компьютерлардаги жадвал регистрларда юритишнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат.

Фермер хўжаликларда асосий воситаларни, номоддий активларни учётга олишнинг хос хусусиятлари. Счёт № 0100

Режа:

1. Асосий воситаларнинг иқтисодий моҳияти ва аҳамияти.
2. Асосий воситалар ҳаракатини бухгалтерия учётида акс эттириш.
3. Асосий воситалар эскиришининг ҳисоби.
4. Лизинг операциялари бўйича асосий воситалар учёти.
5. Инвистицияларнинг дастлабки ва бухгалтерия учёти
6. Асосий воситаларни ҳисобга олувчи регистрлар ва уларнинг аҳамияти.
7. Номоддий активлар тўғрисида тушунча, туркумлаш баҳолаш.
8. Номоддий активларни дастлабки учёти.
9. Номоддий активларнинг бухгалтерия ҳисоби ва регистрларида акс эттириш.

Таянч иборалар:

Асосий воситаларнинг дастлабки қиймати, қолдиқ қиймат, сотиш баҳоси ва бошқалар, асосий воситалар амортизацияси, эскириши, счётнинг дебетланиши, счётнинг кредитланиши, счётнинг бошланғич ва хотима қолдиғи, амортизация нормаси кабилар, лизинг тушунчаси, лизинг берувчи, лизинг олувчи, лизинг воситаси кабилар.

Мазкур счёт фермер хўжалигига кирим қилинган, ҳаракатдаги жумладан, лизинг операцияси асосида олинган, ижарага олинган ва хўжаликдан чиқариладигани асосий воситалар учётини умумлаштириш, бухгалтерия счётларида, уларга тайинланган регистрлардаги маълумотларни, миллий бухгалтерия ҳисобининг «Асосий воситалар» номли 5-сонли ЎзРБҲМС талабларига мос равишда акс эттиради, охирида «Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот» шакл №3 да, корхона баланси 2 шаклда ўз ҳаракати, бошланғич, охирги қолдиқни кўрсатади. Счёт балансга нисбатан актив счёт бўлиб, дебет тамонида бошланғич қолдиғи, кирими ҳамда ҳисобот давридаги чиқимини ва хотима қолдиғини ўзида қиймат бирлигида акс эттиради. Асосий воситалар қуйидагича баҳоланади: дастлабки қиймати; сотиш баҳоси; тугатиш қиймати, қолдиқ қиймати ва ўрнини қоплаш қийматида кўрсатади. Бу счётни олиб бориш №0100 синтетик счётидаги № 0110- 0199 субсчётларда ўз аксини топади. Асосий воситаларнинг дастлабки учёти, аввало кирим қилиниши, фермер хўжалигининг раҳбари томонидан тайинланган комиссия ҳайъати тузган «Асосий воситаларни қабул қилиш дало-

латномаси»га мувофиқ кирим қилинади. Асосий воситаларнинг ҳисобот давридаги ҳаракати эса «Асосий воситаларни қабул қилиш ва хўжаликдан чиқиши ҳақидаги далолатнома асосида амалга оширилади. Албатта кирим ва чиқим даврида ушбу далолатномаларга техник-паспорти шартномалари ҳам илова қилинади. Ҳар бир асосий восита учун регистрлардан «Карточка»лар, булардан ташқари аналитик счёт регистрларида улар турлари, гуруҳлари ҳамда фойдаланиш ва ишлатиш жойларида моддий жавобгар шахслар кўрсатилиши шарт. Ушбу карточкаларда уларни ишлатиш давридаги эскириш суммалари ҳам ойма-ой ва йиллик ўсиб борувчи қийматларда кўрсатиб борилади. Асосий воситалар счёт №0110-№0199 субсчётлар корреспонденцияси (счётлар алоқаси) бухгалтерия проводкалари (счётлар формулалари) қўйдагичадир:

№	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётлар алоқаси	
		Дебет	Кредит
1	Қўрилган, хўжаликда *етиштирилган* ва сотиб олинган асосий воситалар қабул қилинса, яъни фермер хўжалик балансига олинса	0110-0199	0810, 0820
2	Асосий восита шартнома асосида узоқ муддатга ижарага олинса	0110-0199	0310
3	Асосий воситаларни пай сифатида таъсисчилар томонидан фермер хўжалигига берилса ва балансга олинса	0110-0199	4610
4	Асосий воситалар фермер хўжалигига бепул берилса, у фермер хўжалик балансига кирим қилинса	0110-0199	8530
5	Асосий воситалар қайта баҳоланиб, қиймати: а) оширилса; б) баҳоси камайтирилса	 0110-0199 8510	 8510 0110-0199
6	Асосий воситалар фермер хўжалиги балансидан чиқарилса	9210	0110-0199
7	Асосий воситалар консервация қилинса, яъни қонунларга мувофиқ бўлса	0199	0110-0199

Шуни алоҳида қайд қилиш лозимки, бепул олинган асосий восита қийматига – фойда деб, унга кўра фойда солиғи ҳисобланади.

ЎзРБҲМС – 19 га кўра инвентаризация даврида бухгалтерия ҳисоби регистрларида маълумотларга нисбатан кам ёки ортиқ бўлиши мумкин. Масалан, фермер хўжалигида бир дона тележка кам келди, унинг бошланғич баҳоси 300 минг сўм, унга ҳисобланган эскириш 250 минг сўм дейлик, унда қуйидагича бухгалтерия проводкаси тузилади:

Дт – 9210 – «Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқа чиқиб кетиши» 300 минг сўм,

Кт – 0130 – «Машина ва жиҳозлар» 300 минг сўм, эскириш суммасига.

Дт – 0230 – «Машина ва жиҳозларнинг эскириши» 250 минг сўм,

Кт – 9210 – «Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқа чиқиб кетиши» 250 минг сўм.

Камомад суммаси шунда 50 минг сўм (300 минг сўм – 250 минг сўм) бўлади, Дт – 5910 – «Камомад ва қийматликларнинг шикастланишидан талофатлар» - 50 минг сўм. Кт – 9210 – «Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқа чиқиб кетиши» - 50 минг сўм.

Агарда айбдор шахс аниқланмаса, ёки айбдор деб топилмаса, Дт – 9430 «Бошқа операцион харажатлар» - 50 минг сўм (бунда қарор билан расмийлаштирилади). Кт – 5910 – «Камомад ва қийматликларнинг шикастланишидан талофатлар» - 50 минг сўм.

Айбдор шахсдан икки ҳисса ундиришга қарор қилинса: Кт – 5910 – «Камомад ва қийматликларнинг шикастланишидан талофатлар» - 100 минг сўм. Дт – 4730 – «Моддий зарарни қоплаш буйича ходимнинг қарзи» 100 минг сўм.

Фойда суммасига: Дт-5910 – «Камомад ва қийматликларнинг шикаст-ланишидан талофатлар» - 50 минг сўм. Кт-9310 - «Асосий воситаларни сотишдан фойда» - 50 минг сўм.

Асосий воситаларни инвентаризация қилишда ортиқча аниқланса Дт -0110-0199, Кт - 9310 - «Бошқа операцион даромадлар»

Асосий воситаларнинг эскириши. Счёт № 0210-0299

Бухгалтерия счётлари режасининг №0210-0299 счётлари асосий воситаларнинг эскириши, амортизациясини умумлаштириш учун тайинлангандир. Юқорида зикр қилинган счётлар режасида 21-сонли БҲМА да кўрсатилганидек, 0210-0299 субсчётларга эга бўлиб, контрактивдир, яъни балансга нисбатан пассив ҳисобланади. Унинг дебет томонида фермер хўжаликларида ишлатилаётган асосий воситаларнинг эскириш суммасининг камайиши, кредит томонида эса ҳисобот даврининг бо-

шига қолдиғи шу даврда ҳисобланган эскириш суммаси, бошқача айтганда уларнинг иш давридаги жисмоний ва маънавий эскиришининг пулдаги ифодаси қиймати – амортизация кўрсатилади. У доимо бошланғич (дастлабки) ёки баланс баҳосига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ҳамда Солиқ қўмитаси тавсия қилган меъёрий хужжат «Солиқ кодекси»га мувофиқ қуйидаги меъёрларда ойма-ой ҳисоблаб борилади, у қуйидагичадир:

Даромаддан солиқ ҳисоблашда даромадлар солиқ базаси суммасидан бошқа харажатлар қатори ҳисобланадиган асосий воситалар *амортизациясининг нормалари*

№	Асосий воситаларнинг гуруҳлари	Амортизация нормаси
1.	Енгил автомобиллар, такси, йўлларда фойдаланиладиган автотрактор техникаси, махсус асбоб-ускуна, инвентар ва жиҳозлар. Компьютерлар, периферия қурилмалари, маълумотларни қайта ишлаш ускуналари.	20%
2.	Юк автомобиллари, автобуслар, махсус автомобиллар, автотиркамалар. Саноатнинг барча тармоқлари, металл қуйиш корхоналари учун машиналар ва ускуналар, темирчилик-пресслаш ускуналари, қурилиш ускуналари, қишлоқ хўжалик машиналари ва ускуналари, офислар учун мебел.	15%
3.	Темирйўл, денгиз, дарё ва ҳаво транспорти воситалари, куч-қувват берадиган машиналар ва ускуналар, иссиқлик техника ускуналари, турбина ускуналари, электр двигателлари ва дизел генераторлар. Электр узатиш ва алоқа қурилмалари. Турбопроводлар.	8%
4.	Бинолар, иншоотлар, иморатлар.	5%
5.	Бошқа гуруҳларга киритилмаган, амортизация қилинадиган активлар.	10%
6.	Номоддий активлар фойдаланиш *муддатларига мутаносиб* равишда ҳисобланади, аммо корхона фаолият кўрсатадиган муддатидан ортиқ бўлмаслиги лозим.	

Амортизация ҳисоблаш услублари эса тури вариант бўлиб, улар: а) тўғри чизиқли усулда; б) камайиб борувчи қолдиқ усулда; в) бажарилган ишлар ҳажмига мутаносиб равишда ҳисоблаб ёзиш усулида; г) кумулятив усулда ҳисоблаб борилиши мумкин.

Ҳисобланган амортизация ва балансдан чиқарилган суммага 0210-0299 субсчётларнинг корреспонденцияси қуйидагича акс эттирилади:

№	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётлар алоқаси	
		Дебет	Кредит
1	Ишлатилаётган асосий воситаларга эскириш ҳисобланса, (амортизация ҳисоблаш қайдномасига кўра)	2010, 2310, 2510, 2710	0211-0299
2	Савдо ва реализация билан боғлиқ жойларда фойдаланаётган асосий воситаларга эскириш ҳисобланса	9410, 9420	0211-0299
3	Ишга тушириш, хизмат кўрсатувчи технология жараёнларда фойдаланилаётган асосий воситаларга эскириш ҳисобланса	9440	0211-0299
4	Ишчи ҳайвонларга амортизация ҳисобланса	2010, 2310	0270
5	Кўп йиллик дарахтларга амортизация ҳисобланса	2010	0280
6	Қисқа муддатли ижарага берилган асосий воситаларга эскириш ҳисобланса	9430	0220-0290
7	Шартномага кўра, қайтарилган асосий воситаларга ҳисобланган амортизация суммаси ҳисобдан чиқарилса	0299	0310
8	Асосий воситаларни қайта баҳолаш натижасида амортизация суммасидаги ўзгаришлар а) амортизация суммаси кўпайса; б) аксинча камайса	 8510 0211-0299	 0211-0299 8510
9	Балансдан чиқарилган асосий воситалар эскириши ҳисобдан чиқарилса	0211-0299	9210

Асосий воситаларнинг таъмирлаш харажатлари.

Бизга маълумки, ишлатиш даврида асосий воситалар икки хил таъмирланади:

1. Капитал таъмир
2. Жорий таъмир

Жорий таъмирлаш харажатлари тўғридан-тўғри ишлаб чиқариш харажатларига олиб борилади, яъни тегишли харажатларни ҳисобга олиб борувчи счётларнинг дебетига олиб борилади.

Капитал таъмирлаш харажатлари тасдиқланган смета харажатларига мос равишда фойдаланиладиган муддатларга пропорционал миқдорда счёт №8910 «Келгуси давр харажатлари ва туловлари резерви» субсчётида фонд ташкил қилиниб, бу харажатлар шу ҳисобдан қопланади.

Резерв ташкил қилинса: Дт – «Харажат счётлари», Кт – 8910 «Келгуси давр харажатлари ва туловлари резерви»

Харажатлар қопланса: Дт – 8910 «Келгуси давр харажатлари ва туловлари резерви», Кт – 2310 – «Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар»

Агарда пудрат ташкилотлари бажарса: Дт – 8910 «Келгуси давр харажатлари ва туловлари резерви», Кт – 6010 «Мол етказиб берувчи ва пудратчиларга тўловлар»

Лизинг операцияларини фермер хўжаликларининг бухгалтерия учётида ҳисобга олиш

Маълумки, мамлакатимизда бозорли иқтисодиётга ўтиш туб иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш борасида, халқ хўжалик тармоқларини модернизация қилиш, иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида хўжалик юритувчи субъектларда авансланадиган сармоя (капитал)га эҳтиёж сезилаётган бир даврда молиявий лизинг, республикамизда инвестицияларни жалб қилиш пайтида қўл келмоқда. Шу сабабли республикамизда уларни ҳаётга тадбиқ қилиш борасида қонуний база ва меъёрий ҳужжатлар тўплами яратилиб, ката имкониятлар очиб берилмоқда. Шу жиҳатдан олганда, гап фермер хўжалик раҳбарларга келиб тақалмоқда. Бундай пайтда фермерлар, лизинг бўйича ҳужжатлар: шартнома муносабатларини бухгалтерия ҳисоби жиҳатидан расмийлаштириш, ишлаб чиқаришга тадбиқ қилиш энг долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Лизинг операциялари деганда уч томонлама шартномаларни тушуниш лозим, яъни бунда мулкни лизингга (ижарага) берувчи юридик шахс, иккинчи томондан эса лизинг операциясини амалга оширувчи воситачи (тижорат банклари ёки лизинг компаниялари) ва ниҳоят учинчи томондан

лизингга мулкни ижарага олувчи юридик шахс (фермер хўжаликлари) ўртасидаги шартнома муносабатларини қонунда кўзда тутилган тартибда расмийлаштиришни яхши тушуниб олиш, ҳаётга аниқ, реал тадбиқ килиш лозим бўлади. Бунда мазкур операцияларни ҳужжатларда ўз манфаатларини кўзлаб тайёрлаш, уларни бажариш зарурияти келиб чиқади.

Молиявий лизинг қонун ва меъёрий ҳужжатларга мувофиқ у қуйидаги шартларга жавоб бериши лозим:

- лизинг шартномасида кўрсатилган муддатдан сўнг ижарага олинган объект фермер мулки бўлиб қолади;

- лизинг шартномасининг муддати, лизинг объектининг хизмат қилиш муддатининг 80 % и ошади, яъни лизинг объектининг қолдиқ қиймати, лизинг шартнома муддати тўгагач, бошланғич қийматнинг 20% и кам бўлади;

- лизинг олувчи лизинг шартномаси муддати мобайнида умумий тўловлар суммаси лизинг объектининг 90 % қийматини ташкил қилади.

Лизинг операцияларини ҳисобга олишнинг асосий ҳужжати бўлиб, Молия Вазирлиги томонидан 1998 йил 30 сентябрда тасдиқланган 6-сонли «Лизинг ҳисоби» бухгалтерия ҳисобининг миллий андозаси (6-БҲМА) ҳисобланади. Бундан ташқари, «Солиқ ҳисоби» кодексининг 10-моддасига, бухгалтерия ҳисоби тўғрисида қонуннинг 43-моддасига амал қилиниши лозим. Лизинг операцияларини тайёрлаш ва ўтказишни 8 та босқичга бўлиш мумкин:

1. Лизинг олувчи, лизинг берувчига объект ҳақида талабнома топширади, бунда молиявий тўлов ресурсларининг қувватини кўрсатиш лозим.

2. Лизинг олувчи талабнома билан:

а) солиқ инспекцияси томонидан тасдиқланган таъсис ҳужжатларини;

б) фермер хўжалигининг кейинги 2 йилдаги тасдиқланган балансини;

в) Техник-иқтисодий карта, бизнес-режа тақдим қилинади;

3. Корхона раҳбари (лизинг берувчи корхона) ҳужжатларни кўриб чиқиш, таҳлил қилиш, хулоса бериш тўғрисида буйруқ чиқаради;

4. Лизингга берувчи ва объектни лизингга олувчи ўртасида барча шартлари кўрсатилган шартнома тузилиб, имзоланиб, муҳр босилади ва шартнома кучга киради. Шуни унутмаслик керакки, уч томонлама, чунки воситачи ҳам қушилиб тузилади;

5. *Лизингга берувчи, лизинг олувчи билан олди-сотди шартномаси* имзоланиб, объект учун зарур ҳужжатлар расмийлаштирилади;

6. Шартномага мувофиқ тўлов амалга оширилгач, объект (шартнома шартига мувофиқ етказиб берилади, ёки олувчи ўзи олиб кетади) расмийлаштирилиб, лизинг олувчига топширилади;

7. Объект лизинг олувчига ўтказилгач, ундан фойдаланишни бошлади мумкин;

8. Лизинг муддати, шартлар бажарилгач, тўловлар амалга оширилгандан кейин лизинг объекти унинг мулкига айлантирилади, зарур ҳужжатларга мос равишда олди-сотди муносабатлари амалга оширилади.

Бошқа асосий воситага эскириш ҳисобланган, унинг лизинг олувчи бухгалтерия учётида 21-сонли БҲМС га мувофиқ жорий бухгалтерия ҳисобида ва ҳисоботларда ўз аксини топади. Корхонага лизинг шартлари асосида келиб тушган восита счёт № 0310 – «Молияланадиган лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» счётининг дебетида ва счёт № 6810 – «Тўланадиган, молияланадиган лизинг», счёт № 7630 – «Тўланадиган молияланадиган лизинг» - узоқ муддатли қисми счётларининг кредити бўйича кирим қилинади.

Тўловларга счёт № 6810 – «Тўланадиган, молияланадиган лизинг» дебет ва пул маблағлари счёти кредитланади. Лизинг шартномаси бўйича ҳисоблаб ёзилган фоизлар суммасига Дт – счёт № 9610 – «Фоизлар кўринишидаги харажатлар», Кт – счёт № 6810 – «Тўланадиган, молияланадиган лизинг» счётига ёзилади.

Айни вақтда уларнинг эскириш меъёрларга мувофиқ счёт № 0299 – «Молияланадиган лизинг бўйича асосий воситаларнинг эскириши» нинг кредити ва контракт вақтида счёт№3100 – «Келгуси давр харажатлари» счётининг дебетига олиб борилади, кейинчалик счёт № 3110 – «Олдиндан тўланган лизинг» нинг кредитидан фойдаланиш тармоқлар харажат счётларига олиб борилади.

Молиявий лизинг шартномасининг ниҳоясига етиши билан асосий воситалар объектлари лизинг берувчига қайтарилса, у ҳолда счёт № 0299 – «Молияланадиган лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириши» счёти дебет ва счёт № 0310 – «Молияланадиган лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» счётининг кредити бўйича амалга оширилади.

Ижарага олинган асосий воситалар объекти лизинг берувчига лизинг шартномаси тугагунга қадар қайтарилса, у ҳолда ҳисобда счёт № 0310 – «Молияланадиган лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» счёти кредити ва счёт № 0299 – «Молияланадиган лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириши» счётининг дебети бўйнча (ҳисобланган эскириш суммасига) ва счёт № 6810 –

«Тўланадиган лизинг», счёт № 7630 – «Тўланадиган молияланадиган лизинг» - узоқ муддатли қисми счётлар дебети бўйича объектдан фойдаланганлик учун ижара берувчига тўланадиган суммаларга ёзувлар амалга оширилади. Счёт № 0310 – «Молияланадиган лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» счёти бўйича ҳисоб-китоблар асосий воситаларнинг турлари ва алоҳида инвентар объектлари бўйича олиб борилади. Объектларни ўрнатиш харажатларига қуйидаги бухгалтерия проводкалари берилади, жумладан: ўрнатиладган ускуналар счёт № 0710 – «Ўрнатиладиган ускуналар» счётига, счёт № 7630 – «Тўланадиган молияланадиган лизинг» - узоқ муддатли қисми счётидан олинади, яъни кредитланади, ўрнатиш харажатлари счёт№0800 – «Капитал қўйилмалар» счёти дебетига, счёт № 6010 – «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» кредитига ёзилади. Сўнг кирим қилинганда, дебет счёт № 0310 – «Молияланадиган лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар», кредит эса счёт № 0800 – «Капитал қўйилмалар» бўлади.

Фермер хўжаликлари кўп ҳолларда лизинг олувчи сифатида қатнашганликлари учун бу муносабатлар қуйидагича акс эттирилади, бунда счёт № 0310 – «Молияланадиган лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» - актив счётда кўринади, ободонлаштириш харажатлари счёт № 0210 – «Молиявий лизинг шартномасибўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш» счётининг дебет томонида акс эттирилади.

Лизинг олувчи 15% бўнакли счёт № 4360 – «Товар-моддий қийматликлар учун мол етказиб берувчи ва пудратчилар берилган бўнаклар» счёти дебетига, счёт № 5110 – «Ҳисоб-китоб» счёти кредитига ёзилади.

Счёт № 0300 «Узоқ муддатли ижарага олинган асосий воситалар» счётининг корреспонденцияси

№	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётлар алоқаси	
		Дебет	Кредит
1	2	3	4
1	Узоқ муддатга ижарага асосий восита олинса	0310	6950, 7910
2	У восита фермер хўжалиги балансига олинса, қийматига бир вақтда эскириш суммасига	0110-0190 0299	0310 0211-0290
3	Асосий восита қайтарилса, фақат эскириш суммасига	0299	0310

1	2	3	4
4	Асосий восита шартнома муддатидан олдин қайтарилса: жорий қийматга; узоқ муддатга мўлжалланган қийматига	 6950 7910	 0310 0310
5	Асосий восита қайта баҳоланса а) оширилган суммага; б) баҳоси пасайтирилса	 0310 8510	 8510 0310

Аналитик счётлари фермер хўжалик асосий воситаларига сингари очилади ва регистрларда акс эттирилади. Бизга маълум 1:С – Бухгалтерия шаклида улар тўла автоматлаштирилган ҳолда ёки «клавиш»ларни босиш асосида акс эттирилиши мумкин.

Бугунги кунда фермер хўжаликларининг кичик ва хусусий бизнес тартибида фаолият кўрсатаётганликлари учун иккинчи вариантидан фойдаланиш тавсия қилинади. Албатта бунда асосий воситаларни ҳисобга олиб борувчи регистрларнинг икки вариантини келтирш ошиқча иш ҳисобланмайди. Биринчи вариантни қуйидагича келтириш мумкин.

Асосий воситалар ва номоддий активларнинг эскиришини ҳисобга олиш қайдномаси

200___ йил _____ ойи учун

Номи	Тавсифи	Фойдаланиш муддати	Ҳисобот даври бошига қолдиқ			Асосий восита ва номоддий активларнинг ҳаракати							Ҳисобот даври охирига қолдиқ		
						дебет			кредит						
			миқдор	қиймати	ш.ж. қайта баҳолаш	миқдор	бошланғич қиймат	ўзгариши	миқдор	бошланғич қиймат	ўзгариши	сабаби	миқдор	қиймати	ш.ж. қайта баҳолаш

Асосий воситалар ҳаракатини ва улар ҳақидаги маълумотларни акс эттириш регистрлари (шакл -2)

Вақти	Ҳужжат №, вақти	Асосий воситанинг тури ва кимга беркитилиши	Ёзувларнинг мазмуни	Ҳисобот даврининг бошига қолдиқ			Ҳисобот даврида асосий восита *кирим қилинди*				Чиқим			Қолдиқ		
				Сони	Баланс баҳоси қиймати	Эскириш суммаси	Сони	Баланс қиймати	Эскириш суммаси	Инвентар №	Сони	Қиймат	Эскириш суммаси	Сони	Қиймат	Эскириш суммаси

Эслатма: Жадвал 1:С-Бухгалтерия шартига мувофиқ «клавишлар» ёрдамида компьютерда акс эттирилади, якуни ҳисоботга олинади

Счёт № 0400, - Номоддий активлар ҳисоби

Бу соҳа масалалари Тошкент молия институти доценти И.Очилов, ўқитувчилари Д.Азларов ва А.Аълоқуловларнинг «Молия ҳисоб-2» (Т. 2004) *китобида яхши* баён қилинган. Ушбу дарслик муаллиф ушбу *китобдаги фикрларга* тўла қўшилади. Масалани ечими фойдаланувчилар учун бир жойда бўлиши ҳамда амалиётга тадбиқ қилиш мақсадида ушбу китобдан тегишли қисми тўлиқ келтирилди. Ўйлаймизки, амалиётга тадбиқ қилиш учун муҳим дастур ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг негизида мулкнинг давлат шакли бўлган режали иқтисодиётдан хўжалик юритишнинг бозор моделига ўтиш жараёнида янги мулк шакллари, бухгалтерия ҳисоби тизимида ҳам ўзгаришлар қилиш зарурияти туғилди.

Ҳисобнинг ҳар бир бўлими ва аналитик услубларнинг кўпчилиги амалда назарий, услубий ёндашишни ва асослашни талаб қилади. Бозор иқтисодиётига ўтиш билан бир ҳисобда юзага келган муаммоларни ечиш йўллари ҳамда фойдаланиладиган тушунчаларнинг доираси кенгайди. Лекин бухгалтерия ҳисобининг назарий асослари, уларнинг моҳияти ва мақсади ўзгармасдан қолди. Молиявий ҳисоботларнинг кўринишлари, уларни баҳолаш услублари, молиявий натижаларни ҳисоб-китоб қилиш ваҳисмобга олиш йўллари, ахборотларни туркум-

ларга ажратувчи ҳисобварақлар режасининг кўриниши ўз ифодасини топди. Айниқса, бухгалтерия ҳисоби тизимида янги тушунча номоддий активлар, яъни «кўринмас активлар» (intangible assets) ни баҳолаш, ҳисобга олиш, амортизацияни ҳисоблаш усуллари, шунингдек ликвидация қилиш тартибларини баён қилишни тақозо этади.

Номоддий ёки «яширин» активлар таркибига жисмоний, ошкора шаклига эга бўлмаган, лекин хўжалик юритувчи субъектга даромад келтирувчи маблағлар киритилади. Номоддий активлар ҳисоби бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режаси, «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» ги Қонун ва бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларида, хусусан, «Номоддий активлар» ҳамда «*Илмий-тадқиқот* ва тажриба-конструкторлик ишлаб чиқаришга харажатлар» деб номланган 7- ва 11-сонли бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларида баён этилади.

«Номоддий активлар» номли 7- сон БҲМАга мувофиқ, **номоддий активлар** – моддий-ашёвий мазмунга эга бўлмаган хўжалик юритувчи субъект томонидан хўжалик фаолиятига фойдаланиш мақсадида назорат қилинадиган, шунингдек узоқ вақт (бир йилдан кўп) ишлатиш учун мўлжалланган мол-мулк объектлари.

Номоддий активлар таърифи таркибига жисмоний, ошкора (кўриниб турадиган) шаклга эга бўлмаган, лекин корхонага даромад келтирадиган воситалар киради.

Умумий тарзда номоддий активлар деганда саноат ва ақлий мулк объектларининг қиймати, мулк ҳуқуқи объекти сифатида тан олинадиган бошқа шунга ўхшаш мулкий ҳуқуқлар, шунингдек, узоқ муддатли чиқимлар тушунилади.

Номоддий активлар таърифи активдан хўжалик фаолиятида фойдаланиши ва жисмоний моҳиятга эга бўлмаслиги (пул эмаслиги)ни тақозо қилади. Активларни юридик ҳуқуқлар, шу жумладан, мулк ҳуқуқи тарзида бўлган ва улардан узоқ муддат давомида фойдаланиш мумкин бўлган ҳолда жисмоний кўринишга эга бўлмаган активлар номоддий активлар таърифига жавоб беради.

Активнинг юридик ҳуқуқини белгилайдиган шартнома ушбу ҳуқуқ билан ифодалаш йўли билан белгиланиши мумкин эмас. Бундай *активлар муҳим эканлигини белгилаш учун хўжалик юритувчи* субъектларга ушбу активдан қандай фойдалар олишини аниқлаш имконини берадиган бир қатор омилларни ҳисобга олиш лозим.

Хўжалик юритувчи субъект хўжалик фаолияти жараёнида номоддий активларни ҳарид қилиш, ривжлантириш ва кўпайтириш бўйича мажбуриятлар олади. Корхонанинг номоддий активлари тар-

кибида патентлар, лицензиялар, ақлий мулк ва савдо маркалари акс эттирилади. Танҳо ҳуқуқлар, компьютер дастурларини таъминлаш, муаллифлик ҳуқуқлари, мижозларнинг рўйхатлари, лицензиялар, маркетинг ҳуқуқлари, импорт квоталари, ташкилий харажатлар (янги хўжалик юритувчи субъектларни барпо этиш харажатлари яъни бошлаш аражатлари), ноу-хау,бозор тўғрисидаги билим, техник кўникмалар ва бошқалар амалиётда учрайдиган номоддий активга оддий мисоллар бўлади.

Бухгалтерия хисобида номоддий активларни исобга олиш вазифалари қуйидагилардан иборат:

- номодддий активларни бошқа активлардан ажратилган ҳолда гуруҳларга бўлиб, уларни ҳисобга олишни ташкил қилиш;
- номоддий активларни жорий исобда ва бухгалтерия балансида тегишли андозаларга ҳамда меъёрий ҳужжатларга асосан тўғри ва ўз вақтида баҳолаш;
- корхонага мавжуд ва камёб тушган номоддий активлар бўйича бухгалтерия ҳисоби андозаларига ва ҳужжатларга асосан амортизация ҳисоблаш;
- мавжуд номоддий активлардан зарур жойда тадбиркорлик ва ишбилармонлик билан самарали фойдаланишни ташкил қилиш;
- эскирган, хўжалик учун ортиқча бўлган номоддий активларни ўз вақтида ҳисобдан чиқаришни таъминлаш;
- ҳисобдан чиқарилган номоддий активлар бўйича молиявий натижаларни тўғри ва ўз вақтида аниқлаш.

Бухгалтерия хисобида номоддий активларни ҳисобга олишни соддалаштириш мақсадида уларни туркумлаб олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Амалиётда номоддий активларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

Патентлар – корхона томонидан муайян маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш учун фойдаланиладиган, қонун билан ҳимояланган гувоҳнома ҳисобланади. Патент корхона томонидан белгиланган меъёрий ҳужжатлар асосида сотиб олинади;

Ноу-хау – ишлаб чиқариш хўжалик фаолияти давомида фойда келтирувчи янги технологиялардир. Уни таъсисчилар келишувида аниқланган қиймат бўйича корхона устав капиталига улуш ҳисобида киритиш мумкин. Ноу-хау техник, тижорат, бошқарув, молия каби характердаги техник билим ва амалий характердаги бошқа билимларни ўз ичига олади;

Товар белгилари, савдо маркалари ва атамалари – белгаланган тартибда рўйхатдан ўтган ҳамда бошқа фирмалар томонидан рухсат

берилмаган тарзда фойдаланишдан қонун билан муҳофаза қилинган корхоналар номи ва бу корхоналар маҳсулотларининг номлари;

Саноат намуналари – ишлаб чиқариш техника мақсадларидаги буюмлар ва халқ истеъмоли товарларининг ташқи қиёфасини белгилайдиган бадиий-конструторлик ечимларидан фойдаланиш ҳуқуқи. Саноат намуналарига ҳажмий модель (автомобиль, станок, мебель ва хоказо) ёки ясси тасвир-саноат нақшлари (газлама, гилам гуллари, шрифт шакли ва ҳоказо) мисол бўла олади;

Дастурий таъминот – техник дастур воситалари, автоматлаштирилган бошқариш тизими бўйича техник ва фойдаланиш ҳаражатлари йиғиндиси;

Гудвил – корхонани харид қилиш чоғида юзага келади ва сотиб олинаётган корхона учун ҳақ ҳамда унинг соф (мажбуриятларини чегирган ҳолдаги) активларининг баҳоловчи (бозор) қиймати ўртасидаги фарқ;

Ташкилий харажатлар – янги хўжалик юритувчи субъектни барпо этиш харажатлари, яъни ишни бошлаш харажатлари;

Франшизалар – бир корхона томонидан бошқасига унга қарашли активлардан, шу жумладан, савдо маркалари ва атамалари каби моддий активлардан фойдаланиш ҳуқуқининг берилиши, бунинг устига, бевосита белгиланиши бўйича мазкур активлардан фойдаланиш ҳамда тақдим этиладиган хизматлар (товарлар)нинг белгаланган сифат стандартларига риоя килиш бундай ҳуқуқ берилишларининг мажбурий шарти ҳисобланади;

Муаллифлик ҳуқуқлари – илмий, адабий, мусиқа ёки бошқа асарларни нашр қилиш, ижро этиш ёки бошқа турдаги фойдаланиш ҳуқуқи;

Ер ва табиат ресурсларидан фойдаланиш ҳуқуқи – хўжалик ёки бошқа мақсадларда ер ва бошқа табиий ресурслардан фойлаланишни таъминловчи ҳуқуқ, аммо ердан фойлаланиш ҳуқуқи мазкур ер участкасини мулк қилиб олишни билдирмайди.

Номоддий активларни баҳолашда «Номоддий активлар» номли 7- сон БҲМАга асосланиш лозим. Номоддий активларни баҳолашда куйидаги баҳо (қиймат)лардан фойдаланилади:

- Дастлабки қиймат;
- Сотиш қиймати;
- Тугатиш қиймати;
- Қолдиқ қиймати;
- Ўрнини қоплаш қиймати.

Дастлабки қиймат – активни харид килишда ҳақиқатда тўланган пул маблағлари ёки уни барпо этишда амалга оширилган ҳақиқий харажатлардир. Харид қилишнинг ҳақиқий қиймати номоддий активни харил қилиш ва уни ишлатиш учун тайёр ҳолга келтиришда қилинган барча харажатларни, яъни: харид нархи, юридик йиғмалар ва бошқа харажатларни ўз ичига олади. Ташкилот текинга олган номоддий активларнинг дастлабки қиймати эксперт йўли билан бозор нархида баҳоланган қиймат бўйича тан олинади. Текинга олинган номоддий актив кирим қилинган санада амал қилган нарх асосида жорий бозор қиймати шакллантирилади. Амалдаги нарх тўғрисидаги маълумотлар ҳам ҳужжатлар ва эксперт йўли билан тасдиқланиши керак.

Сотиш қиймати – номоддий активларни битим пайтида манфаатдор тарафлар ўртасида айирбошлаш мумкин бўлган суммадир.

Тугатилиш қиймати – чиқиб кетишга доир кутилаётган харажатларни чиқариб ташлаган ҳолда активнинг активнинг фойдали хизмати натижасида уни тугатиш пайтида пайдо бўладиган активларнинг тахмин қилинаётган қийматидир.

Қолдиқ қиймати – актив ҳисоб ва ҳисоботда акс эттириладиган жамгарилган амортизацияни чиқариб ташланган ҳолда номоддий активларнинг дастлабки ёки жорий қийматидир.

Ўрнини қоплаш қиймати – корхона активдан кейинчалик фойдаланиш ҳисобига қоплашни мўлжаллаётган сумма, шу жумладан, тугатилиш қиймати.

Номоддий актив пулга харид қилинса, унинг контрактда иккиламчи бозорда фаол ишлаётган шу сингари активга аниқланган бозор нархи бўйича кўрсатилиши мумкин.

Номоддий актив хўжалик юритувчи субъектнинг ўзи томонидан яратилган ва уни яратиш чиқимларини аниқ белгилаш мумкин бўлган ҳолларда номоддий актив ҳақиқий таннарх бўйича акс эттирилади.

Номоддий актив қийматини белгилаш мумкин бўлган ҳолларда у актив сифатида алоҳида модда билан акс эттирилмайди.

Корхона томонидан гудвилл актив сифатида акс эттирилмайди, чунки у корхонани сотиб олиш пайтида харид қилиш нарзи билан мазкур субъектни ташкил килувчи активларнинг ҳақақий нархи ўртасидаги тафовут сифатида юзага келади.

Баъзи вақтларда номоддий активларни қайта баҳолашга эҳтиёж туғилади. Номоддий активни қайта баҳланганда номоддий активнинг бутун занжири қайта баҳоланиши керак. Қайта баҳолаш натижасида номоддий актив баланс қиймати кўпайган ҳолда ушбу кўпайиш аввлги баҳодан ошадиган суммада «Заҳира сармоя» ҳисобварағининг кредитида акс эттирилиши лозим. Қайта баҳолаш натижасида номоддий ак-

тивнинг баланс қиймати камайган бўлса, бу камайиш аввалги баҳодан ошадиган суммада харажат сифатида тан олинади.

Номоддий активларни бухгалтерия ҳисобида ҳисобга олиш учун қуйидаги ҳисобварақлар очилган:

0410- «Патентлар, ноу-хау ва лицензиялар»
0420- «Савдо маркалари, товар белгилари ва саноат намуналари»
0430- «Дастурий таъминот»
0440- «Ер ва табиат ресурсларидан фойдаланиш ҳуқуқи»
0450- «Ташкилий харажатлар»
0460- «Франшизалар»
0470- «Муаллифлик ҳуқуқлари»
0480- «Гудвилл»
0490- «Бошқа номоддий активлар»

Номоддий активларнинг кирим қилиниши қуйидаги кўринишда бўлади:

- Корхона томонидан яратилиши;
- Бошқа корхоналардан сотиб олиш;
- Текинга олиш;
- Номоддий активни муассислар томонидан корхонанинг устав капиталига уларнинг улуши тарзида ёки акцияларнинг ҳақини тулаш ҳисобига киритиш.

Номоддий активларни кирим қилишда қуйидаги ҳужжатлар расмийлаштирилади:

- Номоддий активлар корхона томонидан яратилганда – номоддий активни барпо этиш тўғрисидаги шартнома; корхона раҳбарининг барпо этилган объект тўғрисидаги ҳужжатларга мувофиқлик бериш ва бу ҳужжатлардан фойдаланувчилар доираини чеклаб қўйиш йўли билан объектни ноу-хау сифатида хизмат ёки тижорат сири режимини таъминлаш тўғрисидаги муҳофаза ҳужжати; объектни барпо этишга кетган харажатларни тасдиқловчи ҳужжатлар; объектни кирим қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома ва баҳолаш далолатномаси;
- Пулга сотиб олинган тақдирда – ҳуқуқлар берилганлиги тўғрисидаги шартнома, амалга оширилган тўловларни тасдиқловчи ҳужжатлар, қабул қилиб олиш далолатномаси;
- Текинга олинган тақдирда – ҳуқуқлар берилганлиги тўғрисидаги шартнома, қабал қилиб олиш далолатномаси ва баҳолаш далолатномаси;
- Номоддий активни муассислар томонидан корхонанинг устав фондида уларнинг улуши тарзида ёки акцияларнинг ҳақини тўлаш ҳисобига киритилганида – таъсис ҳужжатлари, қабул қилиб олиш далолатномаси ва баҳолаш далолатномаси.

Тегишли шартномалар асосида корхона мутахассилари ва четдан жалб этилган мутахассислар кучи билан барпо этлган номоддий активлар объектлари 0830- «Номоддий активларни сотиб олиш» ҳисобварағининг дебети бўйича ҳақиқий таннархига қараб номоддий активлар сифатида кирим қилинади.

Бошқа корхона ва шахслардан сотиб олинган номоддий активлар 0830- «Номоддий активларни сотиб олиш» ҳисобварагининг кредити билан корреспонденцияда 0410- 0490- ҳисобварағлар дебети бўйича кирим қилинади.

Счёт № 0500, - «Номоддий активларнинг амартизацияси счёти»

Амортизация номоддий активнинг фойдали хизмат муддати давомида амортизация қийматини мунтазам равишда тақсимлаш ва кўчириш кўринишида эскиришнинг қиймат ифодасидир. Номоддий активларнинг амортизация қиймати тахмин қилинаётган тугатилиш қийматини чиқариб ташлаган ҳолда активнинг дастлабки қиймати ёки молиявий ҳисоботларда кўрсатилган қиймат ўрнини босадиган бошқа қийматнинг суммасидир.

Номоддий активларга эскириш ҳисоблашда «Номоддий активлар» номли 7- сон БҲМАга ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодексига амал қилиш лозим.

«Номоддий активлар» номли 7-сон БҲМАга асосан номоддий активнинг амортизация қиймати унинг фойдали хизмат муддатини белгилаш мумкин бўлмаган пайтдан 5 йилни ҳисобга олиб (лекин корхонанинг фаолият муддатларидан ошмаган ҳолда) мунтазам асосда тақсимланиши керак.

Қуйидаги номоддий активларга амортизация ҳисобланмайди:

- Ҳақиқий эмас (ишламайдиган) деб топилган ва ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқармайдиган номоддий активлар;
- Корхонага тегишли бўлмаган, лекин ҳуқуқ эгаси томонидан лицензия шартномаси ёки бошқача шартнома (танҳо бўлмаган лицензия) бўйича берилган ва балансдан ташқари ҳисоб варақда ҳисобга олинадиган номоддий активлардан фойдаланиш ҳуқуқи асосида корхона фойдаланаётган номоддий активлар;
- Корхонага тегишли товар белгисига ва хизмат кўрсатиш белгисига эгалик ҳуқуқи, шунингдек, вақт ўтиши билан уларнинг истеъмол хусусияти ўзгармадиган товар чиқарилган жой номига эгалик ҳуқуқи;
- Гудвилл.

Амортизацияланувчи қиймат мунтазам равишда номоддий активни фойдали ишлатишнинг бутун даврига тақсимланади. Амортиза-

ция турли хил усулларни қўллаш йўли билан амалга оширилади: тўғри чизиқли усул, камайиб борувчи қолдиқ усули ва ҳосил қилинган бирликлар суммаси амортизацияни ҳисоблаб ёзиш усули киради.

Тўғри чизиқли усул номоддий активни фойдали ишлатишнинг бутун даври мобайнида эскиришнинг доимий суммаларини ҳисоблаб ёзишдан иборат.

Камайиб борувчи қолдиқ усули буйича мунтазам ҳисоблаб ёзилаётган суммалар фойдали ишлатиш муддати давомида камаяди.

Бажарилган ишлар ҳажмига мутаносиб равишда ҳисоблаб ёзиш усулига биноан амортизация миқдори фақат номоддий актив қанча марта ишлатилишига ёки қанча маҳсулот бирлиги ишлаб чиқарилиши кутилаётганига боғлиқ бўлади.

Тўғри чизиқли усул. Амортизацияни ҳисоблаб ёзиш усулларидан бирортасини қўллашни аниқлаш қийин бўлган ҳолларда ҳисоблаб ёзишнинг тўғри чизиқли усулидан фойдаланилади.

Амортизацияни ҳисоблашда унинг тугатилиши қайматига эътибор бериш лозим. Агар бошқа суммаси ишончли тарзда ҳисоб-китоб қилиш бўлмаса, номоддий активнинг қолдиқ қиймати нолга тенг бўлади.

Мисол, «Бобур» ҳиссадорлик жамиятига номоддий активга эскириш ҳисоблаш бўйича қуйидаги маълумотлар мавжуд:

- Номоддий активнинг баланс қиймати – 10000 минг сўм;
- Тугатилиш қиймати – 1000 минг сўм;
- Хизмат муддати – 5 йил.

Йиллик амортизация суммаси = (10000-1000)/5=1800 минг сўм.

Амортизация тўғри чизиқли усулда ҳисоблаш жадвали

Йиллар	Баланс қиймати	Йиллик амортизация суммаси	Жамғарилган амортизация	Қолдиқ қиймат
1-йил	10000	1800	1800	8200
2-йил	10000	1800	3600	6400
3-йил	10000	1800	5400	4600
4-йил	10000	1800	7200	2800
5-йил	10000	1800	9000	1000

Бажарилган иш ҳажмига кўра амортизация ҳисоблаш

Корхонада шу давр мобайнида 90000 сўмлик маҳсулот ишлаб чиқиралди. 1-йилда – 20000, 2-йилда – 30000, 3-йилда – 10000, 4-йилда – 20000, 5-йилда – 10000 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган.

Маҳсулот бирлигига тақсимланадиган амортизация харажатлари қуйидагига тенг.

(10000-1000)/90000=0,1 ҳар бир сўмлик маҳсулот учун

Бажарилган иш ҳажмига кўра амортизация ҳисоблаш жадвали

Йиллар	Баланс қиймати	Ишлаб чиқарилган маҳсулот суммаси	Йиллик амортизация суммаси	Жамғарилган амортизация	Қолдиқ қиймат
1-йил	10000	20000	2000	2000	8000
2-йил	10000	30000	3000	5000	5000
3-йил	10000	10000	1000	6000	4000
4-йил	10000	20000	2000	8000	2000
5-йил	10000	10000	1000	9000	1000

Қолдиқли камайиш услида амортизация ҳисоблаш. Бу усулда амортизация ҳисоблашда амортизация меъёри 2 ҳиссага орттирилади ва амортизация меъёри 40 % (2*20 %)га тенг бўлади.

Қолдиқли камайиш усулида амортизация ҳисоблаш жадвали

Йиллар	Баланс қиймати	Йиллик амортизация суммаси	Жамғарилган амортизация	Қолдиқ қиймат
1-йил	10000	(40%*10000)=4000	4000	6000
2-йил	10000	(40%*6000)=2400	6400	3600
3-йил	10000	(40%*3600)=1440	7800	2160
4-йил	10000	(40%*2160)=864	8704	1296
5-йил	10000	296	9000	1000

Номоддий активлар бўйича амортизация ажратмалари улар ҳисоблаб ўтказилган ҳисобот даврида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида акс эттирилади. Номоддий суммаларни жамғариш йўли билан ёки объектларнинг дастлабки қийматини камайтириш йўли билан бухгалтерия ҳисобида акс эттирилади.

Номоддий активлар эскиришнинг ҳисобланган суммаси ишлаб чиқариш харажатлари (муомала харажатлари, маъмурий харажатлар, сармоя қўйиш) ни ҳисобга олиш ҳисоб варақлари дебети ва 0510-0590 – ҳисоб варақлар кредитига киритилади.

Корхоналар тегишли номоддий активлар буйича жамгарилган амортизация тўғрисидаги ахборотни қуйидаги ҳисоб варақларда акс эттиради:

0510 – «Патентлар, ноу-хау ва лицензияларнинг эскириш»;

0520 – «савдо маркалари, товар белгилари ва саноат намуналарининг эскириши»;

0530 – «Дастурий таъминотнинг эскириши»;

0540 – «Ер ва табиат ресурсларидан фойдаланиш ҳуқуқининг эскириши»;

0550 – «ташкилий харажатларнинг эскириши»;

0560 – «Франшизаларнинг эскириши»;

0570 – «Бошқа номоддий активларнинг эскириши»;

Ушбу ҳисоб варақларнинг кредитида ҳисобланган эскириш суммалари, дебетида эса номоддий активларнинг чиқиб кетишида ҳисобланган эскириш суммаларининг ўчирилиши акс эттирилади.

Мисол. Корхонада сентябр ойида ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун номоддий активлардан фойдаланилиши натижасида 5600 сўм эскириш ҳисобланди. Ушбу муомалага қуйидагича проводка берилади.

Д-т 2010 – «Асосий ишлаб чиқариш» - 5600 сўм

К-т 0530 – «Дасурий таъминотнинг эскириши» - 5600 сўм.

Корхонада шу ой мобайнида мавжуд лицензия учун маъмурий харажатлар ҳисобига 3200 сўмлик эскириши ҳисобланди. Ушбу муомалага ҳисобда қуйидаги проводка берилади:

Д-т 9420 – «Маъмурий-бошқарув харажатлари» - 3200 сўм.

К-т 0510 – «Патентлар, ноу-хау ва лицензияларнинг эскириши» - 3200 сўм.

Маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ёки хизмат кўрсатиш ёхуд ташкилотни бошқариш учун фойдаланилмаётган номоддий активлар объектларининг қиймати бухгалтерия балансидан ҳисобдан чиқарилиши керак.

Қуйидаги хўжалик операциялари натижасида номоддий активлар объектларининг қиймати корхона активлари таркибидан чиқиб кетади:

- реализация, яъни ҳуқуқларни бериш тўғрисидаги шартнома асосида иқтисодий маънода сотганда ва юридик маънода эгалик ҳуқуқи тўхтатилганида;
- бундан буён фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмаслиги сабабларига кўра ҳисобдан чиқарилганда;
- номоддий активнинг амал қилиш муддати тугагач ҳисобдан чиқарилганида;

• бошқа корхоналарнинг устав капиталига улуш сифатида қўшилганида;

• ҳуқуқларни бериш тўғрисидаги шартнома асосида бошқа шахсларга текин топширилганида.

Номоддий активларни ҳисобдан чиқарилиши билан боғлиқ операцияларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш учун қуйидаги харажатлар расмийлаштирилади:

• эгалик қилиш ҳуқуқи бошқаларга берилганида – ҳуқуқни бошқа бировга бериш тўғрисидаги шартнома, ҳақ олинганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати ва бошқа харажатлар, ҳуқуқни бошқаларга бериш қийматини баҳолаш тўғрисидаги мустақил баҳоловчи хулосаси, чиқиб кетиш далолатномаси;

• амал қилиш муддати тугатилганлиги туфайли ҳисобдан чиқарилганида - ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги далолатнома;

• бошқа корхоналарнинг устав капиталига қўйганида – таъсис ҳужжатлари, фойдаланиш ҳуқуқини бошқа бировга бериш тўғрисидаги шартнома, фойдаланиш ҳуқуқини бошқаларга бериш қийматини баҳолаш тўғрисидаги мустақил баҳоловчи хулосаси, фойдаланиш ҳуқуқини бериш тўғрисидаги шартнома бўйича қабул қилиб олиш-топшириш далолатномаси, чиқиб кетиш далолатномаси;

• текинга берилган тақдирда – фойдаланиш ҳуқуқини бошқа бировга бериш тўғрисидаги шартнома, фойдаланиш ҳуқуқини бериш тўғрисидаги шартнома буйича қабул қилиб олиш-топшириш далолатномаси, чиқиб кетиш далолатномаси.

Номоддий активлар чиқиб кетганида уларнинг дастлабки қиймати номоддий активларни ҳисобга олишнинг тегишли ҳисоб варақлари кредитидан 9220 – «Бошқа активларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши» ҳисоб варағи дебетига ҳисобдан чиқарилади. Номоддий активларни четга сотишдан тушган тушум 9220 – «Бошқа активларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши» ҳисоб варағи кредити бўйича 4890 – «Бошқа шахсларнинг қарзлари - жорий қисми» ва 0990 - «Бошқа узоқ муддатли дебиторлик қарзлари» ҳисоб варақлари билан корреспонденцияда акс эттирилади.

Номоддий активлар чиқиб кетганида улар буйича ҳисобланган эскириш суммаси 0510-0590 – ҳисоб варақлари дебетидан 9220 – «Бошқа активларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши» ҳисоб варағи кредитига ҳисобдан чиқарилади.

Мисол: «Бобур» ҳиссадорлик жамиятида май ойида дастурий таъминот ҳисобдан чиқарилади: баланс қиймати 200000 сўм, эскириш

қиймати 150000 сўм. Номоддий активнинг сотиш қиймати 80000 сўм. Молиявий натижани аниқлаб, муомалага қуйидагича проводка берамиз:

• дастурий таъминотнинг сотиш қийматига:

Д-т 4890 – «Бошқа шахсларнинг қарзлари-жорий қисми» - 80000 сўм.

К-т 9220 – «Бошқа активларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши» - 80000 сўм.

• Баланс қиймати ҳисобдан чиқарилади:

9220 – «Бошқа активларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши» - 200000 сўм

К-т 0430 – «Дастурий таъминот» - 200000 сўм

• Эскириш қиймати ҳисобдан чиқарилади:

Д-т 0530 – «Дастурий таъминотнинг эскириши» - 150000 сўм

К-т 9220 - «Бошқа активларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши» - 150000 сўм.

• Дастурий таъминотни сотишдан фойда олинди (80000+150000-200000)=30000 сўм:

Д-т 9220 - «Бошқа активларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши» - 30000 сўм

К-т 9320 - «Бошқа активларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетишидан олинган фойда» - 30000 сўм.

Агарда корхона дастурий таъминотни 40000 сўмга сотганида, молиявий натижа қуйидагига тенг бўлар эди:

• Дастурий таъминотнинг сотиш қийматига:

Д-т 4890 – «Бошқа шахсларнинг қарзлари – жорий қисми» 40000 сўм.

К-т 9220 - «Бошқа активларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши» - 40000 сўм.

• Баланс қиймати ҳисобдан чиқарилди:

Д-т 9220 – «Бошқа активларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши» - 200000 сўм.

К-т 0430 – «Дастурий таъминот» - 200000 сўм.

• Эскириш қиймати ҳисобдан чиқарилди:

Д-т 0530 – «Дастурий таъминотнинг эскириши» - 150000 сўм.

К-т 9220 – «Бошқа активларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши» - 150000 сўм.

• Дастурий таъминотни сотишдан зарар кўрилди (40000+150000-200000)= 10000 сўм:

Д-т 9430 – «Бошқа операцион харажатлар» - 10000 сўм
К-т 9220 – «Бошқа активларнинг реализацияси ва бошқача чиқиб кетиши» - 10000 сўм.

Фермер хўжаликларида номоддий активларни, инвистицияларни, уларнинг эскиришини учётга олишнинг ўзига хос хусусиятлари

Мамлакатимизда туб иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилиши, иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизация қилиш, ислоҳотларнинг таркибий қисми ҳисобланган бухгалтерия ҳисобида ҳам янги тушунчалар кириб келиши, жумладан номоддий активларни, яъни «кўринмас активларни» ҳисобга олиш, баҳолаш уларга фойдаланиладиган даври учун эскириш ҳисоблаш каби тушунчалар кириб келмоқда.

Номоддий ёки «Яширин» активлар таркибига жисмоний натура шаклга эга бўлмаган, лекин хўжалик юритувчи субъектларга даромад келтирувчи манбалар киритилади. Номоддий активлар «бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги» қонун ва бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларидан ЎзРБҲМС-7 да кўрсатилган қоидалар асосида олиб бориш белгилаб қўйилган.

Умуман инвестициялар, уларнинг бошланғич бошқарув ҳисобини Тошкент молия институтининг профессори Б.А.Хасанов ва А.А.Хошимлар томонидан тайёрланган «Бошқарув ҳисоби» (Т. «Иқтисод-молия» нашриёти, 2005 йил) китобида жуда маъқул баён қилинган. Фойдаланувчиларга осонлик, имконият яратиш, бир жойда тегишли ҳал қилишларини кўзда тутиб ҳамда масаланинг долзарблигини ҳисобга олиб, ушбу китобдан тегишли қисмларни тўлалигича келтиришни лозим топдик.

Бу эса ўз навбатида амалиётчиларга осонлик туғдириш, муаллифлар ғоясининг тадбиқ қилинишини билдиради.

Инвестиция пул маблағларини бирор-бир фаолият турига маълум муддатга сарфланишига қараб, узоқ (1 йилдан ортиқ) ва қисқа муддатли (1 йилгача) инвестицияларга бўлинади.

Инвестиция харажатлари фақат келгусида даромад келтирганлиги боис инвестиция фаолияти корхоналар учун мураккаб ҳисобланади. Шу сабабли корхоналар оқилона инвестиция қарорлари қабул қилиш учун дастлабки таклиф этилаётган лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолашлари ҳамда уларнинг кўп маблағ талаб қиладиган томонлари ҳақида аниқ маълумот олишга ҳаракат қилишлари лозим.

Инвестиция лойиҳаси аниқ, пухта ўйланган ғояга, максадга эга бўлган (шу жумладан капитал қурилиш ҳам), уни амалга ошириш учун инвестиция қўйилишини талаб қиладиган харажат дастуридир.

Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг иккита шарти мавжуд: лойиҳага маълум миқдорда маблағлар сарфлаш зарурияти, маблағларни сарфлаш ва қоплаш (фойда олиш) ўртасида муайян вақт мавжудлиги.

Инвестиция лойиҳаларини яратиш ва уни амалга ошириш қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

- инвестиция ғояларининг шаклланиши, яъни, ғояни танлаш ва дастлабки асослаш, экологик нуқтаи-назардан бир қарорга келиш, уни амалга ошириш давомида қўйиладиган талабларга жавоб бериш;
- инвестиция имкониятларини излаш, яъни, ишлаб чиқариладиган маҳсулога ёки хизмат турига бўладиган талабни ўрганиш, лойиҳа иштирокчилари таркиби буйича таклифлар, лойиҳанинг қиймати ва унинг самарасини аниқлаш;
- лойиҳанинг техник-иқтисодий асосланиши;
- шартномага онд ҳужжатларни тайёрлаш;
- тендер савдоларига тайёргарлик;
- салоҳиятли инвесторлар билан мулоқатлар;
- лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш;
- ностандарт технологик жихозларни тайёрловчи ва етказиб берувчиларни аниқлаш;
- қурилиш-монтаж ишлари;
- объектни ишлаб чиқаришда тажрибадан ўтказиш, иқтисодий кўрсаткичлар мониторинги ва объектни лойиҳа қувватига етказиш.

Инвестиция лойиҳаларни амалиётга тадбиқ қилиш жараёни иккита босқичга ажратилади:

Лойиҳани ишлаб чиқиш лойиҳа мақсадларига эришиш учуи амалга ошириладиган бошланғич жараён бўлиб, у дастлабки ҳисоб китобларни бажариш, қулай вариантларни танлаш, лойиҳа қарорларини иқтисодий жиҳатдан асослашдир.

Инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқишда асосий вазифа – лойиҳани амалга ошириш ҳақида қарор қабул қилиш ва бу лойиҳага инвестиция ажратиш максадида ҳар тарафлама техник-иқтисодий асоснома тайёрлашдир. Агар лойиҳа тижорат хусусиятига эга бўлса, техник-иқтисодий асосномага қўшимча равишда лойиҳанинг бизнес-режаси ҳам ишлаб чиқилиши лозим.

Лойиҳани амалга ошириш уни амалий жиҳатдан рўёбга чиқариш, лойиҳани муайян иқтисодий воқеликка айлантириш, лойиҳани олдига қўйилган барча максадларга эришишдир.

Амалиётда инвестиция жараёни уч асосий фазага бўлинади. Бунда инвестиция жараёнининг бутун даври лойиҳнинг ҳаётий муддати ёки ҳаётий жараёни деб аталади.

Инвестиция лойиҳаси жараёни фазаларининг моҳияти ва ўзига хос хусусиятларини аниқ тасаввур қилиш учун қуйидаги чизмага мурожат қиламиз.



Чизма. Инвестиция харажатлари ва уларни инвестиция лойиҳасининг турли босқичларида келтирилган даромаднинг ўзгариши

Келтирилган чизманинг қуйи қисмида лойиҳани амалга ошириш жараёнида сарфланадиган инвестиция заҳиралари ҳажми, юқори қисмида эса лойиҳага капитал сарфлашдан олинган даромад (фойда) нинг ўзгариши тасвирланган.

Инвестиция жараёнининг дастлабки фазасида лойиҳани иқтисодий ва техник жихатдан асослаш буйича тадқиқотлар ўтказилади, яъни, *лойиҳа иқтисодий, техник ва технологик жиҳатдан қайта ишланади.* Бу фаза лойиҳани бошланғич ҳужжатларини ишлаб чиқиш билан якунланади.

Инвестиция олди (дастлабки) фазаси инвестиция лойиҳасини ишлаб чиқишнинг асосий босқичи ҳисобланади. Мазкур фаза инвестиция лойиҳаси бўйича дастлабки изланишлардан бошлаб уни амалга ошириш буйича қарор қабул қилунгунгача бўлган даврни ўз ичига олади.

Инвестиция жараёнининг иккинчи фазаси инвестиция фазаси деб аталади. Бу фазанинг асосий вазифаси лойиҳага ажратилган молиявий инвестицияларни тўғри сарфланишини ҳамда лойиҳада белгиланган маҳсулотларни ишлаб чиқариш жараёни ва самарадорлигини таъминлашдир.

Инвестиция фазасида иморатлар ва иншоатларни таъмирлаш ишлари бажарилади, жиҳозлар сотиб олинади ва ўрнатилади, ишлаб чиқариш инфратузилмаси шакллантирилади, ундан кейин маҳсулотни туркумли ишлаб чиқариш ва сотишга ўтилади.

Инвестиция фазаси тугаб, лойиҳа амалга оширила бошлагач, инвестиция харажатлари ҳажми камайиб боради. Инвестиция лойиҳаси келтирадиган даромад ҳажми эса ортади, чунки у аста-секин ўз самарасини бера бошлайди. Бу ҳолат ишлаб чиқариш харажатларини камайтириб, сотиш ҳажмини кўпайтиришга имкон беради.

Лойиҳанинг бу тариқа ривожи унинг фойдаланиш деб аталувчи учинчи фазасида давом этади. Учинчи фазада ишлаб чиқариш ҳажмини сақлаб туриш ва кўпайтириш учун асосий воситаларнинг эскириши орқали жамғарилган манбадан ҳам фойдаланилади. Унда маҳсулотларни сотишдан олинадиган даромаднинг инвестиция харажатларидан ошиши кузатилади. Натижада t_1 вақтда даромаднинг умумий суммаси лойиҳага қўйилган капитал қўйилма қийматига тенг бўлади ва лойиҳани қоплаш нўқтасига етади.

Лойиҳани ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнида уни молиявий жихатдан баҳоланади. Бунинг учун лойиҳани қоплаш даражаси, инвестициялар самарадорлиги каби иқтисодий кўрсатикичлар таҳлил қилинади.

Корхоналар фаолиятида инвестиция манбаларининг етишмаслиги доимо улардан оқилона фойдаланиш заруриятини келтириб чиқаради. Агар инвестиция заҳирасининг ҳар бир бирлигидан эҳтимолда кутилган энг кўп иқтисодий самара олишга ҳаракат қилинади.

Корхонада инвестициялар самарадорлигини баҳолаш «иқтисодий самара» ва «иқтисодий самарадорлик» атамаларининг фарқли жиҳатларини ўрганишга бевосита боғлиқ.

Иқтисодий самара инвестициялаш, капитал харажатлаш ҳисобига эришиладиган натижа бўлиб, қуйидаги тенглик орқали аниқланади:

Иқтисодий самара = молиявий натижалар - харажатлар

Бозор иқтисодиётига ўтиш давригача самарадорликни баҳолашда харажатлар мезони кенг тарқалган эди.

Иқтисодий самара = молиявий натижалар : харажатлар

Акционерлик жамиятларининг пайдо бўлиши, турли хил мулк шаклларининг ривожланиши, иқтисодиётда давлат мулки ҳиссасининг камайиши, ички ва ташқи инвесторларнинг фаоллашуви рентабелликни аниқлашга янгича ёндошув – инвестициялар (ёки уларнинг алоҳида элементлари: капитал қўйилма, капитал) самарадорлигини ҳисоблашни талаб қилмокда.

Сарфланган капиталдан олинадиган мутлоқ иқтисодий самара (Э) сарфланган капитал ҳисобига олинган даромад (Д) ва инвестицяи қўйилмаларининг ҳажми ($И_х$) ўртасидаги боғлиқликни қуйидаги формула орқали ифодалаш мумкин.

$$Э = Д - И_х$$

Капитал қўйилмалардан келган даромад миқдори уларнинг дастлабки ҳажмидан ошган вақт инвестицияларни қоплаш муддати деб аталади. Кейинги ҳолатда капитал сарфлашдан олинган даромад капитал қўйилмадан орта бошлайди. Бу иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш соҳасидаги капитал сарфлаш самарадорлигининг энг зарур кўрсаткичидир.

Амалиётда кичик тадбиркорлик субъектларига қилинган узоқ муддатли инвестиция қўйилмалари 2-3 йил ичида қопланади, узоқ муддатли инвестиция қўйилмаларини қоплаш учун эса 10-15 ва ундан ҳам кўпроқ йил талаб қилинади. Инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлиги капитал қайтимига нисбатан инвестициялардан тушган фойда билан белгиланади.

Иқтисодий лойиҳа асосида амалга оширилган инвестицияларнинг самарадорлиги ($И_с$) қуйидаги формула билан аниқланади.

$$И_с = \frac{Ф}{И_х}$$

Бу ерда,

Ф – инвестиция натижасида олинган фойда

Ушбу ҳолатда инвестиция самарадорлиги бир бирликдан ортиқ бўлиши керак, шундагина қилинган харажатлар қопланади. Халқаро амалиётда инвестицияларнинг рентабеллиги йиллик баланс фойдасини (Ф) жами авансланган капиталга нисбати билан аниқланади:

$$И_р = \frac{Ф}{А_1 + А_2 + А_3 + А_4}$$

Бу ерда,

Ир – авансланган инвестициянинг рентабеллиги,

Ф – йиллик баланс фойда,

$А_1 + А_2 + А_3 + А_4$ – чоралар бўйича авансланган капитал қиймати.

Капитал даромадлилиги Дюпоннинг машҳур формуласи асосида қуйидаги кўринишда ҳисобланади:

$$\text{Инвестицияланган капитал даромадлилиги} = \text{Даромад рентабеллеги} \times \text{Капитал айланиши}$$

Бу ерда,

$$\text{Даромад рентабеллеги} = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{Ялпи даромад}} \times 100$$

$$\text{Капиталнинг айланиши} = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{Ялпи даромад}}$$

(Капитал айланиши капиталнинг «унумдорлиги», яъни, асосий ва айланма маблағларнинг қайтими сифатида таърифланади).

Юқоридаги иккита формуланинг ёймасини бир-бирига кўпайтириб, қуйидаги нисбатга эга бўламиз:

$$\text{Инвестицияланган капитал даромадлилиги} = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{Ялпи даромад}} \times \frac{\text{Ялпи даромад}}{\text{Капитал}} =$$

$$= \frac{\text{Соф фойда}}{\text{Капитал}} = \frac{5431}{206168} = 2{,}63$$

«Шаҳрихонсут» ҳиссадорлик жамиятининг маълумотлари асосда 2003 йилда инвестициялнган капитал даромадлигини ҳисоблаймиз:

4.2-жадвал

Корхонанинг йил охирига бўлган бухгалтерия баланси маълумотлари (минг сўм)

Актив (мулклар)	Сумма	Пассив (капитал)	Сумма
1. Асосий воситалар (бинолар, иншоотлар, куч узатувчи қурилмалар ва ҳ.к.) ва номоддий активлар	166481,0	1. Устав капитали, қарзлар ва бошқа мажбуриятлар	206168,0
2. Узоқ муддатли инвестициялар	2065,0		
3. Айланма маблағлар (захиралар, пул маблағлари, тайёр маҳсулотлар, тугалланмаган ишлаб чиқариш ва ҳ.к.)	37662,0		

4.3-жадвал

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисбот (минг сўм)

Актив (мулклар)	Сумма	Пассив (капитал)	Сумма
Сотилган маҳсулот, иш ва хизматларнинг ишлаб чиқариш таннархи	313248,0	Айланма (даромад)	413361,0
Давр харажатлари	38403,0		
Молиявий фаолият бўйича харажатлар	21752,0		
Солиқлар	34527,0		
Соф фойда (хотима ёзуви)	5431,0		
Жами	413361,0	Жами	413361,0

Юқоридаги жадваллар маълумотларига асосан корхонанинг инвестицияланган капитали даормадлилиги Дюпон пирамидаси ёрдамида қуйидагича тасвираланади.



Чизма. Инвестицияланган капитал даромадлилигининг Дюпон аирамидаси ёрдамида ҳисоблаш

Корхоналарнинг ўз маблағларини келгусида фоиз ставкаси кўринишида фойда олиш максадида жорий қиймати вақтинчалик инвестициялаш жараёни дисконтлаш, унинг натижасида ҳосил бўлган кўрсаткич – дисконтланган қиймат дейилади.

Харажатларни дисконтлаш коэффициенти ($Д_к$) қуйидаги формула билан аниқланади:

$$Д_к = \frac{И_к}{П_{мо}}$$

Бу ерда,
$И_к$ – инвестицияларнинг қиймати,
$П_{мо}$ – йилик пул маблағлари оқими

Инвестициялаш жараёнини амалга ошириш учун узоқ муддат талаб қилиниши сабабли маблағларни инвестициялаш вақтида пул маблағларини уларнинг қайтими билан таққослаш зарурияти туғилади. Бу мақсадда пул маблағларининг келгуси ва ҳақиқий қиймати тушунчаларидан фойдаланиш зарур.

Пул маблағларининг келгуси қиймати жорий даврда инвестицияланган маблағларнинг суммасини ифодалайди, улар белгиланган фоиз ставкасини ҳисобга олган ҳолда маълум вақт оралиғида шу суммага айланади.

Пул маблағларининг ҳақиқий (ҳозирги) қиймати фоизнинг маълум ставкасини ҳисобга олган келгуси пул маблағлари суммасини билдиради. Пул маблағларининг ҳақиқий қийматини аниқлаш учун улар қийматини муайян вақтдаги дисконтлаштириш жараёнини ҳам ҳисобга олиш лозим, чунки, у пул маблағларининг келгуси миқдорда ортиб боришига тескари муомалани ифодалайди. Бундай ҳолда фоиз суммаси (дисконт) пул маблағларининг якуний суммаси (келгуси қиймат) дан айириб ташланади.

Маблағларни инвестиция қилиш ва инвестиция фойдасини шакллантириш билан боғлиқ молиявий ҳисоб-китобларни амалга ошириш пайтида пул маблағлари қийматини ошира бориш (компаундинг) ҳамда дисконтлаш жараёнларини оддий ва мураккаб фоизлар бўйича ҳисоблаш максадга мувофиқдир.

Оддий фоизлар қисқа муддатли инвестициялашда, мураккаб фоизлар эса узоқ муддатли инвестициялашда қўлланилади.

Оддий фоизлар деганда маблағларни инвестициялаш жараёнида шартномага асосан келишилган тўловнинг ҳисобот даври (ой, чорак ва

ҳ.к.) якунида қўйилманинг дастлабки (ҳақиқий) қийматига асосан ҳисоб қилиниши тушунилади.

Оддий фоиз суммаси қўлланилганда қўйилмани ортиб бориши (компаундинг) жараёнида қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$И_п = К_0 \cdot n \cdot Ф_п$$

Бу ерда,

$И_п$ – инвестициялашнинг келишилган даври учун фоиз ставкаси,

$К_0$ – қўйилманинг дастлабки суммаси,

n - инвестициялаш давомийлиги (ҳар бир фоиз тўлови амалга ошириладиган даврлар миқдори билан ифодаланган),

$Ф_п$ – ўнли каср билан ифода этилган, фойдаланиладиган фоиз ставкаси.

Ушбу ҳолатда қўйилманинг келгуси қиймати (Кқ) фоиз суммасини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$К_к = К_0 + И_п = К_0(1+n \cdot Ф_п)$$

1-мисол. Қуйида берилган шартлар орқали бир йил учун фоиз суммасини аниқлаш зарур. Қўйилманинг дастлабки суммаси 500000 сўм. Ҳар чоракда тўпланадиган фоиз ставкаси – 10%. Бу миқдорларни формулага қўйиб чиқиб фоиз суммасини аниқлаймиз:

$$И_п = 500000 \cdot 4 \cdot 0{,}1 = 200000 \text{ сўм}$$

Қавс ичидаги кўрсаткичлар (1Кп Фп) оддий фоизлар суммасини ортиб бориши коэффициенти дейилади. Бу коэффициент доим бир бирликда катта бўлади.

Пул маблағи қийматини дисконтлаш жараёнида оддий фоиз суммасини ҳисоб-китоб қилишда қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин.

$$Д = К_б + К_0 \cdot \frac{1}{1+n \cdot Ф_п}$$

2-мисол. Қуйидаги шартла асосида бир йил оддий фоиз бўйича дисконт суммасини аниқлаш лозим. Қўйилманинг якуний суммаси 800000 сўм миқдорида белгиланган.

Ҳар чоракда тўпланадиган дисконт ставкаси 10% ни ташкил этади.

Бу кўрсаткичларни дисконт суммасини ҳисоблаш формуласига қўйиб чиқсак, қуйидаги натижани оламиз:

$$Д = 800000 - 800000 \cdot \frac{1}{1+4 \cdot 0,1} = 228571,4$$

Демак, бир йилдан сўнг 800000 сўм олиш учун зарур бўлган инвестиция харажатларининг ҳақиқий қиймати қуйидагича бўлиши лозим.

$$К_0 = 800000 - 228571,4 - 571,428,6$$

Мураккаб фоиз деб, ҳисобланган оддий фоиз суммаси белгиланган хар бир даврдан кейин тўланмайдиган, балки асосий қўйилма суммасига қўшилиб, кейинги тўлов даврида даромад келтирадиган инвестиция қилиш натижасида юзага келадиган фойда суммасига айтилади.

Қўйилма суммасини ҳисоблашда мураккаб фоизлар бўйича унинг ортиб бориши қуйидаги формула орқали топилади:

$$К_{бс} = К_0 \cdot (1 + Ф_n)^n$$

Ушбу формулага мувофиқ фоиз суммаси (Ип) қуйидагича ҳисобланади.

$$И_п = К_{бс} + К_0$$

3-мисол. Қуйидаги шартлар инвестициялашнинг бутун даврида мураккаб фоиз суммаси билан қўйилманинг келгуси қийматини аниқлаш талаб қилинади.

Қўйилманинг дастлабки қиймати 500000 сўм.

Мураккаб фоизли усулда қўлланиладиган ва ҳар чоракда тўпаланадиган фоиз ставкаси – 10% .

Инвестициялашнинг умумий даври кўрсаткичларини юқоридаги формулага қўйиб, қўйилманинг келгуси қийматини аниқлаймиз.

$$К_{бс} = 500000 \cdot (1+0.11) = 555000$$

Ушбу ҳолатда фоиз суммаси 55000 сўм (555000-500000) ни ташкил этади.

Пул маблағларининг ҳақиқий қийматини ҳисоблашда мураккаб фоизлар буйича дисконтлаш жараёнини қуйидаги формула орқали ифодалаш мумкин.

$$К_х = \frac{К_0}{(1+Ф_п)^n}$$

Бу ерда,

$К_х$ - мураккаб фоизлар буйича ҳисобланган қўйилманинг дастлабки суммаси

Шунга биноан дисконт суммаси ($Д_с$) қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$Д_с = К_0 - К_х$$

4-мисол. Қуйидаги шартлар асосида бир йил учун мураккаб фоизлар буйича дисконт суммаси ва пул маблағининг ҳақиқий қийматини аниқлаш зарур. Пул маблағининг берилган қиймати 500000 сўм.

Мураккаб фоизни дисконтлаш учун фойдаланиладиган ставкаси ҳар чоракда 10% ни ташкил этади.

Ушбу кўрсаткичларни формулага қўйиб, пул маблағининг ҳақиқий қийматини аниқлаймиз.

$$Ҳақиқий қиймат = \frac{500000}{(1+0,1)^4} = 343465,8 \text{ сўм}$$

Шунга мувофиқ, дисконт суммаси 157534,2 сўм (500000-342465,8) ни ташкил этади.

Пул оқимларини ўзаро тенг тўловларининг бундай бир текислиги аннуитет деб аталади. Аннуитетга мисол қилиб инвестициялар бўйича ҳар чоракда тўланадиган фоиз тўловлари суммаси, ижарадаги мулк учун бир текис тўлов ва ҳ.кларни олиш мумкин. Аннутет кўринишидаги пул оқимларини кетма-кетлигини аниқлаш пул маблағларини ортиб бориш жараёнини ҳисоблашни анча енгиллаштиради ҳамда улар қийматини дисконтлш учун соддалаштирилган формулалар тўпламидан фойдаланиш имконини беради.

5-мисол. Инвестор 500000 сўмни 1 йил муддат билан депозит қўйилмага жойлаштиришни мўлжаллаган. Бир банк инвесторга мураккаб фоизлар бўича ҳар чоракда 7,5% миқдорда тўлашни, иккинчиси эса 10% миқдорида тўрт ойда бир марта, учинчиси – 15% миқдорида йилда икки марта, тўртинчиси – 30% миқдорида йилига бир марта тўлашни таклиф қилади.

Бу вариантларни таққослаб шундай хулосага келиш мумкинки, инвестор учун биринчи банк таклиф этаётган фоиз ставкаси фойдали ҳисобланади.

Аннуитетнинг келгуси қийматини аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин.

$$А_{кел} = А_{тс} \cdot d_{коэф},$$

Бу ерда,

$А_{кел}$ – маълум давр охирида аннуитетнинг келгуси қиймати,

$А_{тс}$ – аннунтет тўлови суммаси,

$d_{коэф}$ – аннуитет қиймати ортиб боришини фоизнинг қабул қилинган ставкаси ва даврларини ҳисобга олган махсус жадвал бўйича аниқланадиган коэффициенти

Инвестициялашнинг қайси варианти самаралилигини аниқлаш учун қуйидаги жадвални тузамиз.

4.4-жадвал

Инвестициялашнинг турли шароитларида қўйилманинг келгуси қийматини ҳисоблаш

Вари-антлар	Қўйилманинг ҳақиқий ставкаси	Фоиз ставкаси	Якуний келгуси қиймат			
			1 чорак	2 чорак	3 чорак	4 чорак
1	500000	0,075	537500	577812,5	621148,4	667734,5
2	500000	0,1	550000	605000	665500	732050
3	500000	0,15	575000	661250	760437,5	874503,1
4	500000	0,3	650000	845000	1098500	1428050

Шунга биноан, аннуитетнинг ҳақиқий қийматини аниқлаш учун формула қуйидаги кўринишни олади:

$$А_{ҳақ} = \frac{А_{кс}}{А_{дк}}$$

Бу ерда,

$А_{ҳақ}$ – аннуитетнинг ҳақиқий қиймати,

$А_{кс}$ – аннуитетнинг қоплаш суммаси,

$А_{дк}$ – қабул қилинган дисконт ставкаси ва даврлар миқдорини ҳисобга олиб, махсус жадваллар бўйича аниқланадиган аннуитетни дисконтлаш коэффициенти.

Пул маблағларини ҳақиқий қийматини баҳолашада инфляция омили ҳам муҳим аҳамиятга эга, у пул маблағларининг сотиб олиш қобилятини пасайишига сабаб бўлади.

Инвестициялаш жараёнида пул оқимларини самарали бошқариш билан боғлиқ ҳисоб-китобларга инфляциянинг таъсирини баҳолашда пул маблағларининг номинал ва ҳақиқий қийматидан фойдаланиш максадга мувофиқдир.

Пул маблағларининг номинал қиймати пулнинг сотиб олиш қобилияти ўзгаришини ҳисобга олмай унинг ҳажмини баҳолашни назарда тутади.

Пул маблағларининг ҳақиқий қиймати эса уларнинг келгуси ва ҳозирги қийматини аниқ ҳисоблашда самарали қўлланилиши мумкин.

Одатда, инфляция таъсирини баҳолашда қуйидаги асосий кўрсаткичлардан фойдаланиш мумкин:

1)инфляция суръати (Ис). Бу кўрсаткич муайян даврда (n) баҳоларнинг инвестиция ҳисобғкитобларида ифода этилган ўнлик касрдаги ўрта даражадаги ўсишини ифодалайди.

2)*инфляция индекси* (И индекс).

1+Ис деб белгиланадиган кўриб чиқилаётган даврда (n) инфляцияни ҳисобга олган ҳолдаги пул маблағларининг кўшилган қиймати қуйидаги формула билан аниқланади:

$$П_{ҳақ} = \frac{П_{ном}}{И_{индекс}}$$

Бу ерда,

$П_{ҳақ}$ – пул маблағларининг келгуси ҳақиқий қиймати,

$П_{ном}$ – пул маблағларининг келгуси номинал қиймати.

Мазкур формула ёрдамида пул маблағлари қиймати ортиб бориши жараёнидаги фоизнинг фойдаланиладиган ставкасида *инфляция даражаси ҳисобга олинган бўлмаса, пул маблағларининг* аниқ тўпланган қийматини аниқлаш мумкин.

Бизнес таркибини ўзгартириш бўйича қарорлар қабул қилиш.

Бозор муносабатларини ривожлантириш шароитида республикамиз корхоналарида таркибий ўзгаришларни амалга

ошириш, яъни, бизнес таркибини ўзгартириш (қайта таркиблаш) моддий, меҳнат ва молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш ҳамда уларни тақсимлаш имконини беради.

Ушбу таркибий ўзгаришларнинг асосий мақсади корхонанинг танланган ривожланиш стратегиясига мувофиқ унинг ташкилий тузилмасини мукаммаллаштириш, ишлаб чиқаришни марказлашмаган ҳолда бошқаришга эришиш ҳисобланади.

Қуйидаги ҳолатлар корхоналарда қайта таркиблаш заруратини юзага келтиради:

- маблағларни қайта инвестициялаш, ривожланишнинг узоқ муддатли дастурини амалга ошириш, уларнинг узлуксиз молияланишини таъминлаш;
- бошқаришнинг самарали тизимини шакллантириш;
- биргаликдаги фаолиятдан олинадиган маблағлардан максадли фойдаланишни қатъий назорат қилиш;
- инвестиция лойиҳалари (бизнес-режалар) ни ягона стандартлар асосида, хорижий инвесторлар манфаатлари ва ташқи омиллар (инфляция даражаси, солиқ қонунчилиги, тармоқнинг ривожланиш тамойиллари ва ҳ.к.) ни инобатга олган ҳолда расмийлаштириш;
- инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш буйича режаларни корхона томонидан бажарилишини жорий назорат қилиш, тезкор бошқарув қарорлари қабул қилишда лойиҳалар борасидаги мавжуд муаммолар ҳақида раҳбариятга ўз вақтида хабар қилиш;
- корхона молиявий-хўжалик ҳолати ва инвестиция лойиҳалари самарадорлиги таҳлили асосида инвестиция фаолиятининг стратегик режасини ишлаб чиқиш;
- инвестиция лойиҳаларини молиялаш стратегиясини режалаштириш. Бунда инвестиция лойиҳаларига мавжуд молиявий ресурсларни тақсимлаш, уларни самарадорлик даражасига қараб гуруҳлаш талаб этилади;
- фонд бозорига маблағларни жалб этиш учун шароитлар яратиш;
- қарзларни қайта таркиблаш ва уларни тўлаш борасидаги муаммоларни ҳал этиш.

Бизнес таркибини ўзгартириш (қайта таркиблаш) бўйича самарали бошқарув қарорлари қабул қилиш қуйидаги ижобий хусусиятларга эга:

- бозор конъюнктурасининг ўзгарувчан талабларига мувофиқ ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турларини тез муддатларда ўзгартириш;

- ишлаб чиқариш қувватларидан оптимал даражада фойдаланиш;

- айланма маблағлар айланиши тезлигини таъминлаш ва назорат қилиш имконияти;

- корхонанинг ишлаб чиқариш ва бошқа бўлинмалари ўртасида оқилона баҳо сиёсати юритилишига эришиш ва х.к.

Шунингдек, бизнес таркибини ўзгартириш натижасида ишлаб чиқариш жараёни ва технологияси, маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишни бошқаришда муҳим ўзгаришлар рўй берди. Бу ҳолат эса корхона молиявий-иқтисодий курсаткичларини яхшиланишига хизмат қилади.

Қайта таркиблаш жараёнида корхонани бошқаришнинг ташкилий тизими таҳлил қилиб чиқилади, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш бўлимлари, цехлари бозорда талаб мавжуд бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мослаштирилади, самарали фаолият кўрсатмаётган бўлимлар, ишлаб чиқариш шаҳобчалари тугатилади.

Бошқа хўжалик юритувчи субъектлардан қарзлар фойдаланилмаётган асбобғускуна, жиҳозлар ёки биноларни сотиш ҳисобига қопланади. Бундан ташқари, ишлаб чиқариш жараёнини хом ашё ва материал, техник воситалар билан таъминловчи корхона ёки фирмалар билан ўзаро иқтисодий муносабатлар ҳам қайта кўриб чиқилади. Шулар қаторида қайта таркиблашнинг бошқа чора-тадбирлари ҳам амалга оширилади.

Албатта, бундай усулни қўллаш, биринчидан, корхонанинг бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариши, иккинчидан, харажатларни самарасиз йўналтирилаётган қисмини тежаб қолиш ва корхонанинг пировард молиявий натижасини ошишига олиб келади.

Қайта таркиблаш жараёни зарар кўриб келаётган корхоналар ишлаб чиқаришини тиклаш ёки амалдаги ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишга имкон беришини аниқлаш учун корхонанинг сўнгги йиллардаги иқтисодий кўрсаткичларининг ҳолати ва динамикаси, уларга солиққа тортиш тизимининг таъсирини таҳлил қилиш зарур.

Бунда қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

- фаолият якуний натижалари (дибеторлик ва кредиторлик қарзлари, таннарх, тушум, тақсимланмайдиган фойда, рентабеллик, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси, ходимлар сони, меҳнатга ҳақ тўлаш фонди);

- инвестиция ва иш фаоллигининг ҳолати (ўз қарз ва маблағлари, заҳира ва харажатларнинг айланма маблағлар билан таъминланганлиги, заҳиралар ва ўз маблағларининг айланувчанлиги);

- ликвидлик ва тўловга лаёқатлилик (жорий ликвидлилик, айланма маблағлар билан таъминланганлик коэффициенти).

Корхонанинг активларни қайта таркиблашда қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

- ишлаб чиқариш рентабеллигининг таъминлаш;
- корхонада фойдаланилмаётган активларни сотиш ва ижарага бериш, гаровга бериш ҳамда рўйхатдан чиқариш;
- тугалланмаган ишлаб чиқариш, сафарбар этилган ва бошқа мол-мулкни консервалаш;
- янги юқори сифатли жиҳозларни ҳарид қилиш, ижарага, лизингга олиш;
- омборлардаги заҳираларни камайтириш, фойдаланилмаётган биноларни ижарага бериш;
- дебиторлик қарзлари қайтарилиши устидан назорат қилишни кучайтириш;
- молиявий қўйилмаларни сотиш, гаровга қўйиш, ишончли бошқарувга топшириш.

Корхона пассивларини қайта таркиблаш (пассивларнинг таркиби ва асосий унсурлари, яъни, устав ҳамда заҳира капитали, жамғарма фонди, ижтимоий соҳа фонди, мақсадли молиялаш ва тушумлар, тақсимланмайдиган фойда, узоқ муддатли ва қисқа муддатли қарз маблағлари, кредиторлик қарзларини таҳлил қилиш) ҳам юқоридаги тартибда амалга оширилади.

Устав капитали ва кредиторлик қарзларини қайта таркиблаш жараёнига тўхталамиз. Фараз қилайлик, "А" корхонанинг устав капитали "В" корхонаникига қараганда 6 марта кўп. Мазкур ҳолатда "В" корхонанинг устав капиталини қайта таркиблаш корхона мулкдорлари (акциядорлар) таркибини ўзгартиришни назарда тутади. Бу унинг молиявий аҳволи яхшилайди, салоҳиятли инвесторларни топишга кўмаклашади.

Ушбу жараённинг камчилиги шундаки, бунда корхона мулкдорлари устав капиталидаги ўз улушларининг қисқаришига рози бўлишга мажбур. Аммо, мулкдорлар устав капиталидаги ўз улушини камайтириш орқали ишлаб чиқаришни сақлаб қолишлари мумкин. Айни пайтда улар қайта таркиблаш йўли билан устав капиталини маълум даражада кўпайтиришдан манфаатдорлир, чунки, корхона банкротликка учраганда унинг барча мажбуриятлари амалга оширилганидан кейин қолган мол-мулкни сотишдан маблағлар олиш мумкин.

Корхоналар ва холдингнинг молиявий аҳволига бюджет ҳамда бюджетдан ташқари фондларга қарзлар бўйича қайта таркиблаш самарали таъсир кўрсатади.

Банкнинг қисқа муддатли кредитларини узоқ муддатли қарзларга қайта расмийлаштириш максадга мувофиқдир.

Фараз қилайлик, "А" корхонадаги кредиторлик ва дебиторлик қарзлари "В" корхонадагига қараганда икки марта кўп. Бунда мол етказиб берувчилар ва бошқа кредиторларга қарзлар бир неча усуллар билан қайта тақсимланади. Жумладан, бу ҳолда мол етказиб берувчиларни корхона устав капиталини ошириш ва акциялар (улушлар ва пайлар) нинг бир қисмини мол етказиб берувчиларга сотиш қарзларни тўлаш имконини беради.

Қайта таркиблаш асосида меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарздорликни ҳам бартараф этиш имконияти мавжуд. Бунда қарзни ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки корхонанинг акциялари билан қоплаш мумкин. Аммо бунда Низомга мувофиқ ходимлар ва акциядорларнинг розилигини олиш талаб этилади.

Пассивлар ва активларни қайта таркиблаш нафақат ўзаро узвий боғланган, балки улар бошқарув тизимини қайта таркиблашнинг узвий қисми ҳисобланади. Хусусан, пассивларни қайта таркиблаш ўз-ўзидан активларнинг қайта таркибланишига олиб келади, бу эса ўз навбатида бошқарув таркибий тузилмасини такомиллаштиришни талаб қилади.

Қайта таркиблаш мақсадида бошқарув тузилмаси учта йўналишга ажратилади:

- ишлаб чиқаришни бошқариш;
- ходимларни бошқариш;
- интеграцион бошқарув;

Ишлаб чиқаришни самарали бошқариш корхонани ривожлантириш стратегиясига мос келиши лозим. Бу эса нафақат ишлаб чиқаришни қайта таркиблаш, балки оқилона кадрлар сиёсатини амалга ошириш, молиявий-иқтисодий, маркетинг ва юридик бўлинмаларни малакали мутахассислар билан таъминлаш, кадрларнинг миқдорий ва сифат таркибини янгилашга асосланади.

Қайта таркиблашдан олдин ишлаб чиқаришни тезкор ва стратегик бошқаришнинг таҳлили ҳамда шу асосда бошқарув қарорларини қабул қилиш амалга оширилади.

Ишлаб чиқаришни қайта таркиблашдан мақсад – ишлаб чиқаришни тайёрланаётган маҳсулотларга буюртмалар билан имкон даражасида таъминлаш, уларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун шароитлар яратиб бериш ҳисобланади. Шунингдек, бунда ишлаб

чиқариш, бошқарув тизимининг қайта ташкил этилишини назарда тутувчи товарларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва улар сифатини ошириш истиқболларини белгилаш ҳам муҳим масалалардан ҳисобланади.

Ишлаб чиқаришни қайта таркиблаш тўғрисида бошқарув қарорлари қабул қилишнинг зарурати ишлаб чиқарилаётган ҳар бир маҳсулотнинг молиявий-иқтисодий ва маркетинг жиҳатдан таҳлилини талаб даражасида эмаслиги ҳисобланади. Маркетинг тадқиқотлари асосида жорий йилда ва келгусида қандай товарларни қанча миқдорда ишлаб чиқариш ва сотиш имкони мавжудлигини аниқлаш мумкин.

Қайта таркиблаш жараёнида корхоналарнинг асосий кўрсаткичларини таҳлил қилиш маҳсулот ишлаб чиқаришнинг энг фойдали йўналишларини иқтисодий жихатдан асослаб беради. Бу маълумотлар асосида корхонада бошқарув ва ишлаб чиқариш бўлинмаларининг янги, самарали таркиби шаклланади. Қайта таркиблашда рентабелли ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқарувчи бўлинмалардан ташқари бўлинмаларни салбий натижалар (зарур мутахассислар штатининг қисқариши, тушумнинг камайиши ва ҳ.к.) га олиб келишига қарамасдан тугатишга тўғри келади. Чунки бу тадбир корхонани иқтисодий соғломлаштиришга кўмаклашади.

Шунингдек, ишлаб чиқаришни қайта таркиблашда қуйидагиларга асосланиш зарур:

- уй-жой коммунал хўжалиги, капитал қурилиш, ёрдамчи хўжаликлар каби ишлаб чиқаришда иштирок этмайдиган бўлинмаларни мустақил хўжалик субъектларига ажратиш;
- рентабелли ишлаб чиқаришни шўъба ва тобе жамиятларга ажратиш;
- тегишли хизмат турларини сотиш жараёнини бошқарувчи бўлинмаларга топшириш ва ҳ.к.

бу ҳолатлар корхона молиявий-хўжалик фаолиятини харажатлар ва иқтисодий самарадорлик нўқтаи назаридан таҳлил этишни талаб қилади. Ишлаб чиқаришни юқори иқтисодий самарадорлиги ва рақобатбардошлигини таъминлашнинг муҳим омилларидан бири ходимларнинг малакали касбий тайёргарликка эга бўлишидир.

Ишлаб чиқаришни иқтисодий жихатдан ривожлантириш учун корхонани қайта таркиблашнинг ялпи дастури ишлаб чиқилади. Мазкур дастур таҳлилий амалларнинг натижаларини ситезлаш, улар асосида қўйилган максад ва вазифаларга эришиш йўллари, усулари, шарт-шароитларини аниқлаш, бу борадаги зарур чора тадбирларни ишлаб чиқишга қаратилган.

Қайта таркиблаш дастури максад ва вазифалар, қайта таркибланаётган корхонанинг умумий хусусиятлари, молийвий-иқтисодий ҳолатининг таҳлили, товар бозорлари конъюнктураси ва маҳсулотлар ассортименти таҳлили, бошқарув тизими, активлар ва пассивларни қайта таркиблаш, қайта таркиблаш буйича амалга ошириладиган чора-тадбирларнинг тақвим режаси, молиявий режа, масъул ижрочилар тўғрисидаги маълумотлар, қайта таркиблашнинг самарадорлиги, хатарларни баҳолаш, кафолатлар, қайта таркиблашнинг амалга оширилишининг назорати каби бўлимлардан иборат бўлади.

Қайта таркиблашнинг ялпи дастурини ишлаб чиқиш ва жорий этиш корхоналарнинг ўзига хос хусусиятлари, уларнинг ривожланиш стратегияси ва бозордаги ҳатти – ҳаракатлари, шунингдек, ишлаб чиқариш ва маркетингни режалаштиришда ҳал этиладиган вазифаларни инобатга олган ҳолда амалга оширилиши лозим.

Дастур корхонани бошқаришнинг ваколатли органи томонидан мухокама қилинади ва тасдиқланади. Ушбу орган томонидан дастурнинг ижрочилари ва раҳбари тайинланади.

Дастур бажарилишининг бориши ҳақидаги ҳисоботлар корхонанинг бошқарув органига тақдим этилади ва зарур ҳолларда унга тегишли тузатишлар киритилади. Дастурнинг амалга оширилиши бўйича ишлар тасдиқланган молиявий режага мувофиқ молиялаштирилади. Мазкур дастур корхонани қайта таркиблаш бўйича тадбирлар тақвим режасининг бажарилиши билан якунланади.

Қайта тариблашнинг ялпи дастури нафақат иқтисодий ночорлик ҳолатига тушиб қолган корхоналарга, балки самарали фаолият кўрсатиб турган корхоналарга ҳам фойдали бўлиши мумкин. Чунки, у оқилона бошқарув қарорларн қабул қилиш заруратини асослаш, ишлаб чиқаришни режалаштиришнинг стратегик йўналишларини белгилашга кўмаклашади. Датурни амалиётга жорий этиш корхонанинг молиявий-хўжалик фаолиятини мустаҳкамлаш ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Бизнесни амалга оширувчи шах бизнес субъекти ёки бизнесмен деб аталади. Бизнес хўжалик юритувчи субъектларда ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш, жумладан, маҳсулотлар ишлаб чиқариш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатишдан иборат фаолият мажмуини ифодалайди.

4.5-жадвал

Бошқарув самарадорлигини баҳоловчи кўрсаткичлар тизими

№	Кўрсаткичлар номи	Кўрсаткичлар ҳисоб-китоби	Таркибий кўрсаткичларнинг изоҳи
	Бошқарув фаолиятининг иқтисодий самарадорлиги	$К_{мс} = \frac{Д}{Х_{мс}}$	Д – йиллик даромад $Х_{мс}$ – маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотишга сарфланган бир йиллик харажатлар
	Ишлаб чиқаришни ташкил этиш даражаси	$К_т = \frac{И_д}{А_о}$	$И_д$ – ишлаб чиқариш даврининг давомийлиги, $А_о$ – айланма маблағлар оборотининг давомийлиги
	Ишлаб чиқариш ва сотиш рентабеллиги	$К_р = \frac{Ф_с}{С_х}$	$Ф_с$ – соф фойда, $С_х$ – маҳсулотни сотиш ҳажми
	Капитални маневрлик даражаси	$К_м = \frac{К_{ак}}{К_у}$	$К_{ак}$ – айланма маблағлар суммаси, $К_у$ – ўзининг капиталини ўртача йиллик капиталидаги улуши
	Амортизация ажратмаларининг жамғарилиши	$К_{ас} = \frac{АФ_б}{А}$	$АФ_б$ – асосий воситаларнинг бошланғич қиймати, А – амортизация ажратмалри суммаси
	Маҳсулот рентабеллиги	$К_{мх} = \frac{Т}{Х}$	Т – маҳсулот сотишдан олинган тушум, Х – маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган харажатлар
	Акциядор капиталидан фойдаланиш самарадорлиги. Битта акциянинг қиймати	$К_а = \frac{К_ч}{С_а}$	$К_ч$ – муомалага чиқарилган акцияларнинг қиймати, $С_а$ – сотилган акцияларнинг қиймати

Номоддий активларнинг кирим қилиниши қуйидагича кўринишда бўлиши мумкин:

- корхона томонидан яратилиши
- бошқа корхоналардан сотиб олиш
- текинга олиш.

Номоддий активлар қуйидаги туркумларга бўлинади: патентлар, Ноу-Хау, товар белгилари, савдо маркалари, атамалар, саноат намуналари, дастурий таъминот гудвиял, ташкилий харажатлар, франшизалар, муаллифлик ҳуқуқлари, ер ва табиат ресурсларидан фойдаланиш ҳуқуқлари кабилардир.

Номоддий активлар қуйидагича баҳоланади:

А) дастлабки қиймат, Б) сотиш қиймати, В) тугатиш қиймати, Г) қолдиқ қиймати; ўрнини қоплаш қийматида.

Иқтисодиётни бозор муносабатларига босқичма - босқич ўтказиш ва тармоқлар иқтисодиётини изчил ривожлантириш инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга бевосита боғлиқдир. Бугунги кунда инвестицияларни бозор иқтисодиётига мослаштириш ва инвестицион фаолиятни бошқариш ўзгача ёндашишларни талаб этмоқда. Инвестицияларнинг иқтисодий мазмунига кўра қуйидаги турлари мавжуд:

- реал инвестиция – асосий воситаларни вужудга келтириш ва такрор ишлаб чиқариш.
- *молиявий инвестиция даромад олиш (фоизлар роялти,* дивидендлар ва ижара ҳақи сингарилар)
- интеллектуал инвестициялар – бу корхонанинг интеллектуал бойликларининг харид қилишга сарфланган маблағлар ҳисобланади.

Инвестициялар, яъни унинг икки тури, узоқ муддатли инвестициялар ва қисқа муддатли инвестицияга бўлинади. Фаолият юритувчи субъектлар янги халқаро счётлар режаси талабларига кўра уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш энг долзарб масалалардан ҳисобланади. Узоқ муддатли инвестициялар счётлар режасининг счёт № 0600 – «Узоқ муддатли инвестицияларни ҳисобга олиш счёти»да акс эттирилган.

Бу счёт актив бўлиб, унинг дебет томонида инвестицияларнинг кирим қилиниши, кредит томонида эса уларнинг чиқимлари акс эттирилади, бошланғич ва хотима қолдиқлари хам дебет томонида акс эттирилиб, балансда ўз аксини топади. Аналитик счётлар бухгалтерия – С1 корхона шаклида, уларнинг мақсад ва турларига қараб очилади.

Счёт №0600. Узоқ муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётда қуйидаги бухгалтерия проводкалари асосида акс эттирилади

№	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётлар алоқаси	
		Дебет	Кредит
1	Қимматбаҳо қоғозлар сотиб олинганда	0610	9210
2	Агарда инвестициялар ҳисобига номоддий активлар сотиб олинса, корхона балансига ўтказилса	0610	9220
3	Агарда қимматбаҳо қоғозлар олиш йўли билан товар, маҳсулот, хизмат ва ишлар, ускуналар олинса	0610	9010, 9020, 9030
4	Бепул узоқ муддатли инвестициялар кирим қилинса	0610	8530
5	Пул ҳисобига инвестициялар сотиб олинса	0610	5010, 5110, 5210
6	Агарда дебиторлик қарзлари ҳисобига олинса ва кирим қилинса	0610	ҳисоб-китоб счётлари, яъни 6010 ва бошқ
7	Инвестиция устав фондига таъсисчилардан улуш сифатида олинса	0610	4610
8	Қисқа муддатли инвестиция ҳисобига узоқ муддатли инвестиция кирим қилинса	0610	5810-5890
9	Қимматбаҳо қоғозлар бўйича ҳуқуқ ҳужжатлари кирим қилинса	0610	6090, 7920
10	Қимматбаҳо қоғозларнинг номинал баҳоси билан сотиб олиш фарқ суммасига: А) номинал қиймати сотиб олиш баҳосидан юқори бўлса; Б) сотиб олиш баҳоси номинал қийматидан юкори бўлса;	 0610 9690	 9590 0610
	В) қимматбаҳо қоғозлар чет эл валютасида акс эттирилиб курс фарқига: ошган бўлса кам бўлса	 0610 9620	 9540 0610
11	Олинган узоқ муддатли қимматбаҳо қоғозлар ҳисобидан чиқарилса (қайтарилса)	5110-5530	0610
12	Инвестициялар сотилса	9220	0610

Узоқ муддатли ва қисқа муддатли инвестицияларни ҳисобга олиш журнал – ордери №7

Ҳужжат		Ёзувларнинг мазмуни ва инвестиция турлари бўйича ёзувлар	Кирим			Чиқим		
			жами	Жумладан		жами	Жумладан	
Вақти	№			банк счётидан	хазинадан		банк счётидан	хазинадан

Демак, ҳозирги фермер хўжаликларда «Бухгалтерия-1:С (корхона)» «клавиш»лар ёрдамида персонал компьютерларда шу тартибда акс эттириш тавсия қилинади. Агарда узоқ муддатли инвестициялар бир неча турда бўлса, ёки моддий жавобгар шахслар бир неча киши бўлса, унда кирим ёки чиқим қисмида шу жумладан сақланиш жойлари ёки ҳисобдор шахслар бўйича колонкалар (катаклар жадвалда) кўрсатилиши мақсадга мувофиқ бўлади, бундай тартибда жорий бухгалтерия юритилиши бошқарувчига истаган пайтда зарур маълумотларни олиш улар юзасидан оптимал (муқобил) қарорларга қабул қилиш имкониятини беради. Бозорли иқтисодиётда «вақт» - бу пул, самара дегани бўлади, чунки қимматбаҳо қоғозлар бозори борган сари чаққонлашиб бормоқда. Бу ютуққа эришиш ушбу далилларга боғлиқ бўлиб қолаётгани аён бўлиб қолмоқда.

Ўз-ўзини текшириш саволлари:

1. Асосий воситалар деб нимага айтилади.
2. Асосий воситалар қандай баҳоланади.
3. Асосий воситалар инвентаризациясида бухгалтерия счёт регистридаги ва инвентаризация тафовутлари қандай акс эттирилади.
4. Асосий воситаларнинг эскириш тушунчаси Билан асосий воситалар амортизация тушунчасининг фарқлари.
5. Асосий воситаларга эскириш ҳисоблаш меъёрлари ва уларнинг дастлабки учёти.
6. Асосий воситалар эскириши амортизациясини учётга олишнинг бухгалтерия ҳисоби ўз ичига нималарни олади.
7. Лизинг шартномасининг тузилиши ва иштирок этувчи юридик шахслар.
8. Лизинг объектини олувчида унинг дастлабки учёти.

9. Лизинг муносабатларини фермер хўжалик бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши.

10. Номолдий активлар инвестициялар тўғрисида тушунча ва уларнинг турлари.

11. Номолдий активларнинг, инвестиция сармояларнинг дастлабки бошқарув учёти.

12. Номолдий активлар ва инвестицияларнинг жорий бухгалтерия ҳисоби ҳамда хисоботларда акс эттирилиши.

13. Инвестицияларнинг учёти.

Ўрнатиладиган асбоб – ускуналар ва капитал қўйилмаларнинг узоқ муддатли, чиқимлар бўйича кечиктирилган дебитор қарзлар учёти

Режа:

1. *Ўрнатиладиган асбоб-ускуналарнинг иқтисодий моҳияти.*
2. Ўрнатиладиган асбоб-ускуналарнинг дастлабки ва бошқарув учёти.
3. Ўрнатиладиган асбоб-ускуналарнинг бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши.
4. Капитал қўйилмаларнинг иқтисодий моҳияти.
5. Капитал қўйилма харажатлар таркиби уларнинг дастлабки, бошқарув хизмати.
6. Капитал қўйилма харажатларининг жорий бухгалтериядаги учёти.
7. Узоқ муддатли ва чиқимлар бўйича кечиктирилган дебитор қарзлар.

Ўрнатилиши талаб қилинадиган асбоб, ускуналар ҳам приборлар, таъсисчилардан сотиб олиниши мумкин, кейинчалик эса улар асосий воситалар таркибига қабўл қилинади. Иқтисодий моҳият нуқтаи назаридан улар асосий маблағлар, авансларга доимий капитал ҳисобланади. Улар ўзларининг *қийматини маҳсулот, иш ва хизматлар таннархига* аста-секинлик билан ўтказади. Бухгалтерия ҳисоби олдида энг муҳим вазифалр эса қуйидагилардан иборат бўлади:

Аниқ бизнес – режага мувофиқ уларнинг қопланиш муддатлари кўрсатилган ҳолда илғор технологик жараёнларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш, тезкорлик асосида бозор муносабатлари конъюктуралари талаблари асосида ҳисобга олиниши лозим.

Ўрнатиладиган ускуналар ўз навбатида ўз вақтида ҳужжатларда акс эттирилиши керак;

Улар сақланиш жойлари, жавобгар шахслар кўрсатилган ҳолатида, ватанимизда тайёрланганлари ва чет элдан олинганлари алоҳида-алоҳида ҳисобга олиб борилиши лозим бўлади;

Уларнинг техник паспорти, схемалари билан биргаликда алоҳида-алоҳида ҳар бири учун очилган карточкаларда ҳисобга олиб борилади, бундай карточкалар улар корхона балансидан чиқариладиган давргача сақланиши зарур;

Ўрнатиладиган ускуналар дастлабки учётининг элементлари: бозор муносабатилардаги олди-сотди шартномалари, счёт фактуралари (юк

хатлари), моддий жавобгар шахсларнинг кирим–чиқим дафтарларида ва ҳисоботларида ўз аксини топиши лозим.

Ускуна ва асбоб ускуналарнинг сотиб олиш ва монтаж, ўрнатиш харажатлари № 0800, - «Капитал қўйилмалар» счётларида ҳисобга олиб борилиши белгилаб қўйилган.

Ўрнатиладиган асбоб-ускуна, приборлар бухгалтерия счётлар режасининг № 0700, - «Ўрнатиладиган ускуналар» счётида олиб бориш мўлжалланган, мазкур счёт актив бўлиб, унинг дебет томонидан бошланғич ва ҳисобот даврининг охиригача хотима қолдиғи ва кирими акс эттирилади. Аналитик счётлари «Бухгалтерия-1:С (корхона)» регистрлар шаклида журнал-ордер 10 да турлари ва сақланиш жойлари буйича персонал компьютерларда олиб борилишини тавсия қиламиз.

Счётнинг корреспонденцияси қуйидагича бўлиши лозим:

№	Ёзувларнинг мазмуни, хужжатлар № кимдан, ким оркали олинди.	Счётлар алокаси	
		дебит	кредит
1	Сотиб олинган асбоб-ускуна, приборлар (шартнома, счёт-фактурага) кирим қилинди.	0760-0720	6010-6020 6990
2	Сотиб олиш билан боғлиқ харажатлар хисобланди	0710-0720	1510
3	Хизмат кўрсатувчи тармоқлар хизмати.	0710-0720	2310
4	Ортиб-тушурувчиларга иш ҳақи суммаси ва унга ажратиладиган ажратмалар	0710-0720	6710,6520
5	Ҳисобдор шахсларнинг харажатларига	0710-0720	4220-4290 6970
6	Акция ёки қимматли қоғозлар хисобга олинса	0710-0720	4610, 0610
7	Инвентаризацияда ошиқ чиқса	0710-0720	9390
8	Ускуна ва асбоблар қайта баҳоланса: *А) қўшимча қиймат қўшилса;* Б) баҳоси камайса;	0710-0720 8530	8530 0710-0720
9	Асбоб, ускуналар банк кредити ҳисобига олинса	0710-0720	6810, 7810
10	Асбоб, ускуналар балансдан чиқарилса	9210	0710, 0720
11	Асбоб, ускуналар монтажга берилса	0810	0710-0720
12	Мол етказувчиларга эътироз билдирилса	4860	0710-0720
13	Асбоб-ускуналарда камомад аниқланса	9220	0710-0720
14	Табиий офат натижасида камомад аниқланса	9720	0710-0720

Капитал қўйилмаларнинг учёти

Капитал қўйилмалар тушунчаси фермер хўжаликлар, кичик ва хусусий бизнес корхоналарида доимий авансланадиган капитални ҳисобга олишда, амалиётда эса асосий воситаларни сотиб олиш, қуриш, етиштиришга боғлиқ харажатлар тугаллангунча ҳисобга олиб кейинчалик зарур манбалар қопланадиган, маблағларни умумлаштириш тайинланган счёт ҳисобланади.

Капитал қўйилмалар счётини юритиш

Мазкур счёт фермер корхоналарида, кичик ва хусусий бизнес хўжалик субъектларида асосий воситалар ва номоддий активларнинг ташкил топиши, уларни олиб келиш билан боғлиқ харажатларни умумлаштириб ҳисоб-китоб операцияларини юритиш учун мўлжаллангандир.

Бу счётлар балансга нисбатан актив счёт бўлиб, уларнинг дебет томонида ҳисобот даврининг бошига қолдиқ, ҳисобот даврида кирим қилиниши ҳамда ҳисобот даврининг охирига хотима қолдиқ, ниҳоят кредит томонида чиқими акс эттирилади.

Капитал харажатларни уч хил тури, сотиб олиш, қуриш (икки усулда: хўжалик усулида ва пудрат усулида), шунингдек капитал таъмирлаш билан боғлиқ харажатларни ҳам ҳисобда олиб борилишни тавсия қилар эдик.

Барча бу соҳа билан боғлиқ харажатлар тугагач, мазкур счётдан уларни кирим қилинадиган счётларга олиб ёпилади, капитал таъмирлаш сарфлари счёт № 8910 - «Келгуси давр чиқимлари ва тўловлари» счёти билан қопланади.

Қолдиқда тугалланмаган харажатлар қолиши ва балансда кўрастилади.

Аналитик счётларини журнал ордер № 10 да ҳар бир объект бўйича очиш тавсия қилинади.

1:С-Бугалтерия шаклида уни «клавиш»лар ёрдамида жадвал– регистрлар шаклида олиб бориш мумкин.

Бу харажат моддаларн «Маҳсулот (иш ва хизмат) ларни ишлаб чиқариш харажатлар таркиби ва молиявий харажатларнинг шаклланиши низомига ҳам бошқарув ҳисоби учун зарур маълумотларни олишга қаратилиб юритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Счёт № 0800, - «Капитал қўйилмалар» счётининг кореспонденцияси *қуйидагича бўлиши мумкин*

т/р №	Ёзувлар мазмуни, ва хужжатлар	Счётлар алоқаси	
		дебет	кредит
1	2	3	4
1	Капитал сарфларни амалда оширишда фойдаланилган асосий воситалар эскириши ҳисобланди.	0810	1024-0290
2	Номоддий активларнинг эскириши ҳисоблаб ёзилса	0810	0510-0599
3	Монтажга олинган асбоб, ускуналар сарфланса	0810	0710-0720
4	Қурилиш материаллари ва бошқа материаллар сарфланса	0810	1010- 1099
5	Ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи тармоқлар хизмат ҳақига	0810	2310
6	Капитал сарфлар учун кридит фоизидан	0810	6920
7	Тугалланмаган капитал сарфлар қайта баҳоланса: а) қўшимча баҳоланса б) баҳоси камайтирилса	 0810 0510	 8510 0810
8	Мол етказиб берувчи ва пудратчилар томонидан ишлар бажарилса	0810	6010, 7010
9	Капитал сарфлар бўйича эътироз билдирилса	0810	4860
10	Тугалланмаган ишлаб чиқаришларда камомад	5910	0810
11	Ёш моллар асосий подага кўчирилса	0840	1110
12	Асосий пода сафига кирим қилинса	0170	0940
13	Келгуси давр чиқим ва тўловлари капитал сарфлар харажатига олиб борилса	0810-0890	3110-3190
14	Суғурта тўловлари ҳисобланса	0810-0890	6510
15	Капитал сарфлардаги давлат фонди ажратмалари	0810-0890	6520
16	Капитал сарфлар тасисчилардан қабул қилинса	0810-0890	4610
17	Сотиб олинган автотранспорт воситаларига *солиқ ҳисобланса*	0810-0890	6520
18	Меҳнат ҳақи сарфларига	0810-0890	6520
19	Турли кредиторлар ҳисобига олинса, ҳисобдор шахслар томонидан чиқимлар қилинса	0810-0890	6710

1	2	3	4
20	Асосий воситалар таркибига қабул қилинса	0110-0190	6990
21	Агарда ўз корхонаси зиммасига олинган, аммо бошланғич қийматига қўшилмаса	9430	0810-0890
22	Брак ишлар жавобгар шахслар зиммасига ёзилса	0810-0190	0810-0890

Счёт № 0990 «Узоқ муддатли ва чиқимлар бўйича кечиктирилган дебитор қарзлар учёти»

Мазкур учёт бугунги бозор иқтисодиёти шароитида кенг қўлланилиб, унда ушбу қарзлар бўйича зарур маълумотларни умумлаштиришни кўзда тутади.

Бундай карзларга қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

а) векселлар бўйича хоридорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар;

б) шартномага кўра арендаторлар тамонидан ижарага олинган асосий воситалар бўйича ҳисоб-китоблар;

в) мол етказиб берувчиларга қурилиш материаллари ва бошқа бажарилган ишлар бўйича аванслар (бўнаклар) ҳисоб–китоби;

г) солиқ ва тўловлар дисконт облигациялар бўйича муддати узайтирилган қарзлар ва бошқалар. Бу счёт асосан балансга нисбатан актив бўлиб ҳисобланади. Аналитик счётлар уларнинг турлари ва жисмоний юридик шахсларга карточкаларда юритилиши мумкин.

Счётнинг корреспонденцияси қуйидагича:

№	Ёзувларнинг мазмуни	Счётлар алокаси	
		дебет	кредит
1	Олинган узоқ муддатли векселлар қийматига	0910	4010
2	Агар бу қийматнинг бир қисми жорий вақтга ўтказилса	4020	0910
3	Шартномага кўра асосий воситалар ижрога берилса		
	а) узоқ муддатга	0920	9220
	в) жорий муддатга	4810	0920
4	Узоқ муддатли аренда тўловини жорий қисми узоқ муддатга узайтирилса	0930	7320

5	Ходимларга товарлар учун узоқ муддатли кредит	0710	0930
6	Агарда унинг бир қисми жорий муддатга ўтказилса	0930	1010-2990
7	Узоқ муддатли тўловга мўлжалланган моддий зарарларга		5010-5530
8	Улар қисқа муддатлига ўтказилса	4730	9210
9	Узоқ муддатли аванс (бўнакка)	0940	0930
10	Муддат узайтирилган солиқ суммасига	0950	5110-5530
11	Улар жорий муддатга ўтказилса	3210	6410
12	Облигациялар (чегирмалар) сотилса	0960	0950
13	Ижара ҳақи узоқ муддатга ўтказилса	0990	7830 5110-5530

Ўз-ўзини текшириш саволлари :

1. Асбоб-ускуналарнинг дастлабки учёти
2. Капитал қўйилмалар учёти
3. Капитал харажатлар учёти
4. Узоқ муддатли ва муддати узайтирилган дебитор қарзлар учёти.

Меҳнат сарфи ва унга ҳақ тўлашнинг ҳисоби

Режа:

1.Меҳнат сарфи ва унга ҳақ тўлашда бухгалтерия ҳисобининг вазифалари.

2.Меҳнат ҳақи турлари. Асосий ва қўшимча меҳнат ҳақи.

3.Меҳнат сарфи ва унга хақ тўлашнинг дастлабки учёти.

4.Меҳнат сарфи ва унга хақ тўлаш бўйича бухгалтерия ҳужжатларини

умумлаштириш, қайта ишлаш, иш ҳақини хасоблаш ва иш ҳақидан ушлаб қолиш тартиблари.

5.Ҳисоблаш,тўлов қайдномасини тузиш.

6.Ходимлар билан меҳнат ҳақидан бошқа хўжалик операциялари бўйича ҳисоб-китоб операциялар учёти.

Таянч иборалар:

Асосий ва қўшимча иш ҳақи, депонент.

Меҳнат сарфи ва унга ҳақ тўлашни бухгалтерия ҳисобининг вазифалари:

Ишлаб чиқариш жараёнида энг асосий актив элемент бу иш кучи ҳисобланади. Иш кучининг маълум бир мақсадга сарфланиши бу меҳнат ҳисобланиб, меҳнат сарфининг миқдорини ва унга мувофиқ равишда меҳнатга ҳақ тўлашни ўз вақтида амалга ошириш жараёнидан фермер хўжаликларида энг муҳим иш ҳисобланади. Шу нуқтаи назарнинг бухгалтерия рейтингнинг ошишида қуйидаги вазифалар турали:

1.Сарфланган меҳнат сифатини аниқ ўз вақтида ҳужжатларда акс эттирилади;

2.Сарфланган меҳнат миқдорига қараб амалдаги меъёрий ҳужжатларга мос тартибда меҳнат қилиш миқдорини ҳисоблаш зарур;

3.Сарфланган меҳнат сарфи ҳар бир ходим бўйича ва у меҳнат қилган соҳага олиб борилиши меҳнат иш барликларининг ишлаб чақариш таннархини ҳисоблаб чиқишга ҳар бир ходим меҳнат даромадларига имконият яратади;

4. Маълумки, *ҳар бир ходим меҳнат даромадлари билан давлат бюджетига ўз ҳиссасини кўшиш (даромад солиги) ҳисобини ва бу маблағларни молия органига ўз вақтида ўткариб бериш мажбурдир;*

5.Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган конституцияга мувофиқ, ишлаб, ҳисобланган меҳнат ҳақига нисбатан сарфлашни ижтимоий ҳимоя учун ажратмалар ҳисоблаш ва бу ажратмаларни тегишли органларга ўз вақтида ўтказиб бериш;

6.Ҳар бир ходим бўйича сарфланган меҳнат миқдорини натурал бирликларда (иш ҳақи, иш соати) ва унга ҳисобланган иш ҳақлари бўйича алоҳида-алоҳида аналитик счётларни юритиш ва меҳнат ҳақини ўз вақтида тўловини амалга ошириш вазифаси туради.

Меҳнат сарфи ва унга ҳақ тўлаш бўйича дастлабки учёт.

Меҳнат сарфи ва меҳнат ҳақини ҳисобга олишда қуйидаги дастлабки учётнинг элементлари мавжуд:

1.Меҳнат сарфи ва унга мувофиқ амалдаги меъёрларга иш ҳақи ҳисоблаб беришни акс эттирувчи ҳужжатлар.

2.Меҳнат сарфи ва меҳнат ҳақи бўйича туфайли мутаносиб ходимнинг ҳисобга олиб бориш дафтари.

3.Меҳнат сарфи ва меҳнат ҳақини ҳисоблаб берувчи маълум ходимнинг 2 турдаги ҳисоботи ҳисобланади:

1.Ҳар бир ходим бўйича ишлаш вақтида унга ҳисобланган иш ҳақида ой даромалидан ҳақи бўлади.

2.Меҳнат ҳақининг маош бермоққа сарфланишни вақт миқдорда экин турларига, яъни чорва молларининг турларига тегишли эканлиги хақида ҳисоботи.

Меҳнат ҳақининг турлари:Асосий ва қўшимча меҳнат турлари бўлади. Фермер хўжаликларда, кичик ва хусусий бизнес корхоналарида меҳнат ҳақи юзасидан бериладиган бўнак ва ҳисобот даври учун ҳисоб-китоб операцияларни, битта счётда, яъни

Счёт № 6700 – «Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар»да олиб борилишини тавсия қиламиз,унинг таркибида 2та субсчёт, жумладан счёт№6710 – «Ходимлар билан меҳнат ҳақи буйича ҳисоб-китоблар» ва счёт№6720 – «Иш ҳақи бўйича депонентлар» счётларида акс эттириш лозим, бунда счётларнинг дебет томонида ходимга берилган бўнаклар, ой охиридаги иш ҳақи, вақтида олмаган иш ҳақининг депонентга ўтказилиши кредит томонида ходимга ҳисобланган иш ҳақи ва моддий рағбатлантиришлар кўрсатилади. Аналитик счётлар ҳар бир ходимга очилади.

Счётнинг корреспонденцияси:

№	Ёзувларнинг мазмуни ва зарур харажатлар	Счётлар алоқаси	
		Дебет	Кредит
1	2	3	4
1	Ходимга иш ҳаки хисобидан бўнак берилса	4410	5010
2	Ходим сарфлаган меҳнати учун иш ҳаки ҳисобланади	2000, 2300, 2510	6710
3	Иш ҳақидан ушланмалар олинса	6710, 2710	6510, 4410, 4630

1	2	3	4
4	Иш ҳақи берилса ёки банк орқали кўчирилса	6710	5010, 5020, 5110
5	Ўз вақтида олинмаган иш вақти депонент суммага кўчирилса	6710	6720
6	Депонент сумма берилса	6720	5010
7	Иш ҳақи ҳисобига моддий товар бойликлар берилса	6710	1000, 1100, 2800, 2900

Фермер хўжаликларда, кичик ва хусусий бизнес корхоналарида ходимларнинг меҳнат ва шарт-шароитлар яратиш ишнинг самарадорлигини оширади.Шу сабабли ходимлар меҳнат ҳақи бўйича ҳисоб-китоб операцияларидан ташқари, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни таннархида сотиш, кредитлар ҳисобига товарлар бериш,турли заёмлар тақдим этиш, етишмовчиликларни зиммасига ёзиш каби ҳисоб-китоб операциялари амалга оширилади. Бундай ҳисоб-китоблар счёт № 4700 – «Ходимнинг турли операциялар бўйича ҳисоб-китоблар»да юритилиши лозим. Счётнинг дебет томонида ходим қарздорлиги, крадит томонида эса уларнинг корхонага тўланиши кўрсатилади. Аналитик счётлар ҳар бир ходимга очилади. Счётнинг корреспонденцияси:

№	Ёзувларнинг мазмуни	Счётлар алоқаси	
		дебет	*кредит*
1	Савдо корхоналаридан ходимга кредитга сотилган товарлар суммаси	4610	5010
2	Банкдан ходимга корхона орқали кредит олиб берилди	4610	5110
3	Ходимга заём берилди		
4	Корхонага ходим томонидан етказилган зарарлар ёзилди	5910	1000, 2010
5	Ходим томонидан қайтарилди	5010, 5110	5910

Ўз-ўзини текшириш саволлари

1. Меҳнат сарфи ва меҳнат ҳақи бўйича ҳисоб-китоб операцияларининг дастлабки учёти.
2. Меҳнат ҳақининг турлари.
3. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг бухгалтерия ҳисоби
4. Ходимлар билан бошқа операциялар учёти.

Голиб касбинг муборак бухгалтер

Дастлаб сенинг ҳақингда бугун толиблик некбин қалам.
Қонун, қураш меваси статусинг барака таом.
Ривожланиш – иймон ва суннатинг этилди инъом,
Меҳнату, жами борлиқнинг акси-виждон бўлган амри.
Аллоҳ таоло-ю, пайғамбарлардан олгансан пайғам,
Бобокалон Фаробийдан сенга муносиб мерос,
Башариятнинг улуг кашфиёти, икки ёқлама ёзув қоидаси рицзат.
Шу аснода янгиланур табиат ва жамият,
Янги кенгайган тарзда бошланур истиқлол, ҳаёт.
Ёзув шарти – аниқлик ва ўз вақтида баланс – инъикос.
Эътиборсизликдан хушёрлик шу дам олгуси қасос.
Амир Темур мероси – тарғибот, адолат, мезон,
Қиличдек кескир ўз вақтида айтилган забон.
Бутун жисми-жонни таъминлаганидек каби қон билан,
Маблағ, фаолият юритиш тоза иймон билан,
Холис баҳо, икки ёқли ёзув – мувозанат асл,
Аксини топгусидир барин ўзгарни исталган фасл.
Титратмай тутганда адолат тарозисин,
Ҳар фузало олим, ишчи, деҳқон бўлгач мунтазир,
Бухгалтер ташвишларинг уйғотур ҳавас ва гурур.

Н.Санаев

Фермер хўжаликларида ишлаб чиқаришни бошқариш ва ташкил этиш харажатлар ҳисоби

Режа

1. Фермер хўжаликларида ишлаб чиқаришни бошқариш, ташкил этиш харажатларини иқтисодий моҳияти ва бухгалтерия ҳисоби олдида турган вазифалари.
2. Фермер хўжаликларида ишлаб чиқаришни бошқариш харажатларини тақсимлаш счёти ва унда юритиладиган регистрлари.
3. Даврий харажатлар ва унга кирадиган харажатлар ва уларнинг счётда юритиш регистрлари.

Таянч иборалар:

Бухгалтерия счётлар регистрлари, даврий харажатлар, давр даромадлари, счётлар корреспонденцияси.

1. Фермер хўжаликларида ишлаб чиқаришни бошқариш, ташкил этиш харажатларининг иқтисодий моҳиятлари ва бухгалтерия ҳисоби олдида турган вазифалари:

Корхоналарнинг барча фаолиятларини ташкил этишда бошқаришга боғлиқ бўлган харажатлар ҳар бир фермер хўжаликларида содир бўлади. Фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш жараёнининг қандай олиб борилаётганини ва мавжуд пул маблағларининг сарфланиш устидан назорат олиб бориш ва уларнинг тўғри сарфланганлигини доимо текшириш мақсадида қишлоқ хўжалигидаги барча хўжалик юритувчи субъектлар қаторида фермер хўжаликларида ҳам қонун-қоида асосида бухгалтерия ҳисоби олиб борилади.

Фермер хўжаликлари бухгалтерия ҳисобини зарурияти ҳолатлар келиб чиқади, жумладан:

1. Фермер хўжалигида ишлаб чиқариш шароитининг иқтисодий аҳволига мувофиқ олиб борилиши устидан назорат.

2. Юқори ташкилотлар ва солиқ идораларига белгиланган тартибда ҳисоботларни тақдим қилиш асосида сотиш операцияларини ҳисобга олиб борилмоқда. Фермер хўжаликларининг бухгалтерия учётининг олдида қуйидаги вазифалар туради:

1. Ҳар бир фермер хўжалик ўзининг бизнес-режасидаги маҳсулотлар турлари ассортиментлари бўйича аввало давлат буюртмаси миқдоридан пахта-ғалла қатъий баҳоларда тайёрлов ташкилотларига сотиш юзасидан, сўнгра барча қолган маҳсулотлар бўйича харидорлар ва буюртмачилар билан шартнома тузишлари ва бу шартномаларни тегишли назорат органларининг руйхатидан ўтказиши зарур;

2. Сотилаётган маҳсулотларнинг тайёрлов ташкилотларга буюртмачиларга харидорларга сотилиши асосида олдиндан тўловларнинг амалга оширилишини назорат қилиш.

3. Жўнатилаётган маҳсулотларни жаҳон стандартлари ва давлат стандартларига мувофиқ ривожлантиришда статусга эга бўлган хужжатлар ўз вақтида акс эттирилишини таъминлаш лозим.

4. Маҳсулот сотиш бўйича мутасадди шахслардан фермер хўжаликларда белгиланган бухгалтерия стандарти ЎзРБҲМС-1 ва хужжатлар айланиш режасига мувофиқ ўз вақтида ҳисоботларни қабул қилиб уларни қайта ишлаш ва тегишли счётлар учун уларга тайинланган регистрларда аниқ акс эттириш вазифаси.

5. Бухгалтерия счётлар режасида олиб борилган барча ахборот маълумотларни Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби тўғрисдаги қонунга мос равишда молиявий ҳисоботларда аниқ акс эттир-

риш вазифаси туради. Бу ўз вақтида эътибор, билдириш сотилган маҳсулот қийматининг тўла тушумини таъминлайди.

Фермер хўжаликларда сотиладиган маҳсулотлар бўйича расмийлаштириладиган ҳужжатлар қуйидагилардан иборат:

1. Конкрет харидорлар билан бўладиган шартноманинг ўз вақтида расмийлаштириш шартларида олдиндан тўлов миқдорини белгилаб, уни тўлов талабномаси ёки тўлов топшириқномаси асосида келишини таъминлаш;

2. Сотиладиган маҳсулотларни статусга эга бўлган товар-транспорт накладнойларида акс эттириш;

3. Сотиладиган маҳсулотлар учун тайёрлов ташкилотларнинг маҳсулотни қабул қилиш миқдори бўйича квитанцияларнинг ўз вақтида расмийлаштирилиши ва бухгалтерияда қабул қилинишини таъминлаш. Даромадлар эса сотилган маҳсулотлар учун тайёрлов ташкилотларда шартномаларида келтирилган 5-15 кун ичида пулни тушишини таъминланиши лозим.

Маҳсулот сотиш бўйича хўжалик операцияларини бухгалтерия счётларида қуйидаги тартибда амалга оширилади:

1. Сотиш операциялари бухгалтерия счётларининг № 9000, № 9100 счётларида акс эттирилади. Бу счётлар транзит счёт бўлиб йил охирида ёпилади ва ҳисоботларда кўрсатилмайди.

2. Счёт № 9000 нинг қолдиғи бўлмайди, дебет томонида сотилган маҳсулотларнинг таннархи, кредит томонида сотилган маҳсулотлардан келган тушум акс эттирилади ва 2 томонлама таққослаш натижасида фермер хўжаликларнинг фойдаси аниқланади. Счёт № 9100 қолдиғи бўлмайди. Унинг дебет томонида сотилган маҳсулотнинг таннархи акс эттирилади, кредит томонида таннархи амалга оширилади.

3. Маҳсулотларни сотиш бўйича аналитик счётлар ҳар бир маҳсулотнинг турига, навига, қараб очилади. Аналитик счётларни олганда фермер хўжаликларда шарт-шароитида кўрсатилган шартларни акс эттирувчи кўп хонали регистрларида аниқ мақсадга мувофиқ бўлади.

Фермер хўжаликлари ва хусусий бизнес корхоналарида ишлаб чиқаришни бошқариш билан боғлиқ харажатлар счёт № 2510, - «Умумишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби» счётида кўрсатилади. Бу счёт балансга нисбатан актив бўлиб, дебет томонида ҳисобот давридаги харажатлар, кредит томонида эса бу харажатларнинг экин, чорва моллари тури, ишлаб чиқариш тармоқларига тақсимланиб қопланиши кўрсатилади. Счётда қолдиқ қолмайди. Бундай харажатларга ишлаб чиқариш билан банд бўлган мутахассислар иш ҳақи, уларга хизмат

қилувчи транспорт ва бинолар каби харажатлар, цех, бўлим бошлиқлари ҳам шулар жумласига киради. Бу счёт ҳисоб-китоблари журнал ордер № 10 да экин тури, чорва мол тури, цех ва бўлимлар бўйича аналитик счётлар очилади,

Тақсимлашга асослар: умумий харажатлар, тармоқдаги меҳнат ҳақи, шу кабиларга мутаносиб равишда тақсимланади.

Счёт № 2510, - «Умумишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби» счётининг корреспонденцияси:

№	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётлар алоқаси	
		Дт	Кт
1	Соҳада ишлаган асосий восита ва номоддий активлар эскириши	2510	0210-0290 0510-0590
2	Материаллар сарфланса	2510	1000, 1510, 1610
3	Ёрдамчи тармоқлар ва пудрат ташкилотлари хизмат қилса	2510	2300, 6000
4	Иш ҳақи ҳисобланса	2510	6710
5	Суғурта тўловлари ҳисобланса	2510	6510, 6520
6	Бу харажатлар калькуляция объектларига тақсимланса	2010, 2300, 2810, 3110	2510

Ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини калькуляция қилиш

Режа:

1.Бозор иқтисодиёти шароитида фермер хўжаликларида, кичик ва хусусий бизнес корхоналарида ишлаб чиқариш харажатлари ташкил қилиш асослари ва бухгалтерия ҳисобининг вазифалари .

2.Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган харажатлар таркиби тўғри харажатларнинг синтетик ва аналитик ҳисоби .

3.Молиявий фаолият бўйича харажатлар ва фавкулотда зарарлар ва уларнин маҳсулот таннархларига утказиш харажатларнинг ҳисоби.

4.Ишлаб чиқариш тармоқлари ҳисобининг тавсифда ҳисобнинг вазифалари.

5.Маҳсулот таннархини калькуляция қилиш ҳисобини ташкил қилиш асослари .

6.Ҳисобнинг вазифалари ва харажатларни ҳисобга олиш ва калькуляция қилиш методлари.

1. Бозор иқтисодиёти шароитида фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш харажатларининг ҳисобини ташкил қилиш ва ҳисобини вазифалари.

Бозор иқтисодиёти шароитида фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш харажатларида аниқ ўз вақтида ҳисобга олиб бориш катта аҳамиятга эга бўлиб, фермер хўжаликларнинг кичик ва хусусий бизнес корхоналарининг иқтисодий самаралдорлигини оширишда мавжуд ресурслардан умумий фойдаланишда, ҳамда фермер хўжаликнинг молиявий ҳолатини яхшилашда энг муҳим воситалар ҳисобланади .

Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиб боришда фермер хўжаликларида Республикамизда яратилган қонуний базаларни барча талабларини тўлик бажариш зарур бўлади. Агарда бажармаса фермер хўжаликларининг мутахассис ходимларига кўриладиган чора тадбирларга амалдаги қонунларга мувофиқ, маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилади.

Бухгалтерия ҳисобининг олдида ишлаб чиқаришни тасаввур қилиш вазифаси туради. Бундай тасаввур қуйидагиларни ўз ичига олади .

А) Фаолият турлари бўйича: яъни а) асосий фаолият; б) давр харажатлари ва даромадлари; в) молиявий фаолият; г) фавқулотда фаолиятлардир.

Б) Ишлаб чикриш харажатлари маҳсулдотларнинг таннархига киритилиши нуқтаи назаридан 2 га бўлинади .

1. Билвосита харажатлар .

2. Бевосита харажатлар, яъни тўғридан тўғри харажатлар .

В) Бухгалтерия учётидан унинг таркибий қисми бўлган бошқарув ҳисоби талабларига мувофиқ бошланғич учёт элементлари аниқ фойдаланиши лозим.

1.Ишлаб чиқариш харажатларини амалга ошириш тўғрисидаги ҳужжатларни ўз вақтида ҳақиқий тўлик расимйлаштириш лозим.

2.Хар бир ишлаб чиқариш бўлимида раҳбарнинг харажатлар ва маҳсулот чиқариш дафтарида акс эттирилиб борилиши лозим.

3.Амалдаги меъёрий ҳужжатларга мувофиқ ҳар бир ишлаб чиқариш бўлинимасининг мутасадди ходимлари томонидан белгиланган муддатларида фермер бухгалтерия ҳисоботлар топширилиши таъминланиши лозим .

4.Бухгалтерия учётида ишлаб чиқариш ҳужжатлари бухгалтерия ҳисо-бининг стандартлар талабларига, низом талабига ва молия, статистика органларига топшириладиган ҳисоботларидаги кўрсатгичларига талабларига иқтисодий самарадорлигининг таъминлаш мақсадида берилган режа, технология режаларига риоя қилган ҳолда бухгалтерия учётлари ҳисобга олиниши лозим .

Маҳсулот иш ва хизматларни ишлаб чиқариш харажатлари ва таннархига киритиладиган харажалар таркиби, тўғри харажатларнинг синтетик ва аналитик ҳисоби

Ишлаб чиқариш харажатларининг таркибига киритиладиган тўғридан тўғри харажатлар юкоридаги кўрсатилиб ўтилган низомга мувофиқ қуйидаги 5 та модда бўйича ҳисобга олиб борилиши Ўзбекистон Республика Вазирлиги Маҳамасининг 5.2.199 йили № 54 сонли ва ундан кейинги айрим ўзгартиришлар киритилган қарорлари билан тасдиқланган. Улар қуйидагилардан иборат:

1.Материал ва хом ашёлар сарфи.

2.Меҳнат сарфи ва унга тулланган ҳақ.

3.Меҳнат ҳақига нисбатан мужбурий тўлов ажратмалари.

4.Бажарилган иш ва хизматлапр, асосий ишлаб чиқариш воситаларини ишлатиш бўйича харажатлар қисмига киритилган харажатлар ҳам қўшилиб

5.Бошқа харажатлар.

Мана шунда тартибда корхонанинг барча фаолиятлари бўйича қилинаётган харажатлар ва иш хизматларнинг харажатлари киритилиб борилади.

Тўғридан-тўғри киритиладиган харажатлар бухгалтерия ҳисобида харажат счётларининг дебет томонидан тегишли счётлар кредитланиб олиб борилади.

Амалда, фермер хўжаликларда қўлланаётган ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг таркибига киритиладиган харажатлар моддалари бироз бошқача ҳам бўлиши мумкин, бунда молиявий ҳисобот талабларига мос булиши кўзда тутилади.

Бундай ишлар бўйича моддалари ўсимчиликда 12та чорвачиликда эса низомдаги харажат моддалари 13 та қилиб кўрсатилган. Демак ҳисобот, низом ва харажатлар моддалари билан ҳисоботлар ўртасида номутаносиблик мавжуд. Бу эса ўз навбатида ҳисоботларнинг ноаниқлигига бухгалтерия ходимларининг, ходимлар меҳнатини чалкашликларига ва ишлар ҳажмининг ошишига, шунингдек молиявий ва ижтимоий, иш молиявий тушумларининг мураккаблашишига олиб келади.

Молиявий фаолият бўйича харажатлар ва фавқулодда зарарлар

Юқорида номи кўрсатиб ўтилган низомга мувофиқ молиявий фаолиятга қилинган харажатлар ҳам амалиётда ва ҳисоботда ўша 5 хил модда асосида олиб борилади. Молиявий фаолият деганда фермер хўжаликларнинг қуйидаги ишлари учун қилинган харажатлар тушунилади.

1. Қимматли қоғозлар; акция, облигация, дипозит ва бошқалар.
2. Лизинг ва бошқа молиявий фаолиятлардаги ишларга қилинган харажатлар.
3. Узоқ муддатли инвестицияга боғлиқ бўлган харажатлар.
4. Қисқа муддатли инвестицияга боғлиқ бўлган харажатлар.

Бундай харажатлар бўйича ҳар бир харажатнинг ҳажми аниқланади ва уларнинг номинал қийматига кирмайди, балки уларни сотиш натижасида даромад ҳисобидаги нархланади .

Молиявий фаолият бўйича харажатлар ва олинган даромад Молия Вазирлиги томонидан тасдиқланган. Ҳисобот шакл № 2 молиявий натижаларнинг 3 қисмида алоҳида кўрсатилади.

4. Фавқулотда фаолият корхоналарда кўпроқ баъзи иқтисодий шароитда амалга оширилади. Бундай иқтисодиётимизнинг таркибий қисми ҳисобланган суғурта компаниялари билан бўладиган шартномаларга мувофиқ фавқулотда юз берадиган ходисаларнинг юз бериши натижасида юз берадиган иқтисодий зарарлар ва уларнинг қопланиши ҳисобга олиб борилади. Мамалакатимизда суғурта компанияларидан 36 та бўлиб улар рақобатлар кураши асосида фаолият кўрсатадилар. Шуни алоҳида қайд қилиш лозимки фавқулотда лозим бўлган ҳодиса суғурта бўйича суғурта органларига тўловлар акс эттирилади .

Ишлаб чиқариш ҳужжатларини ҳисобга олиб боришда амалдаги меъёрий ҳужжатларга мувофиқ бошқарув ҳисобини ташкил қилиш шакиллари ва унга ишлатиладиган материаллар тасдиқланган счётлар режасига ҳамда корхона ички меъёрий ҳужжат ҳисобланган корхонанинг Ўзбекистон Республика бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти ЎзРБҲМС № 21 талабларига мос равишда ташкил қилиш корхонанинг ўзига юклатилган ва шундай ҳукуқ берилган. Худди шандай тартибда зарур бўлган хўжалик ҳисоботининг 2 тури:

а)Оператив-техника учёти;

б)Ситатистика учётларининг ташкил қилинган корхонанинг ихтисослаштиришда ва бизнес режани ривожлантириш мақсадида келиб чиқиб ташкил қилинади.

Бугунги кунда, энг долзарб масала моддий ресурслардан унумли фойдаланишни назарда тутиб бўлган ҳисобини тезкорлиги ошириш вазифаси тўғрисида фиркр юритиши ва бошқарув ҳисоб талаблари асосида амалга оширишга тўғри келади.

Фермер хўжалик доираси барча ишлаб чиқариш бўлинмалари, сув таъминоти ва бошқа таъминот хизмати кўрсатувчи томонларнинг моддий рағбатлантирилиши амалдаги қоидалдарга мувофиқ шартнома муносабатлари асосида амалга ошириш лозим

Фермер хўжалик кичик ва хусусий бизнес корхоналарида амал қилаётган ҳужжатлар айланиш режасига мувофиқ мансабдор ва ҳисобдор шахсларни ўз вақтида аниқ расмийлаштирилган ҳужжатларни олиш.

Фермер хўжалигида кичик ва хусусий бизнес корхоналарида тизимни технология шароитлари акс эттирилган ишлар бўйича ҳар бир акт ҳисоботлар олинган даврда таққослаб таҳлил қилиш.

Ишлаб чиқариш шароитларини бухгалтерия ҳисоботларида акс эттириш.

Бухгалтерия устида ишлаб чиқариш харажатларининг журнал-ордер № 10 ҳисобга олиб борилади.

Аналитик счёти 2 хил тартибда очилиши мумкин.

1. Ҳар бир этап турига, чорвачилик ва молининг, ишлаб чиқариш турига ва ишлаб чиқариш булинмасига очилади.

2. Аналитик счёти технологик жараёнларни назоратини кучайтирилган бизне-режада кўрсатилган игшларни турларга ва ишлаб чиқариш бўлинмасига очилиши мумкин

Мазкур счётлар балансга нисбатан актив бўлиб, унинг дебет томонидан бошланғич қолдиқ-тугалланмаган ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобот даврида қилинган харажатлар ва шунингдек ҳисобот даврининг охирида қолдиқ ҳисобланади.

Счёт кредит томонида эса олинган тайёр маҳсулотлар қўшимча маҳсулотлар ҳамда мақсадга мувофиқ фойдаланадиган киримлар кўрсатилади.

Ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ хизмат кўрсатувчи тармоқлари, ишлаб чиқариш жараёнида ходимларга шарт-шароитлар яратиш билан боғлиқ харажатларни ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади, шу сабабли амалдаги счётлар режасидаги счёт № 2000, - «Асосий ишлаб чиқаришларни ҳисобга олиш счёти», унинг таркибида субсчёт № 2010, - «Асосий ишлаб чиқаришлар», счёт № 2100, - «Ўзи ишлаб чиқарган ярим тайёр маҳсулотлар», бош счёт № 2300, - «Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар ҳисоби», унинг таркибидаги субсчёт № 2310, - «Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар», синтетик счёт № 2600, - «Ишлаб чиқаришдаги яроқсиз маҳсулотлар ҳисоби», счёт №2700, - «Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар ҳисоби», таркибидаги субсчёт № 2710, - «Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар», счёт № 3100, - «Келгуси давр харажатлар ҳисоби», унинг таркибидаги счёт № 3110, - «Олдиндан тўланган ижара ҳақи», счёт № 3120, - «Олдиндан тўланган хизмат ҳақлари», счёт № 3190, - «Бошқа келгуси давр харажатлари», шунингдек синтетик счёт № 3200, - «Муддати узайтирилган харажатлар ҳисоби счёти», унинг таркибидаги субсчёт № 3210, - «Вақтинчалик фарқлар бўйича муддати узайтирилган даромат (фойда) солиғи», субсчёт № 3220, - «Дисконт (чегирма)лар бўйича муддати узайтирилган харажатлар», счёт № 3290, - «Бошқа муддати узайтирилган харажатлар» счётларини ўрганиб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади. Кўрсатиб ўтилган бош ва субсчётлар актив счётларга мансуб бўлиб, уларнинг дебет томонида тугалланмаган харажатларнинг ҳисобот даврининг бошига қолдиқ, ҳисобот даврида қилинган харажатлар ҳамда ҳисобот даврининг охирига хотима қолдиғи кўрсатилади. Кредит томонидан эса ишлаб чиқаришдан кирим қилинган барча маҳсулот, бажарган иш, хизматлар, шунингдек харажатларнинг вақтлар ва технология

жиҳатидан қопланиши кўрсатилади. Корхона балансида қолдиқлар ҳам бўлиши мумкин. Мазкур счётлар ҳисобини юритиш ЎзР БҲМС – 1, 4, 8, 10, 11, 16, 19 талабларига мувофиқ равишда журнал-ордер № 10да олиб борилади.

Счёт № 2000, - «Асосий ишлаб чиқариш ҳисоби *счётлари» нинг* корреспонденцияси

№	Ёзувларининг мазмуни	счётлар алоқаси	
		дебет	кредит
1	2	3	4
1	Асосий воситалар эскириши ҳисобланса	2000, 2010	0211-02999
2	Номоддий активлар эскириш ҳисобланса	2010	0510-0590
3	Моддий товар бойликлар, материаллар сарфланса	2010	1010-1090
4	Чорва моллари сўйишга юборилса	2010	1110, 1120
5	Ишлаб чиқариш заҳираларининг тайёрлаш сарфлари бўйича баҳосидан четланишлар	2010	1610
6	Ярим фабрикатлар сарфланса	2010	2110
7	Ёрдамчи тармоқ бўлинмалар хизматига	2010	2310
8	Умум ишлаб чиқариш харажатлари сарфланса	2010	2510
9	Брак тузатишга харажат қилинса	2010	2610
10	Келгувси давр харажатлари тақсимланса	2010	3110-3190
11	Пудратчи ташкилотлар хизмат кўрсатса	2010	6010
12	Қаноатлантирилмаган даъволар харажатга чиқарилса	2010	4860
13	Суғурта харажатлари ёзилса	2010	6510
14	Давлатни мақсадли фондларига ажратмалар харажатга чикарилса	2010	6520
15	Меҳнат сарфига, меҳнат ҳақи ҳисобланса	2010	6710
16	Ҳисобдор шахслар харажати киритилса	2010	4220-4290, 6970, 6990
17	Қарам корхоналар хизмат кўрсатса	2010	6110-6120
18	Инвентаризацияда ошиқ чиққан харажатлар кирим қилинса	2010	9390
19	Ишлаб чиқариш қайта баҳоланса:		
	а) қўшимча баҳоланса	2010	6230
	б) баҳоси камайтирилса	3290	2010
20	Ишлаб чиқаришда брак маҳсулотлар	2610	2010

1	2	3	4
21	Ишлаб чиқаришдан маҳсулотлар кирим қилинса	2810	2010
22	Сотилга маҳсулот таннархи харажатга олиб борилса	9110	2010
23	Калкуляция фарқи сотилган маҳсулотлар	9130	2010
24	Камомад аниқланса	5910	2010

Ўзида ишлаб чикарилган ярим фабрикатлар, счёт № 2100, - «Ярим фабрикатларни ҳисобга олувчи» счётда акс эттирилиб унинг корреспонденцияси қуйидагича

№	Ёзувларининг мазмуни	счётлар алоқаси	
		дебет	кредит
1	Ярим фабрикатлар кирим қилинса	2110	2010, 2310
2	Ортиқ чиққан ярим фабрикатлар кирим қилинса	2110	9390
3	Ярим фабрикатлар қарам корхоналардан олинса	2110	6110
4	Ярим фабрикатлар қайта баҳоланса: а) қўшимча баҳо суммасига б) баҳоси пасайтирилса	 2110 3290	 6230 2110
5	Ярим фабрикатлар ишлаб чиқаришга берилса	2010, 2310	2110
6	Ярим фабрикатлар тайер маҳсулот сифатида сотилса	2810	2110
7	Ярим фабрикатлар сотилган бўлиб, уларнинг таннархига	9110	2110
8	Ярим фабрикатлар бепул берилса	9430	2110
9	Табиий ходисалар натижасида зарарга олиб борилса	9720	2110
10	Ярим фабрикатлардан камомат аниқланса	5910	2110

Мазкур счётларнинг аналитик счётлари, уларнинг турларига, навларига, сақланиш жойларига қараб журнал-ордер 10 да олиб борилади.

Счёт № 2300, - «Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар» счётининг Корреспонденцияси

№	Ёзувларнинг мазмуни	Счётлар алоқаси	
		дебет	кредит
1	Асосий воситаларнинг эскиришига	2310	0210-0299
2	Номоддий активларга эскириш ҳисобланса	2310	0510-0590
3	Моддий-товар бойликлар сарфланса	2310	1010-1090
4	Моддий-товар бойликларни тайёрлаш, сақлаш харажатларига	2310	1610
5	Умум ишлаб чиқариш харажатлари тақсимланса	2310	2510
6	Бу тармоқларда тугалланмаган ишлаб чиқаришлар қайта баҳоланса:		
	А) қўшимча баҳоланса;	2310	6230
	Б) баҳоси камайса;	3290	2310
7	Суғурта харажатлари акс эттирилса	2310	6510
8	Меҳнат ҳақи ҳисобланса	2310	6710
9	Меҳнат ҳақига нисбатан ажратмалар ҳисобланса	2310	6520
10	Ёрдамчи тармоқлар хизмати ишлаб чиқариш, капитал қўйилмаларга қилинса	2010 2310 2510 2610 2710, 9100 9210-9220	2310
11	Ёрдамчи ишлаб чиқаришдан маҳсулотлар кирим қилинса	2810	2310
12	Унга кўрсатилган хизматларга	9410	2310
13	Табиий ходисалар бўйича, уларнинг харажатга чиқарилса	9720	2310
14	Камомадлар аниқланса	5910	2310

Бу счётнинг аналитик счётлари ҳар бир ёрдамчи тармоқ, цехга алоҳида-алоҳида журнал ордер № 10 да очилади.

Ишлаб чиқаришда йўл қўйилган браклар ҳисоби Счёт №2600: «Брак маҳсулотлар ҳисоби» счётида олиб борилади, унинг корреспонденцияси қуйидагича:

№	Ёзувларнинг мазмуни	Счётлар алоқаси	
		дебет	кредит
1	Бракни тузатиш учун материаллар сарфланса	2610	1010-1090
2	Браклар ишлаб чиқариш ва ёрдамчи тармоқлардан кирим қилинса	2610	2010,2310
3	Браклар ярим фабрикат сифатида қабул қилинса	2110	2610
4	Бракли тузатишлар иш ҳақи ва ажратмалар ҳисобланса	2610	6510, 6710
5	Брак қилинган маҳсулотлар материаллар сифатида кирим қилинса	1010-1090	2610
6	Қайта ишлашга берилса	2010,2310	2610
7	Брак учун жавобгар шахслар зиммасига		
8	олиб борилса	4730	2610
	Брак харажатлари зарарга чиқарилса	9430	2610

Аналитик счётлари браклар турларига очилади.

Ходимларга шарт-шароитларни яратиш билан боғлиқ харажатлар

Счёт № 2700, - «Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар ҳисоби счётида олиб борилади.

Счётнинг корреспонденцияси қуйидагича:

№	Ёзувларнинг мазмуни	Счётлар алоқаси	
		дебет	кредит
1	Фойдаланилган асосий воситаларга эскириш ҳисобланди	2710	0210, 0299
2	Меҳнат ҳақи ҳисобланди	2710	6710
3	Номоддий активлар учун эскириш ҳисобланса	2710	0510, 0590
4	Агарда хизмат кўрсатувчи тармоқларга ёрдамчи тармоқлар хизмат кўрсатса	2710	2310
5	Кўрсатилган хизматлар бошқарувлар ва сотиш харажатларига тақсимланди, давр харажатларга ўтказилса	9410, 9420, 9430	2710
6	Хизмат кўрсатувчи тармоққа материаллар сарфланса	2710	1010-1090
7	Хизмат кўрсатувчи тармоқларда тугалланмаган харажатни қайта баҳолаш:		
	А) қўшимча баҳоланса:	2710	6230
	Б) баҳоси камайтирилса;	3290	2710

8	Хизмат кўрсатувчи тармоқ харажатларига келгувчи давр харажатлари тақсимланса	2710	3110, 3190
9	Тайёр маҳсулотлар сарфланса	2710	2810
10	Пудрат корхоналари хизмат кўрсатганда	2710	6010
11	Суғурта харажати ёзилса	2710	6510, 6520
12	Инвентаризацияда тугалланмаган ишлаб чиқариш ортиқча чиқса ва киримга олинса	2710	9390
13	Хизмат кўрсатувчи тармоқ хизматлари капитал сарф ва ишлаб чиқаришга олиб борилса	0810-0890 2010-2310	2710
14	Бу тармоқлардан материаллар олинса	1010-1090	2710
15	Хизмат кўрсатувчи тармоқ харажатлари келгувси давр харажатларига олиб борилса	3110-3190	2710
16	Тайёр маҳсулот олинса ва кирим қилинса	2810	2710
17	Хизмат кўрсатувчи тармоқлар харажати сотиш ва хизмат кўрсатиш соҳасига олиб борилса	9410	2710
18	Кўрсатилган хизматлари сотилган бўлса, уларнинг таннархи ёзилса	9110-9130	2710
19	Табиий офат натижасида бу тармоқлар зарари харажатга чиқарилса	9430, 9720	2710

Кичик ва хусусий бизнес корхоналар ҳамда фермер хўжаликларида келгуси давр харажатларига, ҳисобот даврида амалга оширилган харажатлар синтетик счёт № 3100, - «Келгуси давр харажатларида» ҳисобга олиб борилади, унинг таркибида қуйидаги субсчётлар бор; жумладан: субсчёт № 3110, - «Олдиндан тўланган тўлов»; субсчёт № 3120, - «Хизматлар учун олдиндан тўлов», субсчёт № 3190, - «Бошқа олдиндан тўлов»ларда ҳисобга олиб борилади.

Бу счётнинг корреспонденцияси қуйидагича:

№	Ёзувларнинг мазмуни	Счётлар алоқаси	
		дебет	кредит
1	Келгуси давр харажатлари ҳисобига материал ва тайёр маҳсулотлар сарфланса	3190	1010-1090 2810
2	Келгуси давр харажатлар хизмат кўрсатилса	3190	2310
3	Келгуси давр харажатларига умумишлаб чиқариш харажатлари тақсимланса	3190	2510
4	Келгуси давр харажатларига пудрат ташкилотлари кўрсатилса	3190	6010
5	Обуна харажатлари ёзилса	3120	5110
6	Хизмат кўрсатувчи тармоқларга счёт ва шартномага мувофик тўлов амалга оширилса	3190	Харажат-счётлар
7	Келгуси давр харажатлари, ҳисоботда даромадга келтирилса	Харажат-счётлар	3110-3190

Мазкур счётнинг аналитик счётлари ҳар бир турига очилади.

Кичик ва хусусий бизнес корхоналарида ва фермер хўжаликларида тўланадиган солиқлар, вақтлар бўйича фарқлар счёт № 3200, - «Муддати узайтирилган харажатлар ҳисоби» счётида олиб борилади, унинг таркибида қуйидаги субсчётлар юритилади:

субсчёт № 3210, - Вақтинчалик фарқлар ўртасида муддати узайтирилган даромад (фойда) солиғи», субсчёт № 3220, - «Дисконт (чегирма)лар бўйича муддати узайтирилган харажатлар» ва субсчёт № 3290, - «Бошқа муддати узайтирилган харажатлар»да олиб борилади.

Бу счётнинг корреспонденцияси қуйидагича:

№	Ёзувларнинг мазмуни	Счётлар алоқаси	
		дебет	кредит
1	Жорий даврда ҳисобланган солиқ, даромад (фойда) солиғи муддати узайтирса	3210	6410
2	Агарда узоқ муддатда тўлашга мўлжалланган солиқ, жорий тўловга кўчирилса	3210	0950
3	Ҳисобот даврида солиқларни бюджетга тўлов бўйича кечиктирилган, ўтган йилги бўлса	6410	3210
4	Чегирма билан облигация олинса	3220	7830, 6830
5	Чегирма (облигация) бўйича харажатга чиқарилса	9610	3220
6	Бошқа муддати узайтирилган чиқимлар харажатга чиқарилса	3290	Мажбурият-лар счётлари
7	Муддати кечиктирилган чиқимлар тегишли харажатларга тайинланган счётларда олиб борилса	Харажат счётлар	3290

Аналитик счётлар узайтирилган харажатларнинг турлари бўйича олиб борилади.

Ушбу дарслик муаллифларидан бири илмий-тадқиқотчи F.Санаев томонидан қишлоқ хўжалик корхоналарида сут-гўшт йўналиши соҳасида олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари 2005 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг чорвачиликни ривожлантириш тўғрисидаги қарорларига уйғунлашиб кетди. Тадқиқотчининг фикрига кўра сут-гўшт ишлаб чиқаришга ихтисослашган фермер хўжаликларида счёт № 2020, - «Асосий ишлаб чиқариш» счётида «Асосий пода» субсчётида харажатларга сигирлар, насллик буқалар, ғунажинлар ҳамда

20 кунлик бузоқлар харажатлари киритиб келинади, бу иқтисодий тўғри ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти шароитида хўжаликда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар бир бирлиги таннархини бозор конъюктураси талабларига мувофиқ *аниқлаш юқори* самарага эришиш воситаси ҳисобланади.

Олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларининг натижасига мувофиқ сут, бузоқ танархини кун талабига жавоб берадиган, йил давомидаги жами харажатлардан қўшимча маҳсулот қиймати айириб ташланиб, бир центнер сут – 1,0, бир бош бузоққа – 10,0-10,5 коэффициентлар белгилаш мақсадга мувофиқ бўлади деб ўйлаймиз. Харажатлар таркиби, вақт, меҳнат сарфи, боқув кунлар салмоғига қараб қилинган бу хулоса бозорларда шу бугунги бозор иқтисодиётининг объектив қонунлари ҳамда конъюктураси шароитида вужудга келган уларни сотиш баҳолари билан таққослаганда нисбий мутаносиблиги исботланди.

Бугунги кунда республикамизда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари таннарх объектлари бўйича услубият ҳамда услуб ишлаб чиқирилмаган. Ҳозирги фермер хўжаликлари фойдаланиб келаётган эски, режали-тақсимот давридаги услублар бугунги бозор иқтисодиёти тизими талабига мутлақо жавоб бермайди деган фикрдамиз.

Ўз-ўзини текшириш саволлари:

1. Ишлаб чиқариш харажатларининг иқтисодий мазмуни, уларни учётга олишдаги вазифалар .
2. Ёрдамчи тармоқ харажатларининг учёти.
3. Маҳсулот ва ишларда бракка йўл қўйилган харажатлар учёти.
4. Хизмат кўрсатувчи соҳалар харажатлар учёти.
5. Келгуси давр харажатлари учёти.
6. Муддати узайтирилган чиқимлар учёти.

Фермер хўжаликларда маҳсулотларни сотиш операцияларининг ҳисоби

Режа:

1. Сотиш операциялари учётининг иқтисодий моҳияти ва бухгалтерия олдида турган вазифалари.
2. Маҳсулот сотиш учётининг ҳужжатларда расмийлаштириш маҳсулот сотишдан олинган даромадлар ҳисоби.
3. Харидорлар, буюртмачилар билан товарлар ва маҳсулот сотиш бўйича ҳисобланиши.
4. Маҳсулотларни сотиш бўйича хўжалик жараёнларни бухгалтерия счётларида акс эттириш.
5. Сотишдан молиявий натижаларни ва счёт регистларида ҳисобга олиб бориш.

Бозор иқтисодиёти шароитида реализация жараёни барча хўжалик жараёнларининг таркибий қисми ҳисобланиб унда фермер хўжалигининг 1 йиллик ишлаб чиқариш цикли давомида барча фаолиятларининг якуни ўз аксини топади. Сотиш жараёнида корхонанинг сарфланиши, аввало натижасининг қайта ва барча фаолиятларининг молиявий натижаси, ишлаб чиқариш циклининг тугалланиши ҳамда янги ишлаб чиқариш цикли учун имконият яратилаётганлиги ва унинг иқтисодий моҳиятини ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикасида хўжалик юритиш унинг таркибий қисми бўлган тайёр маҳсулотларни реализация қилиш бўйича барча қонуний ва меёрий ҳужжатлар базаси яратилган, жумладан сотиш операциялари бўйича иқтисодиётни эркинлаштириш жараёни шиддат билан талбик қилинмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг кичик ва ўрта ҳамда фермер хўжаликларини ташкил этиш қарорлари қабул қилинган ва амалга оширилмоқда. Сотиш операцияларини ҳисобга олиб борилмоқда. Фермер хўжаликларининг бухгалтерия учётининг олидида қуйидаги вазифалар туради:

1. Ҳар бир фермер – хўжалик, ўзининг барча маҳсулотлар турлари, ассортиментлари бўйича аввало давлат буюртмаси миқдорида ишлаб чиқаришлари зарур бўлади.

2.Сотилаётган маҳсулотларнинг тайёрлов ташкилотларга, буюртмачиларга, харидорларга сотилиши асосида олдиндан тўловларнинг амалга оширилишини назорат қилиш керак бўлади.

3. Жўнатилаётган маҳсулотларни жаҳон стандартлари ва давлат стандартларига мувофиқ ривожлантиришда статусга эга бўлган ҳужжатларда ўз вақтида акс эттирилишини таъминлаш лозим.

4. Маҳсулот сотиш бўйича мутасадди шахслардан фермер хўжаликларда белгиланган бухгалтерия стандарти 1 ва ҳужжатлар айланиш режасига мувофиқ ўз вақтида ҳисоботларни қабул қилиб, уларни қайта ишлаш ва тегишли счётларда, уларга тайинланган регистрацияда аниқ акс эттириш вазифаси.

5. Бухгалтерия регистрларида олиб борилаган барча ахборот маълумотларни «Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунга мос равишда молиявий ҳисоботларда аниқ акс эттириш вазифаси туради. Бу ўз вақтида эътироз билдириш, сотилган маҳсулот қийматининг тўла тушушини таъминлайди.

Фермер хўжаликларида сотиладиган маҳсулотлар бўйича расмийлаштириладиган ҳужжатлар қуйидагилардан иборат:

1. Конкрет харидорлар билан бўладиган шартномаларни ўз вақтида расмийлаштириш шароитларида олдиндан тўлов миқдорини белгилаб, уни тўлов талабномаси ёки тўлов топшириғи асосида келишини таъминлаш лозим.

2. Сотилган маҳсулотлар учун тайёрлов ташкилотларнинг маҳсулотни қабул қилиш миқдори квитанцияларнинг ўз вақтида расмийлаштирилиши ва бухгалтерияда қабул қилинишини таъминлаш. Даромадлар эса сотилган маҳсулотлар учун тайёрлов ташкилотлар шартларида келтирилган 5-15 кун ичида пулнинг тушуши таъминланиши лозим.

Маҳсулот сотиш бўйича хўжалик операцияларини бухгалтерия счётларида қуйидаги тартибда амалга оширилади:

1. Сотиш операциялари бухгалтерия счётларининг счётлар № 9000, - «Асосий (операцион) фаолиятдан олинган даромадлар ҳисоби счётлари» ва унинг таркибидаги: субсчёт № 9010, - «Маҳсулот сотишдан олинган дароматлар», субсчёт № 9020, - «Товарларни сотишдан олинган даромадлар», субсчёт № 9030, - «Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларни сотишдан олинган даромадлар», субсчёт № 9040, - «Сотилган товарларнинг қайтарилиши», ниҳоят субсчёт № 9050, - «Харидорлар буюртмачиларга берилган чегирмалар» бўлиб, бу счётлар контр пассив счёт бўлиб, мазкур барча дебет томонида тўпланган харажатлар 100 % миқдорда кредитланиб, счёт № 9100, - «Сотилган маҳсулотлар (иш хизмат)лар» таннархи синтетик счётнинг дебетига кўчирилади. Сўнгра эса корхона балансига нисбатан тақкословчи синтетик счёт № 9100, - «Сотилган маҳсулот (иш, хизмат)лар таннархи ҳисоби счёти»нинг таркибидаги субсчётлар: № 9110, - «Сотилган маҳсулотлар таннархи», № 9120, - «Сотилган товарлар таннархи», субсчёт № 9130, - «Бажарилган иш ва хизматларнинг таннархи», № 9140, - «Даврий ҳисоб» юритган ҳолда

ТМЗ ларни (товар моддий заҳиралар) сотиб олиш (харид қилиш), ниҳоят № 9140, - «Даврий юритилган ҳолда ТМЗ лар бўйича тўзатиш» субсчётларининг дебет томонига ўтказилади.

Счёт № 9000, - «Асосий (операцион) фаолиятдан олинган даромадлар ҳисоби счётлари»

№	Ёзувларнинг мазмуни, айрим ҳужжатлар номи	Счётлар алоқаси	
		дебет	кредит
1	Харидор, буюртмачи ва сотиб олувчилар шартнома, счёт-фактурага мувофиқ	4010 4020	9010, 9020 9030
2	Сотилган товар, маҳсулот ва хизмат ишлар учун пул тушуми	5010, 5020 5110, 5120	9010, 9020, 9030
3	Дивиденд тайёр маҳсулот билан ҳисоб-китоб қилинса	6610	9010, 9020 9030
4	Қарам корхоналарга маҳсулот ва хизматлар сотилса	4120	9010, 9020 9030
5	*Товар ва маҳсулотлар қайтарилса*	*9040*	*4010*
6	Ҳисобот даври охирида харидор ва сотиб олувчиларга чегирма қилинса	9010 9020, 9030	 9050
7	Сотиш счёти ҳисобот даврининг охирида ёпилса	9010, 9020 9030	9910

Амалдаги счётлар режасига мувофиқ, сотилган маҳсулот, иш ва хизматлар таннархи счёт № 9100, - «Сотилган маҳсулот (иш, хизмат)лар таннархи ҳисоби» счётида, унинг таркибидаги субсчёт № 9110, - «Сотилган маҳсулотлар таннархи», субсчёт 9120, - «Сотилган товарлар таннархи»,

№ 9130, - «Бажарилган иш ва хизматлар таннархи», № 9140, - «Даврий ҳисоб юритган ҳолда ТМЗ ларни таннархи», № 9150, - «Даврий ҳисоб юритган ҳолда ТМЗ лар бўйича тўзатиш» субсчётларида юритилади.

Бу субсчётлар балансга нисбатан транзит счёт бўлиб, ҳисобот даврининг охирида қолдиқ қолмайди.

Аналитик счётларни маҳсулот, товар, иш ва хизматларнинг турларига, навларига очилади. Фикримизча шартнома шартларининг кўплигини эътиборга олиб исталган вақтда зарур маълумотларни олиш учун журнал-ордер № 10 да ёки кўпхонали дафтарларда олиб боришни тавсия қилган бўлар эдик.

Счёт № 9100, - «Сотилган маҳсулот (иш, хизмат)лар» счётининг корреспонденцияси

№	Ёзувларнинг мазмуни ва айрим зарур ҳужжатлар	счётлар алоқаси	
		дебет	кредит
1	Сотилган маҳсулот ва ишлар таннархи	9110	2810-2830
2	Хўжаликдан чиққан хайвонлар таннархи	9110	1110, 1120
3	Сотилган товар таннархи	9110	2910-2990
4	Сотилган маҳсулот (иш, хизмат)лар таннарх фарқ суммаларига (қўшимча ёки «қизил сторно»)	9130	2010, 2310 2710
5	Ҳисобот давринининг охирида ёпилишига: а) фойда б) зарар	9110, 9120, 9130, 9140, 9150 9910	9910 9110, 9120, 9130, 9140, 9150

Булардан ташқари хўжаликда асосий воситалар ва бошқа активларни сотиш хўжалик операциялари синтетик счёт № 9200, - «Асосий воситалар ва бошқа активлар сотилиши ва турли чиқимлар ҳисоби» счётида олиб борилади. Бу счёт транзит бўлиб, унинг таркибида қуйидаги счётлар: № 9210, - «Асосий воситаларнинг сотилиши ва турли чиқими», субсчёт № 9220, - «Бошқа активларнинг сотилиши ва турли чиқими» счётида олиб борилади Аналитик счётлар уларнинг турларига очилади.

Счёт № 9200, - «Асосий воситалар ва бошқа активларнинг сотилиши ва турли чиқимлар ҳисоби « счётининг корреспоидеицияси

№	Ёзувларнинг мазмуни	Счётлар алоқаси	
		дебет	кредит
1	2	3	4
1	Асосий воситалар шартномага мувофиқ сотилса	9210	0110-0190
2	Ишлатилган асосий воситалар сотилса ва эскириш суммаси чиқарилса	0210-0290	9210
3	Хизмат ва ишлар сотиш жараёнига иш бажарса	9210-9250	2310-2340
4	Асосий воситалар хўжаликдан чиқишида ишлаган ходимларга меҳнат ҳақи	9210-9250	6710

1	2	3	4
5	Ип хақига нисбатан мақсадли фонд ва суғурта чиқимларига	9210-9250	6510, 6520
6	Тугатишдан материал қирим қилинса	1010-1090	9210
7	Асосий воситалар ва бошқа активлар сотилишидан молиявий натижа аниқланса: а) фойда олинса б) зарар кўрилса	 9210-9250 9910	 9910 9210-9250

Давр харажатлари ва даромадлари счёт № 9400, - «Давр харажатлари *счёти» деб аталиб, у маҳсулотларни сотиш* ва фермер хўжаликларини бошқариш билан боғлиқ чиқимлар, бошқа операцион харажатлар, ишлаб чиқаришга тегишли бўлмаган чиқимларни умумлаштириш кабиларни ҳисобга олиб бориш учун тайинланган.

Мазкур счёт ўз хусусиятига кўра актив счётларга тенглаштирилади, унда қолдиқлар бўлмайди, дебет томонида қилинган чиқим ва харажатлар, кредит томонида эса уларнинг фойда ва зарарлар ҳисобидан харажат ва чиқимларнинг қопланиши ҳисобга олиб борилади, унинг таркибидаги 4 та субсчётлар (№ 9410-9440) ҳисоби ж.о. № 10 да олиб борилади.

Счёт № 9400, - «Давр харажатлари счёти»нинг корреспонденцияси қуйидагичадир:

№	Хўжалик операцияларининг мазмуни	Счётлар алоқаси	
		Дебет	Кредит
1	2	3	4
1	Маҳсулотлар ортиш, жўнатиш, транспорт харажатларига	9410	6990
2	Реклама ва маркетинг хизмати харажатларига	9410	6010
3	Асосий воситалар эскиришига	9410	0210-0299
4	Номоддий воситаларнинг эскиришига	9410	0510-0590
5	Меҳнат ҳақи ҳисобланса	9420	6710
6	Ижара харажатларига	9420	6910
7	Материал ва хом-ашё сарфлари	9420	1010-1090
8	Хизмат сафари сарфлари	9420	4220, 4230
9	Юқори ташкилотларни сақлаш харажатлари	9420	6120
10	Аудиторлик хизмат ҳақи ҳисобланса	9430	6990
11	Асосий воситалар ва бошқа активларнинг хўжаликдан чиқиши натижасида зарар олинса	9430	9210, 9220
12	Йўқотув ва зиммасига ёзишда жавобгар шахс аниқланмаса	9430	4910

1	2	3	4
13	Жарима ва солиқ қўшимча ҳисобланса	9430	6410
14	Ўқув юртларини сақлаш харажатлари	9430	6110
15	Ходимларнинг санаторияда дам олиш ва даволаш харажатлари корхона ҳисобига олинса	9430	5110-5530
16	Буюртмалар бекор этилгандаги харажатлар	9430	2010
17	Даврда даромадлар олинса	Олинадиган счёт	9430
18	Харажатлар ҳисобот даврининг охирида қопланса	9910	9410-9440

Синтетик счёт № 8300, - «Устав капитали (фойда) ҳисоб счётлари»нинг корреспонденцияси қуйидагича:

№	Ёзувларнинг мазмуни ва айрим зарур ҳужжатлар	Счётлар алоқаси	
		дебет	кредит
1	Тасдиқланган устав фонди миқдорига мутаносиб равишда паст ва акция таъсис шартномасига мос равишда ёзилди	4610	8310, 8320
2	Тасдиқланмаган фойда ёки жорий йил фойдасидан устав фонди кўпайтирилса	8710, 8720	8310, 8330
	а) фойда ҳисобидан;		
	б)дивидендлар ҳисобига 1)ҳисобланди	8710	6610
	2) устав фондига	6610	8310, 8330
3	Устав капитали камайтирилса	8310, 8330	4610
4	Таъсисчиларга ҳиссаси қайтарилса	8330	6620
5	Сотиб олинган акциялар устав фонди ҳисобидан харажатга чиқарилса, номинал қийматга	8310, 8320	8610, 8620
		8410, 9690	8610, 8620
6	Сотиб олинган бўлиб, аммо реал баҳосидан кам бўлса	8310, 8320	8610, 8620
		8310, 8320	9590

Аналитик счётлари акция, паст улуши турларига очилиб, ҳар бир таъсисчига алоҳида-алоҳида очилиши лозим.

Бозор иқтисодиёти шароитида қимматбаҳо қоғозларнинг бирламчи ва иккиламчи бозорлар биржасида, номинал қийматидан реал қиймати ошиқ бўлиши мумкин, бунга эмиссион даромад деб аталади, бундан ташқари инвестициялар жалб қилингани сабабли қўшилган капитал пайдо бўлади, бундай хўжалик операцияларини олиб бориш учун синтетик счёт № 8400, - «Қўшилган капитал ҳисоби счётлари» тайинланган бўлиб, унинг таркибида 2 та субсчётлар : № 8410, - «Эмиссия даромади», № 8420, - «Устав капиталини шакллантиришда курсдаги фарқлари», бунда валюта курси ЎзР Марказий банки томонидан ҳар ҳафтанинг

дўшанба кунидаги белгилаган курси асос қилиб олинади. Аналитик счётлари уларнинг турларига очилади.

Агарда номинал қийматидан реал баҳо ошиқ сотилса, счёт № 8410, - «Эмиссия даромади кредитланади ва қимматбаҳо қоғозларни ҳисобга олувчи счётлар дебетланади, бордию тескари ҳолат юз берса қопланиши зарур счётлар кредитланиб, счёт № 8410, - «Эмиссия даромади» дебетланади. Бундан ташқари субсчёт № 8420, - «Устав капиталини шакллантиришда курсдаги фарқ» субсчётнинг корреспонденцияси:

№	Ёзувларнинг мазмуни	Счётлар алоқаси	
		дебет	кредит
1	Номинал қиймати билан реал баҳоси ўртасидаги фарқдан пул келиб тушса	5010-5530	8410
2	Реал баҳо номинал қийматдан ошиқ қилиб баҳоланса	Мулк счётлари	8420
3	Корхона ўз акцияларининг номинал қиймати билан реал баҳосидан кам баҳоланса	8410	8610-8620

Фермер хўжаликлар ёки кичик ва хусусий бизнес корхоналари ўз пули ҳисобига акциялар сотиб олиб, ўз мулкига айлантирса бундай ҳисоб-китоблар синтетик счёт № 8600, - «Сотиб олинган хусусий акциялар ҳисоби» счётида ўз аксини топади, унинг таркибида 2 та субсчётлар : №8610, - «Сотиб олинган оддий акциялар» ва №8620, - «Сотиб олинган имтиёзли акциялар « субсчётларида олиб борилади .

Счётнинг корресонденцияси куйидагича.

№	Ёзувларнинг мазмуни	Счётлар алоқаси	
		дебет	кредит
1	Сотиб олинган акция сотиб олиш баҳосида	8610,8620	5110-5530 6620
2	Шу акциялар сотилса ва реал баҳосидан сотиб олиш ката бўлса	5010-5530 5010-5530	8610,8620 9590
3	Бордию тескари ҳолатда сотилса кам қисмига	5010-5530 9690	8610,8620 8610-8620
4	Акциялар аннулироват қилинса зарар суммасига	8310,8320 8310, 8320	8610, 8620 9590
5	Корхонанинг ўз акциялари аннулироват қилинса фойда олинса	8310, 8320 8410, 9690	8610, 8620 8610,8620

Фондлар, резервлар ва молиявий натижалар учёти

Режа:

1. Фермер хўжаликларининг фондлари ва резервларини ҳисобга олишда бухгалтери учётида олдида турган вазифалар.
2. Устав фондининг ҳисоби унинг ташкил этиш тартиби.
3. Махсус максадларга мужжалланган фондлар ва улардан фойдаланиш тартиби.
4. Резерв фондининг фойдаланиш тартиблари ва мақсади.
5. Резерв фондини ташкил этиш хисоби, уларнинг вазифалари.
6. Фойда ва зарарлар ҳисоби.
7. Фойдадан фойдаланиш, ўтган йилги фойдани тақсимлаш ҳисоби.
8. Молиявий натижалар бўйича ҳисоб регистрлари хўжалик корхоналар фойдасини тақсимлаш усуллари.

Бозор иқтисодиёти шароитида фермер хўжаликлар фаолият кўрсатиш учун қонуний базалар яратилган бўлиб бу базаларда уларнинг устав ва резерв фондларини ташкил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Фермер ҳақидаги янги қонуда фермерларнинг уставида 2 та нарса киритилади.

1. Уставда фермер хўжаликларнинг раҳбари исми фамилияси, унинг шахсий маълумотлари;

2. Фермер хўжаликларда ворисликни ҳисобга олинган ҳолда мулклар шартнома асосида ҳисобга олиб борилиши кўзда тутилган. Устав фонди фермер хўжаликларда унинг маблағларини яъни асосий ва айланма маблағларини қиймат ифодасида акс эттирувчи ва мулкий ҳуқуқ берувчи миқдорга айтилади. Устав капитали эса ҳуқуқ ва имтиёзлар олиш учун корхона ва муассасалар томонидан таъсис хужжатларига муофиқ фаолиятни амалга ошириш учун моддий бойликларни, пул маблағлар, харажатлар мажмуининг пулдаги ифодаси ҳисобланади. Шу сабабли нодавлат корхоналарда бундай фондлар устав фонди дейилса, давлат корхоналарда устав капитали деб юритилади.

Устав капитали қуйидаги манбалар ҳисобига а) давлат улуши; б) таъсисчилар улуши; в) тақсимланмаган фойда ҳисобидан кўпайтирилиши.

Устав фонди фермер хўжаликларида қуйидаги счётда ҳисобга олиб борилади. Счёт 8300 «Устав фонди» бу счётнинг 3 та счёти бўлиб улар қуйидагилар: 8310 – оддий пайлар; 8320 – имтиёзли пайлар; 8330 – пай ва қўйилмалар. Мазкур счёт балансга нисбатан пассив бўлиб, унинг кредит томонида бошланғич савдо ҳисобот даври кўпайиши ва хотима қолдиғи кўрсатилади. Счётнинг дебет томонида эса устав фондининг

камайиши кўрсатилади. Камайиш 2 ҳисобда юз бериши мумкин: 1. Таъсисчиларнинг хўжаликлардан чиқиши; 2. Корхона фермер хўжаликлар инқирозга учраган пайтда акциялар қийматидан келган зарарларни қоплаш ҳисобига амалга оширилади.

Фермер хўжаликларда ҳар хил тартибдаги резерв фондлари меъёрий хужжатларга мувофиқ ташкил топиши мумкин. Бундай резервлар фондларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1.Меҳнат кодексига мувофиқ ҳар бир ходим 11 ой ишлагандан сўнг меҳнат таътилига чиқиш учун ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг таннархга маълум фоиз ҳисобида доимий равишда киритиб бориш асосида таътил отпускалар резервлари ташкил этилади;

2. Асосий воситаларинг эскириши натижасида капитал таъмирлаш мақсадларига ишлаб чиқарган маҳсулотнинг таннархга доимий равишда бир хил меъёрда киритиб бориш асосида таъмирлаш резерв фонди ташкил қилиниши мумкин;

3. Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир хўжалик тўлов қобилиятига эга бўлмаган дебитор қарзларни айрим фавқулотдаги ҳодисалар натижасида вужудга келган зарарларни қоплаш учун эҳтиёт резерв фонди ташкил қилиш мумкин;

Фондлар ва резервларни учётга олишда бухгалтерия учётининг олдида қуйидаги вазифалар туради;

1. Фермер хўжаликларнинг ташкил топишда «таъсис шартномалари»да иштирок этувчиларнинг ёзилган акциялар қиймати бўйича ҳамда ёзилган акциялардан тўланган қисми бўйича ҳар бир таъсисчи учун аналитик счётлар очилиб, ҳисоб-китоб қилиб бориши лозим (счёт № 4600).

2. Акцияларнинг ва пай гувоҳномаларнинг ҳисобот давридаги ҳаракати кирим-чиқими амалдаги меъёрий хужжатларга муофиқ равишда ўз вақтида хужжатларда расмийлаштирилиб жорий бухгалтерия регистрларида ўз аксини топиши улар юзасидан таъсисчилар хабардор қилиниши лозим.

3. Резерв фондларида фермер хўжаликларниг ички тартиб қоидаси, фермер хўжаликнинг ҳисоб сиёсатига мувофиқ равишда ташкил қилиниши лозим.

Устав фонди давлат корхоналарида қуйидаги манбалар ҳисобига ташкил топади:

1. Давлат ҳисобидан ташкил топаётган пайтда корхонага асосий маблағларни ажратиб меъёр бўйича айланма маблағларни ташкил қилиш ҳисобига.

2. Корхонанинг вужудга келиш таъсис бўлиши ва ихтисосланишига қараб, технология жараёнларнинг нормал иш юритишлари учун асосий фондларни ташкил топиш маблағлари ҳисобига.

Устав капитали нодавлат корхоналарда қуйидаги манбалар ҳисобига ташкил топиши мумкин:

1. Таъсисчилар томонидан таъсис шартномасига мувофиқ ёзилган акциялар ва уларнинг тўланиши ҳисоби ва уларнинг сотилиши ҳисобига;

2. Узоқ муддатли инвестициялар ҳисобига;

3. Қисқа муддатли инвестициялар ҳисобига;

4. Тадбиркорнинг хусусий мулки ҳисобига ташкил топиши мумкин.

Устав фондини ташкил этиш нодавлат корхоналарда таъсис шартномаларга мувофиқ намунавий уставга мос равишда тузилади ва давлат рўйхатидан ўтказилади. Давлат корхоналарнинг ташкил топиш устав фонди давлат томонидан берилиб нотурал корхоналарда рўйхатдан ўтказилмайди. Статистика банк ва молия органларида рўйхатдан ўтказилади. Мазкур уставларда фондларнинг ташкил топиши, кўпайиши ёки камайиши аниқ кўрсатилган бўлади.

Асосий воситаларнинг ремонт харажатлари, харажатлар таркиби ва молиявий натижалар шаклланиш тартибига кўра асосий воситалар хизмат қилаётган тармоқ соҳаларга киритилиши лозим, аммо жорий ремонт харажатларининг бир йиллик харажатлар таркибига киритилиши таннархнинг доимий тўғри объектив ҳисобланишига таъсир кўрсатмайди, аммо асосий воситаларнинг капитал ремонт харажатларнинг бир неча йил давомида бажарилиши ва бу харажатларнинг бажармаган йили маҳсулотлар таркибига киритилиши Ушбу таннархнинг объектив бўлишини таъминлайди. Шу сабабли бундай харажатларни асосий воситаларнинг эскириши ҳисобидан резервларни ташкил қилиши ва фермер хўжаликларнинг ҳисоб сиёсатида кўрсатиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай резервлар ҳам харажатлар ҳисобига ташкил қилиниб ва асосий воситаларнинг капитал ремонт маблағларини қоплаш учун ишлатилиши мумкин. Бундан ташқари фермер хўжаликларда бошқа резервлар ҳам фойда ҳисобидан ташкил қилиниши мумкин. Улар:

1. Қопланмаган зарарларни қоплаш учун резервлар;

2. Тўлов қобилиятига эга бўлмаган дебитор қарзларни қоплаш учун резервлар ташкил қилиш мумкин;

3. Ҳисобот даврида харажатлар талаб қиладиган ва келгуси давр маҳсулот иш хизматлар таннархга киритиладиган харажатларнинг резервлари ҳам ташкил қилинади. Уларга: а) ойнома, рўзномаларга бухгалтерияда ишлатиладиган бухгалтерия регистрларига телефон алоқа хизматлари ва бошқа хизматларга олдиндан тўлаб қўйилиши ҳолларида резервлар ташкил қилиниб келгуси давр ҳисоботларига харажат сифатида

фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари дунё миқёсида экология муносабатларнинг чигаллашиш нуқтаи назаридан келгусида экология тадбирлари учун ҳам резервлар ташкил қилиш лозим бўлади.

Ҳар бир фермер хўжаликда харажатлар таркиби ва молиявий натижаларнинг шаклланиш тартибларига мувофиқ 4 та фаолият бўйича фойда ва зарарлар аниқланади. Шулардан аосий фаолият учун фойда зарарлар 9000-9100 счётлар таққослаш асосида ва шунга ўхшаш 9200-9300 счётлар бўйича молиявий фаолият даромадлари эса 9500-9600 счётларни таққослаш асосида фавкулодда зарарлар эса 9700 счётни икала счётларини таққослаш асосида аниқланади. Якуний молиявий натижалар 9900 счётда ҳисобга олиб борилади.

Фермер хўжаликларда, кичик ва хусусий бизнес корхоналарида айрим ҳолларда мақсадли тушумлар ҳаётда бўлиб туради, улар кўп ҳолларда бундай тушумлар белгиланган мақсадлар учун берилади, сарфлаш ҳуқуқи ҳам фақат белгиланган мақсадларга ишлатилиши шарт. Бундай хўжалик операциялар жорий бухгалтерия учётида синтетик счёт №8800 – «Мақсадли тушумлар» ҳисоби счётларида олиб борилади, бу счёт пассив счёт ҳисобланади, унинг таркибида субсчёт №8810 – «Грантлар», субсчёт №8820 – «Субсидиялар», субсчёт №8830 – «Аъзолик бадаллари», ва субсчёт №8840, - «Мақсадли фойдаланиш юзасидан берилган солиқ имтиёзлари»да олиб борилади.

Счётнинг корреспонденцияси қуйидагича.

№	Ёзувларнинг мазмуни	Счётлар алоқаси	
		дебет	Кредит
1.	Грант ёки субсидия ажратилганлиги тўғрисида хабарнома олинса	4890	8810,8820
2.	Грант, субсиднялар, пул келиб тушса	5110,5530	4890
3.	Ушбу грант, субсидия устав резерв ва бошқа фондларни кўпайтиришга олинса	8810,8820	8310,8320, 8330,8420
4.	Бу суммалар устав фондига ўтказилса	8810,8820	8530
5.	Аъзолик бадаллари келиб тушса	5010,5530	8830
6.	Солиқларни маблағлар ҳисобидан олинса	6410	8840
7.	Солиқдан имтиёз натижасида субсидия муддати ўтиши Билан бепул деб қабул қилинса	8840	8530
8.	Бошқа мақсадли киримлар олинса	5010,5530	8890

Аналитик счётлари уларнинг ҳар бир турига алоҳида-алоҳида очилади.

Фермер хўжаликлари, кичик ва хусусий бизнес корхоналари учала мақсад сари доимо интиладилар ва ҳаракат қиладилар:

Фаолиятдан ҳисобот даврида фойдаланиш;

Корхонасида ўзини қўшган ҳолда ходимлар, қолаверса турмуш тарзининг даражасини кўтариш, ватанига ва элига фойда келтириб, обрў орттириш;

Республикамизда яратилган шарт-шароитлардан унумли фойдаланиб мулкдор бўлишдир.

Бу борада юқорида санаб ўтилган фаолиятларга қўшимча равишда бир неча хил ишларни бажарадилар, уларга асосий фаолиятдан турлича харажат ва даромадлар олиш, молиявий фаолият кўрсатиб маълум миқдорда фойда олиш, ниҳоят ҳаётдаги фавқулодда юз берадиган ҳодисаларнинг вужудга келишига қараб харажатлар, уларни қоплаш каби хўжалик операциялар учётини юритиши ҳаётий зарурият ҳисобланади. Бундай операцияларни ҳисобга олиб бориши учун амалдаги счётлар режасидаги бир неча счётлардан фойдаланадилар:

1. Синтетик счёт № 9300, - «Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар». Уларнинг таркибида субсчёт № 9310, - «Асосий фаолиятларнинг сотилиши ва турли чиқимлардан олинган фойда», субсчёт № 9320, - «Бошқа активларнинг сотилиши ва турли чиқимлардан олинган фойда», субсчёт № 9340, - «Ундирилган боқиманда (пения) жарима ва бурдсизликлар», субсчёт № 9340, - «Ўтган йиллар фойдалари», субсчёт № 9350, - «Қисқа муддатли ижарадан олинган даромадлар», субсчёт № 9360, - «Кредитор ва депонент қарзларни ҳисобдан чиқаришдан тушган даромадлар», субсчёт 9370, - «Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар даромадлари», субсчёт № 9380, - «Қайтарилмайдиган молиявий ёрдам», субсчёт № 9390, - «Бошқа операцион даромадлар», бу счётлар транзит бўлиб, фойда счёти билан ёпилади.

№	Хўжалик операцияларнинг мазмуни	Счётлар алоқаси	
		дебет	кредит
1	2	3	4
1.	Асосий воситалар фаолиятда ишлатилиб фойда олинса	9210	9310
2.	Бошқа активлардан шу тартибда фойда олинса	9220	9320
3.	Штраф, жарима бошқалар олинса, бунга (шартнома муносабатлари муҳим)	4860	9330
4.	Ўтган йилги фойдалар	4010	9340
5.	Қисқа муддатли ижарадан шартномага кўра фойда олинса	4820	9350
6.	Кредиторлик қарзлари муддати ўтиши муносабати билан ҳисобдан чиқарилса	6010	9360
7.	Бошқа кредиторлик қарзлар ҳисобдан чиқарилса	6910,6990	9360

1	2	3	4
8.	Камомад ва йўқотувлар ошиқ баҳолар билан ундилиши олинган фойда	4730	9370
9.	Тугалланмаган ишлаб чиқаришлардан инвентаризация натижасида фойда	2010,2310. 2510,2710	9390
10.	Ошиқ чиққан, қайтармаслик шарти билан пул келиб тушса	5110,5530	9380
11.	Олдин ундирилмаган, аммо харажатга чиқариб юборилган дебитор қарзлар учун маблағ	Олинадиган счётлар	9390
12.	Суғурта органларидан мулк суғурта кайтими олинса	4510	9390
13.	Ортиқча товарлар кирим қилинса	2810,2890 2910,2990	9390

«Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш харажатлар таркиби ва молиявий натижаларнинг шаклланиши тартиби низоми»да кўрсатилган 3 фаолият «молиявий фаолият» бўйича хўжалик операциялари, синтетик счёт № 9500, - «Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар ҳисоби счёти»да олиб борилади, бу счёт ҳам транзит бўлиб, унинг таркибида, субсчёт № 9510, - «Роялти кўринишдаги даромадлар», № 9520, - «Дивиденд кўринишдаги даромадлар», № 9530, - «Фоиз кўринишдаги даромадлар», № 9540, - «Валюталар курслари фарқларидан олинган даромадлар», № 9550, - «Узоқ муддатли ижара даромадлари» № 9560, - «Қимматбаҳо қоғозларни қайта баҳолашдан даромадлар», ниҳоят № 9590, - «Молиявий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар», бу счётларнинг аналитик счётлари уларнинг турларига очилади.

Счётнинг корреспонденцияси

№	Хўжалик операцияларнинг мазмуни	Счётлар алоқаси	
		дебет	кредит
1.	Роялти олинса	4850	9510
2.	Ҳисса, улуш, акциялар учун дивиденд олинса	4840	9520
3.	Мажбуриятлар (дебитор) % олинса	4830	9530
4.	Валюта курси ошиши фойда	Пул маблағлар счёти	9540
5.	Узоқ муддатли ижарага % олинса	4830	9550
6.	Қимматбаҳо қоғозлар баҳосининг ошиши ҳисобига	9610,5810	9560
7.	Счётнинг ҳисобот давринининг охирида ёпилиши	9510,9590	9910

Албатта молиявий фаолиятни амалга ошириш учун айрим харажатлар ҳам амалга оширилади, бундай хўжалик операйиялари синтетик счёт № 9600, - «Молиявий фаолият бУйича харажатлар ҳисоби счётлари»да хисобга олиб борилади, бу счёт ҳам транзит счёт бўлиб унинг таркибида куйидаги субсчётларда олиб борилади, № 9610, - «Фоиз кўринишдаги харажатлар», № 9620, - «Валюта курсидан фарқ зарарлар», № 9630, - «Қимматбаҳо қоғозларни чиқариш ва тарқатиш бўйича харажатлар», № 9690, - «Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар субсчётлари»да олиб борилади.

Счётнинг корреспонденцияси

№	Хўжалик операцияларнинг мазмуни	Счётлар алоқаси	
		дебет	кредит
1.	Кредит бўйича % ҳисобланди	9610	6920
2.	Узоқ муддатли шартнома ижара ҳақига % ҳисобланди	9610	6920
3.	Қимматбаҳо қоғозлардан зарар	9690	0610,0690 5810,5890
4.	Валюта курсининг пасайишидан зарар	Пул маблағлар счётлари	3290
5.	Счёт ҳисобот даврида ёпилди	9910	9610,9690

Юқорида кўрсатиб ўтилган низомга мувоффиқ, фавқулодда ходисалардан фойда ёки зарар олиниши мумкин, бундай операциялар синтетик счёт № 9700, - «Фавқулодда фойда (зарар)» счётида ҳисобга олиб борилади, бу счёт ҳам транзит ҳисобланиб, унинг таркибида куйидаги субсчётлар мавжуд: субсчёт № 9710 – «Фавқулодда фойдалар» ва субсчёт № 9720, - «Фавқулоддаги зарар» счётларида олиб борилади..

Счётнинг корреспонденцияси

№	Хўжалик операцияларнинг мазмуни	Счётлар алоқаси	
		дебет	кредит
1.	Табиий офат ва ҳодисалардан т.м.б. кирим қилинса	0710-0720 1010-1090 2410-2990	9710
2.	Натижада йўқотувлар бўлса	9720	0710-0720, 1010-1090, 2910-2920, 1110-1120
3.	Тугалланмаган ишлаб чиқариш йўқотуви	9720	2010-2110 2310
4.	Счётнинг ёпилиши: а) фойда б) зарар	 9710 9910	 9910 9720

Мамлакатимизда имтиёзлар ва бошқалар солиқ ва йиғимларни тўлаш, ҳисобот даврида фойда ҳисобидан амалга оширилади, бундай хўжалик операциялари синтетик счёт № 9800, - «Солиқлар ва йиғимларни тўлаш учун фойданинг ишлатилиши счёти»да олиб борилади, бу счёт ҳам транзит ҳисобланиб, унинг таркибида қуйидаги субсчётлар бор: субсчёт № 9810, - «Даромад (фойда) солиғи бўйича харажатлар», № 9820, - «Фойдадан бошқа солиқлар ва йиғимлар бўйича харажатлар счёти»да олиб борилади.

Аналитик счётлар уларнинг турларига очилади.

Счётнинг корреспонденцияси

№	Хўжалик операцияларнинг мазмуни	Счётлар алоқаси	
		дебет	кредит
1.	Ҳисобот даври мобайнида бюджетга ҳисобланди	9810,9820	6410
2.	Ҳисобот даврининг охирида счёт ёпилди	9910	9810,9820

Албатта кўрсатиб ўтилгандан барча хўжалик операцияларининг якунлари, синтетик счёт № 9900, - «Якуний молиявий натижа ҳисоби»да ўз аксини топади, бу счёт ҳам транзит бўлиб, унинг таркибида бита субсчёт № 9910, - «Якуний молиявий натижа»да акс эттирилади.

Счётнинг корреспонденцияси

№	Хўжалик операцияларнинг мазмуни	Счётлар алоқаси	
		дебет	кредит
1.	Асосий фаолият бўйича молиявий натижа акс эттирилди а) фойда б) зарар	9010, 9020 9030 9910	9910 9110, 9150
2.	Асосий бошқа фаолиятдан а) фойда б) зарар	9310,9390 9910	9910 9310, 9320
3.	Давр харажат ёпилди	9910	9410, 9440
4.	Молиявий фаолиятдан: а) фойда б) зарар	9510, 9590 9910	9910 9510, 9590
5.	Фавқулодда фаолиятдан: а) фойда б) зарар	9710 9910	9910 9730
6.	Ҳисобот даврида фойдадан фойдаланиш счёти ёпилди.	9910	9810, 9820
7.	Соф молиявий натижа: а) фойда б) зарар	9910 8710	8710 9910

Фермер хўжалиги кичик ва хусусий бизнес корхоналари йил охирида соф фойда ёки умумий зарарларни амалдаги счётлар режаси талабларига мувофиқ барча хўжалик операцияларни синтетик счёт № 8700, - «Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) ҳисоби»да акс эттирадилар, мазкур счёт пассив-актив бўлиб, балансда кўрсатилади.

Счётнинг корреспонденцияси

№	Хўжалик операцияларнинг мазмуни	Счётлар алоқаси	
		дебет	кредит
1.	Умумий натижа бўйича тақсимлашга доир: а) фойда акс эттирилса	9910	8710
	б) зарар акс эттирилса	8710	9910
2.	Фойдадан дивиденд ҳисобланса	8710	6610
3.	Фойдадан резерв ташкил қилинса	8810	8520
4.	Йил охирида тақсимланмаган		
	а) фойда қолса балансда кўрсатилади	8710	8720
	б) қопланмаган зарар	8720	8710

Бухгалтерия ҳисоботлари

Режа:

1. Ҳисоботларнинг турлари, унинг аҳамияти, уни тузиш, тақдим қилиш тартиби ва тавсифлаш.

2. Жорий бухгалтерия ҳисоботи, унинг мазмуни, жадваллари, уларни *тузиш тартиблари*.

3. Молиявий ҳисобот даврининг шакллари.

4. Йиллик бухгалтерия ҳисоботи тузишга тайёргарлик ишлари. Йиллик ҳисобот жадваллари кўрсатгичларининг бир-бири билан боғлиқлиги, жадвалларни тўлдиришда тузадиган ёрдамчи ҳисоб– китоблар ва *рақамларни олиш манбалари*.

5. Йиллик ҳисоботга ёзиладиган тушунтириш хати.

Ҳар бир хўжалик субъектида ҳисобот даври тегишли мулкдорларга биринчи навбатда ва иккинчи навбатда эса давлат бошқарув органларига, *жумладан статистика вазирлиги ва унинг жойлардаги органларига солиқ* қўмитаси ва унинг жойлардаги органларига фаолият турлари бўйича жорий ҳамда йиллик ҳисоботларни топшириш билан якунланади.

Ҳисобот тушунчаси хўжалик юритувчи субъектларда маблағлар, маблағларнинг келиб чикиш манбалари ва ҳисобот давридаги ҳаракати *хўжалик субъектининг барча фаолиятлари бўйича харажатлар, даромадлар* ҳамда молиявий натижаларни, шунингдек хўжалик субъектининг доирасидаги жисмоний шахслар ва у доиранинг ташқаридаги барча юридик шахслар билан ўзаро иқтисодий молиявий мулк муносабатларини рақамлар ифодасида тасдиқланган жадвалларда акс эттириб топ*ширилиши тушунилади. Ҳисоботлар Ўзбекистон Республикаси Молия* Вазирлиги, Статистика Вазирлиги, Солиқ қўмитаси ва Марказий Банк томонидан тасдиқланган шаклларда белгиланган муддатларда тегишли органларга топширилиши шарт.

Ҳисоботларни назорат қилиш масаласи ҳам шу органлар зиммасига *юклатилади. Ҳисоботларни тузиш ва тақдим қилиш* Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунда мажбурий қилиб белгиланган. Унинг барча бошқа қоидалари Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг Миллий Стандартлари ЎзРЬҲМС 1–21 ларда аниқ қилиб белгилаб берилган. Ҳисоботларга қўйиладиган талаб *қуйидагилардан иборат:*

1. Ҳисоботлар фақатгина бухгалтерия маълумотларига, мавжуд хужжатларга асосланган ҳолдагина тузилиши лозим;

2. Ҳисоботлар турларидан қатъий назар албатта хўжалик фаолиятининг реал кўрсатгичларини акс эттириши лозим.

3. Ҳисоботлар белгиланган муддатларда сифатли қилиб тузилиши керак.

4. Ҳисоботлар қонунда ва бошқа меъёрий хужжатларда топшириш муддатлари кўрсатилган муддатларда тегишли органларга тақдим қилиниши шарт.

5. Ҳисоботларга барча хўжалик субъектларининг раҳбарлари ва бош бухгалтерлари томонидан ва мутасадди шахслар томонидан ноаниқ бўлган кўрсатгичларга албатта тушунтириш хатлари ёзилиши шарт.

6. Барча ҳисоботлар албатта мухокамадан ўтиб улар юзасидан юқори органлар томонидан тасдиқланган қарорлар ёки буйруқлар билан якунланади.

7. Ҳисоботнинг биринчи баланс шакли бўйича ҳар бир хўжалик субъекти йилнинг якуни бўйича реформация баланси амалга оширилиши шарт. Бу дегани корхонанинг мулки ва манбалардаги тасдиқланган қарор шартларига мувофиқ бухгалтерия проводкалари тузилиб, янги йил учун бошланғич баланс қилинади.

8. Ўзбекистонда ҳисобот даврлари деб 1 январдан 31 декабргача қилиб олинган, олиб борилган хўжалик операцияларининг ифодаланиши билан белгиланган ва ҳисобот даври деб аталади.

Бундан ташқари жорий ҳисоботлар даври деганда ойлик, кварталлик муддатлар белгиланган. Ҳисоботлар ҳар бир хўжалик субъектининг ходимлари, раҳбарлари мутахассисларнинг ҳисобот давридаги фаолиятига баҳо ҳисобланади ва хўжаликнинг консалидация счётларининг маълумотлари туман тармоқ, вилоят, давлат ва БМТ нинг ҳисоб ва ҳисобот маълумотларида халқ фаровонли дунё халқининг турмуш даражасини муҳим воситалардан ҳисобланади.

Ҳисоботларни нотўғри тузган ёки реал тузмаган шахслар учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгиланган. Ҳисоботлар тузилиш муддатларига қараб қуйидагиларга бўлинади:

1. Йиллик ҳисоботлар.

2. Ойлик ва кварталлик ҳисоботлар.

Ҳисоботлар тақдим қилинишга қараб қуйидагиларга бўлинади:

1. Статистик ҳисоботлар.

2.Молиявий ҳисоботлар.

Ҳисоботлар фойдаланиш даражасига қараб қуйидагиларга бўлинади:

1. Ички ҳисоботлар – бу ҳисоботлар фермер хўжаликнинг бухгалтериясига бўлимлар оилавий пудратчилар ва моддий жавобгар шахслар томонидан хужжатлар айланиш режасига қараб топган харажатлар.

Улардан хўжаликни бошқаришда турли вазиятлар пайтида оптимал қарорларига келиш учун фойдаланилади.

2. Молиявий ҳисоботлар (ташқи ҳисоботлар) мазкур ҳисоботлар хўжаликнинг барча фаолият турларини баҳолаш учун юқори органларга тақдим қилинадиган ҳисоботлар бўлиб, бундай ҳисоботларнинг корхонанинг бозор иқтисодиёти шароитида рақобатбардошлилигини ва аудиторларнинг текшируви натижасини амалга ошириш ва аудиторлар учун белгиланган 4 та кафолат шартларини баён қилиш учун ҳам фойдаланилади. Ҳисоботларни тузишда унга тайёргарлик ишларидан бошланади.

Тайёргарлик ишлари қуйидаги юмушларни ўз ичига олади.

1. Ҳисобот давридаги барча хўжалик операцияларини акс эттирган жорий бухгалтерия учёти унинг счётлари, счётларга тайинланган регистрларда хужжатлар асосида қайд қилинганлиги текширилади;

2. Ҳисобот даврида даромадлар ва харажатларнинг аниқ даври белгиланиб молиявий натижалар аниқланади.

Моддий бойликлар пул маблағлари дебиторлик, кредиторлик муносабатлари инвентаризация ҳам ўтказилиб, улар бухгалтерия учётининг маълумотларига таққосланган ҳолда натижалар жорий бухгалтерияда ўз аксини топиш лозим.

3. Ҳисобот даврида фаолият турлари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, бажарилган ишлар ва хизматларининг ишлаб чиқариш таннарх давр харажатлари ва даромадлари молиявий фаолият харажатлари ва даромадлари фавкулодда фаолият даромадлари ва харажатлари ҳамда молиявий натижалар аниқланиши лозим.

Жорий бухгалтерия учётида юритиладиган калкуляцион счётлар ва транзит счётлар тўла ёпилиши таъминланади.

4. Барча синтетик счётлар ва аналитик счётларнинг ҳисобот даври учун оборот ведомостлари айланма қайдномалари тузилиб уларнинг маълумотлари таққосланиб текширилиши лозим.

5. Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, бажарилган ишлар, сотилган товарларнинг ишлаб чиқариш заҳираларининг миқдор жиҳатдан баланси тузиб чиқилади. Бунда қайта ишлаш хужжатлари алоҳида ўрганилиши лозим бўлади. Шундан сўнг ҳисоботнинг тасдиқланган жадваллари бухгалтерия счётлардаги маълумотларга асосан тўлдирилади. Бу эса унинг тузилишини билдиради.

Фермер хўжаликлари статистик ҳисоботларни мавсумий бўлиб фермер хўжаликда мавсум давомида бажарилган ишларнинг миқдор ва сифат кўрсаткичларни Республика Статистика Вазирлигининг туман, вилоятларда статистик органларга тақдим қилиш билан белгиланади. Буни давлат статистика ҳисоботлари деб аталади. Бу ҳисоботларда

қуйидагиларни алоҳида ажратиб ўрганиш зарур. Форма № 4СХ бу давлат статистика ҳисоботи. Ўзбекистон Республикаси Статистика Вазирлиги томонидан тақдим қилинган ва Ўзбекистон Олий Мажлисда тасдиқланган қонуннинг 11- моддасига мувофиқ ҳар йили экинлар экилиши томом бўлганлиги ҳақида келгуси йил ҳосили учун статистика органларига тақдим этилади.

Фермер хўжаликлари ҳар ойда чорва молларининг сони ва ҳаракати ҳақида форма- 24СХА «Чорвачилик аҳволи тўғрисида ойнинг биринчи числосига ҳисобот» ҳар ойда учинчи числосида топширилади, бунда чорва молларининг ой бошига қолдиқни ой ичига кирими чиқими ва ойнинг охирида уларнинг қолдиқлари молларнинг турлари ёки тирик вазни кўрсатилган ҳолда топширилади.

Фермер хўжаликларда бошқариш даврида хўжалик ситуациялари юзасидан ва жорий йил давомидаги жорий ҳисоботлар топшириладиган даврда барча фаолиятларнинг якуни бўйича фермер хўжаликнинг иш фаолиятига баҳо бериш учун ва келгуси даврларга мезонли қарорларга келиб янги иш режаларини белгилаб олишда жорий ҳисоботларнинг аҳамияти каттадир, чунки жорий ҳисоботлар корхонананинг давр фаолиятига ишлаб чиқариш хўжалик молиявий аҳволи юзасидан тегишли бўлган барча ишларнинг якуни ҳақида бошқарувчиларга, мутахассисларга зарур бўлган ахборотларни тақдим қилишни кўзда тутади. Жорий ҳисоботлар юқорида кўрсатилганидек мавсумий статистик ҳисоботлардан ҳамда бухгалтерия учёти бўйича ойлик, кварталлик ҳисоботларни белгиланган муддатларда топширишни тақозо қилади. Бухгалтерия ҳисоби нуқтан назаридан олганда жорий ҳисоботлар ҳам фойдаланувчиларнинг эҳтиёжлари ҳисобга олиниб 2 га бўлинади:

а) Бошқарув ҳисоби бўйича ҳисоботлар. Бу ҳисоботлар фермер хўжалигидаги хужжатлар айланиш режасига мувофиқ ва давлат иқтисод, статистика Вазирликлари ҳамда давлат бюджети билан бўладиган ҳисоб – китоблар юзасидан солиқ инспекцияларига топшириладиган ойлик, кварталлик ҳисоботлар бўлиб ҳисобланади. Бошқарув учётидаги ҳисоботлар аввало фермер хўжаликнинг таркибидаги ишлаб чиқариш бўлинмалари, шунингдек моддий бойликларнинг сарфланиши юзасидан топшириладиган моддий жавобгар шахсларнинг ҳисоботлари ҳисобланади.

б) Фермер хўжаликлар томонидан топшириладиган молиявий ҳисоботлар булар жумласига меъёрий хужжатларда кўрсатилган муддатларда солиқ органларига ҳамда молиявий органларга банк муассасаларига топшириладиган ҳисоботдир.

Ҳисоботларни тузишда тайёргарлик ишлари бир неча босқичдан иборат. Бу босқичлар куйидагиларни ўз ичига олади:

1. Ҳисоботларни тузишдан олдин инвентаризация ўтказилиб, жорий бухгалтерия маълумотларига таққосланиб реал аҳвол кўрсатилади. Инвентаризация Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган бухгалтерия ҳисоблари 19–сонли стандарт қоидаларига мувофиқ ўтказилади. Инвентаризация ўтказиш учун қуйидаги хужжатлар расмийлаштирилади:

1. Инвентаризация ўтказиш муддатлари, соҳалари ва уни ўтказувчи ҳайъат аъзолари кўрсатилади. фермер хўжалиги раҳбарининг буйруғи эълон қилинади;

2. Инвентаризация комиссияси ҳар бир инвентаризация ўтказиладиган моддий жавобгар шахслар инвентаризация ўтказиш тўғрисидаги буйруқ билан таништирилади. Ҳайъат аъзоларига эътирози йўқлиги ҳақида тушунтириш хати хужжатсиз ҳеч кимга ҳеч нарса бермаган ва охирги ҳисоботининг нусҳаси олинади;

3. Инвентаризация ўтказиладиган пайтда ҳар бир моддий бойлик, моддий жавобгар шахснинг дафтарига ва инвентаризация ўтказувчи комиссиянинг дафтарида ёзиб борилади, агарда инвентаризация бир неча кун давом этадиган бўлса, шу даврда ҳаридлар комиссия раҳбари билан моддий жавобгар шахснинг дафтарида таққосланади ва белги қўйилади.

Шундан сўнг инвентаризация тугагач инвентаризация далолатномаси ёки инвентаризация описи тузилади.

4. Инвентаризация натижалари далолатнома билан жорий бухгалтерия дафтарларидаги маълумотлар бир–бири билан солиштирилиб кам ёки ортиқ чиққан маълумотлар солиштирма қайдномада кўрсатилади;

5. Шундан сўнг солиштирма қайдномага мувофиқ инвентаризация якунлари бўйича далолатномаси тузилиб тугалланади;

6. Инвентаризация якунлари бўйича барча хужжатлар ўрганилиб мулкдор томонидан инвентаризация якунлари ҳақида қарор қабул қилинади;

7. Инвентаризация хужжатларига юқорида кўрсатилган қарор қўйилгандан кейин бухгалтерияда проводкалар тузилиб бухгалтерия счётларида акс эттирилиб жорий бухгалтерия маълумотлари билан мавжуд мулклар, мулкдор, сифат, қиймат нуқтаи назаридан тенгалатирилади ва балансда кўрсатилади ва имконият яратилади.

Ҳисоб–китоб операциялари бўйича ва банк муассасаларидаги, счётлардаги пул маблағлари дебиторлик, кредиторлик қарзлар бўйича ҳар бир юридик жисмоний шахслар билан солиштирма далолатномалар тузилади. Ҳисоботга тайёргарлик даврида бухгалтерлар ҳисобот давридаги барча хўжалик операцияларининг тўла аниқ акс эттирганлигини текшириб

чиқишлари лозим. Барча счётлар бўйича бухгалтерия счётларидаги маълумотларнинг тўғри акс эттирилганлигини тасдиқловчи хужжат оборот ведомостлари тузилади, бу оборот ведомостлари 3 хил бўлади:

1. Аналитик счётлар бўйича оборот ведомостлари;
2. Счётлар бўйича оборот ведомостлари;
3. Синтетик счётлар бўйича оборот ведомостлари тузилади.

Ишлаб чиқарган маҳсулотлар бажарилган ишлар кўрсатилган хизматлар бўйича калкуляция қилиниб, уларнинг режа таннархи билан ҳақиқий таннархга бухгалтерия проводкалар тузилиб, харажатлар счётлар ёпилади. Сотилган маҳсулотлар, ишлар бўйича транзит счётлар бир – бирларига таққосланиб молиявий натижалар аниқланади. Шундан сўнг барча маълумотлар тайёр бўлади ва тасдиқланган ҳисобот бланкаларга ҳар бир строка колонкаларда кўрсатилаги саволларга рақамлар қўйилиб тўлдирилади.

Ўзбекистон Республикасида мавжуд меъёрий хужжатларга мувофиқ Молия Вазирлиги томонидан тайёрланган ва Адлия Вазирлиги томонидан рўйхатдан ўтказилган йўриқномаларга мувофиқ фермер хўжаликлари бошқа қишлоқ хўжалик корхоналаридаги сингари қуйидаги ҳисоботларни топширади:

1. Ҳисобот Форма №1 «Корхонанинг баланси» - баланс 2 қисмдан иборат бўлиб, жумладан чап томони актив, ўнг томони пассив тўлдирилади. Актив томонда фермер хўжаликларнинг мавжуд маблағлари иқтисодий мазмунларига қараб гуруҳларга бўлиниб жойланиши ва охирги хотима қоғози кўрсатилади. Баланснинг актив томони 2 қисмдан иборат: а) 1 қисмда асосий маблағлар ва узоқ муддатга мўлжалланган активлар ўз аксини топади. Бунда фермер хўжаликларга тааллуқли бўлган асосий воситаларнинг бошланғич ва хотима қолдиғи 01 счётда олиб кўрсатилади; б) 2 қисмига эса корхонага тааллуқли бўлган оборот маблағлари, ишлаб чиқариш заҳиралари тугалланмаган ишлаб чиқаришлар ва турли дебитор қарзлар, бўнаклар, юридик ва жисмоний шахслардан олинган бўнаклар кўрсатилади.

Баланснинг пассив томони ҳам 2 бўлимдан иборат. Улар фермер хўжаликлардаги маблағларнинг келиб чиқиш манбалари ўз аксини топади. Пассив томонида 2 қисм бўлиб бир қисмига фермер хўжаликларга манба сифатида вужудга келган фондлар, фойда тақсимланмаган фойда, резервлар, қўшилган капитал кабилар ўз аксини топади. Баланс 2 шаклга фермер хўжаликдаги мавжуд маблағларнинг манбалари сифатида унинг мажбуриятлари жумладан банк муассасасининг кредитлари, таъсисчилардан ҳиссалари, меҳнат ҳақи бўйича ходимлардан фермер хўжаликнинг қарзлари маҳсулот ва ишларни сотиб олиш юзасидан буюртмачилар ва

харидорлардан олинган кредитор қарз сифатида ҳисобда турган бўнаклар бюджет муомулалари бўйича бюджет органлари билан бўладиган ҳисоб-китобларда мажбуриятларнинг суммалари кўрсатилади.

Балансга қўшиб фермер хўжаликлари Форма №2а дебиторлик ва кредиторлик қарзлар ҳақидаги маълумотлар ҳисобланади.

Бу маълумотлар ҳисоботда тақдим қилинади. Унда баланснинг шатирофкаси сифатида жисмоний, юридик шахслар, мамлакат доирасидаги ва мамлакат доирасидан ташқарисидаги ҳисоб-китобларнинг яъни дебитролик-кредиторлик қарзларнинг 2 ҳолати муддати ўтмаган дебиторлик қарзлари ва муддати ўтган дебиторлик қарзлари шунингдек, муддати ўтмаган кредиторлик, муддати ўтган кредиторлик қарзлари ўз аксини топади. Тенглик аниқланса ҳисобот тўғри тузилган ҳисобланади. Молиявий ҳисоботлардан кейингиси Форма №2 бўлиб «Молиявий натижалар ҳақида ҳисоб» деб аталиб у корхонадан 4 та фаолиятини даромадлари, харажатлари ва молиявий натижаларни ўзида акс эттиради. Шунингдек бу ҳисоботда бюджетга тўловлар миллий валюта ҳисоботда ва чет эл валюта ҳисоботда кўрилади. Солиқлар чегирилгандан сўнг корхонанинг соф фойдаси кўрсатилади. Бу маълумотлар сотиш операцияларини акс эттирувчи счётларнинг регистордан олиб тўлдирилади. Молиявий ҳисоботларнинг яна бири Фермер хўжаликлари томонидан тақдим қилинадиган Форма № 3 «Асосий воситаларнинг ҳаракати тўғрисида ҳисобот». Мазкур ҳисоботда фермер хўжаликларга тегишли бўлган асосий воситаларининг ҳаракати уларнинг фойдаланиш соҳаларига қараб гуруҳларга бўлиниб бошланғич қиймати, шунингдек қимматли қоғозлар қийматида эскиришлари акс эттирилади. Маълумотлар № 0100, 0200, 0300, счётларда тайинланган регистрлардан олиб ёзилади. Албатта молиявий ҳисоботларни тўлдиришда ва тақдим қилишда корхонанинг ишлаб чиқариш ва бошқа фаолиятлари бўйича миқдор қиймат таннарх кабиларни бир-бирига боғлиқлиги ўрганилиши шарт. Йиллик ҳисоботларни тақдим қилиш муддати Республикамизда амал қилаётган қонун ва бошқа меъёрий хужжатларга мос равишда январ ойининг 25 куни белгиланган. Шу даврда ҳисоботлар тегишли мутасадди йиғилишларда ёки баланс комиссиясида кўрилиб солиқ органларга ва тармоқли бошқарувчи органларга тақдим қилиниши мажбурийдир. Бунда биринчи навбатда Давлат статистика органлари солиқ қўмитаси, молия органлари, банк муассасаларига топширилиши лозим. Ҳисобот баланс комиссиясида ёки корхонанинг умумий йиғилишида ёки юқори ташкилотнинг буйруғи билан кўрилиб расмийлаштирилган ва реформация қилинади. Бунда реформация сўзи ҳисобда кўрсатилган бюджет суммаларини қарор ёки буйруқларга мувофиқ айрим кўрсаткичларни ўзгартирилишини билдиради.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ТЎҒРИСИДА

1-модда. Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида қонун ҳужжатлари.

Бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ҳамда ҳисобот тузиш билан боғлиқ муносабатлар ушбу қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Башарти, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида ушбу қонунда баён этилганидан кўра бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартномалар қоидалари қўлланади.

2-модда. Бухгалтерия ҳисобининг мақсади ва вазифалари.

Бухгалтерия ҳисобининг мақсади фойдаланувчиларни ўз вақтида тўлиқ ҳамда аниқ молиявий ва бошқа бухгалтерия ахбороти билан таъминлашдир.

Бухгалтерия ҳисобининг вазифалари:

- бухгалтерия ҳисоби ҳисоб варақларида активларнинг ҳолати ва ҳаракаги, мулкий ҳуқуқлар ва мажбуриятларнинг ҳолати тўғрисидаги тўлиқ ҳамда аниқ маълумотларни шакллантириш;
- самарали бошқариш мақсадида бухгалтерия ҳисоби маълумот-ларини умумлаштириш;
- молиявий, солиққа доир ва бошқа ҳисоботларни тузишдан иборатдир.

3-модда. Бухгалтерия ҳисоби субъектлари.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган юридик шахслар, уларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳамда ундан ташқарида жойлашган шўъба корхоналари, филиаллари, ваколатхоналари ва бошқа таркибий бўлинмалари бухгалтерия ҳисоби субъектларидир.

Юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар қонун ҳужжатларида назараа тутилган ва бухгалтерия (молия) ҳисоботини тақдим этади.

4-модда. Бухгалтерия ҳисоби объектлари.

Асосий ва жорий активлар, мажбуриятлар, хусусий капитал, заҳиралар, даромадлар ва харажатлар, фойда, зарарлар ҳамда уларнинг ҳаракати билан боғлиқ хўжалик объектларидир. Бухгалтерия ҳисобининг объектлари жамлама ҳисоб варақларда акс эттирилади. Аналитик ҳисобни юритиш тартиби бухгалтерия ҳисоби субъекти томонидан мустақил равишда белгиланади.

5-модда. Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини тартибга солиш.

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини тартибга солиш. Бухгалтерия ҳисоби стандартларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги зиммасига юкланади.

Бухгалтерия ҳисобини юритиш қоидалари бухгалтерия ҳисоби сгандарглари билан, шу жумладан кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун соддалаштирилган бухгалтерия ҳисобини юритиш стандарти билан белгиланади

Банкларнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботинктартибга солиш Марказий банк томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

6-модда. Бухгалтерия ҳисобининг асосий қоидалари.

Бухгалтерия ҳисобининг асосий қоидалари қуйидагилардир:

- бухгалгерия ҳисобин» икки ёқлама ёзув усулида юритиш;
- узлуксизлик;
- хўжалик операциялари, активлар ва пассивларнинг пулда баҳоланиши;
- аниқлик;
- ҳисоблаш;
- олдиндан кўра билиш (эҳтиётқорлик);
- мазмуннинг шаклдан устунлиги;
- кўрсаткичларнинг қиёсланувчанлиги;
- молиявий ҳисоботнинг бетарафлиги,
- ҳисобот дазри даромадлари ва харажатларининг мувофиқлиги;
- активлар ва мажбуриятларнинг ҳақиқий баҳоланиши.

7-модда. Бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш.

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этишни корхона, муассаса ва ташкилог раҳбарлари амалга оширади.

Раҳбар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- бош бухгалтер раҳбарлигида бухгалтерия ҳисоби хизматини ташкил этиш ёки шартнома асосида жалб қилинган бухгалтер хизматидан фойдаланиш.
- бухгалтерия ҳисобини юритишни шартнома асосида ихтисослаштирилган бухгалтерия фирмасига ёки таркибига бухгалтерия субъекти ҳам кирадиган хўжалик бирлашмагининг марказлаштирилган ҳисобга олиш бўлимига юклаш;
- бухгалтерия ҳисобини мустақил юритиш;

Раҳбар қуйидагиларни таъминлаши шарт:

- ички ҳисоб ва ҳисобот тизими ишлаб чиқилишини;
- хўжалик операцияларини назорат қилиш тартибини;
- бухгалтерия ҳисоби тўлиқ ва аниқ юритилишини;
- ҳисоб-китоб ҳужжатларининг сақланишини,
- ташқи фойдаланувчилар учун молиявий ҳисобот тайёрланишини;
- солиқ ҳисоботлари ва бошқа молиявий ҳужжатлар тайёрланишини;
- ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилишини.

8-модда. Имзо ҳуқуқи.

Пул, товар-моддий ва бошқа бойликларни қабул қилиш ва бериш учун асос бўлиб хизмат қиладиган ҳужжатлар, корхона, муассаса ва ташкилотнинг кредит ва ҳисоб-китоб мажбуриятлари, шунингдек бухгалтерия ҳисоботлари ва баланслари раҳбар томонидан ёки у белгилайдиган шахслар томонидан имзоланади.

Раҳбар имзолаш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг иккита рўйхатини тасдиқлайди. Биринчи рўйхатга раҳбарлик вазифаларини амалга оширувчи шахслар, иккинчисига бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқариш *вазифаларини амалга оширувчи шахслар киради.*

Ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган шахсларнинг имзоси бўлмаган ҳужжатлар ҳақиқий ҳисобланмайди.

9-модда. Бошланғич ҳисоб ҳужжатлари.

Хўжалик операцияларининг бухгалтерия ҳисоб» учун операциялар амалга оширилганлигини қайд этувчи бошланғич ҳисоб ҳужжатлари ва уларни ўтказишга доир фармойишлар асос бўлади.

Бошланғич ҳисоб ҳужжатлари хўжалик операциялари амалга оширилаётган вақтда ёки операциялар амалга ошириб бўлинганидан кейин тузилади.

Ҳисобот даврида тегишли бўлган хўжалик операциялари, агар улар амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар олинмаган бўлса тегишли бошланғич ҳужжат расмийлаштирилиб, бухгалтерия ҳисобида акс эттирилади,

Бошланғич ҳисоб ҳужжатларининг мажбурий реквизитлари қуйидагилардир:

- корхонанинг (муассасанинг) номи;
- ҳужжатнинг номи ва рақами, у тузилган сана ва жсй,
- *хўжалик операциясининг номи, мазмуни ва миқдор ўлчови (натура* ҳолида ва пулда ифодаланган ҳолида);
- *масъул шахсларнинг шахсий имзолари.*

Бошланғич ҳисоб ҳужжатларини тузган ҳамда имзолаган шахслар уларнинг ўз вақтида тўғри аниқ, тузилиши, шунингдек бухгалтерия ҳисобида акс эттириш учун уларнинг белгиланган муддатларда топширилишига жавобгардирлар.

Бошланғич ҳисоб ҳужжатларига хўжалик операцияси қатнашчилари томонидан тасдиқланмаган тузатишлар киритилишига йўл қўйилмайди. Банк ва касса пул хужжагларида тузатишлар ва ўчириб ёзишларга йўл қўйилмайди.

10-модда. Бухгалтерия -ҳисоби регистрлари.

Бухгалтерия ҳисоби регистрлари икки ёқлама ёзув коидаларига мувофик юритиладиган журналлар, қайдномалар, дафтарлар, тасдиқланган бланкалар (шакллар) дир.

Регистрлар техника воситаларидан фойдаланишда олинган машинограмма кўринишидаги ёзувлар йўли билан, шунингдек магнит тасмалари, дисклар, дискетлар ва бошқа машиналарда бажарилиши мумкин.

Регистрларни шакллантириш тартиби бухгалтерия ҳисоби стандартлари билан белгиланади.

Бухгалтерия ҳисоби регистрларига тасдиқланмаган тузатишларнинг киритилишига йўл қўйилмайди.

11-модда. Активлар ва мажбуриятларни инвентаризация қилиш.

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи маълумотларнинг тўғрилиги ҳамда аниқлиги активлар ва мажбуриятларни, мажбурий суратда инвентаризация қилиш орқали тасдиқланади.

Инвентаризация объектлари, уни ўтказиш тартиби ва муддатлари инвентаризация бўйича бухгалтерия ҳисоби стандартига мувофиқ белгиланади.

12-модда. Активлар ва мажбуриятларни баҳолаш.

Оборот активларни баҳолаш қуйидаги икки баҳонинг энг пасти бўйича баланс тузилаётган санадаги ҳақиқий таннархи бўйича (сотиб олиш нархи ёки ишлаб чиқариш таннархи) ёки бозор баҳоси бўйича (соф сотиш қиймати) амалга оширилади.

Асосий малағлар ва номоддий активлар уларнинг тўлиқ бошланғич қиймати бўйича ҳисобга олинади.

Асосий маблағлар ва номоддий активлар қийматни ҳисобдан чиқариш уларнинг қиймати тўлиқ тўлангунга ёки объект сафдан чиқиб кетгунга қадар бўлган эскиришини (амортизацияни) ҳисоблаш йўли амалга оширилади. Амортизация ажратмалари объект фойдаланишга топширилганидан кейинги ойдан бошлаб амалга ошнрилади. Ернинг қиймати амортизация қилинмайди.

Молиявий қўйилмалар бухгалтерия ҳисоби стандартларига мувофиқ ҳисобга олинади.

Мажбуриятлар тарафларнинг келишувига биноан пул билан акс эттирилади.

Суд қарори бўйича юзага келган мажбуриятлар тегишли суммада акс эттирилади.

Потенциал мажбуриятлар дастлабки ҳақиқий баҳоси бўйича акс эттирилади

Бухгалтерия ҳисоби миллий валюта – сўмда юритилади.

13-модда. Даромадлар ва харажатларни ҳисобга олиш.

Даромадлар ва харажатлар тўланган вақти ва пул келиб тушган санадан қатъий назар, қайси даврга тааллуқли бўлса, ўша ҳисобот даврида акс эттирилади.

14-модда. Хусусий капитални ҳисобга олиш.

Хусусий капитал - устав капитали, қўшилган ва заҳира капиталидан ҳамда тақсимланмаган фойдадан таркиб топади.

Устав капитали таъсис ҳужжатларида белгиланган ҳиссаларнинг (пул ифодасида) йиғиндисидир. Устав капиталига ҳисса шаклида қўшиладиган моддий ва номоддий активлар таъсисчилар келишувига ёки юридик шахс ижроия органининг қарорига кўра баҳоланади ва ҳисобга олинади.

Қўшилган капитал акцияларни номинал кийматидан баланд нархларда дастлабки сотишдан олинадиган эмиссия даромадини акс эттиради.

Заҳира капитали мол-мулкини қайта баҳолаш чоғида ҳосил бўладиган инфляция заҳираларини, шунингдек текинга олинган мол-мулк кийматини акс эттиради.

Тақсимланган фойда фойданинг жамгарилаётганини ифодалайди ва мулкдорларнинг қарорига биноан устав капиталига қўшилиши мумкин.

15-модда. Гаровни ҳисобга олиш.

Ўзининг ёки ўзгаларнинг мажбуриятларини таъминлаш учун гаровга берилган мол-мулк қиймати, шу жумладан пул маблағлари корхона томонидан бошқа активлардан алоҳида ҳисобга олинади.

Гаровга олинган мол-мулк қиймати, гаров сифатида қабул қилиб олинган нул маблағлари ва валюта бойликлари қиймати алоҳида балансдан ташқари ҳисоб варақаларда акс эттирилади.

16-модда. Молиявий ҳисобот.

Молиявий ҳисобот бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида тузилади.

Молиявий ҳисобот қуйидагиларни ўз ичига олади: бухгалтерия баланси;

17-модда. Умумлаштирилган молиявий ҳисобот.

Шўъба корхоналари, филиаллари ва ваколатхоналари бўлган корхоналар умумлаштирилган молиявий ҳисобот тузади.

Шуба корхоналарга қўшилган ҳиссалар бош корхонанинг молиявий ҳисоботида унинг молиявий қўйилмалари сифатида акс эттирилади.

Юридик шахслар ўз филиаллари, ваколатхоналари ва бошқа таркибий бўлинмаларини мустақил балансга ажратишлари мумкин бўлиб, уларнинг балансларини ва бошқа ҳисобот шаклларини ўзларининг умумлаштирилган ҳисоботга киритишлари шарт.

Умумлаштирилган ҳисоботга бош корхона, унинг шўъба корхоналари, *филиаллари ва ваколатхоналарининг молиявий ҳисоботлари илова қилинади.*

Умумлаштирилган ҳисобот бухгалтерия ҳисоби стандартларига мувофиқ тузилади.

Ушбу модданинг талаблари вазирликлар, идоралар ва бюджет ташкилотларининг жамлама молиявий ҳисоботига нисбатан тадбиқ этилмайди.

18-модда. Молиявий ҳисоботнинг ҳисобот даври.

1 январдан 31 декабрга қадар бўлган календарь йил молиявий ҳисоботнинг ҳисобот даври ҳисоботланади.

Янгидан ташкил этилган юридик шахслар учун юридик шахс ҳуқуқи қўлга киритилган санадан ошлаб ўша йилнинг 31 декабрига қадар бўлган давр, юридик шахс ҳисобланмайдиганлар учун эса, улар давлат органларида рўйхати олинган санадан бошлаб биринчи ҳисобот йили деб ҳисобланади.

Агар юридик шахс 1 октябрдан кейин рўйхатга олинган бўлса, биринчи ҳисобот йили кейинги йилнинг 31 декабрида тугайди.

Рўйхатдан ўтишга ёки юридик шахс ҳуқуқини қўлга киритишга қадар амалга оширилган хўжалик операциялари тўғрисидаги маълумотлар биринчи ҳисобот йили молиявий ҳисоботига киритилади.

19-модда. Молиявий ҳисоботни тақдим этиш.

Молиявий ҳисобот қуйидагиларга тақдим этилади: солиқ органларига; таъсис ҳужжатларига мувофиқ мулкдорларга; давлат статистика органларига; қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа органларга. Молия ҳисоботи ҳисобот йили бошидан қўшилиб борувчи жамлама тартибида йилнинг ҳар чорагида тақдим эгилади.

Бюджетдаги муассасалар йил чораги бўйича ва йиллик ҳисоботни юқори органга тақдим этадилар.

Молиявий ҳисоботни тақдим этиш муддатларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бухгалтерия ҳисобининг айрим субъектлари учун молиявий ҳисоботни тақдим этишнинг бошқа муддатларини белгилаши мумкин.

20-модда. Молиявий ҳисоботни эълон қилиш.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг йиллик молиявий ҳисоботи манфаатдор банклар, биржалар, инвесторлар, кредиторлар ва бошқалар учун ошкора ҳисобланади.

Очиқ турдаги акциядорлик жамиятлари, суғурта компаниялари, банклар, фонд ва товар биржалари, инвестиция фондлари ва бошқа молия муассасалари ҳар йили молиявий ҳисоботни уларда кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилигини аудиторлар тасдиқлагач, ҳисобот йили тугаганидан сўнг биринчи майгача эълон қилишлари шарт.

21-модда. Тугатиш вақтида молиявий ҳисобот.

Хўжалик юритувчи субъект тугатилган вақтда якуний молиявий ҳисобот тузилади.

Тугатиш бўйича операцияларни ҳисобга олиш, тугатиш баланси ва ҳисоботни тузиш, активлар қийматини аниқлаш юзасидан жавобгарлик тугатиш комиссияси зиммасига юкланади.

Умидсиз қарзлар ва зарарлар тугатиш балансига киритилмайди.

Мажбурияглар уларни узиш вақтига қадар ҳисобланган, фоизлари билан тугатиш балансида акс эттирилади.

22-модда. Бухгалтерия ахборотининг махфийлиги.

Бухгалтерия ҳисобини юритишда махфийликка риоя қилинади бухгалтерия ҳисоби регистрларининг мазмуни билан танишишга маъмурият рухсати билан ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда йўл қўйилади.

Бухгалтерия ҳисоби регистрлари билан танишишга рухсат этилган шахслар уларнинг махфийлигини сақлашлари шарт. Махфийликни бузганлик қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилишига сабаб бўлади.

23-модда. Бухгалтерия ҳужжатларини сақлаш.

Бухгалтерия ҳужжатлари ва регистрлар, микрофильмлар ёки компьютер ҳисоби молиявий маълумотлари камида уч йил, молиявий ҳисобот эса қонун ҳужжатларида белгиланган муддат мобайнида сақланади.

Бухгалтерия ҳужжатларини олиб қўйиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

24-модда. Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик.

Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти **И. Каримов**

Тошкент шаҳри,
1996 йил 30 август

Илова 2

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ
«Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси
Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, №5-6, 86-модда; 2001 йил, №1-2, 23-модда, №5, 89-модда; 2004 йил, №1-2, 18-модда) ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрири тасдиқлансин (илова қилинади).

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти **И. Каримов**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 26 август

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Фермер хўжалиги тўғрисида
(янги таҳрири)

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади фермер хўжаликларининг ташкил этилиши, фаолияти, қайта ташкил этилиши ва тугатилиши соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Фермер хўжалиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Фермер хўжалиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг фермер хўжалиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартно-ма қоидалари қўлланилади.

3-модда. Фермер хўжалиги

Фермер хўжалиги ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи, мустақил хўжалик юритувчи субъектдир.

4-модда. Фермер хўжалигининг бошлиғи

Фермер хўжалигининг бошлиғи шу хўжаликнинг муассиси - фермердир. Ўн саккиз ёшга тўлган, қишлоқ хўжалигида тегишли малака ёки иш тажрибасига эга бўлган шахс фермер бўлиши мумкин. Бошқа юридик ва жисмоний шахслар билан муносабатларда фермер хўжалиги номидан ана шу хўжалик бошлиғи иш кўради.

II. ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

5-модда. Формер хўжалигини ташкил этиш шартлари

Фермер хўжалиги аксарият ҳолларда ортиқча меҳнат ресурслари бўлмаган ерларда ва худудларда ташкил этилади.

Чорвачилик маҳсулоти етиштиришга ихтисослаштирилган фермер хўжапиги камида 30 шартли бош чорва моли бўлган тақдирда ташкил этилади. Фермер хўжалигига ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами бир шартли бош чорва молга ҳисоблаганда Андижон, Наманган, Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятларидаги суғориладиган ерларда камида 0,3 гектарни, бошқа вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасидаги суғори-ладиган ерларда камида 0,45 гектарни, суғорилмайдиган (лалмикор) ерларда эса камида 2 гектарни ташкил этади.

Деҳқончилик маҳсулоти етиштиришга ихтисослаштирилган фермер хўжаликларига ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами пахтачилик учун 3,1, ғаллачилик учун камида 10 гектарни, боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик ва бошқа экинларни етиштириш учун камида 1 гектарни ташкил этади.

Ер участкалари берилганда фермер хўжалиги ўз зиммасига қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги (уч йил учун ўртача йиллик ҳосил ҳисобида) ернинг кадастр баҳосидан кам бўлмаслигини таъминлаш мажбуриятини олади. Бу мажбурият ер участкасини ижарага олиш шартномасида мустаҳкамлаб қўйилади.

6-модда. Фермер хўжалигини ташкил этиш тартиби

Фермер хўжалиги шу хўжалик бошлиғи томонидан ташкил этилади, у фермер хўжалигига тегишлича алоҳида мол-мулк ажратиб беради ва уставини тасдиқлайди.

Фермер хўжалиги ташкил этиш учун унинг бошлиғи белгиланган тартибда ер участкаси олиши керак.

7-модда. Фермер хўжалигини давлат рўйхатига олиш

Фермер хўжалиги белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган пайтдан эътиборан ташкил этилган деб ҳисобланади. Фермер хўжалиги

ваколатли орган томонидан давлат рўйхатига олинганидан кейин юридик шахс мақомини олади, банк муассасасида ҳисоб-китоб варағи ва бошқа хил ҳисобварақлар очишга, ўз номи ёзилган муҳрга эга бўлишга ҳақли.

Фермер хўжалиги ташкил этишнинг ушбу Қонунда белгиланган тартиби бузилган ёки хўжаликнинг устави қонунга мувофиқ бўлмаган тақдирда фермер хўжалигини давлат рўйхатига олиш рад этилиши мумкин.

Давлат рўйхатига олиш рад этилганлиги, шунингдек рўйхатга олиш муддатларининг бузилганлиги устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

8-модда. Фермер хўжалигининг устави

Фермер хўжалиги устав асосида фаолият кўрсатади. Фермер хўжалигининг намунавий устави Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

9-модда. Фермер хўжалиги уставининг мазмуни

Фермер хўжалигининг уставида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

фермер хўжалигининг номи;

фермер хўжалиги бошлиғининг фамилияси, исми, отасининг исми ва яшаш жойи;

фермер хўжагининг жойлашган ери тўғрисидаги маълумотлар ва почта манзили;

фермер хўжалигининг ихтисослашуви ва фаолиятининг асосий турлари;

устав фондининг миқдори.

Фермер хўжалигининг уставида қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа қоидалар ҳам бўлиши мумкин.

III. ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАР УЧУН ЕР УЧАСТКАРИ БЕРИШ. ЕРДАН ВА СУВДАН ФОЙДАЛАНИШ

10-модда. Фермер хўжаликлари юритиш учун бериладиган ер участкалари

Фермер хўжаликлари юритиш учун ер участкалари:

захира ерлардан;

юридик ва жисмоний шахсларга берилмаган, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан;

қайта ташкил этилаётган ва тугатилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативларининг (ширкат хўжаликларининг) ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ер участкаларидан;

қишлоқ хўжалиги кооперативларининг (ширкат хўжаликларининг) ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ер участкаларидан берилади.

Фермер хўжаликларига қишлоқ хўжалиги кооперативларининг (ширкат хўжаликларининг) ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ер участкаларидан берилган ер участкалари уларнинг балансидан чиқарилади.

Илмий тадқиқот муассасалари, олий ўқув юртлари, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва умумтаълим мактабларининг ерлари, шунингдек сув фонди ерлари фермер хўжаликларига берилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси, катта ва кичик дарёлар, сув ҳавзалари бўйлаб жойлашган ер участкалари фермер хўжалиги юритиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда берилади. Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси бўйлаб беш юз метрли минтақада фаолияти ҳайвонларни (чорва моллар, паррандалар, мўйнали ва бошқа ҳайвонларни, баликлар, асалариларни, ҳайвонот боғлари ҳамда виварий-ларнинг ҳайвонларини ва бошқа жониворларни) кўпайтириш, ўтлатиш ва боқиш билан боғлиқ бўлгаи чорвачилик, паррандачилик ҳамда бошқа йўналишдаги фермер хўжаликларига ер участкалари бериш тақиқланади.

11-модда. Фермер хўжаликлари юритиш учун ер участкалари бериш тартиби

Фермер хўжаликлари юритиш учун ер участкалари танлов асосида ижарага эллик йилгача бўлган, лекин ўттиз йилдан кам бўлмаган муддатга берилади.

Фермер хўжалиги юритиш учун ер участкасини олишда фермер хўжалиги ташкил этилаётган жойда яшовчи шахслар устун ҳуқуқдан фойдаланадилар.

Захира ерлардан ёки юридик ва жисмоний шахсларга берилмаган, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан ер участкалари ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссияси ўтказган танлов якунларига кўра туман ҳокимининг қарорига асосан берилади.

Қайта ташкил этилаётган ва тугатилаётган қишлоқ, хўжалиги кооперативларининг (ширкат хўжаликларининг) ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ер участкалари махсус ташкил этилган комиссия ўтказган танлов якунларига кўра туман ҳоки-мининг қарорига асосан берилади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативларининг (ширкат хўжаликларининг) ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ер участкалари мазкур кооперативнинг (ширкат хўжалигининг) ёки корхона, муассаса, ташкилотнинг аъзоларига (ходимларига) фермер хўжалиги юритиш учун қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) умумий йиғилиши томонидан, бошқа қишлоқ хўжалиги корхонаси, муассасаси ва ташкилотининг ваколатли органи томонидан ўтказилган танлов якунларига кўра туман ҳокимининг қарорига асосан берилиши мумкин.

Туман ҳокимининг фермер хўжалиги юритиш учун ер участкаси бериш тўғрисидаги қарори вилоят ҳокими бошчилик қиладиган ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи вилоят комиссияси томонидан тасдиқланганидан кейин кучга киради.

Қишлоқ хўжалиги кооперативининг (ширкат хўжалигининг) умумий йиғилиши ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги корхонаси, муассасаси ва ташкилотининг ваколатли органи фермер хўжаликларига берилиши лозим бўлган ер участкаларини ижарачини аниқламаган ҳолда белгилаши мумкин. Бундай ҳолда фермер хўжалигига ер участкаси ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган тартибда берилади.

Ер участкасини ижарага олиш шартномаси фермер хўжалигининг бошлиғи ва туман ҳокими томонидан имзоланади.

Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) умумий йиғилишининг, бошқа қишлоқ хўжалиги корхонаси, муассасаси ва ташкилоти ваколатли органининг ҳамда туман хокимининг ер участкаси беришни рад этиш тўғрисидаги қарорлари устидан, шунингдек ер участкалар бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи вилоят комиссиясининг туман ҳокимининг қарорини тасдиқлашни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга ёки бўйсуниш тартибида юқори турувчи органга, мансабдор шахсга шикоят қилиш мумкин.

Фермер хўжалиги юритиш учун ер участкалари олиш ва қишлоқ аҳоли пунктида турар жойи бўлган шахсларнинг томорқа ер участкаси сақланиб қолади.

Фермер хўжалигининг ер участкаси чегаралари натурада (жойнинг ўзида) ер тузиш хизмати органлари томонидан маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан белгиланади.

12-модда. Қишлоқ хўжалиги кооперативлар» (ширкат хўжаликлари) аъзолари томонидан фермер хўжалигини ташкил этиш хусусиятлари

Қишлоқ хўжалиги кооперативларининг (ширкат хўжаликларининг) таркибидан чиқиш ва феомер хўжалигини мустақил юритиш истагини

билдирган аъзолари кооператив (ширкат) уставига биноан ўзларига тегишли мулкий пай қийматини ҳамда даромаддан (фойдадан) улуш олишга ҳақли, улушнинг миқдори кооператив (ширкат) аъзосининг меҳнатдаги иштироки инобатга олинган ҳолда аниқланади. Мазкур шахслар фермер хўжалиги юритиш учун ер участкасини қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) умумий мажлисининг қарорига биноан ушбу Конуининг 11-моддасида белгиланган тартибда ижарага олиш ҳуқуқига эга. Бунда ер участкаси нинг ижарага берилиши қишлоқ хўжалиги кооперативини (ширкат хўжалигини) унинг фаолият кўрсатиши учун зарур ер ресурслари ва асосий ишлаб чиқариш фондларидан маҳрум этиб қўймаслиги лозим.

13-модда. Ердан фойдаланиш

Фермер хўжалигининг ер участкасига эгалик қилиш ҳамда ундан фойдаланиш борасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонун ҳужжатларида белгиланади.

Фермер хўжалигига берилган ер участкаларидан қатъий белгиланган мақсадда фойдаланилади. Улар хусусийлаштирилиши, шунингдвк олди-сотди, гаров, ҳадя, айирбошлаш объекти бўлиши ва иккиламчи ижарага берилиши мумкин эмас.

Ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи кредитлар олишда фермер хўжалиги томонидан гаровга қўйилиши мумкин.

Фермер хўжалигига берилган ер участкаси фермер хўжалиги қайта ташкил этилган тақдирда агар ер участкасининг бўлиниши нати:касида янги ташкил топган ер участкаларининг ўлчами ушбу Қонуннинг 5-моддасида назарда тутилган энг кам ўлчамлардан кам бўлмаса, бўлиниши мумкин.

Ер участкасининг ўлчами ва чегаралари фақат фермер хўжалиги бошлиғининг розилиги билан ўзгартирилиши мумкин.

Фермер хўжалиги бошлиғи вафот этган тақдирда, ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқи қонун ҳужжатларига мувофиқ ижарага олиш шартномасининг амал қилиш муддатига мерос бўйича ўтади.

Ер участкасини ижарага олиш шартномасининг амал қилиш муддати тугаганидан кейин фермер хўжалиги ижарага олиш шартномасини янги муддатга узайтириш ҳуқуқига эга. Фермер хўжалигининг бошлиги вафот эт-ган тақдирда, ижарага олиш шартномасини янги муддатга узайтириш ҳукуқига унинг меросхўри эга бўлади.

Ер участкасини ижарага олиш шартномаси тарафларнинг келишувига биноан, тарафлар келишувга эришмаган тақдирда эса, суд томонидан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

Фермер хўжалиги тугатилган тақдирда, ер участкасини ижарага олиш шартномаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бекор қилиниши лозим.

14-модда. Ер участкасидан фойдаланганлик учун тўланадиган ҳақ

Фермер хўжалигига берилган ер участсидан фойдаланганлик учун ҳақ маҳаллий бюджетга тўланадиган ҳар йилги ижара хақи тариқасида ер участкасининг сифатига, жойлашган ери ва сув билан таъминланганлик даражасига караб, ернинг кадастр баҳосини инобатга олган ҳолда белгиланадиган ягона ер солиғи ставкаси миқдорида ундирилади.

Давлат рўйхатига олинган пайтдан эътиборан икки йил мобайнида фермер хўжалиги ер участкасидан фойдаланганлик учун ҳақ тўлашдан озод этилади.

Фермер хўжалиги тегишли лойиҳада назарда тутилган ерни ўз ҳисобидан ўзлаштираётган даврда ва ер ўзлаштириб булинганидан кейин беш йил давомида ернинг мазкур ўзлаштирилган қисми учун ягона ер солиғи тўлашдан озод қилинади.

15-модда. Сувдан фойдаланиш

Фермер хўжаликлари учун сувдан фойдаланиш лимитлари ваколатли органлар томонидан белгиланади.

IV. ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ, МАЖБУРИЯТЛАРИ ҲАМДА МОЛ-МУЛКИ

16-модда. Фермер хўжалигининг ҳуқуқлари

Фермер хўжалиги қуйидаги ҳуқуқларга эга:

берилган ер участкасида ўз уставида назарда тутилган ихтисослашувга ва ижарага олиш шартномасига мувофиқ фермер хўжалигининг ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиш;

ихтисослашувни ҳисобга олган ҳолда ва тузияган контрактация шартномалари асосида қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштиришни амалга ошириш;

харид қилинадиган маҳсулотга олдиндан хақ тўланадиган фьючерс контрактлари тузиш;

етиштирган маҳсулотини, шу жумладан бу маҳсулотни истеъмолчиларга реализация қилиш ҳуқуқини ўз хоҳишига кўра тасарруф этиш;,

етиштираётган маҳсулоти, бажараётган ишлари ва кўрсатаётган хизматларига нарх белгилаш;

электр энергияси, ёқилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғитлар, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситалари етказиб берилиши, хизматлар кўрсатилиши юзасидан шартномалар тузиш;

тадбиркорлик фаолиятидан қонун хужжатларида белгиланган тартибда солиқ, солинадиган, чекланмаган миқдорда даромад (фойда) олиш;

олган даромадларини (фойдасини), банк муассасасидаги ўзининг ҳисобвараклариде бўлган пул маблағларини тасарруф этиш;

акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар олиш;

кредитлар олиш, бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағларини ҳамда бошқа мол-мулкини шартнома асосида жалб этиш ҳамда уларни ишлаб чиқаришга ва такрор ишлаб чиқаришга йўналтириш;

кредитлар олиш учун ўз мол-мулкини, шунингдек ер участкасини ижарага олиш хукукини гаровга қўйиш;

кичик ҳамда хусусий корхоналар учун берилган имтиёзлар ва преференцияларнинг барча турларидан фойдаланиш;

зарур асбоб-ускуналар, ишлаб чиқариш воситалари ҳамда бошқа мол-мулкни олиш, ижарага олиш, бинолар ва иншоотлар қуриш ҳамда уларни таъмирлаш;

ўз хукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат этиш.

Фермер хўжалиги қонун хужжатларига мувофиқ бошқа хукуқларга хам эга бўлиши мумкин.

17-модда. Фермер хўжалигининг мажбуриятлари

Фермер хўжалиги:

ер участкасидан қонун хужжатларида ва ижарага олиш шартномасида кўрсатилган шартлар асосида, белгиланган мақсадда, самарали ва оқилона фойдаланилишини таъминлаши;

экологик талабларга ва атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг бошқа қоидаларига риоя этиши;

ер участкасининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, унинг унумдорлигини сақлаб қолиш ва ошириш тадбир-чораларини кўриши, бизнес-режада шу мақсад учун маблағлар ажратилишини назарда тутиши;

агар ижарага олиш шартномасида бошқа муддат белгиланган бўлмаса, ер участкаси берилган вақтдан эътиборан бир йил ичида ундан фойдаланишга киришиши;

тузилган контрактация шартномаларига мувофиқ давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги махсулоти назарда тутилган ҳажмларда еказиб берилишини таъминлаши;

ғўза ва дон экинларини навлар бўйича жойлаштиришнинг белгиланган талабларига риоя этиши;

сув ресурсларидан сувдан лимит бўйича фойдаланиш тўғрисидаги шартномага мувофиқ фойдаланиши;

хўжалик ичидаги мелиоратив тармоқни тозалаб ва таъмирлаб туриши;

ер участкасини сақлаш шартларига ва сервитутларга риоя этиши;

ўз ходимлари учун хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаши;

солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз вақтида тўлаши;

қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиришда агротехника талабларига риоя этиши;

қишлоқ хўжалиги ўсимликларининг зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан муҳофаза қилинишини таъминлаши шарт.

Фермер хўжалиги зиммасида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа, мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

18-модда. Фермер хўжалигининг устав фонди

Фермер хўжалигининг устав фонди фермер хўжалиги бошлиғи томонидан белгиланади.

Пул, қимматли қоғозлар, бинолар, иншоотлар, бошқа мол-мулк ёки пул билан баҳоланадиган мулкий ҳуқуқлар фермер хўжалигининг устав фондига қўшиладиган ҳисса бўлиши мумкин.

Агар фермер хўжалигининг устав фонди шакллантирилаётганда фермер хўжалигининг бошлиғи ўз оила аъзоларининг умумий (улушли ёки биргаликдаги) мулки ҳисобланган мол-мулкни фермер хўжалигига топшираётган бўлса, ушбу мол-мулкнинг барча мулкдорларидан нотариал тасдиқланган розилик олиш талаб этилади.

Фермер хўжалигининг устав фондини кўпайтириш ва камайтириш фермер хўжалиги бошлиғининг қарорига кўра фермер хўжалиги уставига ўзгартишлар киритиш йўли билан амалга оширилади.

19-модда. Фермер хўжалигининг мулк ҳуқуқи

Фермер хўжалигининг мулк ҳуқуқи давлат ҳимоясидадир.

Бинолар, иншоотлар, қишлоқ хўжалиги экинзорлари ва кўчатзорлари, дов-дарахтлар, чорва моллар, паррандаларга, етиштиргаи маҳсулотига, қишлоқ хўжалик техникаси, инвентарь, асбоб-ускуналар, транспорт восита-лари, пул маблағлари, интеллектуал мулк объектларига, шунингдек фермер хўжалигининг балансидаги бошқа мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқи фермер хўжалигига қарашлидир.

Фермер хўжалиги бошлиғининг пул ва моддий маблағлари, товарларни реализация қилишдан (ишлар бажаришдан, хизматлар кўрсатишдан) олинган даромадлар (фойда), қимматли қоғозлардан

келган даромадлар, қонунларда тақиқланмаган бошқа манбалар фермер хўжалигининг мол-мулкини шакллантириш манбалари бўлиши мумкин.

Фермер хўжалиги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мол-мулкни яратиш, кўпайтириш, олиш, ижарага ёки вақтинча фойдаланишга олиш ҳуқуқига эга.

20-модда. Фермер хўжалигининг маблағлари ва ҳисоб-китоблари

Фермер хўжалиги пул муомаласини юритиш ҳамда пул маблағларини сақлаб туриш учун банк муассасасида ҳисобварақлар очиш ва бу маблағларни эркин тасарруф этиш ҳуқуқига эга. Фермер хўжалигининг ҳисоб-китоб варағидан мабларларни фақат фермер хўжалиги бошлиғининг розилиги билан ёки суднинг қарорига биноан ҳисобдан чиқариш мумкин.

21-модда. Фермер хўжалигининг мол-мулкини мерос қилиб қолдириш

Фермер хўжалигининг мол-мулки қонун ҳужжатларига мувофиқ мерос қилиб қолдирилади. Хўжаликда фаолиятни давом эттираётган меросхўрлар меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома берилганлиги учун даалат божи тўлашдан озод этиладилар.

V. ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ ФАОЛИЯТИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ

22-модда. Фермер хўжалигининг ишлаб чиқариш фаолияти

Фермер хўжалиги ўз уставида ва ер участкасини ижарага олиш шартномасида назарда тутилган ихтисослашувга мувофиқ фаолияти йўналишларини, ишлаб чиқариш тузилмаси ва ҳажмларини мустақил равишда белгилайди. Фермер хўжалиги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг қонунларда тақиқланмаган ҳар қандай тури билан, шунингдек қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш ва реализация қилиш билан шуғулланишга ҳақли.

Фермер хўжалиги ўзи етиштираётган маҳсулот сифатига оид нормативлар ва стандартларга, экологияга, санитарияга таалуқли ҳамда қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган бошқа талаблар ва қоидаларга риоя этиши шарт.

Фермер хўжаликларининг хўжалик фаолиятига давлат органлари. ҳамда бошқа органлар ва ташкилотлар, шунингдек уларнинг мансабдор шахслари аралашувига йўл қўйилмайди.

Давлат органлари ҳамда бошқа органлар ва ташкилотларнинг ғайриқонуний қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ва фуқароларнинг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида

фермер хўжалигига етказилган зарарлар, шу жумладан бой берилган фойда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланади.

Фермер хўжалиги ташқи иқтисодий фаолиятни белгиланган тартибда амалга оширади.

23-модда. Фермер хўжалигидаги меҳнат

Фермер хўжалиги (иш берувчи) ва унинг ходимлари ўртасидаги меҳнатга оид муносабатлар қонун ҳужжатларига мувофиқ меҳнат шартномаси (контракти) билан тартибга солинади.

Фермер хўжалигидаги иш тартиби хўжалик бошлиғи томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади. Фермер хўжалиги ходимларининг меҳнат фаолияти ҳисобини олиб бориш хўжалик бошлиғи томонидан ташкил этилади.

Фермер хўжалиги ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тарафларнинг келишувига кўра пул ҳамда натура тарзида, қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақидан оз бўлмаган миқдорда белгиланади.

Фермер хўжалигининг бошлиғи ва ходимлари давлат ижтимоий суғуртасидан ўтказилади. Уларга давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар ва пенсиялар тайинлаш ҳамда тўлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шарглар асосида амалга оширилади.

24-модда. Маҳсулотни фермер хўжалиги томонидан реализация қилиш тартиби

Фермер хўжалиги ўзи етиштираётган маҳсулотни реализация қилиш, шу жумладан давлат эҳтиёжлари учун реализация қилиш мақсадида юридик ва жисмоний шахслар билан хўжалик шартномалари тузиш ҳуқуқига эга. Шартнома мажбуриятлари бузилган тақдирда тарафлар қонун ҳужжатларида ёки шартномада белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Фермер хўжалиги етиштираётган маҳсулотнинг экспортга етказиб берилиши қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

25-модда. Фермер хўжаликларининг биргаликдаги фаолияти

Фермер хўжаликлари ихтиёрийлик асосида бирлашиши, маҳсулот етиштириш, харид қилиш, уни қайта ишлаш ва сотиш, моддий-техника таъминоти, қурилиш, техникавий, сув(хўжалиги, ветеринария, агрокимё, маслаҳат бериш йўсинидаги ва бошқа хил хизматлар кўрсатиш бўйича уюшмалар ҳамда бошқа бирлашмаларга кириши мумкин.

26-модда. Фермер хўжалигини кредитлаш ва суғурталаш)

Фермер хўжалигини ишлаб чиқариш аҳамиятига молик объектлар қурилиши, асосий ишлаб чиқариш воситаларини олиш учун узоқ муддатли кредитлаш ҳамда унинг жорий ишлаб чиқариш фаолиятини

қисқа муддатли кредитлаш кредит шартномаси асосида амалга оширилади.

Фермер хўжалигини имтиёзли кредитлаш қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Фермер хўжалиги ўзига қарашли ва ижарага олинган ишлаб чиқариш воситаларининг, қишлоқ хўжалиги экинзорлари ва кўчатзорларининг, кўп йиллик дов-дарахтларнинг, етиштирган маҳсулотининг, хом ашёнинг, материалларнинг йўқотилиши (нобуд бўлиши), кам чиқиши ёки шикастланиши хавфини, тадбиркорлик хавфини, шунингдек шартномаларни бузганлик учун ўзининг жавобгарлик хавфини ихтиёрийлик асосида суғурта қилдиради ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартлар асосида суғурта товони (суғурта суммаси) олади.

27-модда. Фермер хўжалигига солиқ солиш

Қонун хужжатларига мувофиқ фермер хўжалиги Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармаларига солиқлар, йиғимлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар тўлайди. Фермер хўжалигининг фойдаси солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин фермер хўжалиги бошлиғининг тасарруфига ўтади аа унга солиқ солинмайди.

28-модда. Фермер хўжалиги фаолиятининг натижаларини ҳисобга олиш

Фермер хўжалиги ўз фаолиятининг натижаларини ҳисобга олиб боради ҳамда маҳаллий статистика ва солиқ органларига белгиланган тартибда ҳисобот тақдим этади.

VI. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

29-модда. Фермер хўжаликларини давлат йўли билан ва бошқа тарзда қўллаб-қувватлаш

Давлат фермер хўжаликларининг ҳуқуқларига риоя этилишини ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини кафолатлайди.

Давлат органлари фермер хўжаликларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга кўмаклашишлари шарт.

Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, шаҳарча, қишлоқ ва овул фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда:

ишлаб чиқариш ва ижтимоий-маиший аҳамиятга молик объектлари бўлмаган ҳудудда фермер хўжаликлари ташкил этилганида мазкур ҳудудни бирламчи ободонлаштиришни (йўллар, электр узатиш ва алоқа линиялари қуришни, сув билан таъминлашни, газлаштиришни,

телефонлаштиришни, радиолаштиришни, ер тузишни, ерларни мелиорациялашни) амалга оширадилар;

ишлаб чиқариш объектлари ва турар жойларни барпо этишда фермер хўжаликларига ёрдам кўрсатадилар:

қишлоқ хўжалик экинларининг навли уруғлик ҳамда кўчатлари, органик ва минерал ўғитлар, қишлоқ хўжалик ўсимликларини зараркунандалардан, касалликлар ҳамда бегона ўтлардан ҳимоя қилиш воситалари етказиб бериш юзасидан давлат агротехника хизмати кўрсатиш тизими орқали хизматлар, шунингдек техникавий хизмат кўрсатадилар:

қишлоқ хўжалиги техникаси, асбоб-ускуналар ва инвентарларни лизинг асосида сотиб олишга кумаклашадилар;

зотдор чорва моллар ва паррандалар, шунингдек омихта ем сотиб олишда кўмаклашадилар;

фермер хўжаликларининг чорва молларига зооветеринария хизмати кўрсатилиши учун зарур шароитлар яратиб берадилар;

фермер хўжаликларида етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотини тайёрлаш ва реализация қилишда кўмаклашадилар;

ноқишлоқ хўжалик йўналишидаги ишлаб чиқаришларни ташкил этаётган фермерларни рағбатлантирадилар;

консалтинг, ахборот йўсинидаги ва бошқа хил хизматлар кўрсатадилар.

Хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган қўллаб-кувватлашнинг бошқа шакллари фермер хўжаликларига ҳам татбик этилади.

30-модда. Фермер хўжалиги фаолиятини текшириш чекланганлиги

Фермер хўжалиги фаолиятини текшириш, давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот реализация қилиш шартнома мажбуриятлари бажарилмаган ёки ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлигига далиллар бўлган, шунингдек ягона ер солиғи ўз вақтида тўланмаган ҳолларда, ижарага олиш шартномасига мувофиқ ижарага берилган ер участкасидан фақат белгиланган мақсадда ва оқилона фойдаланиш масалалари бўйича, белгиланган тартибда амалга оширилади.

31-модда. Фермер хўжалигини қайта ташкил этиш

Фермер хўжалигини қайта ташкил этиш (қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга ошири.

32-модда. Фермер хўжалигини тугатиш асослари

Фермер хўжалиги куйидаги ҳолларда тугатилади:

ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқидан ихтиёрий воз кечилганида;

фермер хўжалиги банкрот деб топилганда, шу жумладан моддий-техника ресурслари етказиб берувчилар, иш бажарувчилар ва хизмат кўрсатувчилар билан ҳисоб-китоб мунтазам равишда амалга оширилмаганида;

фермер хўжалигининг бошлиғи вафот этиб, хўжалик фаолиятини давом эттиришни хоҳловчи меросхўр бўлмаса;

давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ёки ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун, шу жумладан фермер хўжалиги ер участкасидан белгиланган мақсадда фойдаланмаганида, хусусан контрактация шартномасида назарда тутилмаган қишлоқ хўжалиги экинларини экканида ер участкасини олиб қўйиш зарурати бўлган тақдирда, ер участкасини ижарага олиш шартномаси белгиланган тартибда бекор қилинса.

33-модда. Фермер хўжалигини тугатиш тартиби

Фермер хўжалиги:

фермер хўжалиги бошлиғининг қарорига биноан;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда суднинг қарорига биноан тугатилади.

Фермер хўжалигини тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

34-модда. Низоларни ҳал этиш

Фермер хўжаликларининг ташкил этилиши, фаолияти, қайта ташкил этилиши ва тугатилиши соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларига мувофиқ хал этилади.

35-модда. Фермер хўжалигининг мажбуриятлари бўйича жавобгарлик

Фермер хўжалиги ўз мажбуриятлари бўйича, шу жумладан тузилган контрактация шартномаларига мувофиқ давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги махсулрти назарда тутилган ҳажмларда етказиб берилишини таъминлаш бўйича, шунингдек моддий-техника ресурслари етказиб берилганлиги ва хизматлар кўрсатилганлиги учун ўз вақтида ҳақ тўлаш бўйича қонунларга мувофиқ ундирув қаратилиши мумкин бўлган ўз мол-мулки билан жавоб беради.

Фермер хўжалигининг бошлиғи фермер хўжалигининг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда фермер хўжалигининг мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли мол-мулк билан қонун ҳужжатларига мувофиқ субсидиар жавобгар бўлади.

Ходимнинг меҳнат мажбуриятларини бажариши муносабати билан унинг ҳаёти ва соғлигига етказилган зарар учун жавобгар қайта ташкил этилаётган ёки тугатилаётган фермер хўжалигида маблағ бўлмаган ёхуд

етарли бўлмаган тақдирда, ундирилиши лозим бўлган суммалар қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда давлат томонидан тўланади.

36-модда. Фермер хўжалиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Фермер хўжалиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг
ҚАРОРИ
Янги таҳрирдаги
«Фермер хўжалиги тўғисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Янги таҳрирдаги «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати (Ш.Мирзиёев) ўз қарорларини янги таҳрирдаги «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирсин, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ҳамда бекор қилишларини таъминласин.

Ўзбекистон Реслубликаси Олий Мажлисининг Раиси **Э. Халилов**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 26 август

Илова 3

«Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари (андозалар)» рўйхати ва улар бўйича айрим фикрлар

Ўзбекистон Республикаси сиёсий мустақилликни қўлга киритгач, бозорли иқтисодиётга ўтиш даврида барча соҳадаги туб ислоҳотлар сингари уларнинг таркибий қисми соҳасида туб ислоҳотлар БҲМС № кетма кетлик, узлуксиз ўтказиб келинмоқда. Бунда юқорида илова қилинган «бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун», Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 5 феврал 1999 йилдаги №54 сон қарори билан тасдиқланган, ҳамда 23 декабр 2003 йилдаги № 567 сонли қарори билан транспорт корхоналарига талуқли ўзгаришлари билан «Маҳсулот (иш ва хизматлар)ни ишлаб чиқариш харажатлар таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби ҳақидаги низом» меъёрий ҳужжатларидан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тайёрланиб, Юстиция вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиб, жорий қилинган бухгалтерия ҳисобини юритиш қоидалри сифатида «Ўзбекистон Республикаси Миллий бухгалтер ҳисобининг андозалари (стандартлари)» ҳаётга шиддат билан жорий қилинмоқда, улар сони 21 тадан иборат, жумладан:

БҲМС №1- корхонанинг ҳисоби ва молиявий ҳисобот бўлиб, у корхона бухгалтери томонидан ҳар йили, чиққан меъёрий ҳужжатлардаги ўзгаришларни эътиборга олиб, янгиланиб хўжалик субъектининг юқори ташкилоти, ёки раҳбари томонидан тасдиқланиб, ички меъёрий хужжат сифатида тан олинади, кучга киритилиб ишлатилади. Фикримизча унинг мақсади, қамраб олиш объектлари, ишланиш услубларига етарли даражада мукаммалик, оддийлик, тушунарли бўлиши жиҳатидан такомиллаштиришга муҳтождир;

БҲМС №2- «Асосий хўжалик фаолиятидан олинган даромадлар» деб номланади. Бунда корхона даромадлари, фойда тушунмаларига аниқлик борасида услубий тушунчаларни эътиборга олишда устав, юқоридаги низом талабларига мослаштиришни тақозо этади;

БҲМС №3 – «Молиявий натижалар тўғриси» бўлиб, унда айрим тушунчалар иқтисодий ва тадбиркорлик соҳасида такомиллаштиришни тақозо қилади; БҲМС №4 – «Товар-Моддий заҳиралар» бўлиб, унда ҳам, бу манбаларни баҳолаш, ҳисобга олиб бориш қоидалари жиҳатидан техник услубий жиҳатидан фикримизча қайта ишлашни талаб қилади деб ўйлаймиз;

БҲМС№5 – «Асосий воситаларни ҳисобга олиш» аталиб, бунда ҳам айрим ҳисоблаш қоидаларини такомиллаштирилиши лозим, айниқса

жорий бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботлар янада мослаштиришни тақазо қилади;

БҲМС№6 – «Лизинг ҳисоби» деб аталиб, унда барча турлардаги лизинг хўжалик операцияларини бугунги кунда амалиётда қўлланилаётган турларини тўла киритишни талаб қилади деб фикр қиламиз;

БҲМС№7 – «Номодий активлар ҳисоби» деб номланиб, уларни таркибий қисм тушунчалар мақсадли фойдаланишга қараб ёритиш лозим бўлади;

БҲМС №8 – «Консолидаллашган молия ҳисоботлари» аталиб, унда ҳам шўъба корхоналарининг молиявий ҳисоботлар йиғма эмас, балки иқтисодий мазмунлари нуқтаи иазаридан аниқ ёритишни тақозо қилади деб ўйлаймиз;

БҲМС №9 – «Пул оқими ҳисоботи» унда барча корхонанинг хазинаси, ҳисоб рақам счётига келиб тушадиган нақд пул, нақд пулсиз киримлар, валюта ифодасидаги тушумларни акс эттириш қоидалари кўрсатилган;

БҲМС№10 – «Давлат субсидиялари ҳисоби ва давлат ёрдами ҳисобига олиш» бунда ҳам бу соҳадаги хўжалик операцияларини изоҳлаш муаммоларини акс эттириш қоидалари кўрсатиб берилган;

БҲМС №11 – «Илмий тадқиқот конструкторлик илғор тажрибаларининг ҳисоби» бўлиб илм ан техника ютуқларининг аҳамиятининг кундан кунга ошиб бораётганлиги бўйича хўжалик операцияларини аниқ акс эттиришни кўзда тутилади;

БҲМС №12 – «Молиявий инвестициялар ҳисоби» бунда корхоналарнинг узоқ ва қисқа муддатли сармояларни ҳисобга олиш кўзда тутилади; БҲМС №16 – «Бухгалтерия баланси» деб номланиб аввало корхонанинг ўз маблағлари, қарзга олинган маблағлар акс эттирилган бўлиб, фикримизча энг кейинги БҲМС№21 нинг бўлим мазмунига мослаштириш лозим бўлади, деб ўйлаймиз;

БҲМС №17 – «Капитал қурилиш бўйича пудрат шартномалари» деб номланиб, унда асосий ҳисобга олиш қоидалари эътиборга олинган, фикримизча халқ хўжалик тармоқларида турлича мулк шаклларига асосланган корхоналарнинг вужудга келиши, айниқса хусусий мулкчиликка асосланган мулкдорлар синфини шакллантириш борасидаги республикамиздаги стратегик йўналиш бўлиб ҳисобланаётган бир пайтда бозор муносабатларда қонуний статусга эга бўлган ҳужжат сифатида тан олинаётганлигини эътиборга олиб, уни доимий ва узлуксиз такомиллаштириш зарурияти келиб чиқмоқда;

БҲМС №19 – «Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш тартиб қоидалари» акс эттирилиб бориши кўзда тутилади, шу жиҳатидан олганда бухгалтерия ҳисобида мулк реаллигини ифода қилишни кўзда тутиб, редакция, қайд қилиш борасидаги хўжалик вазиятларини кўпроқ ҳисобга олиш лозим бўлади;

БҲМС №20 – «Кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан соддалаштирилган ҳисоб юритиш ва ҳисоботлар тузиш тартиби» деб номланиб, унда кичик ва хусусий бизнес корхоналарида, счётлар тизими, уларнинг ҳар бирига тайинланган, Республика Молия вазирлиги тавсия қилинган регистрларнинг шакллари аниқ кўрсатиб берилган. Бунда меъёрий ҳужжатлар, корхона ҳисоб счёти талабларига мос, бугунги кунда истиқболли тормоғида актив фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларини киритишни лозим деб топамиз;

БҲМС №21 – «Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик ишлаб чиқариш фаолиятларини бухгалтерия счётлар режаси» деб аталади. Бунда туб ислоҳотларнинг таркибий қисми бўлган таркибий бухгалтерия ҳисобида акс эттириш нуқтаи назаридан, счётларга тайинланган регистрлар ҳам ўз ифодасини топса маъқул бўлур эди.

Умуман хулоса қиладиган бўлсак, ушбу санаб ўтилган бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари қоида сифатида қараладиган бўлса, мақсад, вазифалари қамраб оладиган объектлари аниқ акс эттиришини талаб қилади.

Фикримизча Республикамизда бухгалтерия ҳисобининг жаҳондаги ҳисоб тизимига мос равишда «тамоиллари» алоҳида бита стандарт қилиб ҳод берилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўз-ўзини текшириш саволлари:

1. Фермер хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби қайси меъёрий ҳужжатларга мувофиқ ташкил қилинади;
2. Ички меъёрий ҳужжатлар: ишчи счётлар режаси, ҳужжатлар айланиш режаси ва бошқалар нима учун зарур;
3. Сармоя қайтими ва уларнинг айланиш тезлиги самарадорлик нималардан иборат, улар бухгалтерия ҳисобида қандай акс эттирилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида», Тошкент, 1995 й.

2. Каримов И.А. «Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура». Тошкент, 1993 й.

3. «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонун. «Халқ сўзи» газетаси. 1996 йил 1 сентябр.

4. «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги қонун. «Ўзбекистон янги қонунлари. «Адолат», 4-қисм, 1993 й.

5. «Корхоналар тўғрисида»ги қонун. «Ўзбекистон янги қонунлари. «Адолат», 2-қисм, 1991 й.

6. Новый план счётов бухгалтерского учета по состоянию на 20.09.96 года. М. 1996 г.

7. «*Положение затрат и финансовых результатов*». Ташкент, 1996 г.

8. Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси биринчи чақириқ олтинчи сессияси материаллари. «Халқ сўзи» газетаси, 1996 йил 30 август.

9. ЎзР Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган «Корхонанинг молия-хўжалик фаолияти, бухгалтерия ҳисоби, счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома». Тошкент, 1995 й.

10. Национальные стандарты бухгалтерского учёта в Республики Узбекистан. выпуск-2, Ташкент, 2000 г.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот (иш ва хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шаклланиши тартиби тўғрисида низом».

12. Белов Н.Г., Кастоянова В.И. «Бухгалтерский учёт на сельсохозяйственных предприятий». М. 1985 г.

13. «Бухгалтерский учёт». Минск, 1996 г.

14. Акрамов Э. «Анализ финансового состояния предприятия». ТашГЭУ, 2000 г.

15. Воҳидов С. «Халқ хўжалиги тармоқларида бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари». Тошкент, 1998 й.

16. Джуманов А. «АПК: учёт производственных затрат в условиях агропромышленной интеграции». Ташкент, 1986 г.

17. Каримов Ф., Исломов А., Аблоқулов А. «Бухгалтерия ҳисоби». Тошкент, 2004 й.

18. Жуманов О. «Бошқарув ҳисоби: ривожланган мамлакатлар тажрибаси». Тошкент, 2001 й.

19. Ибрагимов А. и др. «Развитие бухгалтерского учета в Узбекистане». Ж. «Бухгалтерский учет». № 17.

20. Козлова Е.П., Парашутин Н.В. «Бухгалтерский учет». М., 1996 г.

21. Жўраев А.М. «Фермерлик фаолиятининг ҳуқуқий ва молиявий асослари». Тошкент, 2005 й.

22. Линнакс Э. «Финансовый учет акционерных обществ». М., 1996 г.
23. Машарипов Э., Машарипова Н. «Бошқарув ва ишлаб чиқариш ҳисоби». Тошкент, 2001 й.
24. Медведев А.Н. «Как избежать бухгалтерских ошибок». М., 1996 г.
25. Очилов И., Қурбонбоев Ж. «Молиявий ҳисобот-2». Тошкент, 2004 й.
26. Пардаев А. «Управленческий учет». М., 1997 г.
27. Пизенгольц М.З., Варова А.Б. «Бухгалтерский учет в сельском хозяйстве». М., 1987 г.
28. Ражабов Р., Дўстмуродов Р. «Қишлоқ хўжалик корхоналарида бухгалтерия ҳисоби». Нукус, 1995 й.
29. Санаев Н.С. «АСК корхоналарида ҳисобчи-иқтисодчи ходимларнинг меҳнатини ташкил қилиш, қўшма корхоналар ва деҳқон хўжаликларида бухгалтерия ҳисоби». 1991 й.
30. Санаев Н.С. «Ягона бухгалтерия счётлари режаси ва уни қўлланилиши». Тошкент, 1995 й.
31. Санаев Н.С. «Қишлоқ хўжалигида бухгалтерия ҳисоби, назорат ва молиялаштиришнинг долзарб масалалари» Тошкент, 1991 й.
32. Сатторов А. ва бошқ. «Бухгалтерияда меҳнатни ташкил қилиш».
33. Сотиболдиев А. «Қишлоқ хўжалигида бухгалтерия ҳисоби». Тошкент, 1991.
34. Ҳасанов Б.А. «Бошқарув ҳисоби: назария ва услубиёт». Т. 2003.
35. Санаев Н., Абдусаломов Х. «Фермер хўжаликларида иш ва ҳисоб-китоб юритиш». Т., Шарқ.
36. Санаев Н.С., Кудратов Б.К., Фомина В.В., Санаев Г.Н. «Ишбилармон ва тадбиркорларга бухгалтерия ҳисоби, бизнес-режа, солиқ бўйича қўлланма» Самарқанд, 1998 й.
37. «Қишлоқ хўжалик корхоналарида янги счётлар режасига (БХМА-21) ўтиш бўйича услубий кўрсатма». Тошкент молия институти. Т., 2003.
38. План счётов (Новая редакция). Т., 2003
39. Хасанов Б.А., Ҳошимов А.А. «Бошқарув ҳисоби». Т., 2005.
40. Уразов К.Б. «Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида бухгалтерия ҳисобининг концептуал масалалари». Т., «Фан», 2005.
41. Бобожонов О., Жуманиёзов К. «Бошқарув ҳисоби» Т., 2005.

Мундарижа

Кириш 3
Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Фармони «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини
ривожлантириш концепцияси тўғрисида» 9
Фермер хўжаликларда бухгалтерия ҳисобини ташкил
этишнинг асосий йўналишлари 13
Фермер хўжаликларида пул маблағлари ва
қимматли қоғозлар ҳисоби..... 36
Ҳисоб-китоб ва кредит операцияларнинг учёти..... 43
Фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш заҳиралари ва тайёр
маҳсулотлар ҳисоби..... 77
Фермер хўжаликларда асосий воситаларни, номоддий
активларни учётга олишнинг хос хусусиятлари. Счёт № 0100... 86
Ўрнатиладиган асбоб – ускуналар ва капитал қўйилмаларнинг
узоқ муддатли, чиқимлар бўйича кечиктирилган дебитор
қарзлар 132
Меҳнат сарфи ва унга ҳақ тўлашнинг ҳисоби 138
Фермер хўжаликларида ишлаб чиқаришни бошқариш
ва ташкил этиш харажатлар ҳисоби 141
Ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини
калькуляция қилиш..... 145
Фермер хўжаликларда маҳсулотларни сотиш
операцияларининг ҳисоби 157
Фондлар, резервлар ва молиявий натижалар учёти..... 164
Бухгалтерия ҳисоботлари 173
Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Бухгалтерия ҳисоби
тўғрисида. 180
Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Фермер хўжалиги
тўғрисида (янги таҳрири) 187
Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий
стандартлари (андозалар)» рўйхати ва улар бўйича
айрим фикрлар..... 202
Фойдаланилган адабиётлар..... 205

Муаллифлар:

Нурилла Санаев – иқтисод фанлари доктори, профессор

АбдуллаТўлаев – СамҚХИ ўқитувчиси

Ҳайитмурод Тилавов – СамҚХИ ўқитувчиси

Ғолиб Санаев – СамҚХИ ўқитувчиси

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

(кичик ва хусусий бизнес корхоналари)

ДАРСЛИК

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти

Муҳаррир А.Фармонов
Рассом: А.Николаев
Техник муҳаррир: П.Низамов

Теришга берилди 10.04.2006 йил. Босишга рухсат этилди 24.04.2006 йил
Бичими А3 ¼ . Таймс гарнитураси. Офсет босма.
Нашриёт ҳисоб табоғи 10,0. Шартли босма табоғи 8,2.
Буюртма № 12/9. Баҳоси келишилган нархда

Оригинал-макет «Н.Доба» ХТ томонидан тайёрланди ва чоп этилди
Самарқанд шаҳри, Фарход кўчаси-4